

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АЛИЕВ ИСЛАМБЕК ТУРСИНБАЕВИЧ

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

(Ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 37:159.9

КБК 74.00+88

A49

A49 Алиев И.Т. Психология ва педагогика. Ўқув қўлланма /– Т.: «Fan va texnologiya», 2012. – 254 б.

Ўқув қўлланмада педагогика ва психология соҳасидаги долзарб муаммолар ёритилган. Ўқув қўлланмада шахс, гуруҳ психологияси, инсонлар фаолияти ва хулқ-атвори, шахсга ва гуруҳга таъсир этувчи омиллар, таълим ва тарбия жараёнининг замонавий ҳолатига алоҳида эътибор қаратилган.

Ундан техник олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар, магистрантлар ва ушбу таълим муассасаларида «Педагогика, психология» ўқув предметини ўқитадиган профессор-ўқитувчилар ҳамда малакасини ошириш курси тингловчилари фойдаланишлари мумкин.

* * *

В данном учебном пособии раскрыты актуальные вопросы педагогики и психологии. Особое внимание уделено таким понятиям как личность, психология группы, психология управления, деятельность и поведение людей, факторы, влияющие на личность и группу, современное состояние учебного и воспитательного процесса.

Учебное пособие предназначено для студентов и магистрантов педагогических специальностей, преподавателям, читающим курс «Педагогика и психология», слушателям системы повышения квалификации работников образования, а также всем, интересующимся вопросами современной педагогики и психологии.

* * *

This Work-Book is dedicated to live issues of Paedagogy and Psychology. Special attention is given to such concepts as personality, group psychology, psychology of management, people's activity and behavior, factors affecting a personality and group, state of the art of academic and pedagogic activity.

The Work-Book is meant for students and magistrands of pedagogic specialties, lecturers holding a course in «Paedagogy and Psychology», retrainees of professional development system for educators and also for all who are interesting in issues of Modern Paedagogy and Psychology.

Такризчилар:

Н.Н. Азизходжаева –педагогика фанлари доктори, профессор;

А.П. Сулаймонов –педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим

Ушбу ўқув қўлланма ТАҚИ илмий-услубий Кенгаши қарори асосида нашр этилди.

ISBN 978-9943-10-

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012

*Ушбу китобни ҳаётимнинг йўлчи-
юлдузлари бўлган бувим ва дадамнинг
ёрқин хотирасига бағишлайман.*

СЎЗ БОШИ

Педагогика ва психология кўпқиррали ва ўзига хос ҳодиса ва жараёнларни ўрганадиган фанлардир.

Педагогика ва психология фанлари қадимий, қизиқ, мураккаб ва инсоният учун муҳим фанлар ҳисобланади. Инсоният ўз тарихи, келиб чиқиши, биологик табиати, тили ва урф-одатларини ўрганади ва бу билимларни эгаллашда психология алоҳида ўрин тутadi.

Атроф оламдаги энг қизиқарли ҳодиса – бу ўзимиздир. Қадимги юнон файласуфи Сократнинг икки минг йил аввал айтган «ўз-ўзингни бил» гапи замонавий инсон учун ҳам чуқур маънога эга. Ҳозирги замонда ишлаб чиқариш, фан, тиббиёт, санъат, архитектура, таълим ва бошқа соҳаларда турли фаолият турларини самарали амалга ошириш инсон ривожланиши, унинг имкониятлари, ижтимоий шаклланиши, ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларининг психологик қонуниятларини билишга бевоситиа боғлиқдир.

Инсонни кўп фанлар ўрганади. Инсон ҳар хил фанлар комплекс ўрганишининг объектидир. Ҳар бир фан ўзининг муаммолар доирасига эга бўлиб, бошқа фанлардан ўз предметининг хусусиятлари билан фарқ қилади.

Психология фанининг предмети – психика, педагогиканинг предмети эса – тарбия жараёнидир.

Психология инсоннинг психик жараёнлари, психик хусусиятлари, психик тузилмалари ва психик ҳолатларини ўрганадиган фандир.

Педагогика эса таълим ва тарбия муаммолари билан шуғулланади. Педагогикада таълим ва тарбия қонуниятлари, тамойиллари, шакллари, усул ва воситалари ўрганилади ва замонавий таълим тизимига татбиқ этилади.

Педагогика ва психология фанлари ўзаро бир-бирига боғлиқдир. Масалан, архитекторларни тайёрлашда уларнинг қандай ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак, санъат асарлари воситасида шахсни тарбиялаш каби саволларга жавоб бериш учун психологияга мурожаат қилишимиз керак.

Мазкур ўқув қўлланмада асосий эътибор шахс ва гуруҳ психологияси, жамоада инсонларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари ва ҳуқ-атвори, таълим ва тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларига қаратилган.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда яқиндан ёрдам бергани учун педагогика фанлари номзоди, доцент Шамсенур Абдуллаевага ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Қўлланма айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин, шу сабабли муаллиф китобхонларнинг ушбу қўлланма бўйича барча фикр ва мулоҳазаларини мамнуният билан қабул қилади ва олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради.

Биринчи бўлим. ПСИХОЛОГИЯ

1-боб. ПСИХОЛОГИЯНИНГ ФАН СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 1.1. Психология фанининг объекти, предмети ва вазифалари.
- 1.2. Психология фани ўрганаётган феноменларнинг мазмун-моҳияти.
- 1.3. Психологиянинг илмий-тадқиқот методлари.
- 1.4. Психологиянинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
- 1.5. Психология фанининг ривожланиши.

1.1. Психология фанининг объекти, предмети ва вазифалари

Ҳар қандай фан ўзининг объекти, предмети ва вазифаларига эга бўлади.

Объект деганда ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни ўзида намоён этадиган нарсалар тушунилади.

Предмет эса феноменлар шаклланиши, ривожланиши ва акс этишининг ўзига хослигидир.

Маълум бир **фаннинг вазифаларига** фан предмети бўлган ҳодиса ва жараёнлар қонуниятларини ўрганиш ва уларни тушунтириш киради.

Психологиянинг предмети инсон психикасини ўрганишдир. Маълумки, психика ҳам инсонларда, ҳам ҳайвонларда мавжуд. Демак, психологиянинг объекти фақат инсон эмас. Бунда ҳам инсонлар, ҳам ҳайвонлар психикасининг умумий томонлари ҳисобга олинади.

Психика хилма-хил шаклларда акс этганлиги учун, **биринчидан**, инсон онгини, яъни сезги ва идрокни, диққат ва хотирани, тасаввур ва ҳаёлни, хотира ва тафаккурни, ҳис-туйғулар ва кечинмаларни, мотив ва мақсадларни - бир сўз билан айтганда субъектив ва тўлиқ назорат қилинадиган инсон ички дунёсини ўрганади. Инсон ички дунёси унинг ҳаракат ва хулқ-атворида, бошқа инсонлар билан бўлган муносабатларида акс этади. Умуман олганда, инсон онги – инсон психикаси ривожланишининг энг юқори босқичи бўлиб, инсонлар ижтимоий-тарихий ривожланиш

махсулоти ва меҳнат жараёнидаги ҳар томонлама ривожланишининг натижасидир.

Иккинчидан, психология *онгсизлик, шахс, фаолият ва хулқ-атвор* каби ҳодисаларни ўрганади.

Борлиқнинг инсон ҳис-туйғулари билан қўшилиб кетиши ва унинг онгида шундай шаклда акс этиши онгсизлик дейилади. Шу билан бирга психология ҳар бир инсонни индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларга эга бўлган ва фаолият билан шуғулланадиган мустақил шахс сифатида ўрганади. Фаолият эса шахс эҳтиёжлари ва манфаатларини қондиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир. Ўз навбатида хулқ-атвор инсон психик фаоллигининг ташқи кўринишидир.

Психологиянинг фан сифатидаги **асосий вазифаси** – психик ҳодиса ва жараёнларнинг шаклланиши, ривожланиши ва акс этиши хусусиятларини ўрганишдир. Бундан ташқари катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бошқа вазифаларни ҳам ажратишимиз мумкин:

1. Психик ҳодиса ва жараёнларнинг сифат ва тузилиш хусусиятларини ўрганиш;
2. Психик ҳодиса ва жараёнларни объектив турмуш тарзи ва инсонлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўрганиш;
3. Психик ҳодисалар асосини ташкил этадиган физиологик механизмларни ўрганиш, чунки уларни ўрганмасдан туриб уларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича амалий кўникмаларни эгаллаб бўлмайди;
4. Психология фанининг илмий билимларини инсонлар ҳаёти ва фаолиятга татбиқ этиш.

1.2. Психология фани ўрганаётган феноменларнинг мазмун-моҳияти

Умумий кўринишда **психика** – объектив оламнинг субъектив образидир. Бу образ инсоннинг атрофдаги олам ва бошқа инсонлар билан ўзаро муносабати жараёнида пайдо бўлади. Психика инсонлар ва ҳайвонлар миясининг атрофдаги олам предмет ва ҳодисаларини акс этиш қобилияти билан боғлиқ. Психика мазмуни реал борлиқ билан белгиланади. Бу борлиқ инсонлар онгида психик жараёнлар, ҳолатлар, тузилмалар, хусусиятлар ва ижтимоий-

психологик ҳодисалар кўринишида акс этади ва психологик ҳодисалар дунёсини ташкил этади.

1. Психик жараёнлар – элементар психик ҳодисалар бўлиб, атрофдаги борлиқни акс этиш ва тушунишни таъминлайди.

Психик жараёнлар психик фаолиятнинг мураккаб турларига кириб, куйидагиларга ажратилади:

- билиш жараёнлари (сезиш, идрок, диққат, хотира, тасаввур, ҳаёл, тафаккур, нутқ);
- эмоционал жараёнлар (эмоция ва ҳис-туйғулар);
- иродавий жараёнлар (ирода).

2. Психик ҳолатлар психик жараёнларга нисбатан кўп вақт давом этади (бир неча соатлар, кунлар, ҳафталар давомида кечиши мумкин) ва ўз тузилишига кўра ҳам мураккаброқдир. Улар инсон психикасининг айни вақтдаги ишчанлик даражасини белгилайди.

Психик ҳолатларга фаоллик ёки пассивлик, тетиклик ёки тушкунлик, ишчанлик ёки чарчаганлик, яхши ёки ёмон кайфиятни киритиш мумкин.

3. Психик тузилмаларга инсон психикаси фаолиятининг натижалари киради. Психик тузилмалар инсон ҳаётий ва касбий тажрибалари жараёнида шаклланади. Уларга билим, кўникма ва малакалар, одатлар, установкалар, қарашлар ва бошқалар киради.

4. Психик хусусиятлар шахсдаги турғун ва доимий равишда акс этадиган, унинг хулқ-атвори ва фаолиятининг миқдор-сифат даражасини акс этадиган хусусиятлардир. Буларга йўналганлик (инсон нимани хоҳлайди?), темперамент ва характер (инсон қандай акс этади?), қобилиятлар (инсон нима қила олади?) киради.

5. Ижтимоий-психологик ҳодисалар психологик феноменлар бўлиб, инсонлар ўртасидаги мулоқоти, ҳамкорликдаги фаолияти, ўзаро таъсири, ижтимоий жамоаларга (синфлар, этнослар, кичик ва катта гуруҳлар, диний конфессиялар ва бошқ.) мансублиги билан белгиланади

Психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, тузилмалар, ижтимоий-психологик ҳодисалар бир бутун ва бир-бири билан боғлиқ равишда ҳар бир инсонда акс этади. Масалан, кўп такрорланадиган психик ҳолат одатга айланиб қолиши ёки

характернинг хусусиятига айланиб қолиши мумкин. Инсон фаоллиги унинг диққати ва сезувчанлигини ошириши, пассивлиги эса чарчашга олиб келиши мумкин.

Юқорида кўриб чиқилган психик ҳодиса ва жараёнларга ҳар хил ёндошиш мумкин.

Бир томондан, инсон онгли мавжудот сифатида атрофдаги олам ва бошқа инсонлар таъсирларини ўзида акс этади, уларга ўз таъсирини ўтказди, фикрлайди, ҳис қилади, мулоқотга киришади ва натижада ўз ҳаёти ва фаолияти жараёнида маълум бир психик тажриба ва билимларни орттиради. Бу **ҳаётий психологиядир**.

Бу психологияда қуйидаги хусусиятларни ажратиш мумкин:

- **аниқлик**, яъни реал вазият, реал инсонлар, инсон фаолиятнинг реал вазифаларига боғлиқлик;

- **интуитивлик**, яъни ҳодиса ва жараёнларнинг келиб чиқиши ва механизмларининг етарли даражада англамаслик;

- **чекланганлик**, яъни аниқ психик феноменларнинг ўзига хос хусусиятлари ва фаолияти ҳақида билимларнинг етарли эмаслиги;

- **кузатиш ва фикр юритишга асосланиш**, яъни ҳаётий психологик билимлар илмий асосланмаганлиги;

- **материалларнинг етишмаслиги**, яъни бошқа инсонлар кузатишлари билан ўзининг кузатишларини таққослаш имконияти йўқлиги.

Бошқа томондан, инсон психика ҳақидаги тасаввурларини илмий нуқтаи назардан тизимлаштиришга ҳаракат қилади. Бу илмий психология, яъни инсон ва ҳайвонлар психикасини назарий ва экспериментал ўрганиш жараёнида ҳосил бўлган билимлардир. Илмий психология қуйидаги хусусиятларга эга:

- *умумийлик*, яъни аниқ бир психик ҳодисанинг кўп инсонларда, ҳар хил шароитларда, инсон фаолияти вазифаларига мос равишда намоён бўлишини англаниши;

- *рационализм* психологик билимлар максимал даражада тадқиқ қилинган ва анланганлигини билдиради;

- *чекланмаслик*, яъни бу билимлардан инсонларнинг кўпчилиги фойдаланса бўлади;

- *экспериментга асосланганлик* – психологик ҳодиса ва жараёнлар махсус ташкил этилган ҳар хил шароитларда тадқиқ этилади;

– *материалларнинг етарлилиги* илмий психологик билимлар кўп экспериментлар асосида ўрганилганлигидан далолат беради.

Ҳаётий ва илмий психология бир бири билан боғлиқ бўлиб, инсон психикаси ҳақидаги билимларни такомиллаштириш вазифасини бажаради. Лекин улар ҳар хил ролларни бажаради: биринчиси психологик тасаввурларни ривожлантиради, иккинчиси эса уларни тартибга келтиради.

Психология фанининг тамойиллари:

Детерменизм тамойили – психик ҳодисалар табиий ва ижтимоий шароитларга боғлиқ бўлиб, бу шароитларининг ўзгариши психик ҳодисаларнинг ўзгаришига олиб келади.

Онг ва фаолиятнинг бирлиги тамойили – онг ва фаолият бир бирига қарама-қарши бўлмасдан ажралмас бирликни ташкил этади (онг фаолият жараёнида пайдо бўлади, ривожланади ва намоён бўлади; фаолият онгнинг фаоллик шакли сифатида намоён бўлади, онг эса фаолият фаоллигини таъминлайди).

Ривожланиш тамойили – психика фақат ривожланиш махсули сифатида ва шу ривожланиш жараёнида кўриб чиқилсагина, уни тўғри тушуниш ва изоҳ бериш мумкин.

Шахсий ёндошув тамойили барча тадқиқотчиларни ҳар бир инсоннинг бошқа инсонлардан фарқ қиладиган индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларини тўғри тушунишга йўналтиради.

1.3. Психологиянинг илмий-тадқиқот методлари

Психология фани турли тадқиқот методларидан фойдаланади: кузатиш, эксперимент, мустақил характеристикаларни умумлаштириш, фаолият натижаларини таҳлил қилиш, сўров ва тестлар ўтказиш.

Ушбу методларнинг ҳар бирига тўхталиб ўтамиз.

Кузатиш – жуда кенг тарқалган усул бўлиб, унинг ёрдамида психологик ҳодисаларни ҳар хил шароитларда ўрганиш мумкин. Бунда психологик ҳодисалар кечиши жараёнига ҳеч қандай таъсир кўрсатилмайди.

Кузатиш ҳаётий ва илмий бўлиши, тадқиқотчининг иштироки билан ёки тадқиқотчининг иштирокисиз кечиши мумкин.

Ҳаётий кузатиш далилларнинг камлиги билан ажралиб, тасодифий, ташкил этилмаган характерга эга.

Илмий кузатиш яхши ташкил этилган бўлиб, аниқ режанинг мавжудлиги, натижаларнинг махсус кундаликка кириб бориш билан фарқланади.

Кузатиш тадқиқотчининг бевосита иштироки билан амалга оширилиши кўп учрайди. Лекин тадқиқотчи маълум бир психик жараён ёки ҳодисани телевидение ёки видеокамера орқали кузатиши мумкин. Бундай кузатув тадқиқотчининг иштирокисиз амалга ошириладиган кузатув деб аталади.

Ҳар қандай кузатишни психология фани томонидан ишлаб чиқилган қоидаларга асосланган ҳолда ўтказиш талаб этилади. Кузатиш тизимли равишда, бир неча маротаба ва кузатилувчиларга билдирмаган ҳолда амалга оширилиши керак.

Эксперимент – шахс фаолиятига фаол аралашиб, унга маълум бир психик таъсир кўрсатиш кузатишдан фарқланади. Эксперимент жараёнида аниқ психологик ҳодисаларни ўрганиш имкониятлари кўп. Эксперимент қуйидаги турларга бўлинади:

- *лаборатор эксперимент* махсус яратилган шароитларда кечади, экспериментда иштирок этувчи шахс фаолияти эса йўриқномага асосан белгиланади;

- *табiiй эксперимент* табиий шароитларда кечади ва экспериментда иштирок этувчилар билан бевосита алоқалар ўрнатилмайди;

- *таъкидловчи эксперимент* жараёнида зарур бўлган психологик ҳодисалар ўрганилади;

- *шакллантирувчи эксперимент* жараёнида экспериментда иштирок этувчилар этилаётган инсонларнинг сифатлари ривожлантирилади.

Мустақил характеристикаларни умумлаштириш ҳар хил инсонлардан у ёки бу психик ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги фикрларини ўрганиш ва уларни таҳлил қилишни назарда тутади.

Фаолият натижаларини таҳлил қилиш. Бунда психик ҳодисалар инсонларнинг ижодий кучлари ва қобилиятларини ўз ичига оладиган амалий натижалар ва меҳнат предметлари бўйича ўрганилади. Одатда тадқиқотчи инсонлар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни қандай бажарганлигини, уларнинг ўз ишига муносабатини, натижаларга эришишда фаолият шароитларининг таъсирини ўрганади. Барча олинган маълумотлар тўпланиб, умумлаштирилади.

Сўров – тадқиқотчининг саволларига жавоб беришни назарда тутадиган методдир. Сўров ёзма (анкета ўтказиш), оғзаки (сухбат) ёки интервью шаклида ўтказилиши мумкин. Сўровномалар ва анкеталар одатда инсоннинг ўз-ўзини баҳолашга қаратилган бўлади. Сухбат оддий мулоқотдан фарқ қилади. У ўз мақсадига эга бўлиб, индивидуал равишда амалга оширилади.

Тест ўтказиш – тадқиқотчининг томонидан берилган топшириқларни бажариш билан характерланади. Тестларни ўтказиш жараёнида шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш мумкин.

1. 4. Психологиянинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Психология бошқа фанлардан кескин фарқ қилади.

Биринчидан, психология энг мураккаб фанлардан бири ҳисобланади, чунки психика бош миyanинг маҳсулидир. Бош миya эса ўз тузилиши ва фаолияти механизмларига кўра организмнинг энг мураккаб организмидир. Ўз навбатида психологик ҳодисаларнинг турлари ҳам чексиз (улар ичида ҳам психик жараёнлар, ҳам психик ҳолатлар, ҳам психик хусусиятлар мавжуд) ва кўпқиррали (масалан. индивидуал-шахсий, ижтимоий- психологик, миллий-психологик ва бошқа феноменларни ажратишимиз мумкин). Бундан ташқари психиканинг кўп қонуниятлари ҳозирги кунгача ҳам тўлиқ ўрганилмаган. Психик жараёнлар ва ҳодисаларни бошқаришни ўрганиш ҳам мураккабдир.

Иккинчидан, психологияда объект ва субъектнинг қўшилиб кетиши кузатилади. Инсон олдин психика орқали атрофдаги оламни, кейин эса шу асосда ўзининг психикасини, унга атрофдаги оламнинг таъсирини ўрганади.

Учинчидан, психологик ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Бошқа фанларга қараганда психологик тадқиқотларнинг натижалари ҳам объектив, ҳам субъектив нуқтаи назардан инсонлар учун жуда зарур (инсоният муаммоларининг барча сабабларини англаш учун энг аввало инсон ўз психикаси ва онгини билиш керак). Бошқа томондан, инсонлар психикаси ва онгини намоён бўлиш механизмларини ўрганиб, инсонларнинг ҳам хулқ-атворларини, ҳам фаолиятини, ҳам мулоқоти ва ўзаро муносабатларини тўғри тушуниш ва баҳолаш мумкин.

Психология бошқа фанлардан олинган билим ва тажрибаларга асосланади ва ривожланади.

Психологиянинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги жуда мустаҳкамдир.

Фалсафа, социология ва бошқа ижтимоий фанлар инсон психикаси ва онгининг келиб чиқишини ва уларнинг инсонлар ҳаёти ва фаолиятидаги ўрнини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Тарихий фанлар инсоният ривожланишининг ҳар хил босқичларида психика ва онгининг ривожланиши қандай амалга оширилганлиги ҳақида маълумотлар беради.

Физиология ва антропология нерв системасининг тузилиши ва унинг психика механизмларни шакллантиришдаги ўрни ва ролини чуқурроқ тушунишга хизмат қилади.

Меҳнат фаолияти ҳақидаги фанлар психика ва онгни меҳнат ва дам олиш жараёнларидаги фаолиятини тадқиқ қилишга, меҳнат жараёнида инсонларнинг қандай индивидуал-психологик ва ижтимоий-психологик хусусиятларини инобатга олиш зарурлиги ҳақидаги маълумотларни беради.

Тиббиёт фанлари инсонлар психик ривожланишидаги нуқсонларни ўрганади ҳамда уларни даволаш усулларини ишлаб чиқади.

Педагогик фанлар инсонларни ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятларини етказиб беради. Педагогик қонуниятларга мос равишда таълим ва тарбия жараёнларни тўғри ва самарали ташкил этиш бўйича психологик тавсиялар ишлаб чиқилади.

Шундай қилиб, психология бошқа фанлар нуқтаи назаридан психик ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги тасаввурларни инобатга олиб, ўз тадқиқотлари натижасида олинган билимларни янгича баҳолайди, уларни жамият ривожи мақсадида такомиллаштириб боради.

Бошқа томондан, психология, психик ҳодиса ва жараёнлар кечиши шароитлари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиб:

табiiй ва ижтимоий фанларга объектив борлиқни акс этиш қонуниятларини аниқроқ билишга, ижтимоий ва бошқа ҳодиса ва жараёнларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаштиришга ёрдам беради;

шахсни ўзига хос ижтимоий-тарихий шароитларда шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиб, психология *тарихий фанлар* ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшади;

тиббиёт фанлари ҳам психологик тадқиқотлар натижаларини ўрганмасдан туриб, айрим касалликларни даволай олмайди, чунки бугунги кунда психологик сабаблардан келиб чиқадиган хасталиклар ортиб бормокда;

психология меҳнат самарадорлигини ошириш воситалари ва усуллари тўғри танлаш, низоларни бартараф этиш масалалари юзасидан *иқтисод соҳасидаги* раҳбарлар ва ташкилотчиларга ҳам тавсиялар беради;

педагогика учун ҳам психологиянинг аҳамияти бекиёсдир. Чунки шахс ривожланиш қонуниятларини чуқур ўрганиш, шахс ривожланишига таъсир этувчи ёш ва индивидуал хусусиятларини инобатга олиш таълим ва тарбиянинг самарали усуллари назарий асослашга хизмат қилади.

Шундай қилиб, бошқа фанлар ҳам психологик билимлардан фойдаланмасдан ривожлана олмайди, чунки инсон психикасини тушуниш, уни ҳар хил фаолият турларида намоён этиш механизмларини билиш ҳар қандай фан ривожланишининг пойдеворидир.

Психология ўзининг фан сифатидаги вазифаларини бажариши жараёнида унинг ҳар хил соҳалари вужудга келди ва ривожлана бошлади.

Ҳозирги кунда психологиянинг 300 дан ортиқ тармоқлари мавжуд. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Умумий психология – инсон психикаси ва онгининг мазмуни, хусусиятлари ва умумий қонуниятларини, психик жараёнлар, хусусиятлар ва тузилмаларни ўрганади.

Ижтимоий психология – инсонни аниқ бир жамоага эга бўлганлиги билан боғлиқ бўлган психологик ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этади;

Зоопсихология (ёки қиёсий психология) оламининг ҳар хил ривожланиш давларида ҳайвонлар психикасининг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини очиқ беради.

Педагогик психология – ёш авлод таълим ва тарбияси жараёнларининг психологик хусусиятлари ва қонуниятларини тадқиқ қилиш билан шуғулланади. Педагогик психологиянинг вазифаларига билимларни ўзлаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнларининг психологик хусусиятларини ўрганиш, таълим ва тарбия методлари, воситалари ва шакллари психологик нуқтаи назаридан асослаш, мактаб жамоасида шахс

шаклланишини ўрганиш, амалий фаолият ва меҳнат жараёнига тайёрлашнинг психологик муаммоларини тадқиқ қилиш ва бошқалар.

Ёш даврлар психологияси ҳар хил ёшдаги инсонлар психикасининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг шахсий ва ақлий ривожланишини, идрок, хотира, тафаккур, тасаввур жараёнларининг ёшга оид хусусиятларини ўрганади.

Инженерлик психологияси ўз олдига замонавий технологияларнинг техник талаблари ва инсоннинг психик имкониятлари (идрок этишнинг тезлиги ва аниқлиги, диққатнинг ҳажми ва тақсимланиши ва ҳ.к.) ўртасида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этиш вазифасини қўяди.

Санъат психологияси – ҳар хил санъат турларидаги ижодий фаолиятнинг психологик хусусиятларини, санъат асарларининг инсонлар томонидан идрок қилишини ва уларнинг инсон ривожланишига таъсирини ўрганади.

Спорт психологияси - спорт фаолиятнинг психологик хусусиятларини ўрганади.

Юридик психология – ҳуқуқбузарлар ва жиноятчилар психологиясини ҳамда суд амалиётида содир бўладиган масалаларни психологик нуқтаи назаридан ўрганади.

Психология тармоқлари инсон фаолиятининг кенгайиши натижасида пайдо бўлди ва ривожлана бошлади. Психология соҳарининг ҳар бирида назарий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилади. Психологиянинг назарий муаммолари эса аниқ амалий масалаларни ечиш жараёнида пайдо бўлади.

Ҳар қандай психологик муаммо амалий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлсагина ўз ечимини муваффақиятли топиши мумкин. Психология инсон психикаси қонуниятларини фаолият жараёнида ўрганади ва олинган натижалардан ушбу фаолиятни ривожлантириш мақсадида фойдаланади.

1.5. Психология фанининг ривожланиши

Психология фанининг ривожланишини эмпирик тадқиқотларни ўрганиш орқали кузатишимиз мумкин.

Ушбу жадвалга педагогик ва психологик нуқтаи назаридан қизиқ бўлган 18 тадқиқот киритилган. Ушбу тадқиқотларнинг мазмун-моҳияти Ж.Годфруанинг «Психология нима» ва Д.Шульц,

С. Шульцларнинг «Замонавий психология тарихи» дарсликларида тўлиқ очиб берилган.

1-жадвал

Аср, мамлакат	Муаллиф, асарнинг номи	Тадқиқотлар мазмуни ва моҳияти	Изоҳ
Милоддан аввалги VI аср. Қадимий Юнонист он	Пифагор	Характерни <i>ташқи ху- сусиятларга</i> қараб аниқ- лаш (кулгу, юришту- риш, юз кўриниши). Инсон хулқ-атворини стресс вазиятларида ку- затиш. Ақлий ва мнемик машқларнинг ролини аниқлаш	Унинг замондош- лари Будда, Кон- фуций ва Зо- роастр бўлган. Миср ва бошқа мамлакатлардаги донишмандларни нг тажрибасини ўрганган
Милодд ан аввалги IV – III асрлар. Қадими й Юнонис тон	Теофраст «Характе рлар»	Инсонлар хулқ-атвор- ларини кузатиб, «олтин китоб» номини олган «Характерлар» асарини яратган. Бу китобда у юнонистон аҳолисининг хулқ—атворларида етакчи бўлган характер хусусиятини аниқлаган ва ёритиб берган	Энциклопедист, «ботаника отаси», Арастунинг ўқув- чиси. 200дан ор- тиқ асарлар муал- лифи
XI аср. Ўрта Осиё	Ибн Сино (Авиценн а) «Тиб қонунлар и»	Қўрқув касаллиқни кел- тириб чиқаришини ис- ботлаган. Аффектларни тадқиқ қилган, қарама- қарши эмоционал ус- тановкалар чуқур со- матик касаллиқларга олиб келишини кузатган	Уни «шифокор- лар хони»деб ай- тишган. Унинг «Тиб қонунлари» асари олти аср да- вомида шифокор ва талабалар учун қўлланма сифати- да хизмат қилган

XV – XVI аср. Италия	Леонардо да Винчи «Ранг тасвир ҳақидаги трактат»	Бутун ҳаётини инсонни ўрганишга бағишлаган. Ўз тасаввури ва ҳаёлини ривожлантирган. Ранг тасвирнинг асосий мақсади инсон ҳис-туйғуларини акс этувчи ҳаракатларни рўёбга чиқариш деб ҳисоблаган	Ташқи маълумотларни тез эслаб қолишнинг амалий кўникмаларини ёритган (замонавий фотороботнинг алгоритми)
XVI аср. Испания	Хуан Урте «Фанларга бўлган қобилиятларни тадқиқ қилиш»	Биринчи бўлиб мамлакат миқёсида касбий танлов ўтказиш муаммосини кўтарган	Дифференциал психологияга асос солган (индивидуал фарқлар психологияси)
XIX–XX асрлар. Англия	Френсис Гальтон «Ирсий гений», 1869	Қобилиятли инсонларда қобилиятли фарзандлар туғилиши эҳтимоли юқори бўлиши ҳақида тадқиқотларни олиб борган. Биринчи бўлиб ақлий қобилиятларни аниқловчи тестларни яратган. <i>Вегеника</i> (миллатни яхшилаш ҳақидаги фан)га асос солган	<i>Корреляция</i> ни ҳисоблаш формуласини топган. Психометрик ўлчовлар учун асбоб яратган. <i>Дактилоскопия</i> асосчиси
XIX–XX асрлар. Германия	Герман Эббингауз «Хотира ҳақида», 1885	Хотирани экспериментал ўрганиш. Эслаб қолинган материал биринчи саккиз соатда тез унутилишини исботлаган	<i>Рангли кўришни</i> тадқиқ қилган. Ақлни ўлчаш тестларининг дастлабки шакллари ишлаб чиққан
XIX–XX асрлар. АҚШ	Эдвард Торндайк «Ҳайвон-	«Муаммоли кутини» ихтиро қилган. Тарбия жараёнида рағбатлан-	Ушбу тадқиқотлар <i>бихевиоризм</i> йўналишининг

	лар интеллект и», 1898	тириш жазолашдан кўра каттароқ аҳамиятга эга эканлигини исботлаган	асосий муаммо- ларини ўрганиш- га асос бўлган.
XX аср. АҚШ	Джон Уотсон «Бихевио ризм», 1924	Катталар кўрқув ва антипатияларининг сабабларини ёшликдан қидириш кераклиги ҳа- қидаги ғояларни илгари сурган	Шартли рефлекс- лар методини америка психологиясига татбиқ этган. <i>Ортодоксал бихевиоризм</i> асосчиси
XX аср. АҚШ	Гарри Харлоу	«Она-бола» муносабатларини тадқиқ қилган ва бу муносабатларнинг жуда нозик қирраларини очиб кўрсатган. Чақалоқнинг эмоционал ва жисмоний депривацияси, унинг психикаси ва хулқ-ат- вориға кескин таъсир этишини исботлаган.	Кореяда асирда бўлган америка аскарларининг хулқ-атворини ўрганган
XX аср. Австрия	Конрад Лоренц	Хулқ-атворнинг туғма моделлари мавжудлиги ва уларни объектив ўрганиш мумкинлиги исботланган. Импринтинг (чақалоқнинг биринчи кўрган ҳаракатланувчи объектга боғланиб қолиши) тушунчасини киритган	Замонавий этологиянинг «отаси»
XX аср. Германи я, США	Роберт Розенталь	«Ақлли» ва «ақлсиз» каламушлар билан таж- рибалар ўтказган: кала- мушлар тасодифан тан- ланган бўлсада, тала- балар «ақлли» каламуш-	Ўқитувчи ва ўқувчи, шифокор ва касал, менед- жер ва бажарув- чининг ўртаси- даги новербал

		ларни яхшироқ, «ақл-сиз» каламушларни эса ёмонроқ ўргатган. « Пигмалион-эффект »ини исботлаган: умид ва ишончларимиз, таълим, даволаниш ва бошқа жараёнлар натижасига таъсир этади	муносабатларни ўрганган
XX аср. Польша, АҚШ	Соломон Аш	Конформлик (бошқалар фикрини қабул қилиш)ни ўрганган: махсус гуруҳ объект ҳақида олдиндан режалаштирилган ёлғон маълумотларни етказган. Бу маълумотлар инсонларга таъсир этиши исботланган. Тадқиқотларга кўра 12-13 ёшда конформликни ҳар иккинчи инсонда, 19-20 ёшда эса ҳар учинчи инсонда учратиш мумкин. Гуруҳ қанча катта бўлса, аъзоларининг конформизми ҳам шунчалик баланд бўлади	Психология табиий ва биологик фанлар билан қандай боғлиқ бўлса, иқтисодиёт, тарих, сиёсатшунослик билан ҳам шундай боғлиқ бўлиши кераклигини таъкидлаган
XX аср. Канада, АҚШ	Альберт Бандура	Агрессив хулқ-атворни ўрганган. Ҳаётда ёки телевидение орқали кузатилган агрессив хулқ-атвор инсонлар хулқига салбий таъсир этишини исботлаган	Шахснинг ижтимоий-когнитив назариясининг асосчиси: инсон атрофдаги шароитларига ўз муносабатини билдириб, атрофдаги оламга



			таъсир этади. Шахс-билиш жараёнларининг маҳсули ғоясини илгари сурган
XX аср. Польша	Роберт Зайонц	Ижтимоий ҳамкорлик назариясининг муал- лифи: бошқалар олдида инсон осон топши- рикларни яхшироқ, оғир топширикларни эса ёмонроқ бажаришини исботлаган	Оиланинг «интеллектуал атмосфера»си оила аъзоларининг ўртача ақлий даражасига тенг деб ҳисоблаган: оилада қанча бола кўп бўлса, шунча унинг умумий интеллектуал даражаси паст бўлади
XX аср. Россия	Блюма Зейгарник	«Зейгарник феномени»: инсон тугалланмаган ҳаракатларини узлуксиз равишда бажарилган ва тугалланган ҳаракатларига нисбатан яхшироқ эса сақлаб қолиши ҳақидаги ғояни илгари сурган	Психологияда <i>патопсихология</i> (руҳий касал инсонларнинг психик жараёнларини ўрганиш) йўналишини яратган
XX аср. АҚШ	Филип Зимбардо	Ижтимоий масъулият ролини тадқиқ қилган: анонимлик масъулиятни йўқотишини исботла- ган. <i>Стэнфорд</i> универси- <i>тетида</i> қамоқхона яратиб экспериментда иштирок этиш истагини	«Қамоқ эксперименти» икки ҳафтага мўлжалланган бўлсада, олти кундан кейин тўхтатилган

		билдирган талабаларни «қамаган». «Қўриқчилар» ҳам талабалар сафидан танланган. Вақт ўтиши билан «қамалган» ва «қўриқчилар»нинг ўзаро муносабатлари ва хулқ-атворлари ҳақиқий қамоқхонадаги муносабатларга ўхшаб қолган.	
XX аср. АҚШ	Стэнли Милгрэм	Инсонлар ўзлари учун авторитет деб билган шахснинг таъсирида виждонга зид бўлган ҳаракатларни ҳам бажаришлари мумкинлигини исботлаган.	Индивидга гуруҳ таъсирини ўрганган. Икки миллат вакиллариининг конформлигини ўрганган: норвегияликлар гуруҳ таъсирида ўз фикрларини французларга нисбатан кўп ҳолларда ўзгартирмаган

Назорат саволлари

1. Психологиянинг объекти ва предмети деганда нима тушунилади?
 2. Психологиянинг асосий вазифалари нималардан иборат?
 3. Психик жараёнларнинг ҳар турини очиб беринг.
 4. Ижтимоий-психологик ҳодиса тушунчасига изох беринг.
 5. Ҳаётий ва илмий психологияни таққосланг, улар ўртасида қандай фарқ бор?
 6. Психология тамойилларининг мазмунини очиб беринг.
 7. Психологиянинг илмий-тадқиқот методлари мазмунини очиб беринг.
 8. Психологиянинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини мисоллар ёрдамида кўрсатинг.
 9. Психологиянинг қандай тармоқлари мавжуд?
 10. Психология фанининг ривожланиш босқичлари ҳақида гапириб беринг.
 11. 1-жадвалда келтирилган тадқиқотларнинг қайси бири Сизда қизиқиш ўйғотди.
- Бу тадқиқот бўйича реферат тайёрланг.

ПСИХОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ



Психика

Онг



Онгсизлик

Шахс

Хулқ-атвор


Фаолият

- ✓ Психик ҳодисаларни ўрганиш
- ✓ Психик ҳодисалар шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилиш
- ✓ Психик ҳодисаларнинг физиологик механизмларини ўрганиш
- ✓ Психологик билимларни инсонлар ҳаёти ва фаолиятига тадбиқ этиш



ПСИХОЛОГИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ


ПСИХИК ҲОДИСАЛАРИНИНГ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ




ПСИХОЛОГИК БИЛИМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ




ҲАЁТИЙ ВА ИЛМӢЙ ПСИХОЛОГИК БИЛИМЛАР




ПСИХОЛОГИЯНИНГ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ





ПСИХОЛОГИЯНИНГ ТАРМОҚЛАРИ



Умумий психология

Ижтимоий психология

Зоопсихология

Педагогик психология

Ёш даврлар психологияси

Инженерлик психологияси

Санъат психологияси

Спорт психологияси

Космик психология

Юридик психология

Ҳарбий психология


Тиббиёт психологияси

Патопсихология

Парапсихология

ва бошқа тармоқлар мавжуд
(360 дан ортиқ тармоқлари
мавжуд)

ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ



II-бoб. ПСИХОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- 2.1. Психологияда бихевиоризм тушунчаси.
- 2.2. Психоанализ.
- 2.3. Гештальтпсихология.
- 2.4. Гуманистик психология.
- 2.5. Когнитив психология ва бошқа йўналишлар.

2.1. Психологияда бихевиоризм тушунчаси

XX асрнинг бошида онг психологияси инқирозга учради. Амалий муаммоларни олдинги субъектив методлар орқали ҳал этиш имконияти йўқолди. Янги объектив методлар ишлаб чиқилишига эҳтиёж пайдо бўлди.

Невропатология ва психиатрия соҳаларидаги тадқиқот натижалари ҳам онг психологиясининг инқирозига сабабчи бўлди. Бу тадқиқотлар инсон психикасининг онгсизлик соҳаси борлигини исботлади. Шарко (1825— 1893) онгсизликни экспериментал тадқиқ қилишни бошлади. Унинг раҳбарлигида машҳур француз психолог Пьер Жане (1859—1937) ва психоанализ асосчиси Зигмунд Фрейд (1856—1939) фаолият юритдилар.

Машҳур француз психологи Альфред Бине болалар интеллект даражасини аниқлаш тестларини ишлаб чиқаришни бошлади. Психик функцияларни объектив таҳлил қилиш усули интроспектив методга нисбатан етакчи ўрин эгаллади.

Шундай қилиб, XX асрга келиб, психикани экспериментал ўрганиш натижасида психология онг ҳақидаги фан сифатида эътироф этилмаслиги ҳақидаги хулоса чиқарилди.

Бу даврда психологиянинг ривожланишига Ч. Дарвиннинг эволюцион таълимоти катта таъсир кўрсатди. Бу таълимот психик ҳодисаларни атрофдаги олам, тирик мавжудотнинг кўникиш фаолиятидан ажралган ҳолда ўрганиш мумкин эмаслиги кўрсатган.

Шу каби ҳилма-хил ҳодисалар янги психологик оқимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Бихевиоризм (инглизча behaviour –хулқ-атвор) XX аср бошида АҚШда пайдо бўлган. Бу йўналишнинг асосчилари Дж. Уотсон, Э. Торндайк ва бошқалар. Уотсон 1913 йилда нашр этган «Психология бихевиорист нуқтаи назаридан» мақоласида психология предметини қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатиб, психология онгни эмас, балки хулқ-атворни ўрганиш кераклиги ҳақида фикр билдирди. Шундай қилиб, 1913 йилдан бошлаб психология фани ривожланишида янги давр бошланди. Уотсон психологияни объектив фанга айлантириш зарурлигини кўрсатади ва онгни ўрганмасдан, фақат хулқ-атворни ўрганиш.

Бихевиоризмнинг негизини психологик тадқиқот предмети сифатида психика ва онгни инкор этиш ётади. Фақат хулқ-атворгина тадқиқот предмети деб тан олинар, психологияга эса хулқ-атвор ва муҳитнинг ўзаро нисбати қонуниятларини тадқиқ этиш тавсия қилинар эди. Бихевиористнинг фикрича, психологиянинг вазифаси ҳиссиёт органларига таъсир қиладиган омил - стимул (S) ни, яъни қўзғатувчи (гап қистириш, ўқ отиш, картина кўрсатиш ва шу кабилар) ни билган ҳолда унга жавоб, таъсир - реакция (R) қандай бўлишини ёки таъсиротни билган ҳолда унинг қайси бир омилга жавоб тариқасида юз берганини олдиндан айтиб беришдан иборат эмиш. Классик бихевиоризмнинг формуласи - $S \rightarrow R$ дир. Бихевиористик психологиянинг механистиклиги изчилдир: одам - бу худди ҳайвонлар каби, психикага эгами, ёки йўқлигидан қатъи назар, у қўзғатувчиларга жавоб берадиган ўзига хос бир машинадир.

Стимул билан реакция ($S \rightarrow R$) ўртасидаги, яъни мияга «кириш» билан «чиқиш» да юз берадиган нарсалар ўртасидаги нисбатни рўқач қилиб, бихевиоризм «кириш» билан «чиқиш» ўртасида нима бору, нима йўқлигини бевосита кузатиш мумкин бўлмаганлиги сабабли, уларни илмий таҳлил қилиб бўлмайдиган («қора қути») соҳа деб эълон қилган эди. Бихевиористлар ўз экспериментларини асосан ҳайвонларда (ҳаммадан кўпроқ оқ сичқонларда) ўтказиб, сўнгра шу тариқа чиқарилган хулосаларни одамга нисбатан жорий этишарди. Шунинг учун ҳам киши шахсининг фаоллиги амалда инобатга олинмасди. Бихевиоризм ўргатиш жараёнини ҳам худди шу хилда меха-нистик тарзда таърифлаган эди. Бихевиористлар ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракатини (масалан, экспериментда лабиринтдан чиқиш йўлини излашини) ўрганиб, проблеманинг ечимига «синаш ва адашиш» йўли билан эришилиши ҳақидаги

хулосага (Э. Торндайк ва бошқалар) келишади. Бундай йўл кўпгина вариантларни танлаб чиқилгандан кейин исталганига эришилишини таъминлайдиган битта варианты қолмагунча тусмоллаб қилинган ҳаракатларнинг «кўр-кўрона танланиши» деб талқин қилинади. Бу хулоса одамнинг ҳайвондан сифатий фарқларини инкор этиш учун инсон ҳақидаги таълимотнинг таърифига ҳам жорий қилинган эди.

Онгни инкор этганлиги учун бихевиоризм бир тарафлама йўналишга айланди.

2.2. Психоанализ

XX аср ғарб психологиясининг яна бир нуфузли йўналиши-**психоанализдир**. У кўпинча австриялик психиатр ва психолог *З.Фрейд (1856-1939)* номи билан фрейдизм деб ҳам юритилади. Фрейд кўп йиллар давомида инсоннинг олий нерв системасини ўрганиб, бу соҳадаги етакчи мутахассисга айланган.

Фрейдизм нуқтаи назаридан олганда, одам амалда ижтимоий ҳодиса эмас. Киши хулқ-атвори иккита тамойилга: «ҳузур-ҳаловат тамойили» (бу ўринда асосан жинсий майлларнинг акс этиши назарда тутилади) ва «реаллик тамойили» (жамиятнинг уятли ва тақиқланган нарса сифатида шахвоний ҳавасни бостириб туриш зарурлиги ҳақидаги талабларидан келиб чиқадиган) га бўйсундирилади. «Хузур-ҳаловат тамойили» билан «реаллик тамойили»нинг тўқнашуви натижасида англанилмаган соҳага «қондирилмаган майллар» ажралиб чиқиши рўй беради ва улар одамнинг хулқ-атворини шу ердан идора қилиб туради. Бихевиористларда бўлгани каби бу ўринда ҳам онгнинг роли озгина тан олинади, онг эса ҳар томонлама обрўсизлантирилади. Психоаналитиклар англанилмаган психик қўзғатувчилар билан аввал бошданоқ одамга душман бўлган социал муҳит ўртасидаги доимий қарама-қаршилик тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқиб, индивид, бир томондан, виждон, номус, кўркув ва шу кабилар («онг цензураси») шаклида ўзи бошидан кечирадиган қатағонларни яратувчи муҳитнинг талаблари, иккинчи томондан эса ҳукмини ўтказувчи англанилмаган майлларнинг бир-бирини сиғиштирмаслиги билан боғлиқ ички конфликт ҳолатига муқаррар тушади, деб даъво қилишган эди. Киши бундай вазиятлар оқибатида вужудга келган тангликдан шахвоний ғайратни социал

жиҳатдан мақбул йўлга буриб юборадиган ҳимоя механизмларини ишга солган тарзда қутилади. Катта ёшдаги одамнинг англанмаган ҳолда йўналтирувчи хатти-ҳаракати унинг илк болалик даврида шаклланган мақсад-истагининг қарамлигида бўлади ва амалда унинг бутун умри бўйи сира ўзгармасдан, фақат онгнинг «цензураси» билан муроса қилиш заруратидан ниқобланиб қолиб кетади.

Фрейд психологларнинг эътиборини англанмаганлик ва психологик ҳимоя муаммоларига, катта ёшдаги кишининг хулқ-атвориға, болаликдаги воқеаларнинг таъсириға ва бошқаларға жалб қилди, лекин бу муаммоларни тубдан нотўғри, шахс психологиясини биологиялаштирган, шахсни ҳатто ноижтимоий куч деб таърифланган ҳолда англанмаганликнинг онгдан устунлиги ва киши хулқ-атворининг шахвоний майлларға бўйсунити тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқиб талқин этган эди. Фрейд ўзининг психологик назариясини одам ҳақидаги, жамият ва маданият ҳақидаги умумий таълимотға айлантириб, ғарб мамлакатларида катта эътибор қозонди.

Психоаналитик асарларнинг номарксистик характери гўё ичидан туриб кишини идора қиладиган, уни инстинктив майлларнинг бошқарилмайдиган ҳолатидаги ўзини эплай олмайдиган қўғирчоққа айлантириб қўядиган қоронғи, онгсиз кучлар ҳақидаги фрейдистик таълимот хуш келадиган капиталистик жамиятнинг идеологик қуролиға айланишиға имкон яратиб берди.

Ҳозирги пайтда бихевиоризм ва фрейдизм ибтидоий «классик» шаклидаги ўрнини аниқ-равшан ифодааланган бирон-бир фарқли белгиси бўлмаган турли хилдаги «шўъба» оқимларға (необихевиоризм, неофрейдизм ва шу кабиларға) бўшатиб берди. Улардаги механизм ва идеализм ўз қиёфаларини жуда пухталиқ ва уддабурролик билан ниқоблаб олишган. Лекин бу оқимлар ташқи қиёфасини ўзгартирган бўлсаларда, ўзларининг идеологик кўрсатмалари характерини сақлаб қолгандир.

2.3. Гештальтпсихология

Гештальтпсихология (немисча сўздан олинган бўлиб, бир бутун шакл, образ, структура деган маънони англатади). Бу чет эл психологиясининг энг катта йўналишларидан бири бўлиб, XX

асрнинг биринчи ярмида Германияда пайдо бўлган. Гештальтпсихологиянинг марказий муаммоси мураккаб психик ҳодисаларни бир бутун ёндашув асосида анализ орқали ўрганишдир. Гештальтпсихологияда ассоцианизм асосий ўринни эгаллайди. Ассоцианизм инсоннинг психик ҳаётини психиканинг алоҳида ҳодисаларнинг йиғиндиси сифатида тушунади.

Гештальтпсихология инсоннинг олий психик функцияларини (идрок, тафаккур, хулқ-атвор ва бошқалар) ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Бу йўналишига асос солган олимлар – немис психологлари М.Вертгеймер, В.Келлер, К. Коффка.

Гештальтпсихологияда фон ва фигура энг асосий тушунчалар ҳисобланади.

2.4. Гуманистик психология

Гуманистик психология XX асрнинг ўрталарида пайдо бўлиб, инсонни робот, невротик кўринишида тасвирлаган бихевиориз ва психоанализга қарши чиққан янги йўналиш сифатида ривожлана бошлади.

Гуманистик психологиянинг асосчиларидан бири америкалик психолог К. Роджерс (1902-1990) инсонга такрорланмас шахс сифатида қараш кераклигини таъкидлаган.

1963 йилда Гуманистик психология ассоциациясининг биринчи президенти Джеймс Бьюдженталь мазкур йўналишнинг бешта асосий тамойилларини кўрсатди:

1. Инсон бир бутун мавжудотдир. Унинг бир бутунлиги хусусий ҳолатларининг йиғиндисидан устун туради, яъни инсоннинг хусусий ҳолатлари унинг кимлигини кўрсата олмайди.

2. Инсоннинг турмуш тарзи унинг бошқа инсонлар билан муносабатига боғлиқдир, яъни инсоннинг хулқ-атворини тушунтиришда унинг шахслараро тажрибасини ҳисобга олиш зарур.

3. Инсон ўз-ўзини англайди (психология инсоннинг ўз-ўзини англашини ҳисобга олиши керак).

4. Инсон танлаш ҳукуқига эга (инсон ўз ҳаётининг пассив кузатувчиси эмас, у ўз тақдирини ўзи яратади).

5. Инсон фаолияти мақсадга эга (инсон келажак сари интилади; унинг ҳаётида мақсад, қадрият ва маъно бор).

Гуманистик психологияга А. Маслоу ҳамда В. Франкнинг концепцияларини ҳам киритиш мумкин.

2.5. Когнитив психология

Когнитив психология инсон онгининг когнитив, яъни билиш жараёнларини ўрганадиган йўналишдир. Бу соҳадаги тадқиқотлар одатда хотира, диққат, ҳис-туйғу, маълумотни қабул қилиш ва узатиш, мантикий тафаккур, тасаввур, қарор қабул қилиш билан боғлиқ.

Когнитив психология соҳасида Норман ва Румельхарт (1975) тадқиқотлар ўтказган. Ўз экспериментларидан бирида олимлар коллеж ўқувчиларидан ўзлари турадиган ётоқхонанинг тепадан кўринишини чизишларини сўрашган. Ўқувчилар архитектура деталарининг (асосий қулайликлар ва мосламалар, хоналарнинг жойлашишини) рельеф жиҳатларини аниқлай олдилар. Шу билан бирга айрим хатоликларга ҳам йўл қўйилган. Масалан, кўпчилик ўқувчилар балконларни чизганда, бинодан ташқарига чиқиб туриш ўрнига ичкарига жойлаштирган (бинонинг ташқи деворидан чиқмаган ҳолда). Бино чизмаларида аниқланган хатолардан инсоннинг ахборотни ички тасаввур қилиши ҳақида кўп нарсани билиш мумкин. Норман ва Румельхарт қуйидаги хулосага келган:

«Хотирада ахборотни тасаввур қилиш реал ҳаётдагидек аниқ тасвирланмайди. Ҳақиқатда эса бу ахборотлар, бинолар ва умуман дунё ҳақидаги билимлар асосида реконструкция ва ҳукм чиқаришлар йиғиндисидир. Шуни таъкидлаш лозимки, талабаларга ўзлари йўл қўйган хатолардан хайратда қолган».

Шу мисоллар ёрдамида биз когнитив психологиянинг муҳим тамойили билан танишдик. Демак, бизнинг олам ҳақидаги тасаввурларимиз унинг ҳақиқий моҳиятига тўғри келмаслиги ҳам мумкин.

Юқорида кўриб чиққан йўналишлардан ташқари бошқа йўналишлар ҳам мавжуд.

Генетик психология - Ж.Пиаже ва унинг ўқувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълимот бўлиб, у инсон интеллектининг келиб чиқиши ва айниқса ёшликдаги ривожланишини ўрганган.

Индивидуал психология – А.Адлер томонидан ишлаб чиқилган. XX асрнинг 20 йилларида педагогика ва психокотерапия соҳаларида кенг тарқалган.

Дифференциал психология – (лот. differentia - фарқ) – индивидлар ва инсон гуруҳлари ўртасидаги психик фарқларни, ва

бу фарқларнинг сабаблари ҳамда оқибатларини ўрганадиган психологиянинг соҳаси.

Танқидий психология - XX асрнинг 60-70 йилларида пайдо бўлган (К. Хольцкапп, У. Хольцкамп Остеркамп, П. Кайлер ва бошқалар) ва А.Н. Леонтиевнинг фаолият назариясидан келиб чиққан психология йўналиши.

Акмеология – табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар доирасида пайдо бўлиб, инсоннинг етуклик давридаги ривожланиш қонуниятлари ва механизмларини ўрганадиган фан. Акмеология индивидуал ва ижтимоий субъектларнинг ривожланишини табиий-ижтимоий ва техник фанлардан олинган билимлар асосида ўрганади.

Назорат саволлари

1. Психологиянинг йўналишлари деганда нима тушунилади?
2. Психологиянинг асосий йўналишлари ҳақида гапириб беринг.
3. Бихевиоризм нима? Бу йўналиш қачон ва қаерда пайдо бўлди?
4. Бихевиоризмнинг негизи нима?
5. Психоанализ асосчиси ким бўлган?
6. Психоанализнинг асосий ғоялари нималардан иборат эди?
7. З. Фрейднинг илмий фаолияти ҳақида гапириб беринг.
8. Гештальтпсихология деганда нимани тушунасан?
9. Гештальтпсихологиянинг асосий тушунчалари нималардан иборат?
10. Гуманистик психология ҳақида фикр юритинг.
11. Когнитив психология нима?
12. Психология йўналишларидан бирини танланг ва бу йўналишга оид керакли маълумотларни тўплаб, реферат тайёрланг.

III боб. ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Режа:

- 3.1. Психологияда шахс тушунчаси.
- 3.2. Шахс ҳақидаги назариялар.
- 3.3. Шахс структураси.
- 3.4. Шахс ижтимоийлашуви жараёнининг ўзига хос хусусиятлари.

3.1. Психологияда шахс тушунчаси

Психология фанида инсон тушунчасини очиб берувчи бир неча тушунчалар мавжуд – субъект, индивид, шахс. Бу тушунчалар инсоннинг ҳар хил қирраларини англашга имкон беради.

Биринчидан, психология инсонни бир бутун тарихий ва ижтимоий жараённинг *субъекти* (иштирокчиси, бажарувчиси) ҳамда объектив реалликни ўзгартирувчи ва билиш манбаи сифатида намоён бўлувчи аниқ фаолият субъекти сифатида тушунади. Фаолият эса инсон фаоллигининг шакли сифатида намоён бўлиб, инсонга атрофдаги оламни ва ўз-ўзини билишга хизмат қилади.

Иккинчидан, психология инсонни *индивид* сифатида ўрганиб ва қуйидагиларни назарда тутди:

- инсон бошқа тирик мавжудотларнинг ўзига хос вакили бўлиб, ҳайвонлардан фило- ва онтогенез ривожланиши билан фарқ қилади;

- инсонлар жамоатининг алоҳида вакили бўлиб, фақат ўзига хос бўлган психика ва хулқ-атворга эга;

Учинчидан, психологияда ҳар бир инсоннинг *индивидуаллиги* алоҳида таъкидланади. Индивидуаллик деганда инсонни бошқа одамлардан ажратадиган хусусиятлар тушунилади. Ҳар қандай инсон индивидуал, лекин кимнингдир индивидуаллиги ёрқин намоён бўлса, кимнингдирники эса билинмайди.

Тўртинчидан, психология фани инсонни *шахс* сифатида ўрганиб, унинг ижтимоий моҳиятини кўрсатади. Жамоа, ижтимоий

ва касбий гуруҳ ташқарисида инсон шахс бўла олмайди. Табиат инсонни яратади, жамият эса шахсни шакллантиради.

Инсон шахси турли хил муносабатлар таъсирида шаклланади:

1) Сиёсий муносабатлар. Шахс психологияси шахс мустақиллиги, ўз ҳуқуқларига эга эканлиги, жамият ҳаётини муҳокама эта олиши ёки ҳукмронлик қилаётган синфнинг буйруқларини бажариши билан боғлиқ;

2) Мафкуравий муносабатлар. Мафкура жамият ҳақидаги ғоялар мажмуи сифатида шахсга таъсир этади ва унинг психологияси, дунёқараши, индивидуал ва ижтимоий установакаларини шакллантиради;

3) Шахс аъзо бўлган гуруҳдаги инсонлар муносабати. Ўзаро ҳамкорлик ва мулоқот жараёнида инсонлар бир бирларига таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида эса уларнинг қарашлари, ижтимоий установакалари ҳамда жамият, меҳнат, инсонлар, ўз хусусиятларига бўлган бошқа муносабатлари шаклланиб боради. Шу билан бирга шахс гуруҳда маълум бир авторитетга эга бўлиб, ўзига ажратилган махсус ролларни бажаради.

Шахс ижтимоий муносабатларнинг нафақат объекти, балки субъекти, яъни фаол бир қисми ҳамдир. Шахслар ўзаро муносабатларга киришиб, объектив ижтимоий қонуниятлар таъсирида инсоният тарихини яратади.

Шундай қилиб, шахс – маълум бир мамлакат, жамият ва гуруҳ (ижтимоий, этник, диний, сиёсий ва бошқа гуруҳлар) аъзоси бўлиб, атрофдаги олам ва ижтимоий борлиққа ўз муносабатини билдирадиган, махсус фаолият тури билан шуғулланадиган ҳамда индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларга эга бўлган инсондир.

Шахс ривожланиши ҳар хил омилларга боғлиқ. Улар ичига одатда қуйидагилар киради: *олий нерв тизимнинг ўзига хослиги, анатомик ва физиологик хусусиятлар, атрофдаги олам ва жамият, ижтимоий-фойдали фаолият.*

Бу омилларнинг ҳар бирига тўхталиб ўтамиз.

1. *Олий нерв тизимнинг ўзига хослиги* бутун нерв тизимининг ишида, миёдаги тормозланиш ва кўзғалиш жараёнларининг нисбатида, темперамент, ҳис-туйғулар, ҳулқ-атворда намоён бўлади.

2. *Шахнинг анатомик ва физиологик хусусиятлар* – психика ва хулқ-атвориға катта таъсир кўрсатади. Масалан, кўзнинг яхши кўрмаслиги ёки кулоқнинг яхши эшитмаслигини мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик жараёнида инобатга олиш керак.

Анатомик-физиологик хусусиятларнинг амалга оширилиши асосида инсон лаёқати ётади. Лаёқатлар организмнинг туғма анатомик-физиологик хусусиятларидан келиб чиқиб, қобилиятлар ривожланишига ёрдам беради.

3. *Атрофдаги олам ва жамият.* Юқорида айтиб ўтганимиздек шахс фақат жамиятда шаклланади.

Табиат ҳам шахс шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Масалан, узоқ шимолда ўсган одамлар ўз хулқ-атворини бошқара олиши, вақтдан самарали фойдаланиши билан ажралиб туради.

Индивиднинг табиий хусусиятлари, шу жумладан, фаоллиги ва эмоционаллиги туғмадир. Инсон фаоллиги ҳар хил фаолият турлари билан шуғулланишга мойиллик, психик жараёнлар кечишининг тезлиги ва кучлилиги сифатида намоён бўлади.

Эмоционалик индивиднинг атроф-муҳитга бўлган муносабатларини акс эттирувчи хис-туйғулари ва эмоциялари динамикасида намоён бўлади.

Макромуҳит, яъни жамият ҳам шахс шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Масалан, тоталитар жамиятда ўсган инсоннинг ривожланиши ва тарбияси, демократик жамиятда ўсган инсон ривожига ва тарбиясидан кескин фарқ қилади.

Микромуҳит, яъни гуруҳ, микромуҳит, оила ва ҳ.к. ҳам шахс шаклланишидаги муҳим омилдир. Айнан микромуҳитда инсоннинг энг муҳим ахлоқий ва ахлоқий-психологик хусусиятлари шаклланади. Бу хусусиятларни бир томондан инобатга олиш керак. Иккинчи томондан эса уларни таълим ва тарбия жараёнида такомиллаштириш зарур.

4. *Ижтимоий-фойдали фаолият*, яъни меҳнат жараёнида инсон бошқа инсонлар билан мулоқотга киришади, ўз-ўзини тарбиялаш жараёнлари инсоннинг энг муҳим шахсий хусусиятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

3.2. Шахс ҳақидаги назариялар

Шахс ҳақидаги асосий психологик назариялар узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтган. Замонавий психологияда шахс ҳақида шаклланган назарий ва методологик қарашлар таҳлил этилиб, қайта ўрганилмоқда. Шахс ҳақида тўғри психологик билимларни олиш учун чет эл психологиясининг ютуқларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шахс ҳақидаги назарияларни уч қисмга ажратишимиз мумкин:

I. Шахс ҳақидаги анъанавий назариялар (В.Дильтей, К.Левин, В. Штерн, З.Фрейд, К. Юнг ва бошқ.);

II. Янги назариялар (Г. Айзенк, Д. Кеттел, А. Маслоу, Г. Оллпорт, К. Роджерс, К. Хорни ва бошқ.);

III. Энг янги назариялар (Э. Берн, К. Леонгард, Д. Мид, Г. Салливен, Сире, Э. Фромм ва бошқ.).

I. Шахс ҳақидаги анъанавий назариялар ичида фрейдизм етакчи ўрин эгаллайди. Бу назарияга австриялик олим З. Фрейд асос солган. Фрейдизм шахс ривожланиши ва структурасини онгимиз учун иррационал ва антогонистик бўлган психик далиллар билан тушунтиради ва шу асосида психотерапия техникасини қўллайди. З. Фрейд ўзи даволаётган кишилардаги касаллик сабабларини уларнинг ёшлигидан қидирган. Маълум бир рухий касалликлар (ёки комплекслар) инсоннинг ёшлик давридаги воқеа ва ҳодисаларга боғлиқ деб ҳисоблайди. Бу комплекслар инсонлар томонидан англамайди, лекин уларнинг хулқ-атворида қаттиқ таъсир кўрсатади ва салбий оқибатларга олиб келади. Ҳар хил методлар (эркин ассоциациялар методи, гипноз, хато ҳаракатлар методи ва бошқ.) ёрдамида З.Фрейд психик нуқсонларнинг сабабларини англаш ижобий даволовчи эффектга эга эканлигини исботлаган.

Бу эса Фрейдга шахс психик ҳаётининг уч даражасини аниқлашга ёрдам берган: онгсиз, онг олди, онгли.

Онгсиз – барча инстинктларнинг манбаи

Онг олди – унинг мазмуни инсон томонидан осон англаниши мумкин.

Онгли – доимий равишда онгсиз билан тўқнашадиган ижтимоий норма ва ижтимоий нормага зид бўлган ҳаракатларни ўз ичига олади.

Фрейд шахс ривожланишида болалалик даври муҳим рол ўйнашини кўрсатади. Бу даврда инсоннинг психик хусусиятлари шаклланишини таъкидлайди. Психоанализ вазифаси – кейинчалик психозга олиб келадиган нуқсонларни вақтида аниқлашдан иборат. Шундай қилиб, шахсни ўрганишда З.Фрейднинг тадқиқотларини инобатга олишимиз керак. Лекин фрейдизмнинг фақат бир томонлама ўрганилган ва бугунги кунда ўз ечимини топмаган ғоялари ҳам бор.

Густав Юнг (1875-1961 гг.), швейцариялик психиатр, психолог, аналитик психология асосчиси. Базель университетида таҳсил олган ва 1901-1912 йилларда З. Фрейднинг энг яқин ходими бўлган. Халқаро психоаналитик жамоанинг биринчи раиси (1911-1914 й.) бўлиб сайланган.

Юнгнинг психологик қарашлари инсон психикасида «онгли» ва «онгсиз» ни ажратишга йўналтирилган эди. Унинг фикрича онгсиз хулқ-атворни белгилашда етакчи рол ўйнайди. Олимнинг фикрича онгсиз икки шаклда мавжуд:

А) индивидуал (шахсий)

Б) жамоавий – олдинги авлодлар тажрибалари сингдирилган психик фонд. Бу фонднинг мазмунини инстинктлар, қизиқишлар, архетиплар ташкил этади.

Агар инстинкт ва қизиқишлар К. Юнг томонидан маълум бир хулқ-атворни келтириб чиқарадиган туғма эҳтиёж ва туртки сифатида кўрилса, архетиплар ижод, тушлар, мифлар асосини ташкил этади.

К.Юнг шахсларни интроверт ва экстравертларга ажратган.

Интровертлар ўз хулқ-атворларининг **ички** сабабларни аниқлашга ҳаракат қилади. Улар камгап, ижтимоий пассив, ўз-ўзини таҳлил қилишга мойил, мулоқотга киришмайдиган бўладилар.

Экстравертлар эса ўз назарларини **ташқи** атрофдаги оламга қаратадилар. Улар импульсив, мулоқотга осон кириб кета оладиган ва ҳар қандай шароитга ҳам осонликча киришиб кета оладиган бўладилар.

Психиканинг у ёки бу функциясининг етакчилигига қараб К. Юнг шахснинг қуйидаги типларини аниқлаган:

- а) фикрловчи;
- б) эмоционал;

- в) ҳис этувчи;
- г) интуитив.

К. Юнг томонидан олиб борилган юқоридаги тадқиқотлар инсон психикасини тизимли равишда тушунишга ёрдам берди.

Шахс ҳақидаги анъанавий назариялардан яна бири Курт Левин томонидан таклиф этилган «майдон назарияси»дир.

Назариянинг асосий ҳолатлари куйидагилардан иборат. Биринчидан, субъект ҳодисалар оламини нисбий тушунчалар орқали тизимлаштиради. Бу ерда дунё асосий хусусиятга эга бўлган - яхлитлик феномени сифатида тушунилади. Бундан келиб чиқиб, ташқи физик майдон ва шахснинг «психик майдон»ини ажратишимиз мумкин. Психик майдонда (ҳар хил психик валентликка эга бўлган) тортувчи ва итарувчи кучлар мавжуд. Шахсий ядрони турғун истаклар ташкил этиб, мотивацион компонентлар силжиши билан ўзгариб боради. Мотивларни аниқ бир объектлар – «ҳаётий майдон»нинг ҳар хил ҳудудлари ташкил этади.

К. Левиннинг «майдон назарияси» шахс хулқ-атворининг динамик тизими ҳақидаги концепциясини ишлаб чиқишга ёрдам берди. Шунингдек Левин томонидан шахснинг гуруҳдаги ҳолати, лидерлик, низолар ва бошқа муаммолар ўрганилган.

Бу назариялардан ташқари В. Дильтеемнинг (1833-1911 й.) шахснинг ҳар хил дунёқарашлари турлари ҳақидаги назарияси ҳам диққатга сазовордир.

Шахс ҳақидаги билимларни такомиллаштиришда В. Штерннинг (1871-1938 й.) шахс хулосалари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, анъанавий назариялар шахс психологияси ҳақидаги фундаментал билимларга эга. Уларни билиш ҳар бир инсоннинг ички психик хусусиятларини очиб беришга ёрдам беради.

П. Шахс ҳақидаги янги назариялар шахс антропологизацияси ва психологизациясига тааллуқли ғоя, қарашлар ва концепцияларни қамраб олади.

Шахс ҳақидаги янги назариялар ичида кўп олимлар ҳаракатлари билан вужудга келган гуманистик психология етакчи ўрин эгаллайди.

Гордон Олпорт (1897-1967) томонидан шахсни тизимли ўрганиш назарияси таклиф этилган. Бу назария шахсни

ривожланувчи ва очик психофизиологик тизим сифатида кўриб чиқишга ёрдам беради.

Карл Роджерс (1902-1987) гуманистик психология сардорларидан бири бўлиб, шахснинг фундаментал компоненти сифатида ўз ҳаётий концепцияси ётади деб ҳисоблайди. У «Мен Концепция»нинг асосий ҳолатларини таклиф этган. У ишлаб чиққан назарияга кўра қуйидаги ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга:

– нормал инсонларнинг мулоқоти индереktiv, яъни шахсиятга тегмайдиган, ҳар бир инсоннинг индивидуал ёндошувини ҳурмат қиладиган бўлиши керак;

– шахс маркази ёки илдизи атрофдагилар билан ўзаро ҳамкорлик натижасида шаклланадиган ўз-ўзини баҳолашга асосланади;

– «Мен-концепцияси» организмдаги ва ижтимоий сезгиларнинг келишилган композицияси сифатида шаклланади;

– Шахснинг етакчи мотиви сифатида ижтимоий муҳитда тезлашадиган ва тормозланадиган «Мен»нинг ўсиши ҳисобланади;

«Мен-концепцияси» ва идеал «Мен» ўртасидаги қаршилик инсонни шахсий ўсишига олиб келади. К. Роджерс «Мен-концепцияси»ни ривожлантирувчи психологик механизмларини ишлаб чиққан.

Гуманистик психологиянинг ёрқин намоёндаси Абрахам Маслоу (1907-1970) шахс ва унинг намоён бўлиш шакллари (севги, ижод, маънавий қадриятлар ва бошқ.) таҳлил қилишга оид яхлит ёндошувни таклиф этган. А. Маслоу инсон мотивациясининг иерархик моделини яратган.

Эҳтиёжлар шажара (пирамида) сига Маслоу қуйидагиларни киритади:

1 Self- actualization needs — ўз олдида қўйган мақсадларига эришиш, ўз имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжи;

2. Esteem needs — бошқалар томонидан тан олиниши эҳтиёжи;

3. Needs for belongingness and love — ижтимоий алоқалар, севилиш ва севишга бўлган эҳтиёж;

4. Safety needs — хавсизликка бўлган эҳтиёж;

5. Deficiency needs — физиологик эҳтиёжлар.

Таклиф этилган концепцияга асосан шахсни ҳар томонлама таҳлил қилиш имконияти мавжуд. Бунда турли хил ҳаракатлар ва хулқ-атворнинг табиати очиб берилади.

Янги назариялар ичида Мэрфи таклиф этган «Инсон уч табиатининг биоижтимоий назарияси» ҳам катта аҳамиятга эга. Мэрфининг фикрича бу табиатлар қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

Биринчи табиат – инсон ақлли ва энг муҳим ҳисобланган ижтимоий инстинктга биологик мавжудотдир.

Иккинчи табиат - инсоннинг дунёни идрок қилиш усули маданият билан чекланади.

Учинчи табиат – инсон доим индивидуал ижод қилишга интилади.

Психологлар ичида биоижтимоий назария тарафдорлари кўп. Масалан Айзенк шахснинг икки ўлчамли моделини яратган. Бунда шахс психобиологик феномен сифатида кўрсатилган. Шахснинг асосий характеристикалар икки ўлчамда аниқланади: «интровертлик –экстравертлик», «эмоционал турғунлик – нейротизм».

Биоижтимоий назариялар доирасида Д. Кеттел «Шахсий хусусиятларнинг факторлик концепцияси»ни таклиф этган. Бу концепцияга кўра шахсни тадқиқ қилишда энг асосийси инсондаги умумлашган ва бир бирини тўлдиралиган хусусиятларни ўрганиш деб кўрсатилган.

III. Шахс ҳақидаги энг янги назариялар психологияда кенг кўрсатилган.

Эрик Берн (1902-1970) трансакт таҳлилнинг асосларини ишлаб чиқиб, уни шахс сифатларини такомиллаштиришда назарий ва амалий асос деб таклиф этган.

Эрик Фромм (1900-1980) гуманистик ва радикал-гуманистик психоанализга асос солган.

Джордж Герберт Мид (1863-1931) ижтимоий бихевиоризмни асослаб берган.

Гарри Стэк Салливэн (1892-1949) неофрейдизм доирасида «Психотерапиянинг шахслараро назарияси»ни таклиф этган.

Карл Леонгард «Шахсий акцентуациялар назарияси»ни илгари сурган. У шахс психологиясида манфаатлар йўналганлиги доирасини (эгоизм, альтруизм, манманлик) ва ҳиссий-иродавий доирани (эмоцияларнинг кечиш жараёни, уларнинг пайдо бўлиш тезлиги, чуқурлиги, ироданинг кучли ёки кучсизлиги, қўзғалувчанлиги) ажратган.

Психологияда янгилик сифатида Сирс томонидан ишлаб чиқилган ва асосланган «Интеракциянинг диадик назарияси» тан олинган. Бу назарияга кўра психологик таҳлилнинг дастлабки бирлиги – диад тизимдир. Бу тизим бир ёки икки кишининг мужассамлашган ҳаракатларини ёритади; шахс фақат диад вазиятларда шаклланади; шахс хусусиятлари «диад вазиятларда ўлчаниши мумкин»; ҳар бир индивид ҳаракатлари бошқа инсон хулқ-атвориغا йўналтирилган бўлиб, уларга боғлиқ бўлади.

Джордж Александер Келли (1905-1966) «Шахсий конструктлар психологияси»ни яратган. Ушбу концепцияга кўра психик жараёнларнинг ташкил этилиши шахс томонидан келажакдаги воқеаларни кўра билиши («конструкциялаши»)га боғлиқ. Келлининг фикрича ҳар бир инсон тадқиқотчидир. У ўз «шахсий конструктлари» орқали келажакдаги воқеалар образлари ва фаразларини яратади. Ушбу фаразларнинг амалга ошмаслиги конструктлар тизимининг ўзгаришига олиб келади. Бу ўзгаришлар келажакдаги фаразларнинг аниқроқ бўлишини таъминлайди.

Умуман олганда, шахс ҳақидаги психологик билимларнинг бойлиги инсон ва унинг хулқ-атвори, фаолияти сирларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Чет эл психологияси ютуқларининг инобатга олиниши шахс ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитади. Бу эса шахснинг психологик структурасини аниқлашга ва унинг продуктив ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

3.3. Шахснинг психологик характеристикаси ва структураси

Шахснинг психологик характеристикаси ўз ички структурасига эга бўлиб, индивидуал-психологик ва ижтимоий психологик хусусиятлардан иборат.

Шахснинг индивидуал-психологик томони психик жараёнлар, психик хусусиятлар, психик ҳолатлар ва психик тузилмаларни ўз ичига олади.

Шахснинг ижтимоий-психологик томони эса шахсга жамиятдаги маълум бир ролларни бажаришга имкон берадиган хусусиятлар ва сифатларини очиб беради.

Шахснинг индивидуал-психологик томони қуйидагилардан ташкил топади:

Шахснинг ижтимоий роллари – бошқа инсонларнинг ишончини оқлашга ва ўз обрўсини кўтаришга имкон берадиган ҳамда индивидуал-ижтимоий-психологик хусусиятлардан келиб чиқадиган шахс хулқ-атворнинг усуллари.

Ижтимоий позициялар – шахснинг бошқа инсонлар билан бўлган муносабатларида амалга ошириладиган ва ҳимоя қилинадиган қарашлари ва эътиқодларидир.

Ижтимоий установкалар – бошқа инсонлар ва жамиятга бўлган маълум бир муносабатларни акс этувчи тушунча.

Шахс дунёқараши унинг устувор ижтимоий сифат ва хусусиятларини акс этиб, ҳаётидаги муҳим мақсадлар, манфаатлар, муносабатлар ва позицияларини белгилайди.

Шахснинг ахлоқий кўриниши – шахсдаги ахлоқ ҳақидаги тасаввурлар мажмуаси бўлиб, шахс ҳаракат ва хулқ-атворларида ўз аксини топади.

Шахснинг маънавий кўриниши – жамиятда инсон муносабатлари нормалари ва ўзаро ҳамкорлигига бўлган қарашларнинг турғун тизимидир.

Шахс психологик структурасининг пойдеворини унинг психик хусусиятлари ташкил этади: шахснинг йўналганлиги, темпераменти, характери ва қобилиятлари.

1. Шахснинг йўналганлиги. Шахс ижтимоий мавжудот бўлганлиги учун ўзи яшаётган ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон ўзи учун зарур бўлган барча нарсаларни ўз мақсади ва вазифаларига кўра жамиятдан олади.

Инсон фаолияти, унинг жамиятдаги хулқ-атвори доим субъектив характерга эга бўлиб, ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади. Бу эҳтиёжларда шахснинг ҳаёти ва тарбияси жараёнида шаклланган хусусиятлари акс этиб, шахснинг жамиятга ва ўз фаолиятига бўлган муносабатларини, махсус ижтимоий муҳитдаги хулқ-атворини белгилайди.

Шахснинг йўналганлиги юқоридаги хусусиятларини мужассамлаган ҳолда намоён бўлади. Шахс йўналганлигида шахс эҳтиёжлари, мотивлари, дунёқараши, установкалари, ҳаёт ва фаолият мақсадлари акс этади.

Шахс эҳтиёжлари – деганда шахс томонидан нимагадир эҳтиёжи тушунилади. Ҳар қандай тирик организм яшаши учун ташқи оламдан етказиладиган маълум бир шароит ва воситаларга

эхтиёж сезади. Масалан, ўсимликнинг нормал ривожланиши учун куёш нури, иссиқлик, намлик ва озиқ моддалар керак. Инсон эса ташқи олам билан мулоқотга киришишга, озиқа олишга, китоб ўқишга, ижод қилишга ва бошқа кўплаб нарсаларга эхтиёж сезади.

Хайвонлар эхтиёжлари асосан турғун бўлиб, биологик эхтиёжлар билан чекланади. Инсоннинг эхтиёжлари эса кундан кунга кўпайиб, ҳаёт давомида ўзгариб боради: жамият ўз аъзолари учун олдинги авлодларда бўлмаган янги эхтиёжларни ишлаб чиқаради.

Эхтиёжларда инсоннинг маълум бир шароитга боғланиб қолиш даражаси ва характери акс этади.

Эхтиёжларнинг ўзига хос жихатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– ҳар қандай эхтиёж ўз мазмунига эга бўлишида. Инсон маълум бир нарсага ёки фаолиятга (масалан, ўзи ёқтирган иш билан шуғулланиш, ўйин, ўқиш ва ҳ.к.) эга бўлиш эхтиёжини сезади. Бунда эхтиёжнинг *аниқ мазмунли характери* акс этади;

– маълум бир *эхтиёжнинг англаниши даражаси* турли хил эмоционал ҳолатлар билан кечишида (эхтиёж сезиладан нарса кўзга яхши кўриниши, эхтиёжнинг қондирилмаслиги ёмон кайфиятга олиб келиши ёки аксинча);

– аниқ англаб бериш қийин эмоционал-иродавий ҳолатнинг мавжудлигида. Бу ҳолат инсонни ўз эхтиёжини қондириш учун ҳар хил йўллارни топишга ундайди.

– *бу ҳолатларнинг сусайиши ёки бутунлай йўқолиб кетишида* (масалан, ҳаддан ташқари тўйиб овқатланганимиздан сўнг, таомларга қарагимиз келмайди).

– *эхтиёжнинг такрорланишида* (ҳар қандай эхтиёж маълум бир вақтдан кейин яна пайдо бўлиши мумкин).

Шахс эхтиёжлари ранг-барангдир. Эхтиёжларни моддий ва маънавий эхтиёжларга ажратишимиз мумкин.

Моддий (овқатга, кийимга, турар жойга, иссиқликка ва ҳ.к.) эхтиёжлар.

Маънавий эхтиёжлар инсоннинг ижтимоий борлиғи билан боғлиқ бўлган эхтиёжлардир. Инсон ижтимоий фаолиятга, меҳнатга бўлган эхтиёжларни сезади, чунки у ўз моддий эхтиёжларини инстинктив эмас, балки меҳнат орқали амалга оширади. Шунингдек, инсон бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш (бошқа инсонлар

билан мулоқот қилмасдан инсон яшолмайди), билимларни эгаллаш, ижод қилишга эҳтиёж сезади.

Мотивлар – шахснинг англангалик эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган ва шахсни аниқ бир фаолиятга ундовчи ички кучлардир. Улар бирор бир нарсанинг йўқлигида пайдо бўлиб, психик ва физиологик фаолликнинг дастлабки босқичида акс этади.

Мотивация – мотив орқали маълум бир фаолиятга ундаш. Ҳаракатларнинг махсус йўналганлиги асосларини танлаш жараёнидир. Мотивация маълум бир психик ҳолат, ижобий ёки салбий эмоциялар (харсандчилик, қониқиш, қўрқув, хаяжон ва ҳ.к) билан биргаликда кечадиган жараён.

Мотивлар қуйи (биологик) ва юқори (ижтимоий)ларга ажратилади. Биологик мотивлар асосини физиологик эҳтиёжлар ташкил этади. Ижтимоий мотивлар инсон ҳаётида муҳим ўрин тутадиган қизиқишлар, идеаллар ва ишончларни ўз ичига олади.

Қизиқишлар атрофдаги олам ҳодисаларини билишга қаратилган махсус йўналганлигини акс этадиган шахс мотивларидир. Қизиқишлар маълум бир фаолият соҳаларига мойилликни ҳам белгилаб беради.

Қизиқишларнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- инсон фаолиятининг ҳар хил соҳаларидаги нафақат билиш жараёнларини, балки ижодий ҳаракатларини ҳам фаоллаштириш;
- фаолият мақсадлари ва операцияларга аниқлик киритиш;
- инсоннинг махсус соҳадаги билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш;
- маълум бир фаолият билан узоқ вақт шуғулланишга ундайдиган ўзига хос эмоционал ҳолатни келтириб чиқариш.

Шахс ҳаётининг барча томонларини камраб олиб, фаолиятнинг барча турлари ва қизиқишлари хилма-хил бўлиши мумкин.

Биринчидан, қизиқишлар бир биридан ўз мазмуни билан фарқ қилиб, билиш ва фаолиятнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлади: математика, кимё, тарих, адабиётга бўлган қизиқиш; техник, конструкторлик, илмий, спорт, мусиқа, жамият ҳаётига бўлган қизиқишлар ва бошқалар.

Иккинчидан, қизиқишлар турғун ва турғун бўлмаган, чуқур ва юзаки, кучли ва кучсиз, фаол ва пассив бўлиши мумкин.

Қизиқишлар аста секин шаклланиб борилиши керак.

Шахс мотивациясининг асосини *шахс дунёқараши* ташкил этади. Шахс дунёқараши шахс онгида маълум бир ҳаётӣй мақсадлар ва манфаатлар, муносабатлар ва позициялар кўринишида шаклланган табиат, жамият, инсоний муносабатларга илмий қарашлар, ишончлар тизимидир.

Ҳар бир алоҳида олинган шахснинг дунёқараши аниқ тарихий давр ва ижтимоӣй онг билан аниқланади. Жамиятда олдин турмушнинг моддий шарт-шароитлари, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари ўзгариб, инсонлар дунёқарашининг ўзгаришини келтириб чиқаради.

2. Темперамент. Темперамент муаммоси инсониятни 25 аср давомида қизиқтириб келади. Темперамент – психик жараёнларнинг кечиш динамикаси билан характерланадиган шахснинг психик хусусиятларидир. Таниқли психолог Мерлин темпераментни тез ва секин оқадиган дарёлар билан таққослаган. Темперамент инсоннинг илк болалик давридан бошлаб намоён бўлади. Темперамент инсон фаолияти ва хулқ-атворининг динамик хусусиятларини акс этади. И.Павловнинг фикрича темперамент нерв тизимининг туғма, табиӣй ўзига хослигидир.

Темперамент асосӣй икки нерв жараёни – қўзғалиш ва тормозланиш – таъсирида шаклланадиган инсон олий нерв фаолиятининг натижасидир.

2. Характер инсоннинг индивидуал хусусиятларига киради. Характер қадимӣй Юнонистонда ҳам маълум эди. Платон ўқувчиси Теофраст ўзининг «Характер» асарида ўттизта характер турларини ёритган.

Юнон тилидан таржима қилинганда «характер» – бу «зарб қилиш», «белги» демакдир. Ҳақиқатдан ҳам характер – кишининг жамиятда яшаб эгаллайдиган алоҳида белгиларидир. Шахснинг индивидуаллиги психик жараёнларнинг ўтиш хусусиятларида (яхши хотира, хаёл, зеҳни ўткирлик ва бошқалар) ва темперамент хусусиятларида намоён бўлишига ўхшаб, характернинг ҳислатларида ҳам кўринади.

Характер – шахснинг фаолият ва муомалада таркиб топадиган ва намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлари бўлиб, индивид учун типик хулқ-атвор усулларини юзага келтиради.

Характер – шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуиқи, улар унинг борлиққа, одамларга,

фаолиятга ҳамда ўз-ўзига муносабатини ифодалайди. Демак, «муносабат» категорияси характерни тушунтиришда асосий ҳисобланади. Б.Ф.Ломовнинг таъбирича, характер шахс ички дунёсининг асосини ташкил этади ва уни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Муносабатларнинг характердаги ўрни хусусида фикрлар экан, В.С.Мерлин уларнинг мазмунида икки соҳани ажратади:

а) эмоционал когнитив – борлиқ муҳитнинг турли томонларини шахс қандай эмоционал ҳис қилиши ва ўзида шу оламнинг эмоционал манзарасини яратиши;

б) мотивацион-уродавий – маълум ҳаракатлар ва хулқни амалга оширишга ундовчи кучлар. Демак, бизнинг муносабатларимиз маълум мазмун ва маъно касб этган муносабатлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида бизнинг ҳиссий кечинмаларимиз акс этади ва характеримиз намоён бўлади.

Характер шахснинг «танаси», борлиғидир. Характернинг бошқа индивидуал-психологик хусусиятлардан фарқи шуки, бу хусусиятлар анча ўзгарувчан ва динамик, орттирилгандир. Шунинг учун ҳам мактабдаги таълимдан олий ўқув юртидаги таълимга ўтиш фактининг ўзи ҳам ўспиринда маълум ва муҳим ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Умуман, аниқ бир шахс мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ҳар бир алоҳида объектлар, нарсалар, ҳодисаларга мос тарзда характернинг турли қирралари намоён бўлишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, уйда катта ёшли ота-оналар олдида ўта босиқ, кўнувчан, ҳар қандай буюрилган ишни эътирозсиз бажарадиган киши, ўз касбдошлари орасида доимо ўз нуқтаи назарига эга бўлган, гапга чечан, керак бўлса қайсар, дадил бўлиши, кўчада, жамоатчилик жойларида беғам, лоқайд, биров билан иши йўқ кишидай туюлиши, ўзига нисбатан эса ўта талабчан, лекин эгоист, ўз-ўзига баҳоси юқори бўлиши мумкин. Демак, характернинг психологик тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг борлиқдаги объектлар ва предметли фаолиятга нисбатан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

3. Қобилият. Қобилиятлар кишининг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, кўникма, малакалар орттириш шу хусусиятларга боғлиқ бўлади, лекин шу хусусиятларнинг ўзлари мазкур билим, кўникма, малакаларга тааллуқли бўлмайди. Қобилиятлар билим, кўникма, малакаларни эгаллашда намоён

бўлса ҳам, билимлар ва кўникмаларни эгаллаш билан боғланиб қолмайди. Қобилиятлар ва билимлар, қобилиятлар ва кўникмалар, қобилиятлар малакалар айнан бир-бирига ўхшаш эмас.

Малакалар, кўникма ва билимларга нисбатан кишининг қобилиятлари қандайдир имконият сифатида намоён бўлади. Тупроққа ташланган дон, ана шу дондан униб чиқиши мумкин бўлган бошоққа нисбатан атиги имконият бўлиб ҳисоблангани сингари (лекин уруғ тупроқнинг тузилиши, таркиби ва намлиги, об-ҳаво ва бошқалар қулай шароит яратсагина униб чиқади) кишининг қобилияти бу билимлар ва кўникмаларни эгаллаш учун имконият ҳисобланади, холос. Бу билим ва кўникмалар эгалланадими ёки эгалланмайдими, имконият ҳақиқатга айланадими ёки йўқми, буларнинг ҳаммаси кўплаб шароитларга боғлиқ бўлади. Шарт-шароитлар жумласига, масалан, қуйидагилар киради: теварак атрофдаги одамлар (оилада, мактабда, меҳнат жамоасида) кишининг бу билим ва малакаларни эгаллаб олишдан манфаатдор бўладими ёки йўқми; унга қандай таълим берадилар, ана шу малака ва кўникмалар керак бўладиган ва мустаҳкамланадиган меҳнат фаолияти қандай ташкил этилади ва ҳоказо.

Қобилиятлар – бу имконият, у ёки бу ишда маҳоратнинг зарур даражаси эса воқелиқдир. Болада намоён бўлган мусиқий қобилият унинг мусиқачи бўлиши учун бирон бир даражада гаров бўла олмайди. Боланинг мусиқачи бўлиши учун унга махсус таълим берилиши, педагог ва бола намоёиш қилган қатъийлик, саломатликнинг яхши бўлиши, мусиқа асбоби, ноталар ва бошқа кўплаб шарт-шароитлар бўлиши зарур. Буларсиз қобилиятлар ривожланмай турибоқ сўниб кетиши мумкин.

Одамларнинг ўқув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани биринчи навбатда қобилиятлар ва иқтидор масаласига мурожаат қилади. Чунки қобилиятли одамдан аввало жамият манфаатдор, қолаверса, ўша инсоннинг ўзи ҳам қилган ҳар бир ҳаракатидан ўзи учун наф кўради.

Қобилиятлар муаммоси энг аввало инсон ақлу-заковатининг сифати, ундаги малака, кўникма ва билимларнинг борлиги масаласи билан боғлиқ. Айниқса, бирор касбнинг эгаси бўлиш истагидаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини кафолатлагани учун ҳам

психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси ақл-заковат тушунчаси билан боғлаб ўрганилади.

Илм-фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлган. Одамлар қобилиятларнинг ривожланиш механизмлари, уларнинг психологик таркиби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратиш, ҳар бир кишининг ақли сифатига алоқадор бўлган кўрсаткични ўлчашга уринганлар. Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яъни, сўзларда ифодаланадиган), микдорий (сонларда ифодаланадиган) кўрсаткичларни аниқлаб, уларга яна мантиқ, хотира ва хаёл жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қўшганлар.

3.4. Шахс ижтимоийлашуви жараёнининг ўзига хос хусусиятлари

Инсон туғилиши билан бошқа инсонлар билан ижтимоий ҳамкорликка киришади. Мулоқот қилишнинг биринчи тажрибасини ҳали гапирмасдан туриб ўзлаштиради. Бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатларга киришиб, маълум бир ижтимоий тажрибани орттиради ва бу тажриба унинг субъектив ажралмас қисмига айланади.

Шахс ижтимоийлашуви – икки томонлама хусусиятга эга. Бир томондан индивид ўзи яшаётган жамиятнинг ижтимоий тажрибасини сингдиради, иккинчи томондан эса ўзи ўзлаштирган ижтимоий алоқа ва муносабатлар тизимини фаол равишда қайта тиклайди ва ривожлантиради.

Инсон нафақат ижтимоий тажрибани орттиради, балки бу тажрибани ўз шахсий қадриятлари, установкалари, қарашларига айлантиради ва ижтимоий муносабатларга ўз фикрини билдиради. Бунда шахс турли хил ижтимоий муносабатларга субъектив тарзда кириб, ўзини қамраб турган ижтимоий оламни ва ўз-ўзини ўзгартиради.

Ижтимоий тажриба қуйидаги иккита асосий нарсани ўз ичига олади:

– ижтимоий муҳитнинг нормалари, қоидалари, қадриятлари, муносабатлари ва бошқаларни;

– меҳнат, ишлаб чиқариш ва фаолиятнинг бошқа туридаги маданиятини.

Шахс ривожланишини ижтимоий тажрибани орттириш жараёни сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бу икки босқичдан иборат бўлган жараён.

Биринчи босқичда инсоннинг асосий ижтимоий ва психологик кадриятлари шаклланади: меҳнат, ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, экологик, оилавий ва бошқ. Бу босқич шахснинг умумий ижтимоийлашуви жараёнидир.

Иккинчи босқич шахс томонидан у ёки бу касб ёки мутахассисликни эгаллаш билан боғлиқ. Бу шахснинг касбий ижтимоийлашуви жараёнидир.

Ҳар иккала босқич ҳам ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб боради.

Ижтимоий тажрибани ўзлаштириш доим субъектив характерга эга. Бир хил ижтимоий вазиятлар ҳар хил шахслар томонидан ҳар хил қабул қилинади. Бундан ташқари бу вазиятлар инсонлар психикаси, руҳиятида ҳар хил излар қолдиради. Шундай қилиб, ижтимоийлашув жараёнида ижтимоий тажрибани эгаллаш жараёни шахс индивидуаллашувининг манбаи ҳисобланади.

Шахс ижтимоийлашув жараёнининг фаол субъектидир. Шахс ижтимоий адаптациясини нафақат фаол кўникувчи, балки фаол ривожлантирувчи жараён сифатида кўриш мумкин. Ижтимоийлашув жараёни шахснинг ёши улғайгандан кейин ҳам давом этаверади. Ижтимоийлашув жараёни аниқ мақсадга эга бўлса ҳам, «ноаниқ якун» жараёнлари турига киради. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ижтимоийлашув жараёни ҳеч қачон тугамайди ва ҳеч қачон тўлиқ шаклланмайди.

Шахс ижтимоийлашуви атрофдаги муҳит ва ижтимоий муносабатларга **мослашув** жараёнида амалга оширилади.

Мослашувнинг икки турини ажратишимиз мумкин: *биофизиологик* ва *психологик*.

Шахснинг биофизиологик мослашуви деганда организмнинг атроф муҳитдаги турғун ва ўзгарувчан шароитларига (ҳарорат, атмосфера босим, намлик, ва бошқа ташқи жисмоний шароит ва таъсирларга) ҳамда инсоннинг ўзида пайдо бўлган ўзгаришларига мослашуви тушунилади. Инсонлар турли хил ёрдамчи воситалардан фойдаланишлари мумкин (масалан, иссиқ

кийим, уй ва бошқ.). Бундан ташқари инсон айрим биологик жараён ва ҳолатларини психик бошқариш қобилиятига эга бўлганлиги учун, ўз мослашувчанлик имкониятларини кенгайтиради.

Психологик мослашув эса маълум бир ижтимоий ролларни бажариш мақсадида шахс ички дунёсининг атроф-муҳитдаги ижтимоий ва ижтимоий-психологик талабларига, инсонлар ижтимоий ҳаётининг шароитлари ва мазмунига яқинлашишидир. Психологик мослашув шахс ички ва ташқи ҳаёт ва фаолиятини уйғунлаштиради, табиат ва ижтимоий муҳитнинг ранг-баранглигини ўзлаштиришга имконият яратади.

Ижтимоийлашув ва психологик мослашув бир бирига яқин, бир-бирига боғлиқ, лекин бир-биридан фарқ қиладиган жараёнлардир. Биринчиси –ижтимоий тажрибани ўзлаштириш орқали шахс шаклланишини таъминлаш, иккинчиси эса шахс ижтимоийлашувининг асосидир.

Шахс ижтимоийлашувида давлат, жамият, у мансуб бўлган инсонлар гуруҳи катта аҳамиятга эга. Жамиятнинг ҳар бир ривожланиш босқичи шахсга ўзининг талабларини қўяди.

Кўп нарса шахснинг қандай шароитда ривожланишига ва ижтимоийлашувига боғлиқ. Америкалик олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, жамиятнинг турғун (стабил) ривожланиш давларида 7 ёшгача бўлган болалар ахлоқий ривожланиши доконвенционал даражада бўлиб, уларнинг хулқ-атвори жазодан қочиш ёки рағбатлантириш олиш билан характерланади. 13 ёшдан бошлаб мактабни битирганга қадар кўпчилик болалар ўз ҳатти ҳаракатларини ўзлари учун аҳамиятли бўлган гуруҳ аъзоларнинг нуқтаи назари асосида баҳолайдилар.

Ижтимоий кризис шароитида эса ижтимоийлашув жараёни бошқача кечади. Бунда шахс ўзининг шахсий, бошқалардан фарқ қиладиган қадриятлар тизими яратади, кўп ҳолларда бошқаларнинг фикрини қабул қилмайди.

Болалар ижтимоийлашуви катталар, айниқса қариялар ижтимоийлашуви жараёнидан фарқ қилади. Бола шахсининг ижтимоийлашуви индивидуал характерга эга бўлиб, унинг физиологик, анатомио-физиологик, сенсор, эмоционал, билиш, ва ижтимоий ривожланишига боғлиқ.

Ижтимоийлашув мазмунига инсон бевосита кўрган, эшитган нарсалар кирмайди. Инсон бир нарсани кўриши, иккинчи нарсани

эшитиши, учинчи нарсани гапириши ва тўртинчи нарсани ўйлаши мумкин. Шунинг учун ижтимоийлашув мазмунини бир томондан ижтимоий таъсирлар мажмуи (сиёсий дастурлар, ахборот воситалари, маданият), иккинчи томондан эса индивиднинг буларнинг барчасига муносабати белгилайди. Бу муносабатлар фақат шахснинг ўзига хос хусусиятларига эмас, балки у тушиб қолган ижтимоий вазиятга (моддий шароитлар, юқори лавозимга кўтарилиш билан боғлиқ вазият ва бошқ.) ҳам боғлиқ. Шахс ижтимоийлашуви мазмуни унинг вербал хулқ-атворида акс этмаслиги ҳам мумкин. Масалан, шахс маълум бир ижтимоий нормага риоя қилиши, лекин ич-ичидан унга қарши бўлиши мумкин.

Психология нуқтаи назаридан шахс ижтимоийлашуви икки доирада амалга оширилади: унинг ҳаёти доирасида ҳамда касбий, ўқув-билиш ва бошқа алоқа ва муносабатлар доирасида. Шунинг учун бирламчи ва иккиламчи ижтимоийлашувни ажратишимиз мумкин. Бирламчи ижтимоийлашув воқеликни умумлашган образининг шаклланиши билан боғлиқ. Иккиламчи ижтимоийлашув характери меҳнат ва унга яраша олинадиган билимга боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, иккиламчи ижтимоийлашув меҳнат тақсимооти билан боғлиқ бўлган ижтимоий ролларга оид билимларни акс эттиради.


Ижтимоийлашув жараёнини бошқа нуқтаи назар доирасида ҳам кўриб чиқишимиз мумкин. Бунда ижтимоийлашувнинг икки йўналиши ажратилади – инсоннинг шахс сифатида шаклланиши ва инсоннинг фаолият субъекти сифатида ривожланиши. Бундай ижтимоийлашувнинг охириги натижаси индивидуалликни шакллантиришдир.

Назорат саволлари

1. Психология фани нуқтаи назаридан субъект, индивид, индивидуаллик, шахс тушунчаларига изоҳ беринг.
2. Шахс қандай муносабатлар таъсирида шаклланади?
3. Шахс ривожланиши қандай омилларга боғлиқ?
4. Шахс ҳақидаги анъанавий назариялар ҳақида гапириб беринг.
5. Шахс ҳақидаги янги назариялар ҳақида гапириб беринг.
6. Шахс ҳақидаги назариялар бир-биридан қандай фарқ қилади?

7. Шахснинг психологик характеристикаси нима?
8. Шахснинг психологик структурасига изоҳ беринг.
9. Темперамент ва характернинг бир-биридан фарқини тушунтириб беринг.
10. Қобилият нима? Қобилиятнинг қандай турларини биласиз?
11. Шахс ижтимоийлашуви жараёни деганда нимани тушунаси?
12. Ижтимоий тажриба нима?
13. Ижтимоий мослашувнинг қандай турлари бор? Улар ҳақида гапириб беринг.

«ИНДИВИД», «ШАХС», «СУБЪЕКТ», «ИНДИВИДУАЛЛИК»




ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шахс характеристикаси

1. Инсон дунёқарашининг мазмуни
2. Дунёқарашнинг бир бутунлиги
3. Инсон жамиятдаги ўз ўрнини билиши
4. Эҳтиёжлар ва манфаатлар мазмуни ва характери
5. Қизиқишларининг турғунлиги ва ўзгарувчанлиги
6. Қизиқишларнинг торлиги ёки кўпқирралиги
7. Ҳар хил шахсий сифатларнинг намоён бўлиши

Шахс хусусиятлари


ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК РИВОЖЛАНИШИ




ШАХС НАЗАРИЯЛАРИНИНГ УМУМИЙ КЛАССИФИКАЦИЯСИ




ШАХСНИ ЎРГАНИШГА ОИД ЁНДАШУВЛАР



ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК СТРУКТУРАСИ





IV боб. ГУРУҲ (ЖАМОА) ПСИХОЛОГИЯСИ. ГУРУҲНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

4.1. Катта ижтимоий гуруҳларда содир бўладиган психологик ҳодисалар

4.2. Кичик ижтимоий гуруҳларда содир бўладиган психологик ҳодисалар

4.1. Катта ижтимоий гуруҳларда содир бўладиган психологик ҳодисалар

Инсон жамиятда яшаб, жамият (бошқа инсонлар) билан муносабатлар ўрнатади. Жамият катта ва кичик гуруҳлардан иборат. Бу гуруҳларда уларни ташкил этаётган инсонлар психикаси шаклланади ва ривожланади. Шунинг учун психология фани ҳар хил жамоаларда яшаб, фаолият кўрсатган инсонлар психологиясини ўрганишга диққатини қаратади. Ҳам жамият, ҳам ижтимоий гуруҳлар ўзига хос психологик характеристикага эга бўлиб, турли хил психологик ҳодиса ва жараёнларни ўз ичига олади.

Жамият психологияси мураккаб структурага эга. Бу структурага *тизимни ташкил этувчи* ва *тизимли-динамик* қатламлар, ҳамда *асосий (базовий) компонентлар* киради.

Тизимни ташкил этувчи қатлам жамият психологиясининг сифат кўрсаткичларини, асосий қадриятларини, бир бутунлигининг асосий хусусиятларини акс эттиради. Жамиятнинг консервативлиги, ўзгариши қийинлиги, тарих тажрибасига узоқ вақтгача «содиклиги» ҳам шу қатламга боғлиқ. Бу қатламга қуйидагилар киради: ижтимоий манфаатлар, эҳтиёжлар, ишончлар, идеаллар, хотира, дин, урф-одатлар, анъаналар ва бошқ.

Тизимли-динамик қатлам жамият психологиясининг доимий равишда пайдо бўлиб, йўқолиб қоладиган аксиларидан иборат. Уларга жамоа фикрининг ўзгариши, кайфият, кутишлар, ҳукумлар киради.

Жамият психологиясининг **асосий (базовий) компонентлари** жамиятнинг мазмунини бевосита акс этиб, қуйидагиларни ўз ичига

олади: *ижтимоий онг, маънавий-психологик маданият, халқ менталитети, ижтимоий-психологик иқлим ва ижтимоий фаоллик.*

Ижтимоий онг – жамият моддий, маънавий ва психологик ҳаёти, унинг моддий, ижтимоий ва тарихий ривожланиши натижасидир. Яъни, бир томондан – бу ижтимоий-тарихий, вазиятга боғлиқ бўлмаган феномендир. Иккинчи томондан эса ижтимоий онг аниқ бир вақтда аниқ акс этиш шаклига эга. Ижтимоий онг, биринчидан, жамият билан биргаликда қонуниятга бўйсунадиган ривожланиш йўлини босиб ўтади, иккинчидан эса ривожланишнинг ҳар бир даврида жамиятнинг асосий характеристикаларига мос ҳолда акс этади. Ўз мазмунига кўра ижтимоий онг инсонларнинг ижтимоий борлиғи; тарихий ҳамда аниқ вазиятлар нуқтаи назарларидан ижтимоий ва психологик муносабатларини акс этади.

Маънавий-психологик маданият – халқ маънавий кучи ва имкониятлари ривожланишининг даражаси, унда устувор бўлган маънавий қадриятлар тизимидир. Маънавий-психологик маданиятга қадриятлар, муносабатлар, хулқ-атвор нормалари, одоб-ахлоқ, тарбия, тил, миллий символикалар (герблар, байроқлар, гимнлар, урф-одатлар, анъаналар), санъат, сиёсат, жамият, ҳуқуқ маданияти киради.

Халқ менталитети деганда тарихий ривожланиш таъсирида инсонларда шаклланган фикрлаши, фикр юритиши, ҳодиса ва воқеаларни баҳолаши, маънавий установакалари, ижтимоий диди тушунилади.

Жамиятдаги психологик муҳит аҳоли, гуруҳлар, фуқаролар ҳаёти ва фаолияти учун жамият психологиясининг салбий ёки ижобий таъсирини акс этади. Жамиятдаги психологик муҳит инсонлар ва гуруҳларнинг жамият ҳаёти ва унда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар ва жараёнларидан қониқиш-қониқмаслигида, ижтимоий фикр ва кайфиятларда, инсонларнинг ижтимоий-психологик ҳис-туйғуларида ёрқин акс этади.

Ижтимоий фаоллик - ижтимоий нуқтаи назаридан баҳоланадиган ҳамда шахс ва гуруҳ манфаатларини амалга оширишга қаратилган халқ хулқ-атворининг реал амалиётидир.

Жамият ижтимоий гуруҳлардан иборат. Ижтимоий гуруҳлар классификациясини тузиш психология учун жуда муҳим

ҳисобланади, чунки бунда инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини тўлиқ очиб бериш имконияти бўлади.

Катта гуруҳлар – давлат миқёсида фаолият кўрсатаётган, ҳар хил ижтимоий алоқа турлари асосида ташкил этилган, мажбурий шахсий алоқаларни назарда тутмайдиган гуруҳлар. Бу гуруҳлар доим ўзига хос ёрқин хусусиятларга эга:

- улар доимий равишда ривожланади ва такомиллашади;
- фақат ўзларига хос бўлган манфаатларга эга;
- ўзлари ва ўз аъзолари учун ташқи ва ички ўзаро муносабатларни тартибга келтирадиган ижтимоий норма ва санкциялар мажмуини ишлаб чиқади;
- шаклланган ва барча воситалар билан қўллаб-қувватланадиган ролли структурасига эга.

Катта ижтимоий гуруҳлар ўз келиб чиқиши ва фаоллик шаклларига кўра ҳар хил бўлади. Одатда, катта ижтимоий гуруҳларга синфлар, этнослар (миллатлар), сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар, диний конфессиялар киради.

Муассасалар, маҳаллий ташкилотлар, бир туман ёки шаҳар аҳолисини ўрта ижтимоий гуруҳларга киритиш мумкин.

Кичик гуруҳлар – катта бўлмаган жамоалар бўлиб, уларнинг аъзолари бир-бирлари билан бевосита мулоқотда бўлади.

Микрогуруҳлар кичик гуруҳлар ичида пайдо бўлади ва аъзоларининг бир-бирлари билан яқин муносабатлари билан бошқа гуруҳлардан фарқланади.

Ташкил этилган гуруҳлар (ривожланган)– бу аниқ ташкилий структурага эга бўлган ва узоқ вақт давомида фаолият кўрсатаётган гуруҳлардир.

Бу гуруҳлардан фарқли равишда **ташкил этилмаган гуруҳлар (ривожланмаган)** бундай структурага эга бўлмайди ёки энди ташкил этилган (жуда кам вақт фаолият кўрсатаётган) бўлади. Ташкил этилмаган гуруҳларда пайдо бўладиган психологик ҳодисалар оммабоп ҳисобланади. Буларга паника, оммапоб коммуникациянинг психологик хусусиятлари, реклама психологияси ва миш-мишларнинг тарқалиши киради.

Бундан ташқари, гуруҳларда инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, мулоқот ва ўзаро муносабатларини белгилайдиган психологик механизмларни ажратишимиз мумкин. Уларга *ўхшатиш* ва *юқтириш* киради.

Ўхшатиш – шахс ёки гуруҳ томонидан маълум бир эталон, намунага қараб психологик ўзгариш жараёнидир. Ўхшатиш бошқа инсонлардаги ташқи (хулқ-атвориға хос) ёки ички (психологик) хусусиятларни ўзида акс этишида намоён бўлади.

Юқтириш - бевосита алоқа жараёнида бир инсон ёки гуруҳнинг бошқа инсон ёки гуруҳга ўзидаги эмоционал ҳолатни ўтказишнинг психологик механизмидир.

Бошқа мезонларга мувофиқ қуйидаги гуруҳларни ажратиш мумкин:

– реал гуруҳлар – инсонлар доимий равишда ҳаёти ва фаолияти жараёнида бирга бўладиган гуруҳлар;

– шартли гуруҳлар – маълум бир сифат бўйича (ёши, жинси ва бошқ.) инсонларни бирлаштирадиган гуруҳлар.

Гуруҳлардаги психологик ҳодисаларни ҳар хил асосларга кўра туркумлаш мумкин: аниқ бир жамоаларга мансублиги бўйича, турғунлиги бўйича, анланганлик даражаси бўйича ва ҳ.к.

Жамиятдаги барча психологик ҳодисалар асосини инсонлар ўртасидаги ҳамкорлик, ўзаро муносабатлар ва мулоқот ташкил этишини унутмаслик лозим. Уларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунмасдан, инсонлар психологиясини тушуниш қийин.

Гуруҳларда пайдо бўладиган психологик ҳодисаларга *умумижтимоий жараёнлар; катта ва кичик ҳамда ривожланмаган жамоаларда пайдо бўладиган ҳодиса ва жараёнлар; шахсга тааллуқли бўлган ҳодисалар* киради.

1. Умумижтимоий ҳодисалар кўпчилик инсонлар (уларнинг қандай ижтимоий гуруҳга мансуб эканлигидан қатъий назар) психологиясини акс эттиришини таъминлайди. Уларга *ўзаро ҳамкорлик, ижтимоий перцепция, ўзаро муносабатлар, мулоқот* киради.

Катта ижтимоий гуруҳларда пайдо бўладиган психологик ҳодиса ва жараёнлар синфлар, этник (миллий), сиёсий ва диний жамоаларда мулоқот, ўзаро фаолият юритиш ва ўзаро муносабатларда акс этадиган феноменлардир.

2. Синфий психология (ҳар хил синфлар психологияси) – ҳар хил синф вакиллари ўртасида ўзаро ҳамкорлик, мулоқот ва ўзаро муносабатларда пайдо бўладиган психологик ҳодисалардир.

Синф деганда психологияда катта, ривожланган гуруҳлар тушунилади. Улар бир биридан ижтимоий ишлаб чиқариш тизимидаги маълум бир ўрни, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган

муносабатлари, меҳнатни ижтимоий ташкил этилишидаги роли, моддий бойликларга эга бўлганлиги билан фарқланади.

Синфлар ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши натижасида пайдо бўлади. Уларнинг фаолият юритиши ишлаб чиқаришда тарихий белгиланган усуллар билан боғлиқ.

Синф жамият онгининг энг асосий субъектларидан биридир. Айнан шу жамоа орқали асосий ижтимоий-психологик ҳодисалар (ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ҳамкорлик ва муносабат, мулоқот, инсонлар кайфияти) ташкил топади.

Синф психологияси ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: *эҳтиёжлар, манфаатлар, қадриятлар, роллар ҳақидаги тасаввурлар, хулқ-атвор нормалари, анъаналар ва бошқа ижтимоий психологик ҳодисалар.*

Синф эҳтиёжлари – синфни фаолликка ва ривожланишга ундовчи кучлар. Синф фаолиятининг ўзига хослиги ўз аъзоларининг маълум бир эҳтиёжларини ривожлантиради, бошқа эҳтиёжларни эса йўқотади.

Синф манфаатлари ҳам синфни ривожлантиришга қаратилган кучлар ҳисобланади.

Синф қадриятлари – синф ижтимоий онги асосида ишлаб чиқилган идеаллардир.

Синфнинг ролли қарашлари – синфнинг ҳар кунлик фаолияти асосида шаклланган ва жамиятда ўз ролини англаш натижасида пайдо бўлган қарашлар.

Синфнинг хулқ-атвор нормалари – синф аъзоларига қўйиладиган маълум бир кўрсатмалар ва тавсиялар. Синфда ишлаб чиқилган нормалар ёрдамида синф аъзоларига талаблар қўйилади, уларнинг хулқ-атворлари назорат қилинади, йўналтирилади ва баҳоланади.

Синф анъаналари, урф-одатлари – синф аъзоларининг хулқ-атворини белгилайдиган, узок вақт давомида шаклланиб келган ҳаёт ва фаолият қоидалари ва тамойилларидир.

Жамиятда синфлар ўртасидаги фарқ меҳнатнинг тақсимланиши ва хусусий мулкнинг пайдо бўлишига асосланади.

Синфлар ва ўрганилаётган жамиятнинг синфлар ўртасидаги қатламларининг психологик характеристикаларини илмий асослаш учун қуйидагиларни билиш ва фарқлаш лозим:

- 1) синфий психологиянинг детерминанталарини;
- 2) уни тузилиш асосини.

Агар синф психологиясининг **детерминантаси** синфнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, унинг жамият тизимидаги ўрни, ишлаб чиқариш воситаларига муносабати, тарихий роли, ривожланиш даражаси, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс этса, **синф тузилишининг асоси**ни турмуш шароитлари, ижтимоий-амалий фаолият характери, бошқа синфлар ва синфлараро гуруҳлар билан муносабатлари, ижтимоий тажриба, турмуш тарзи ва синф аъзолари ҳаёти ва фаолиятнинг бошқа субъектив ва объектив характеристикалари ташкил этади.

3. Миллий (этник) психология – ҳар хил этнослар (миллатлар)нинг ўзаро фаолияти, бир бирларини идрок этишлари, мулоқоти, ўзаро муносабатларини характерлайдиган ҳодисаларни, шунингдек этносларнинг миллий-психологик хусусиятларини ўрганади. Ҳар бир миллатнинг тизимли томонини (миллий онг, миллий характер, қадриятлар, ҳис-туйғулар, анъаналар, урф-одатлар) ва динамик томонини (миллий-психологик хусусиятлар) ажратишимиз мумкин.

Этник (миллий) жамоа деганда тарихий ривожланиши, тили, маданияти ва психик тузилиши бир хил бўлган инсонлар жамоаси тушунилади. Этник бирлашманинг борлиғи асосида ўзининг бир бутунлигини ҳис этиш ётади ва у «биз» деган тушунча билан акс этади.

Миллий онг (миллий-психологик ҳодиса) – ижтимоий онгнинг (ижтимоий ҳаётнинг) таркибий қисми. Миллий онг реал бўлиб, инсонлар, гуруҳлар хулқ-атворларида намоён бўлади ва онгнинг барча шаклларида мужассам этади – сиёсат, ҳуқуқ, дин, илм, санъат ва фалсафа. Ўз навбатида этник психология ижтимоий психологиянинг бир соҳаси сифатида инсонларнинг миллий психикасини ўрганади.

Миллий-психологик хусусиятлар миллий установка ва миллий стереотип механизмлари асосида намоён бўлади ва уларни акс этиш қонуниятларини очиқ берадиган маълум бир хусусиятларга эга. Уларга қуйидагилар киради:

- барча бошқа психик ҳодисаларни детерминация қила олиш қобилияти (у ёки бу миллий жамоанинг ҳар бир аъзоси этник муҳит ва миллий тажрибанинг кўп йиллик тажрибаси таъсирида фикрлайди, ҳис этади, мулоқот юритади);

- ҳаддан ташқари ранг-баранглик (ҳар бир аниқ жамоада психик жараён ва ҳолатлар, ўзаро ҳамкорлик ва муносабатлар,

мулоқотнинг ўзига хос миллий хусусияти борлиги, уларни ўрганиш ва англашни мураккаблаштиради);

– турли миллатларнинг ўзига хос хусусиятларини умумлаштириш мумкин эмаслиги (ҳар хил этник жамоа вакиллари психикасининг турлича намоён этиши).

– бошқа психологик ҳодисаларга нисбатан турғунлиги ва ўзгармаслиги.

Юқорида айтиб ўтилганидек, миллий психика ўз структурасига эга бўлиб, унда тизимли ва динамик томонларини ажратишимиз мумкин.

Тизимли томонига қуйидагилар киради:

– *миллий онг* – инсонлар томонидан маълум бир этник жамоага мансублигини ва ижтимоий (давлат, миллатлараро) муносабатлар тизимида ўз ўрнини англаниши.

– *миллий характер* – у ёки бу этник бирлашма аъзоларида тарихий шаклланган турғун психологик хусусиятлардир.

– *миллий темперамент* – хулқ-атворнинг ўзига хос характеристикалари;

– *миллий қадрият ва йўналганликлари* – у ёки бу этник жамоа аъзоларнинг мотивацион устуворлигини акс этадиган ва унинг бирлиги ва яхлитлигини сақлаб қолишга хизмат қиладиган ижтимоий-психологик ҳодисалардир.

– *миллий ҳис-туйғу* инсонларнинг ўз этник жамоасига, унинг манфаатларига, бошқа миллат ва қадриятларга бўлган муносабатларида акс этади.

– *миллий урф-одатлар ва анъаналар* – аниқ бир этник жамоанинг авлоддан-авлодга ўтиб келадиган ва пухта ўрнашиб қолган ҳаракат, мулоқот қоидалари ва нормаларидир.

Миллат психологиясининг динамик томони (инсонларнинг миллий-психологик хусусиятлари) тизимли томондан фарқли равишда миллий-психологик ҳодисаларнинг намоён бўлишини аниқлаш ва англаш имконини беради. Миллий психологиянинг динамик томони структурасига қуйидагилар киради:

– *мотивацион-фонли миллий-психологик хусусиятлар* (буларга қуйидаги сифатлар киради: ишчанлик, ишбилармонлик, сезгирлик, сабрлик даражаси ва бошқ.). Бу хусусиятлар у ёки бу этник гуруҳ аъзоларининг фаолиятга ундовчи кучларини, мотив ва мақсадларнинг ўзига хос томонларини кўрсатади.

– *ақлий-билиш қобилиятлари* миллий психика намоёндалари идрок ва тафаккурининг ўзига хослигини аниқлайди. Бу ўзига хослик бошқа халқлардан фарқ қиладиган махсус билиш сифатларида акс этади (бир томондан, мантиқ, абстрактлаштиришнинг кенглиги ва чуқурлиги, ақлий операцияларнинг тезлиги, иккинчи томондан эса идрокнинг бир бутунлиги, фаоллиги ва ҳаёлнинг ёрқинлиги ҳар хил миллат вакиллари ақлий фаолиятининг махсус билиш характеристикаларини белгилайди).

– *ҳиссий-иродавий хусусиятлар* у ёки бу этник жамоа вакилларида ўзига хос эмоционал ва иродавий сифатларини акс этади, бу сифатлар эса фаолият самарадорлигини белгилайди. (масалан, инглиз ва немисларнинг интравертлиги ва ўзини бошқара олиши, француз ва ирландияликларнинг тез қўзғалиши кўпчиликка маълум; кўп тадқиқотчилар куйидаги хулосаларга келган: инглиз, эстон ва хитойларда иродавий жараёнлар турғунлиги кузатилади, иродавий ҳаракатлар давомийлиги эса турк, еврей ва японларда кўпроқ учрайди).

– *мулоқот ва хулқ-атвор хусусиятлари* аниқ бир миллат вакиллариининг ахборот, шахсий ҳамкорлик, мулоқот, ўзаро муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини камраб олади (улар қарашлар ва хулқ-атворнинг ташқи кўринишларида, маълумотни узатиш ва қабул қилиш ва ҳ.к.нинг ўзига хос шаклларида намоён бўлади).

4. Сиёсий психология (сиёсий-психологик феноменлар) аниқ сиёсий ташкилотлар манфаатларини кўзлаб, ҳокимлик учун курашдаги инсонлар фаолияти ва хулқ-атворини характерловчи психологик ҳодиса ва жараёнларни ўрганади.

Сиёсат (сиёсий муносабатлар) жамият ҳаётининг ташкилий ва назорат қилувчи тизим сифатида бошқа тизимлар доирасида (иқтисодий, мафкуравий, ҳуқуқий, маданий, диний) муҳим ўрин тутди. Сиёсат жамиятда ҳокимлик учун курашда намоён бўлади.

Сиёсий психологиянинг мазмун-моҳияти инсонлар ижтимоий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сиёсий реалликни акс этиш жараёнида амалга оширилади. Унинг мазмунини сиёсий ғоялар, назариялар, қарашлар, манфаатлар, кайфиятлар ҳамда сиёсат таъсиридаги инсонлар ҳис-туйғулари ташкил этади.

Сиёсий психологиянинг хусусияти қуйидагиларда акс этади:

а) инсон манфаатларининг ижтимоий-синфий акс этиши даражасида;

б) сиёсатнинг ижтимоий онг бошқа шакллари (ҳуқуқ, ахлоқ, дин, фан, санъат ва фалсафа) фаол таъсирида.

Сиёсий психология қуйидаги функцияларни бажаради:

1. *билиш функцияси* инсонларнинг атрофдаги сиёсий фаолияти ҳақидаги билимлар тизимини намоён этади;

2. *баҳолаш функцияси* инсонларни сиёсий ҳаётда йўналтиришга, сиёсий ҳодисаларни баҳолашга ёрдам беради;

3. *регулятив функция* инсонларга сиёсий фаолиятда иштирок этишлари бўйича йўлланма беради;

4. *муҳассамловчи функция* умумий қадриятлар, ғоялар, установкалар асосида жамиятнинг ижтимоий гуруҳларини бирлаштиришга қўмаклашади;

5. *прогностик функцияси* сиёсий ҳодиса ва жараёнларнинг мазмуни ва ривожланиш характерини олдиндан билишга асос яратади;

6. *норматив функция* сиёсий келажак образини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Психология фани сиёсий ҳодисаларни ўрганишда ва туркумлашда сиёсат мақсадлари, воситалари ва натижалари нуқтаи назаридан ёндошади. Сиёсий ҳодисаларни ўрганиш доирасида қуйидагилар татбиқ этилади:

– инсонларнинг сиёсий фаоллигига таъсир этадиган ва сиёсий жараёнларга бўлган реакцияларини келтириб чиқарадиган мотивлар (эҳтиёжлар), қизиқишлар, одатлар, қарашларни, шунингдек, ҳокимлик, сардорлик, сиёсат мақсадларига эришиш эҳтиёжларини; индивид ва ижтимоий гуруҳлар сиёсий онгининг индивидуал ва ижтимоий характеристикаларини;

– сиёсий тафаккурнинг психологик қонуниятлари, унинг мазмунли компонентлари ва структурасини; сиёсий фаолият, ҳокимлик учун кураш, шу жумладан сиёсий рақобат ва сардорликка нисбатан шаклланадаган тасаввур ва қарашлар шаклланишининг психологик хусусиятларини; сиёсий қарорлар қабул қилишнинг психологик қонуниятлари ва механизмларини; сиёсий фаолият, ҳокимлик учун кураш, сиёсат субъекти ва объектларининг вазиятдаги ҳуқ-атворини назорат қилишнинг махсус методларини ишлаб чиқиш масалаларини;

– сиёсий фаолият жараёнида вужудга келадиган индивидуал ва гуруҳда пайдо бўладиган ҳис-туйғулар, кайфиятлар ва кечинмаларни; сиёсат объектлари ва субъектлари фаолиятининг

мазмуни ва натижасига ҳис-туйғу ва эмоциялар таъсир этишининг психологик қонуниятларини;

– индивид ва турли гуруҳларнинг сиёсий мулоқоти, ўзаро ҳамкорлиги, ўзаро муносабатларининг умумий қонуниятлари ва хусусиятларини; сиёсий фаолият субъекти ва объектларининг психологик хусусиятларини; сиёсат ва ҳокимлик учун курашишга кирган инсонларнинг ролли хулқ-атворини; сиёсий фаоллик шароитида ижтимоий фикр шаклланиши ва ривожланишининг психологик механизмларини; сиёсатга бўлган қизиқишларининг ўсиши ва сўнишининг қонуниятларини; сиёсий лидерлар имиджини шакллантириш усулларини; сиёсий фаолият, ҳокимлик учун кураш жараёнида ахборот воситаларининг таъсирини.

Психология фанининг ҳокимлик муаммосига бўлган қизиқиши қуйидагиларга боғлиқ:

Биринчидан, ҳар қандай инсон у ёки бу даражада бошқа инсонлар устидан ҳокимлик қилишга интилади, чунки инсон ўзида буни амалга ошириш учун ички кучларни ва бошқа инсонлардан устунлигини сезади.

Иккинчидан, инсонлар ҳар доим маълум бир ижтимоий ролларни бажаради, бу роллар эса бошқа инсонлар ролларидан фарқ қилади. Шу сабабга кўра ҳар бир индивид ҳар қанақа вазиятда ё ҳокимлик қилади, ё бўйсунди. Бу жараён ўзига хос психологик хусусиятга эга бўлиб, бўйсундириш ва бўйсунушга асосланади. Оиладаги, ижтимоий ҳаётдаги шахслараро муносабатларда бўйсундириш ва бўйсунуш ошқора этилмайди, жамият ҳаёти ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларда эса ҳокимликнинг мавжудлиги энг асосий шартлардан бири саналади.

Учинчидан, бўйсундириш ва бўйсунуш муносабатларисиз ҳеч қандай давлат, шу жумладан демократик давлат ҳам бўлмайди. Чунки бу муносабатлар ҳаёт ва фаолиятнинг иқтисодий, сиёсий, маданий, таълимий ва бошқа соҳалардаги муаммоларни ечиш учун зарурийдир.

Шундай қилиб, ҳокимлик, ҳокимлик муносабатлари доимий равишда инсонлар хулқ-атвори, фаолияти, ички дунёси ва бошқа индивидлар билан бўлган муносабатларига таъсир этади. Улар таъсирида жамият ва атрофдаги оламда, индивидуал ва ижтимоий онгда кўзга кўринадиган ўзгаришлар пайдо бўлади.

Психология нуқтаи назаридан ҳокимлик бу (шахс, гуруҳ, синф, миллат, партия, давлат ва ҳ.к.) ўз истакларини обрў, ҳуқуқ,

мажбурлаш ва бошқа воситалар ёрдамида (жамиятдаги инсонлар фаолияти, хулқ-атвори ва ҳаётига таъсир этиш орқали) амалга ошириш қобилияти ва имкониятидир.

Шу билан бирга ҳокимлик ижтимоий ҳодиса сифатида объектив қонунларга бўйсунди.

Ҳокимликни илмий нуқтаи назардан тушуниш учун унинг жамиятдаги ҳил хил турлари ва шаклларино инобатга олиш ва намоён бўлиш хусусиятларини таҳлил қилишни талаб этади.

Сиёсат ва ҳокимлик муносабатларида сиёсий лидерлар етакчи ўрин тутди. Сиёсий лидер – сиёсий жараённинг етакчи сифатида ижтимоий кучларнинг бирлашишини таъминлайди.

Сиёсий лидер қуйидаги вазифаларни бажаради:

- сиёсий акцияларни режалаштиради. Ўз тарафдорларини излайди, улар ўртасидаги муносабатларни назорат қилади, уларни компромиссга ёки сиёсатни кескин ўзгартиришга ундайди;

- ижтимоий арбитражни, аҳолини қонунсизлик ва бюрократиядан сақлашни амалга оширади, жамиятда тартибни сақлайди;

- ҳокимлик ва аҳолининг коммуникациясини амалга оширади;

- ўз режа ва дастурларини амалга оширади.

Сиёсий лидерликнинг асосий психологик хусусиятлари:

- катта ижтимоий гуруҳлар манфаатларига жавоб берадиган аниқ сиёсий дастурнинг мавжудлиги;

- машхурлик, инсонлар симпатиясини қозониш;

- сиёсий ирода, ўз бўйнига масъулиятни олиш;

- ўткир ақл, сиёсий интуиция, юқори сиёсий маданият;

- ташкилотчилик қобилияти ва ораторлик маҳорати;

- ўз обрўйини ошира олиш қобилияти.

Сиёсий лидернинг классификацияси хилма хилдир. Одатда лидерларни қуйидаги турлари мавжуд:

- обрўйининг ижтимоий табиати бўйича (анъанавий, бюрократик, харизматик лидерлар),

- инсонларга муносабатлари бўйича (авторитар ва демократик лидерлар);

- сиёсий тизимга муносабати бўйича (функционал ва дисфункционал лидерлар, конформист ва нонконформистлар).

5. Диний психология худога ишонадиган инсонларнинг ўзаро фаолияти, идроки, мулоқоти, ўзаро муносабатларининг

психологик хусусиятларини ўрганади. Дин ижтимоий гуруҳ ва шахсларнинг ижтимоий онг (фалсафа, ҳуқуқ, санъат, фан каби) шаклларида бири бўлиб, инсонларнинг бир бирлари билан мулоқот қилишларига ёрдам беради.

Дин (диний-психологик феноменлар) қуйидаги психологик хусусиятларга эга:

- ижтимоий онг (ижтимоий ҳаёт)нинг маълум бир шакли ҳисобланиб, диндорлар психикасининг ўзига хос ҳолатларини келтириб чиқаради;

- махсус бир гуруҳларнинг (руҳонийлар гуруҳи) мавжудлигини назарда тутади;

- муқаддас ҳисобланган образ ва тушунчалар билан билан боғлиқ бўлади;

- диний қонун ва қоидаларда ўз аксини топган маълум бир эътиқодлар мажмуини назарда тутади;

- маълум бир ҳаракат ва одатларнинг махсус мажмуини акс этади.

Дин диний онг, диний маданиятнинг акс этиши ва диний ташкилотларнинг фаолиятини қамраб олади.

4.2. Кичик ижтимоий гуруҳларда содир бўладиган психологик ҳодисалар

Психология кичик гуруҳларда яшаб, фаолият кўрсатаётган инсонлар психологиясига алоҳида эътибор қаратиб, кичик гуруҳларда пайдо бўладиган ва кечадиган психологик ҳодиса ҳамда жараёнлар пайдо бўлиши ва ривожланишини синчиклаб ўрганади, таҳлил қилади.

Кичик гуруҳлар – ўз таркибига кўра катта бўлмаган жамоалар ҳисобланади. Фаолият мақсадининг бирлиги ва гуруҳ аъзоларининг бир бирлари билан бевосита мулоқот қила олиш имконияти кичик гуруҳ ташкил этилишига асос бўлади.

Кичик гуруҳнинг пайдо бўлиши ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан боғлиқ. Бир томондан, жамият ва унинг иқтисодиёти бошланғич иқтисодий ва ижтимоий қадриятлар шаклланадиган куртакларни яратиб, бу куртаклар асосида ривожланади. Бошқа томондан эса ҳар бир инсон жамиятда яшаб қандайдир бир гуруҳларга яқинлашишига ҳаракат қилади (уларнинг ижтимоий аҳамияти, шуғулланаётган касбий фаолиятнинг

муҳимлиги). Охир оқибатида кичик гуруҳ ўз ривожланишининг юқори босқичида жамоага айланади. Жамоада ҳурматга сазовор бўлган раҳбарнинг бўлиши, тартиб-интизом, юқори даражадаги ахлоқий ва маънавий муҳитнинг мавжудлиги, гуруҳ аъзоларининг дўстона муносабатлари ва ҳамжиҳатликлари бўлиши керак. Жамоада инсон ҳар томонлама ва ижодий ривожланади.

Кичик гуруҳлар формал ва ноформал, ривожланмаган ва юқори ривожланган, тарқоқ ва ҳамжиҳат, референт ва нореферент бўлиши мумкин.

Формал гуруҳлар – ташқаридан расмий белгиланган структурага эга бўлган гуруҳлардир.

Ноформал гуруҳлар – шахсий қизиқишлар асосида пайдо бўладиган гуруҳлар. Формал гуруҳ олдиндан белгиланган ижтимоий мақсадлар, кўрсатмалар, низомлар асосида фаолият кўрсатса, ноформал гуруҳ ўз аъзоларнинг симпатия ва антипатиялари асосида ташкил этилади.

Ривожланмаган (ёки суств ривожланган) гуруҳлар – яқинда пайдо бўлган ва ўз ривожланишининг бошланғич босқичида фаолият кўрсатаётган гуруҳлардир.

Ривожланган гуруҳлар – бу узоқ вақтдан бери фаолият кўрсатаётган гуруҳлар бўлиб, улар мақсаднинг бирлиги, умумий манфаатлар, юқори ривожланган муносабатлар тизими ва ҳ.к. мавжудлиги билан фарқланади. Кичик гуруҳнинг юқори ривожланган шакли – жамоадир.

Жамоа – бу инсонлар бирлашмасининг юқори шаклидир. Жамоада инсонларнинг ҳамкорликдаги фаолияти учун ижобий шароитлар яратилади. Жамоа аъзолари умумий объектга қаратилган фаолият билан шуғулланадилар. Фаолият жараёнида жамоа аъзоларини вақт, иш жойи, ишлаб чиқаришнинг умумий асбоблари ва бошқ. бирлаштиради.

Тарқоқ гуруҳлар – тасодифан тузилган гуруҳлар бўлиб, бу гуруҳларда инсонларни фақат умумий ҳис-туйғу ёки кечинмалар бирлаштиради.

Ҳамжиҳат гуруҳларда инсонлар бир бирлари билан бевосита ҳамкорлик билан боғлиқ бўладилар.

Референт (эталон) гуруҳлар – бу гуруҳлар инсонлар учун эталон ҳисобланиб, инсонлар ўзларининг қизиқишлари, симпатия ва антипатиялари, шахсий интилишларига қараб, шу гуруҳларга интиладилар.

Нореферент гуруҳларда инсонлар доимий равишда фаолият юритиб, шу гуруҳ аъзолари ҳисобланадилар.

Ҳар қандай гуруҳ ўз структурасига эга. Гуруҳ аъзоларини боғловчи ички муносабатлар гуруҳ ҳаёти ва фаолиятига, меҳнат самарадорлигига, аъзоларнинг қониқишига таъсир этади.

Гуруҳ структураси ташқи ва ички омилларга боғлиқ бўлади. Гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатлари ташқаридаги бошқа гуруҳ ёки бир шахснинг қарори билан белгиланиши мумкин.

Кичик гуруҳни ҳар томонлама ўрганиш унинг психологик структурасини англаш билан бошланади. Психологик структура қуйидагиларни қамраб олади:

1) *композицион тузилма*, яъни гуруҳнинг бир бутунлиги нуқтаи назаридан, гуруҳ аъзоларининг ижтимоий-психологик характеристикалари мажмуини.

Гуруҳнинг миқдорий ва сифат таркибини инобатга олиш зарур ҳисобланади. Бундан ташқари, гуруҳ аъзоларининг миллий ва ижтимоий келиб чиқиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак. Чунки бу омилларнинг психологик ўзига хос жиҳатлари гуруҳ аъзоларининг ҳамкорликдаги фаолияти, шахсий муносабатлари, ноформал микрогуруҳларнинг ташкил этилишига таъсир этади.

2) *ҳис-туйғуларга асосланган шахслараро муносабатлар тузилмаси*, яъни гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатлари, симпатия ва антипатияларидир. Уларни **социометрия методи** орқали аниқлаш мумкин.

Социометрия гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатларини аниқлаш асосида ҳар бир шахснинг гуруҳдаги ўрни ва роли, обрўси, гуруҳ аъзоларига таъсири, индивидуал-шахсий хусусиятлари ҳақида хулоса беради ҳамда шахслараро ва эмоционал муносабатлар тизимини аниқлашга хизмат қилади.

3) *коммуникатив тузилма* – гуруҳ аъзолари ўртасида пайдо бўладиган ҳамда ташқи оламдан кириб келадиган ахборот оқимлари тизимларида кичик гуруҳ аъзолар позицияларининг мажмуидир. Ахборотга эга бўлиш гуруҳ аъзоси ўрнининг муҳим кўрсаткичидир, чунки ахборот олиш ва сақлашга бўлган имконият гуруҳ аъзосига махсус рағбатлар келтиради ва гуруҳдаги родини кучайтиради.

Кичик гуруҳлардаги коммуникатив алоқаларни ўрганиш гуруҳ аъзолари фаолиятининг самарадорлигини ёки салбий эмоционал фоннинг мавжудлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

4) *функционал муносабатлар тузилмаси* – гуруҳ аъзоларининг маълум бир рол ёки вазифани бажариш билан боғлиқ бўлган бир бирларига таъсирлар мажмуидир.

Умуман олганда, кичик гуруҳ мураккаб организмдир. Бунда инсонлар ўзларининг индивидуал, ижтимоий-психологик сифатларига кўра ҳар хил ҳолатда бўладилар, ҳар хил вазифаларни бажарадилар. Гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатларига улар бажарадиган роллар таъсир этади.

Кичик гуруҳ инсонларни бошқа бирлашмалар каби маънавий ҳаёт ва психологиянинг бирлиги билан бирлаштиради. Кичик гуруҳда инсонларнинг бирлашишлари ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, қуйидагиларда акс этади:

- гуруҳдаги муносабатларда;
- гуруҳдаги интилишларда;
- гуруҳдаги кайфиятларда;
- гуруҳдаги анъаналарда.

Уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Кичик гуруҳдаги **муносабатлар** (шахсларо муносабатлар) – гуруҳ аъзоларининг турли хил ҳис-туйғулари, эмоциялари билан кечадиган ва ўзаро ҳамкорлик натижасида пайдо бўладиган субъектив алоқалардир.

Кичик гуруҳдаги шахсларо муносабатлар тизими ўз ички психологик хусусиятларига кўра тасодифан рўй бериши мумкин. Кўп ҳолларда бу тизим ташкил этилмаган бўлади (айниқса бошланғич босқичларда). Лекин кичик гуруҳдаги шахсларо тизими яхши ўрганилиши, таҳлил қилиниши ва англаниши керак, чунки шахсларо муносабатлар тизими асосида нафақат кичик гуруҳ психологиясининг бошқа компонентлари, балки уларни ташкил этадиган кўп элементлар ҳам шаклланади: ҳамкорликдаги ҳаёт ва фаолиятнинг талаб ва нормалари; доимий шахсларо баҳолаш, дардкашлик; психологик рақобатбардошлик ва мусобақа.

Шахсларо муносабатлар структурасида учта бир бири билан боғлиқ компонентни ажратиш мумкин: когнитив, эмоционал, ҳуқ-атвор.

Кичик гуруҳдаги шахсларо муносабатларининг **когнитив компоненти** ўз ичига барча психик билиш жараёнларини қамраб олади: сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, ҳаёл. Бошқа инсонлар билан алоқада бўлган шахс бу жараёнлар орқали ўз ҳамкорларининг индивидуал-психологик хусусиятларини билиб

олади. Бу хусусиятлар таъсирида бир бирини тушуниш ва ўзаро муносабатлар шаклланади.

Бир бирини тушунишнинг энг муҳим характеристикалари сифатида *адекватлик* ва *идентификация*ни тушуниш мумкин. *Адекватлик* деганда бир шахс томонидан бошқа шахсни аниқ психик акс этиши тушунилади. *Идентификация* деганда индивиднинг ўз шахсини бошқа индивид шахси билан таққослаш тушунилади. Бунда ҳодиса, предмет ва образларни таққослаш механизми акс этади. Идентификация мақсадга қаратилган жараён бўлиб, иккита шахс ўртасидаги ўхшашлик ва фарқни аниқлаш билан якунланади.

Шахсларо муносабатларининг *эмоционал компоненти* бошқа инсонларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари таъсирида пайдо бўладиган салбий ёки ижобий кечинмаларда акс этади.

Эмоционал идентификация икки субъектни бир бири билан таққослашда акс этади ва эмпатияни келтириб чиқаради. Эмпатия бошқа инсонни тушуниш, унга ёрдам бериш ҳиссининг пайдо бўлишидир. Шахсларо муносабатларининг эмоционал компоненти айниқса норасмий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга.

Шахсларо муносабатларнинг тўғри ташкил этилишида *хулқ-атвор* билан боғлиқ бўлган компонент етакчи ролга эга. У ўз ичига бошқа инсонлар ва гуруҳга бўлган муносабатларни акс этадиган мимика, пантомимика, нутқ ва ҳаракатларни қамраб олади.

Шахсларо муносабатларни баҳолашда энг асосий мезон гуруҳ аъзоларининг «қаноатланганлиги – қаноатмаганлиги» ҳисобланади. Муҳим ролни бунда «симпатия – антипатия», «ёқтириш – ёқтирмаслик» ўйнайди. Ўзаро бир бирини ёқтирмаслик турли хилдаги салбий низоларга олиб келиши мумкин.

Кичик гуруҳлардаги муносабатлар ҳар хил бўлади:

– ижтимоий-сиёсий муносабатлар – гуруҳда ижтимоий ёки бошқа тадбирларга тайёрланиш ва ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган муносабатлар;

– хизмат юзасидаги муносабатлар – ҳар хил турдаги масалаларни ечишда гуруҳ аъзоларининг ҳамкорликдаги касбий жараёнида шаклланадиган муносабатлар;

– хизматдан ташқаридаги муносабатлар – кичик гуруҳ аъзолари ўртасида хизмат (иш)дан ташқари фаолияти (бўш вақти, дам олиш кунлари ва бошқ.) жараёнда шаклланадиган муносабатлар.

Кичик гуруҳ аъзоларининг муносабатлари маълум бир тамойилларга жавоб бериши керак.

Ҳурмат ва субординация тамойили кичик гуруҳда қуйидагиларга мос келадиган муносабатларни ташкил этишни назарда тутди:

– инсонлар ўзаро ҳамкорлиги ва мулоқотини тўғри ташкил этишда ижтимоий ахлоқ нормалари ва анъаналарига риоя қилишлари;

– гуруҳ аъзоларининг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, уларнинг манфаатлари, қобилияти ва талабларига эътибор бериш;

– гуруҳ аъзолари ўртасида касбий ва ижтимоий мавқеи нуқтаи назаридан субординация сақлаш.

Гуруҳ аъзоларининг жипслашиши тамойили гуруҳ аъзоларининг ўзаро бир бирларига ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, бир бирларини тушуниш ҳиссини шакллантириш. Кичик гуруҳ аъзолари шу гуруҳ аъзоси эканлигидан фахрланишлари, ўз дўстларини нотўғри ҳаракатлардан қайтаришлари керак.

Гуманизм тамойили кичик гуруҳда адолат ва инсонийлик бўлишини назарда тутди. Ушбу тамойилга асосан шахслараро муносабатлар бир бирига ишониш, ҳақиқатгўйлик асосида ўрнатилиши керак.

Гуруҳдаги интилишлар – кичик гуруҳ аъзоларининг ҳуқ-атвори ва ҳамкорликдаги ҳаракатлари асосини ташкил этадиган мақсадлар, вазифалар, эҳтиёжлар, мотивлар (манфаатлар, қадриятлар)дир. Кичик гуруҳ аъзоларининг ҳаракатларида умумий ва ҳар бир гуруҳ аъзоси учун индивидуал мақсад ва вазифалар акс этади, аниқ эҳтиёжлар ва манфаатлар рўёбга чиқади. Интилишлар компас каби гуруҳ аъзоларини маълум бир йўналиш каби боришларида ва шу йўналишдан адашиб қолмаслигида хизмат қилади. Бунда оралиқ натижаларни назорат қилиш имконияти бўлади. Интилишлар мужассамлашган ҳолда объектив реалликнинг ҳар хил шароитида кичик гуруҳ аъзоларининг фаоллигини узлуксиз равишда кузатиб турилишини таъминлайди.

Мақсадлар – гуруҳ учун энг муҳим бўлган предметлар, ҳодиса, масалалар ва объектлардир. Уларга эришиш гуруҳ фаолиятининг мазмуни акс этади.

Гуруҳ эҳтиёжлари – гуруҳ аъзолари ва гуруҳ эҳтиёж сезган нарсалар.

Кичик гуруҳ мотивлари гуруҳ аъзоларини бирлаштирган ҳамда у ёки бу фаолият билан шуғулланишга мажбур қиладиган кучлардир.

Ўзаро ҳамкорлик тизимида кичик гуруҳ аъзолари маълум бир **функциялар**ни амалга оширадилар:

– **қадриятли-норматив** - гуруҳ аъзолари ўз талабларини акс этиш имкониятининг мавжудлигини кўрсатади;

– **ташкилий-функционал** – гуруҳ интилишлари уларни амалга ошириш восита ва шароитлари доирасида ички ва гуруҳлараро ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш усули сифатида намоён бўлади.

– **индивидуал-мотивацион** кичик гуруҳ аъзолари учун муҳим ва шахсий маънога эга бўлган ҳамкорлик фаолиятини кўрсатади.

Гуруҳ фикри – кичик гуруҳ аъзоларининг гуруҳ ичида ёки ташқарисида рўй берган маълум бир ҳодиса ёки жараёнларга бўлган умумий муносабати ва унда акс этадиган баҳолар мажмуидир. Бундай фикрлар гуруҳ ривожланганлигининг кўрсаткичи бўлиб, унинг жипслиги, ҳамкорликдаги ҳаракатларнинг самарадорлигини кўрсатади. Гуруҳ фикри бир нечта функцияларни.

Ахборот функцияси – кичик гуруҳ ривожланишининг босқичини, гуруҳ аъзоларининг муносабатларини кўрсатади.

Таъсир этиш функцияси орқали гуруҳ аъзоларига ҳамкорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш, умумий ғоя ва фикрларни ишлаб чиқиш мақсадида таъсир кўрсатилади.

Баҳолаш функцияси орқали гуруҳ аъзолари у ёки бу ҳодиса ва жараёнларга ўзларининг муносабатларини кўрсата оладилар.

Гуруҳда шаклланган умумий фикр реал ва ахлоқий куч ҳисобланади. Бу куч орқали гуруҳ ҳар бир аъзога қуйидаги воситалар ёрдамида таъсир этади:

– гуруҳ аъзосига унинг ҳаракатлари ва хулқ-атворида бошқа инсонларнинг бўлган реакциялари ва муносабатлари ҳақида маълумот бериш;

– гуруҳ ёки жамиятнинг норма ва қадриятларига мос бўлган маълум бир талаблар қўйиш;

– гуруҳ аъзосининг хулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатларини баҳолаш ва доимий равишда назорат қилиш.

Шуни таъкидлаш жоизки, гуруҳ фикрини таъсир этиш механизми шахсга салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Гуруҳ фикрининг самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ:

А) уқтириш ва психологик мажбурлашнинг бирлигига. Бунда барча гуруҳ аъзоларининг онги, ҳиссиётлари, иродаси акс этади (гуруҳнинг тўғри фикри ва берилган баҳоси инсонда ўз-ўзини онгли баҳолаш эҳтиёжини келтириб чиқаради, ҳиссиётларига чуқур таъсир этади ҳамда ўз устида ишлашга бўлган интилишларини фаоллаштиради).

Б) рўй берган ҳодиса ва жараёнларга дарҳол жавоб қайтариш, гуруҳ томонидан гуруҳ аъзосини қатъий баҳолашнинг тизимлилиги, очиқлигига.

В) гуруҳдаги бир қатор фикрларнинг баҳолаш стандартларига айланиши ва инсоннинг нафақат онгига, балки онг ости онгига ҳам таъсир этишига.

Гуруҳ фикри ўз шаклланиши ва ривожланиши жараёнида уч босқични босиб ўтади:

Биринчи босқичда гуруҳ аъзолари аниқ бир воқеа ёки ҳодисани бошдан кечиради ва унга нисбатан ўзларининг шахсий кечинмалари ва муносабатларини баён этади.

Иккинчи босқичда кичик гуруҳ аъзолари ўзларининг тасаввурлари, қарашлари, баҳолари, ҳис-туйғулари билан бошқа гуруҳ аъзолари билан алмашади ва бу муносабатлар гуруҳ муҳокамасининг объектига айланиб, аста секин умумий нуқтаи назарга айланади.

Учинчи босқичда муҳокама объекти бўйича гуруҳ аъзоларининг аниқ ва ёрқин позициялари шаклланади.

Расмий нуқтаи назар билан биргаликда гуруҳда норасмий нуқтаи назар ҳам бўлиши мумкин. Норасмий нуқтаи назар очиқ айтилмайди. Бу фикр расмий фикрга мос келмаслиги ёки унга қарама-қарши бўлиши мумкин. Норасмий фикрлар ижобий ёки салбий йўналишга эга бўлган норасмий микрогуруҳлар аъзоларидан келиб чиқади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам норасмий фикр гуруҳда соғлом психологик муҳитни яратилишига олиб келмайди.

Гуруҳдаги кайфиятлар – мураккаб эмоционал ҳолатлардир.

Гуруҳдаги кайфиятларга одатда қуйидагилар киради:

- ҳодиса ва жараёнларнинг биргаликда бошдан кечириши;
- гуруҳ ёки унинг бир қисмини маълум бир вақт давомида бир хил эмоционал ҳолатлар эгаллаши;

– гуруҳ аъзоларининг ҳаракатлари ва хулқ-атворларида акс этадиган эмоция ва ҳис-туйғуларнинг турғунлиги.

Гуруҳдаги кайфиятлар алоҳида шахсларнинг ҳиссиётларини кучайтириши, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига таъсир этиши мумкин. Бу жараёнда ижтимоий психологиянинг умумий қонунияти акс этади, яъни алоҳида олинган кайфиятларнинг бирлашмаси янги бутунликни ташкил этади. Инсонларнинг умумий кечинма ва ҳиссиётлари жуда кучли кучдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, муваффақиятга ишонч, кўтаринки кайфият, гуруҳнинг ижобий имкониятларини янада оширади, ўз кучига ишонмаслик, зўриқиш, норозичилик эса гуруҳ фаолиятини муваффақиятсизликка олиб келади.

Гуруҳдаги анъаналар – ҳамкорликдаги фаолиятнинг узоқ давр тажрибаси асосида шаклланган ва кичик гуруҳнинг ҳар бир аъзоси учун эҳтиёжга айланган ва ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган нормалар, хулқ-атвор ва ҳаракатлар, инсонлар ўртасидаги мулоқот қоидалари ва стереотипларидир.

Анъаналар ранг-барангдир. Ҳар хил гуруҳ анъаналарида умумий жиҳатларни топиш мумкин. Умуминсоний, синфий, миллий анъаналар ҳар бир алоҳида олинган кичик гуруҳда (жамоада) намоён бўлади. Умумийлар билан бир қаторда ҳар бир кичик гуруҳ ичида унинг мустаҳкамлигини таъминлашга катта аҳамиятга эга бўлган ўзига хос анъаналари ҳам мавжуд.

Анъаналарнинг самарадорлиги ва давомийлиги уларнинг гуруҳ ва унинг ҳар бир аъзоси томонидан қабул қилиниши билан белгиланади. Бу эса ўз навбатида анъананинг инсонлар субъектив эҳтиёжларини қай даражада қондиришига, ижтимоий тасаввур ва қадриятларга мос келишига боғлиқ.

Анъаналар гуруҳ аъзолари ҳаётининг нормалари ва қоидаларини акс эттиради гуруҳ ичидаги муносабатлар норма ва қоидаларини шакллантиради, шахсга маълум бир талабларни қўяди ва шу асосда уни ривожлантиради.

Кичик гуруҳда қуйидаги жараёнлар рўй беради: *тузилиш ва ривожланиш, жипслашиш, бошқариш ва лидерлик, қарорлар қабул қилиш, гуруҳ босими, низолар.*

Кичик гуруҳнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши одатда бир неча босқичлардан иборат бўлиб, ҳар бир босқичда маълум бир вазифалар ҳал бўлади:

биринчи босқичда гуруҳ аъзоларининг бир бирлари билан танишув жараёни амалга оширилади ҳамда уларни бирлаштирадиган мақсадлар аниқланади;

иккинчи босқич шахсларо муносабатлар тизими пайдо бўлишининг, гуруҳ онги шаклланишининг, кичик гуруҳ фаоллари аниқланишининг илк даври ҳисобланади;

учинчи босқичда кичик гуруҳ аъзоларининг муносабатлари турғунлашади, гуруҳ норма ва анъаналари шаклланади, гуруҳ фикри фаоллашади, ҳамкорликдаги вазифаларни амалга оширишга кўмаклашадиган гуруҳ кайфияти ва муҳити намоён бўлади, гуруҳ аъзоларининг жипслашуви кузатилади;

тўртинчи босқичда гуруҳ «Биз» деган жамоага айланади, аниқ мақсадга йўналтирилган гуруҳ мақсадлари шакллантирилади, низоларга бардош бера оладиган қадриятлар бирлиги намоён бўлади.

Кичик гуруҳ жипслиги ҳамкорликдаги фаолиятни самарали амалга оширишга, низоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Бошқариш раҳбар томонидан амалга оширилади.

Бошқарувга илмий йўналиш сифатида биринчи қизиқишнинг уйғониши 1911 йили Ф.Тейлорнинг «Илмий бошқарув тамойиллари» китобининг чоп этилиши билан боғлиқ.

Гуруҳлардаги ўзаро муносабатлар юқоридан пастга ёки аксинча бўлиб, гуруҳ аъзоларининг конкрет мавқелари, бошлиқ билан бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Бу борада "лидер" ва "бошлиқ" тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳақида гапириш лозим. Б.Д. Паригин бу икки тушунани фарқлаб шундай ёзади:

1) лидер асосан гуруҳдаги шахсларо муносабатларни бошқарса, раҳбар — шу гуруҳдаги расмий муносабатларни бошқаради;

2) лидерлик кичик гуруҳларгагина хос бўлган ҳодиса бўлса, раҳбарликнинг ҳақ-ҳуқуқлари катта гуруҳлар доирасида ҳам содир бўлиши, амалга оширилиши мумкин;

3) агар лидерлик стихияли, бетартиб жараён бўлса, раҳбарлик мақсадга қаратилган, жамиятда ишлаб чиқилган нормалар, тартиблар асосида сайловлар оқибатида содир бўладиган ҳодисадир;

4) лидерлик раҳбарликка нисбатан вақтинчалик ҳодиса бўлиб, гуруҳ аъзоларининг кутишлари, уларнинг кайфиятлари, фаолият

йуналишига қараб, узоқроқ муддатда ёки қисқа муддатда рўй беради;

5) раҳбарнинг лидердан фарқи яна шундаки, у лидерда йўқ бўлган жазолаш ва рағбатлантириш тизимига эга бўлиб, шу асосда ўз ходимларига таъсирини ўтказиши мумкин;

6) лидер гуруҳда у ёки бу қарорлар, кўрсатмалар, ташаббусларни ўз ихтиёрича, бевосита чиқариши мумкин, раҳбарда эса бу йўналишда кўплаб расмий кўрсатмалар, режалар, нормалар, буйруқлар мавжудки, улар доирасидан чиқиб кетиши кийин;

7) лидернинг фаолияти фақат кичик гуруҳлар доирасида амалга оширилса, раҳбар шу гуруҳдаги, кенгроқ ижтимоий доирадаги, жамиятдаги вакили бўлганлиги учун, унинг ваколатлари ҳам кенг, фаолият имкониятлари ҳам ортиқдир.

Лидер ҳеч қачон ёлғиз бўлмайди, у доимо гуруҳ аъзолари орасида бўлади, у шу гуруҳ аъзоларини у ёки бу ҳаракатларга чорлайди. Чунки лидер гуруҳ аъзоларининг психологияси, уларнинг кайфиятлари, интилишлари, қизиқишлари ва ҳоказоларни ҳаммадан ҳам яхши билади, улар ичида энг ташаббускоридир. Агар синф доирасида олиб қараладиган бўлса, турли хил лидер борлигини аниқлаш мумкин. Масалан, гуруҳ аъзолари ичида энг билағони, ақл ўргатувчиси, топқир, интеллектуал лидери, болалар ичида энг ҳазилкаши, дилкаши, хушчақчағи, кўнгил сўровчиси, ўзгаларни тушуна оладиган — эмоционал лидер, гуруҳни иш фаолиятга чорлай оладиган, дадил, қатъиятли, иродали-иродавий лидерлар бўлиши мумкин. Улар айна вазиятларда вазият талабига кўра пайдо бўладилар ҳамда болалар онгида ўз сифатларига кўра обрў қозонадилар. Лидер сифатлари ичида яхши ва ёмонлари ҳам бўлиши мумкин, лекин гуруҳ лидерга эргашганда, уни ибрат сифатида танқидсиз қабул қилади ва шунинг учун ҳам барча ишларига эргашиб, кўрсатмаларига амал қилади.

Кичик гуруҳ ривожланиши жараёнида аъзолар томонидан таббӣй равишда **нормалар** шаклланади ва мустаҳкамланади. Гуруҳ нормалари қадриятлар билан боғлиқ. Гуруҳ нормалари ва қадриятларини барча аъзолар қабул қилиши ва уларга риоя қилиши шарт. Акс ҳолда норма ва қадриятларга бўйсунмайдиган шахсга нисбатан психологик ёки бошқа таъсир ўтказилади.

Кичик гуруҳда **низо** ечими мураккаб бўлган вазият сифатида намоён бўлади. Низони шахсларо муносабатларнинг

салбийлашуви ёки гуруҳ ичидаги структуралар ўртасидаги номутаносибликлар келтириб чиқариши мумкин.

Меҳнат жамоаларида ижтимоий-руҳий иқлимнинг ҳолати низолар сони билан белгиланади.

Жамоа аъзолари орасидаги низоларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришнинг қониқарсиз ташкил қилинганлиги, раҳбарларнинг иш жараёнида ўзига буйсунувчи жамоа аъзоларининг руҳий ҳолатларини ҳисобга олмаганлиги, зарур иш шароитининг яратилмаганлиги ва бошқа сабаблар натижасида вужудга келади. Низолар қанчалик кўп бўлса, меҳнат жамоаларида ижтимоий-руҳий иқлим шунчалик ёмонлашади. Меҳнат жамоаларида айрим низо чиқаришга мойил шахслар бўлиши табиий. Бундай шахслар иш пайтида фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига ўзларининг низоларида кўрсатилган масалалар раҳбар ходимлар томонидан қандай қабул қилинаётгани тўғрисида фикр юритиб, ўзлари ва бошқаларни ишдан чалғитиб, ишга ҳалақит берадилар. Бундай носоғлом вазият жамоат аъзолари асабига тегади, айрим ишчи ходимлар бундан вақтинча манфаатдор бўлиб, улар ғийбатлар уюштириб, вазиятни кескинлаштиришга ҳаракат қиладилар. Жамоадаги ижтимоий-руҳий ҳолат ёмонлашади, бу эса ўз-ўзидан ишга салбий таъсир кўрсатади.

Маъмурий буйруқбозлик бошқаруви ҳукм сурган шароитда ижтимоий руҳий иқлимга эътибор кўп қаратилмас эди. Аммо демократиялашув, ошкоралик шароитида бозор иқтисодиётининг соғлом рақобат муҳитида барча эски иш услубларига (маъмурий буйруқбозликка) чек қўйилади. Ҳозирги шароитда раҳбар фақат ўз соҳасини яхши билибгина қолмай, балки яхши ташкилотчи, руҳшунос (психолог), тарбиячи ва ижтимоий етакчи бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ходим социология, психология, педагогика фанларини чуқур ўзлаштириши лозим. Буни ҳаётимиздаги жиддий ўзгаришлар, инсон омилининг фаоллашуви, жамоаларнинг ўз-ўзини бошқаришга бўлган интилиши тақозо қилади. Жамоага аъзо бўлган ҳар бир шахснинг калбига раҳбар йўл топа олиши-унинг фаолияти негизини ташкил этади. Япон менежерларидан бири Мацусита таъкидлаганидек, меҳнат жамоасида нафақат 250 киши балки 25000 киши ишласада, раҳбар ҳар бир ишчисини «юзидан» билишга, шахсан танишга интилиши зарур.

Киши шахсиятига йўл топа билиш-меҳнат жамоаси ичида вужудга келадиган ҳар хил низоларни жамоа ичида, юқори поғонага чиқармасдан туриб ҳал қилиш имконини беради. Жамоаларда соғлом руҳий иқлимни яратиш учун раҳбар ҳар бир ишчи-ходимнинг шахсий фазилатларини, ёши ва қобилиятларини инобатга олиши зарур. Шунингдек, ишчилар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни, бир-бири билан чамбарчас боғлайдиган ижтимоий алоқа маромини, иқтисодий мусобақани ташкил этишга, меҳнат жамоаларида иш фаолиятини натижаларини руёбга чиқаришда ҳар бир ишчининг масъулият сезиш туйғусини мустаҳкамлашга, юқори унумли меҳнатни таъминлаш, ижодий ғайрат билан ишлаш шароитини яратишга эътибор бериш зарур.

Назорат саволлари

1. Жамият психологиясининг структураси нималардан иборат?
2. Жамият психологиясининг асосий (базовий) компонент-ларини кўрсатинг.
3. Катта гуруҳларга таъриф беринг.
4. Катта ижтимоий гуруҳ деганда нимани тушунаси?
5. Кичик гуруҳларга таъриф беринг.
6. Ривожланган ва ривожланмаган гуруҳлар ҳақида гапириб беринг.
7. Гуруҳларда қандай психологик ҳодисалар содир бўлади?
8. Синф деганда психологияда нима тушунилади?
9. Этник психология нималарни ўрганади?
10. Сиёсий-психологик феноменлар деганда нимани тушунаси?
11. Сиёсий психология қандай функцияларни бажаради?
12. Сиёсий лидер қандай психологик хусусиятларга эга бўлиши керак? Нима учун?
13. Диний-психологик феноменларга нималар киради?
14. Кичик ижтимоий гуруҳларда қандай психологик ҳодисалар содир бўлади?
15. Кичик гуруҳ структураси нималардан иборат?
16. Психологияда социометрия методидан қандай мақсадларда фойдаланилади?
17. Кичик гуруҳдаги муносабатлар ҳақида фикр юритинг.
18. Гуруҳдаги интилишлар деганда нимани тушунаси?
19. Кичик гуруҳнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши нималарга боғлиқ?


ЖАМИЯТ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ СТРУКТУРАСИ




ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ҲОДИСАЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Жамоа характеристикалари	Жамоа турлари	Ижтимоий- психологик ҳодиса турлари
Инсонлар	Инсонлар	-ўзароҳамкорлик - ижтимоий перцепция - ўзаро муносабатлар -мулоқот
Ташкил этилган гуруҳлар	<u>Катта гуруҳлар:</u> -этнослар -синфлар -сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар -диний конфессиялар	-этник психология -синфлар психологияси -сиёсий психология -диний психология
	<u>Кичик гуруҳлар:</u> -Жамоалар -Диффуз гуруҳлар -Микрогуруҳлар -Оила	- кичик гуруҳ психологияси - оилавий муносабатлар психологияси
Шахс	Шахс	Шахсинг ижтимоий психологияси
Ташкил этилмаган гуруҳлар	Инсонлар жамоаси Омма Навбатлар	Жамоавий ижтимоий- психологик ҳодисалар


СИНФ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ




МИЛЛИЙ ПСИХОЛОГИЯ СТРУКТУРАСИ



СИЁСИЙ ПСИХОЛОГИЯ




ҲОКИМЛИКНИНГ ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ



СИЁСИЙ ЛИДЕРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ



КИЧИК ГУРУҲ ТУРЛАРИ



КИЧИК ГУРУХНИНГ ПСИХОЛОГИК СТРУКТУРАСИ




КИЧИК ГУРУҲ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ СТРУКТУРАСИ



КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР СТРУКТУРАСИ




КИЧИК ГУРУХЛАРДАГИ ИНТИЛИШЛАР ХАРАКТЕРИСТИКАСИ



ГУРУҲ ФИКРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ




ГУРУХ КАЙФИЯТЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ



АНЪАНАЛАР ТУРЛАРИ



КИЧИК ГУРУҲЛАРДАГИ ПСИХОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР



V бoб. ЖАМОАДА ИНСОНЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ, ФАОЛИЯТИ ВА ХУЛҚ-АТВОРИ

Режа:

5.1. Инсонлар фаолиятининг мазмун-моҳияти, структураси ва ўзига хос хусусиятлари.

5.2. Инсонларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бир бирларини идрок этиши, ўзаро муносабатлари ва мулоқоти.

5.3. Ижтимоий назорат жараёнларининг ижтимоий-психологик характеристикаси.

5.4. Жамоада инсонлар хулқ-атворларига таъсир кўрсатиш моҳияти ва турлари.

5.1. Инсонлар фаолиятининг мазмун-моҳияти, структураси ва ўзига хос хусусиятлари

Инсонлар психикаси фаолият жараёнида намоён бўлади. Инсон қандай фаолият билан шуғулланишидан қатъий назар, ижодкордир. Фаолиятда инсон маънавий ва психик дунёсининг бутун бойлиги ақл ва ҳис-туйғуларининг чуқурлиги, ҳаёл ва ироданинг кучлилиги, характер ва қобилиятлар қирралари акс этади.

Шундай қилиб, фаолият — инсон қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир.

Фаолият — ижтимоий категориядир. Ҳайвонлар фаолияти атрофдаги муҳитга биологик мослашишга қаратилган бўлса, инсонлар фаолияти атрофдаги муҳитни ўзгартиришга, ўзига мослаштиришга қаратилган. Инсонлар фаолияти аниқ бир мақсадга қаратилган бўлиб, онгли равишда амалга оширилади. Шунинг учун фаолиятда инсон мулоқот ва ижтимоий хулқ-атвор субъекти сифатида намоён бўлади.

Фаолият муаммоси шахс ривожланиши муаммоси билан чамбарчас боғлиқ. Чунки инсон фақат фаолият жараёнида ривожланиши мумкин. Фаолият эса ўз навбатида инсоннинг атрофдаги олам билан ўзаро муносабатларини акс эттирадиган фаол ва онгли равишда бошқариладиган жараёндир.

Инсонлар фаолияти ранг-барангдир. Фаолият жараёнида инсон кўплаб операциялар ва ҳаракатларни бажаради, фикр юритади, иродасини намоён этади, ўз хатти-ҳаракатлари ва олинган натижаларга баҳо беради.

Инсон фаолиятида предметлилик ва субъектлиликни ажратишимиз мумкин.

Предметлиликнинг моҳияти шундаки, атроф муҳитдаги объектлар субъектга бевосита таъсир этмасдан, фаолият жараёнида ўзгарадилар. Ривожланган шаклда предметлилик фақат инсонлар фаолиятига хосдир. Предметлилик инсонлар тили, қадриятлари, ижтимоий роллар ва санкцияларда намоён бўлади.

Субъектлилик фаолият субъектининг ўтмишдаги тажрибаси, эҳтиёжлари, установкалари, ҳис-туйғулари, мақсадлари, мотивлари билан боғлиқ бўлиб, фаолиятнинг шу субъект учун аҳамияти акс этади.

Психологияда уч фаолият тури ажратилади: ўйин, ўқиш ва меҳнат.

Ўйин – ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга қаратилган ва шартли вазиятларда намоён бўладиган фаолият туридир.

Ўқиш – меҳнат фаолиятини самарали амалга оширишга қаратилган ва доимий равишда билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга қаратилган жараён.

Меҳнат – ижтимоий фойдали маҳсулотни ишлаб чиқаришга қаратилган ва инсонлар маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондирадиган фаолиятдир.

Ҳар қандай фаолият ўзига хос хусусиятларга эга:

- **Ижтимоий характер.** Қандай фаолият турини кўриб чиқмайлик, улар ўз мазмуни ва намоён бўлиш усуллари бўйича инсон ижтимоий-тарихий ривожланишининг маҳсулидир. У ёки бу фаолият тури билан шуғулланиш жараёнида инсон жамият томонидан очилган ва тарихий ривожланиш жараёнидан мукаммалаштирилган ҳаракатларни амалга оширади.

- **Мақсадга қаратилганлик.** Инсон фаолияти ҳайвонлар фаолиятидан фарқли равишда онглидир. Ўз фаолияти жараёнида инсонлар доим ўз олдиларига мақсадлар қўядилар ва уларни амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Ҳар қандай фаолият алоҳида олинган ҳаракатлардан иборат бўлиб, қўйилган мақсадга эришишга қаратилади.

- **Режага амал қилиш.** Фаолият алоҳида олинган ҳаракатлар мажмуигина эмас. Ҳар қандай фаолият ўзига хос тизимга эга бўлиб, ҳаракатлар кетма-кетлигида намоён бўлади.

- **Тизимлилиқ.** Инсон фаолияти ҳақида сўз юритганимизда унинг давомийлиги, тизимлилигини назарда тутамиз. Меҳнат фаолияти айнан шундай хусусияти билан фарқланади.

Психология фаолиятни фаоллик шакли сифатида тушунади.

Фаолият структурасига *мотивлар, усул ва услублар, мақсад ва натижа* киради.

Мотивлар шахсни у ёки бу фаолият билан шуғулланишга мажбур қилувчи ички кучлардир.

Усул ва услублар – фаолият натижасига эришиш учун инсон томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлардир.

Мақсадлар – инсон учун муҳим бўлган предметлар, ҳодисалар, масала ва объектлар бўлиб, уларга эришиш фаолиятининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Натижа – фаолият жараёнида эришиладиган нарсалар. Натижалар мақсадларга мос келмаслиги ҳам мумкин. Инсонлар шахсининг фаолият натижаларини баҳолаб, улар орқали ўзига ҳам баҳо берадилар.

Психологлар тадқиқотлари шуни кўрсатадики, инсоннинг ақлий ҳаракатлари дастлаб ташқи, предметли ҳаракатлар сифатида шаклланиб, аста-секин ички ҳаракатларга айланади. Ташқи предметли ҳаракатни ички ақлий ҳаракатга ўтиш жараёни **интериоризация** деб номланади.

Бунини мисол сифатида кўриб чиқамиз.

Бола санабини ўрганапти. Олдин у саноқ таяқчаларидан фойдаланиб, ҳисоблайди. Кейин эса ҳисоб ақлий ҳаракатга айланиб, таяқчалар керак бўлмайди, яъни сўз ва рақамлар ақлий операция объектларига айланади. Бола аста секин ақлий ҳаракатларни тўплаб боради, уларнинг мажмуаси эса ақлий фаолиятга айланади.

Ақлий ҳаракатларни эгаллаш натижасида инсон ташқи фаолиятни амалга оширишдан олдин барча ҳаракатларни онгида акс эттиради, фикр юритади. Бунда ташқи фаолият ақлий фаолият натижаси сифатида намоён бўлади. Ички ақлий ҳаракатларни ташқи предметли ҳаракатларга ўтиш жараёни психологияда **экстериоризация** деб номланади.

Ҳар қандай ҳаракатда ҳаракатли (мотор), ақлий (ички), ҳиссий (сенсор) компонентларни ажратиш мумкин.

5.2. Инсонларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бир бирларини идрок этиши, ўзаро муносабатлари ва мулоқоти

Ўзаро ҳамкорлик турлари ичида шахслараро ва гуруҳлараро ҳамкорликларни ажратиш мумкин.

Шахслараро ҳамкорлик – икки ёки ундан ортиқ инсонларнинг ҳулқ-атвори, фаолияти, муносабатлари ва установкаларига таъсир этадиган тасодифан ёки олдиндан лойиҳалаштирилган, хусусий ёки жамоавий, узоқ ёки яқин муддатли, вербал ёки невербал алоқаларидир.

Бундай ҳамкорликнинг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- биргаликдаги ҳаракатни талаб этадиган ва ўзаро ҳамкорликдаги индивидларга нисбатан ташқи мақсад (объект)нинг мавжудлиги;

- бошқа инсонлар томонидан кузатилиши ва рўйхатга олинлиши мумкинлиги;

- рефлексив кўпмаънолилик – шахснинг идрок этиши вазият ва бошқа шахсларнинг баҳолашига боғлиқлиги.

Гуруҳлараро ҳамкорлик – кўп субъект (объект)ларнинг бир бирига бевосита ёки билвосита таъсир этиш жараёнида намоён бўлади.

Бундан ташқари якуний натижага эришувига қараб ҳамкорликни *кооперация* ва *конкуренция*га ажратиш мумкин. Биринчисида барча субъектлар бир хил мақсадга интилиши ҳақида бир битимга келадилар, иккинчисида эса индивидуал ёки гуруҳ мақсадларига эришиш инсонлар ўртасидаги рақобатбардошлик шароитида кечади.

Ҳар иккала турида ҳам (ҳамкорлик ёки рақобатбардошлик) инсонлар ўртасидаги муносабатлар характери намоён бўлади.

Ўз ривожланишида ҳамкорлик бир неча босқични босиб ўтади.

Бошланғич (қуйи) босқичда ҳамкорлик инсонлар ўртасидаги энг содда контактларини намоён этади. Бунда инсонлар бир бирига ахборот алмашинуви, мулоқоти орқали таъсир этиши мумкин.

Дастлабки контактларнинг муваффақияти ҳамкорларнинг бир бирларини қабул қилишлари ёки қабул қилмасликларига боғлиқ. Ҳар қандай контакт ташқи қиёфани, фаолият ва хулқ-атворнинг ўзига хос жиҳатларини ҳис этишдан бошланади.

Ҳамкорликнинг дастлабки босқичида *конгруэнция* катта аҳамиятга эга. Конгруэнция деганда ҳамкорларнинг бир бирларини тўлиқ тушунишлари, ўз ролларини тўлиқ бажаришлари, бир маромда ишлашлари тушунилади. Конгруэнция зўриқишни олдини олади ва бир бирига ишонч ва симпатияни уйғотади.

Ҳамкорлик жараёни ривожланишининг *ўрта босқичи ҳамкорликдаги продуктив фаолият* деб юритилади. Бу босқичда ҳамкорлик янада кўпроқ ривожланади ва пайдо бўладиган муаммолар ҳамкорларнинг биргаликдаги ҳаракатлари орқали ҳал этилади.

Ҳамкорликдаги фаолиятнинг учта шакли ёки моделини ажратиш мумкин:

- 1) ҳар бир иштирокчи бошқаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда умумий ишнинг бир қисмини бажаради;
- 2) умумий вазифа ҳар бир иштирокчи томонидан кетма-кет амалга оширилади;
- 3) ҳар бир иштирокчи бошқалар билан бирга бир вақтни ўзида ҳамкорликда вазифани бажаради.

Инсонлар умумий мақсад йўлида амалга оширилаётган ҳамкорлик жараёнида ҳар хил тўқнашувларга ҳам дуч келишлари мумкин.

Натижада инсонлар «рози-норози» муносабатларга киришади. Розилик бўлса, ҳамкорлар биргаликда маълум бир фаолитни амалга оширадилар. Бунда ҳамкорлик аъзолари ўртасида роллар ва вазифалар тақсимланади.

Ҳамкорликнинг энг юқори босқичи *инсонларнинг самарадор ҳамкорликдаги фаолияти* тушунилади. Бу ҳамкор ҳаракатларининг мазмунини тушуниш, ҳозирги ва келажақдаги ҳаракатлари тузилишини англаш ҳамда бир мақсадга эришишда ҳамкорлик қилиш босқичи ҳисобланади. Инсонларнинг бир бирларини тушунишлари бир қатор омилларга боғлиқ:

- ҳамкорлар ўртасидаги муносабатлар турига (таниш-билиш, дўстлар ўртасидаги муносабатлар, дўстлар, севишганлар ўртасидаги муносабатлар ва ҳ.к.);

- муносабатлар валентлигига (симпатия, антипатия, индифферент муносабатлар);

- шахс хулқ-атворининг хусусиятларига (масалан мулоқотга киришиб кетувчанлик ўзаро мулоқот жараёнида кузатилиши мумкин).

Ижтимоий идрок феномени. Ўзаро муносабатлар жараёнида инсонлар биринчи навбатда бир бирларини идрок этадилар ва баҳолайдилар. Бунда ижтимоий перцепция (ижтимоий идрок) феномени намоён бўлади.

Ижтимоий идрок феномени қуйидаги хусусиятларга эга:

- ижтимоий перцепция субъектининг фаоллиги, яъни индивид (гуруҳ) идрок этилаётган шахсга нисбатан пассив эмас (жонсиз нарсаларни идрок этиш каби). Ижтимоий идрокнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бир бирига таъсир этади ҳамда ўз ҳақида ижобий тасаввурни шакллантиришга интилади;

- идрок этилаётган образнинг бир бутунлиги, яъни ижтимоий перцепция субъектининг диққати идрок этилаётган объектни фақат онгда акс эттиришга эмас, балки уни онгли равишда тушунишга ва баҳолашга қаратилади;

- ижтимоий перцепция субъектининг мотивацияси, яъни ижтимоий объектларни идрок этишда уларга бўлган ҳиссий муносабатлар, қизиқишлар таъсир этиши тушунилади.

Ижтимоий перцепция қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) гуруҳ аъзолари томонидан бир бирларини ёки бошқа гуруҳ аъзоларини идрок этиш;

- 2) инсон томонидан ўз-ўзини, ўз гуруҳини, «бегона» гуруҳини идрок этиш;

- 3) гуруҳ томонидан ўз аъзосини, бошқа гуруҳ аъзоларини идрок этиш;

- 4) гуруҳ томонидан бошқа гуруҳ (ёки гуруҳлар)ни идрок этиш.

Инсонларнинг бир бирларини идрок этишнинг муҳим омилларига қуйидагилар киради:

- психологик сезувчанлик (бошқа инсонлар ички дунёсини идрок этиш, уни тушунишга ҳаракат қилиш);

- бошқа инсонни идрок этиш имкониятлари ва қийинчиликларини, идрок этишдаги хатоликларни билиш;

– *идрок ва кузатув кўникма ва малакалари* (инсонларга янги шароитларга мослашишга, ҳамкорликдаги фаолият жараёнида қийинчиликларини бартараф этишга имконият яратади).

Ижтимоий идрокнинг махсус функциялари мавжуд. Уларга қуйидагилар киради: ўзини билиш, ҳамкорини билиш, ҳиссий муносабатларни ўрнатиш функциялари, ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш.

Одатда улар *стереотипизация, идентификация, эмпатия, аттракция, рефлексия ва каузал атрибуция* механизмлари орқали намоён бўлади.

Инсонларнинг бир бирларини идрок этишларига ***стереотипизация*** жараёни катта таъсир кўрсатади. Стереотипизация деганда у ёки бу ижтимоий гуруҳ аъзоларида маълум бир ҳодиса ёки инсонлар ҳақида шаклланган тасаввур ёки турғун образи тушунилади.

Идентификация деганда шахс ёки гуруҳ томонидан бошқа инсонларни билиш жараёнида уларнинг хусусиятларини ўзларининг хусусиятлари билан таққослаш тушунилади. Унинг психологик маъноси кечинмалар доирасини кенгайтириш, ички тажрибани бойитишдан иборат. Идентификация бошқа инсонга боғланиб қолишнинг илк кўринишидир. Бошқа томондан, идентификация инсонларни кўрқитадиган объект ва ҳодисалардан психологик ҳимоя қилишнинг элементиدير.

Эмпатия – бошқа инсонга қайғуриш. Эмпатия орқали инсонлар бошқа инсонларнинг ички ҳолатини билишади. Эмпатия бошқа инсоннинг ички дунёсида нималар кечаётганлигини тўғри билишга асосланади.

Аттракция – бошқа инсонни унга нисбатан ижобий ҳиссиёт шаклланиши асосида билиш шаклидир. Бунда суҳбатдошини тушуниш унга нисбатан дўстона муносабат, ёки боғланиш, севги асосида вужудга келади.

Инсонлар кўпроқ ижобий муносабат билдираётган инсонлар тарафини маъқуллайдилар.

Рефлексия – ўзаро муносабатлар жараёнида ўз-ўзини билиш механизмидир. Унинг асосида инсон суҳбатдоши томонидан қабул қилинишини тасаввур қилиш қобилияти ётади.

Каузал атрибуция – бошқа инсон хулқ-атвори ва ҳис-туйғуларини тушуниш механизмидир.

Каузал атрибуцияни ўрганиш жараёнида ҳар хил қонуниятлар аниқланган.

Масалан, инсонлар муваффақиятга эришганликларида бунда ўзларининг ҳиссаларини етакчи деб биладилар, муваффақиятсизликлар эса ҳар хил ҳолатларга боғлиқ деб биладилар.

Инсон маълум бир ҳодисани унинг иштирокчиси ёки кузатувчиси бўлишига қараб ҳар хил баҳолайди.

Инсонлар муносабатларининг умумий характеристикаси. Ишлаб чиқариш ва моддий неъматларни истеъмол қилиш жараёнида инсонлар бир бирлари билан ҳар хил турдаги муносабатларга киришади. Бундай муносабатлар жараёнида ижтимоий муносабатлар пайдо бўлади. Ижтимоий муносабатларни ҳар хил мезонлар асосида турларга бўлиш мумкин:

1) шакли бўйича ижтимоий муносабатлар иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий, сиёсий, ахлоқий, диний, эстетик ва бошқа турларга бўлинади;

2) ҳар хил субъектларга мансублиги нуктаи назаридан миллий (миллатлараро), синфий, ва бошқа муносабатлар фарқланади;

3) инсонлар ўртасидаги муносабат алоқалари таҳлилидан келиб чиқиб вертикал ва горизонтал муносабатлар ажратилади;

4) регламентация нуктаи назаридан расмий ва норасмий муносабатлар намоён бўлади.

Психологияда мулоқот тушунчаси. Мулоқот инсонлар ўртасида алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мураккаб жараёндир. Мулоқотни ҳамкорликдаги фаолият эҳтиёжлари келтириб чиқаради. Бу жараён одатда инсонларнинг амалий муносабатларига (ҳамкорликдаги меҳнат, ўқиш, жамоа ўйинлари) киради.

Мулоқот жараёнида унинг иштирокчилари бир бирлари билан меҳнат натижалари, фикрлари, мақсадлари, ғоялари ва кечинмалари билан алмашадилар.

Инсон мулоқотга ёшликдан бошлаб ўрганади ва кундалик ҳаётида унинг ҳар хил турларини эгаллайди.

Ҳар бир жамоаси ўзининг таъсир этиш воситаларига эга бўлиб, уларни жамоа ҳаётининг турли шаклларида қўллайди. Бу шаклларда жамоанинг турмуш тарзи акс этади. Буларга урф-одатлар, анъаналар, байрамлар, рақслар, эртаклар, афсоналар,

санъат (тасвирий, театр, мусиқа), бадий адабиёт, кино, радио, телевидение киради. Бу мулоқот шакллари одамларга кучли таъсир этиш хусусиятига эга.

Инсоният тарихида бу шакллар тарбия воситалари сифатида хизмат қилиб келган.

Мулоқотнинг бешта томонини ажратиш мумкин: *шахслараро, когнитив, коммуникатив-маълумотли, эмотив, конатив*.

Мулоқотнинг **шахсларо томони** инсонни бевосита қамраб олган муҳит билан (бошқа инсонлар билан, жамоа билан) ҳамкорлик қилиши акс этади.

Мулоқотнинг **когнитив томони** қуйидаги каби саволларга жавоб беришга ёрдам беради: суҳбатдош ким, ундан нимани кутиш мумкин, у қандай инсон ва бошқ.

Мулоқотнинг **коммуникатив-маълумотли** томони инсонларнинг бир бирлари билан ғоя, қизиқишлари, кайфиятлари, кечинмалари билан алмашинувини қамраб олади.

Мулоқотнинг **эмотив томони** ҳамкорларнинг шахсий алоқаларида рўй берадиган эмоция ва ҳис-туйғулар, кайфиятлар билан боғлиқ.

Мулоқотнинг **конатив (хулқ-атвор) томони** ҳамкорлар позицияларидаги ички ва ташқи қарама-қаршиликларни бартараф этишга қаратилган.

Мулоқот қуйидаги функцияларни бажаради:

1) *прагматик функция* инсонларнинг ҳамкорликдаги фаолиятида амалга оширилади ва ҳамкорларнинг эҳтиёж ва мотивлар сабаблари акс этади. Бунда мулоқотнинг ўзи энг катта эҳтиёж сифатида намоён бўлади;

2) *шакллантириш ва ривожлантириш функцияси* ҳамкорларга таъсир этиш ва уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятини акс этади. Бошқа инсонлар билан мулоқот қилганда одам умуминсоний тажрибани, тарихий жараёнда шаклланган ижтимоий нормалар, қадриятлар, билимларни, фаолият усуллари ўзлаштиради ва шахс сифатида шаклланади;

3) *тасдиқлаш функцияси* инсонларга ўзларини билиш, тасдиқлаш, кўрсатиш имкониятини беради;

4) *инсонларни бирлаштириш-айриш функцияси* бир томонда инсонлар ўртасида алоқалар ўрнатишга, умумий мақсадларини

амалга оширишга хизмат қилади, бошқа томондан эса мулоқот инсонларни табақалаштириш, бир бирларидан узоқлаштириши мумкин;

5) *шахслараро муносабатларни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш функцияси* инсонларнинг ҳамкорликдаги фаолияти жараёнида пайдо бўладиган алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган;

6) *ички шахсий функция* инсоннинг ўз-ўзи билан мулоқотида амалга оширилади (диалог тарзида ташкил этилган ички ёки ташқи нутқ).

Мулоқот кўпқиррали жараёндир. Мулоқотни бир нечта турлари мавжуд.

Масалан, *инсонлараро ва оммавий мулоқотни* ажратиш мумкин.

Биринчиси инсонларнинг гуруҳ ичидаги алоқалари билан боғлиқ бўлса, иккинчиси бир-бирини танимайдиган инсонлар ўртасидаги ҳамда ҳар хил ахборот воситалари орқали етказиладиган коммуникацияларни ўз ичига олади.

Шунингдек, *шахслараро ва ролли мулоқотни* ажратиш мумкин. Биринчисида мулоқот иштирокчилари мулоқот ва ҳамкорликдаги фаолият жараёнида ўзларининг шахсий индивидуал хусусиятларини тўлиқ намоён этадилар. Ролли мулоқотда эса унинг аъзолари маълум бир ролларни амалга оширувчилар сифатида намоён бўладилар (сотувчи-харидор, ўқитувчи-ўқувчи, раҳбар-бўйсунувчи). Ролли мулоқотда инсон хулқ-атворини у бажарадиган рол ҳал этади. Бундай мулоқот жараёнида инсоннинг индивидуаллиги эмас, балки ижтимоий роли етакчи ўрин тутди.

Мулоқот *ишончли ёки низоли* бўлиши мумкин.

Ишончли мулоқотда муҳим ахборот етказилади. Ишонч мулоқот барча турларининг муҳим белгисидир. Ишонч йўқ бўлса ҳар қандай масалаларни ҳал этиш имконияти йўқолади. Низоли мулоқот эса инсонларнинг бир-бирларига қаршилиги, бир бирларига ишонмасликлари оқибатида келиб чиқади.

Мулоқот *бевосита ва билвосита* бўлиши мумкин. Бевосита мулоқот инсонларнинг бир бирлари билан мулоқот қилишларининг илк тарихий шаклидир. Унинг асосида цивилизация ривожланишининг кейинги босқичларида билвосита мулоқот

вужудга келади (қўшимча воситалар орқали мулоқот – хат, аудио, интернет орқали мулоқот).

Ҳар қандай мулоқот белгилар тизими ёрдамида амалга оширилади. Вербал (белгилар тизими сифатида оғзаки ва ёзма нутқ қўлланилади) ва новербал (мулоқотнинг нутқсиз воситалари ишлатилади) мулоқот воситалари фарқланади.

Вербал мулоқотда нутқнинг икки шакли: оғзаки ва ёзма нутқ қўлланилади.

Новербал воситалар эса мулоқот жараёнини самарали кечиши, мулоқот иштирокчилари ўртасида психологик контакт ўрнатилиши, бир-бирларига ҳис-туйғуларни етказиши учун керак. Психология новербал воситаларни ўрганишга катта аҳамият беради.

Новербал мулоқот воситалари ичида қуйидаги турларни ажратиш мумкин:

1) мулоқотнинг **визуал** воситалари:

- кинесика – оёқ, қўл, бош, тана ҳаракатлари;
- визуал контакт;
- кўзларнинг ифодаси;
- юз ифодаси;
- тана реакциялари (қизариб ёки оқариб кетиш, терлаш);
- масофа (суҳбатдошга бўлган масофа, персонал фазо);
- мулоқотнинг ёрдамчи воситалари (суҳбатдошларнинг ёши, жинси, кийими, косметика, кўз ойнак, татуировка, соқол ва бошқ.);

2) мулоқотнинг **акустик** воситалари:

- паралингвистик, яъни нутқ билан боғлиқ (интонация, нутқнинг баландлиги, тембр ва ҳ.к.);
- экстралингвистик, яъни нутқ билан боғлиқ бўлмаган (кулги, йиғи, йўтал, буруннинг оқиши ва ҳ.к.);

3) **тактил-кинестик** воситалар:

- жисмоний таъсир (кўрни етаклаш, рақс ва ҳ.к.);
- такесика (елкадан қоқиш, қўл бериш);

4) **ольфактор** воситалар:

- атрофдаги оламнинг ёқимли ва ёқимсиз ҳидлари;
- инсоннинг табиий ва сунъий ҳидлари ва бошқ.

Мулоқот ўзининг структурасига эга. Бу структурага *мотивацион-мақсадли, коммуникацион, интерфол, перцептив* компонентлар киради.

1. Мулоқотнинг мотивацион-мақсадли компоненти.

Мулоқот мотивлари ва мақсадлари тизимини қамраб олади. Мулоқот мотивларига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) мулоқотда иштирок этиш истагини билдирувчи шахснинг эҳтиёжлари, манфаатлари; б) ҳар иккала ҳамкорни мулоқот юритишга ундайдиган эҳтиёжлари ва манфаатлари; в) ҳамкорликда ҳал этилаётган масалаларни ечиш жараёнида пайдо бўладиган эҳтиёжлар. Шунга қараб мулоқот дўстона ёки низоли характерга эга бўлиши мумкин.

Мулоқотнинг асосий мақсадлари: маълумотни олиш ёки етказиш, ҳамкорларни фаоллаштириш, ҳамкорликдаги ҳаракатларни бошқариш, бошқаларга ёрдам бериш ва таъсир ўтказиш. Мулоқот иштирокчиларининг мақсадлари бир бирига мос келмаслиги ёки бир бирини инкор қилиши мумкин. Шунга қараб мулоқот характери ўзгаради

2. Мулоқотнинг коммуникатив компоненти. Тор маънода индивидлар ўртасида ахборот алмашинуви акс эттиради. Юқорида таъкидланганидек, ҳамкорликдаги фаолият жараёнида ҳар хил фикрлар, қизиқишлар, ҳис-туйғулар билан алмашинади. Бу ахборот алмашинуви жараёнини акс эттиради. Бу жараёнга қуйидаги хусусиятлар хос:

— агар кибернетик мосламалар орқали маълумот фақатгина узатилса, инсон ўртасидаги мулоқотда ахборот нафақат узатилади, балки шаклланади, аниқланади ва ривожланади;

— инсонлар ўртасидаги ахборот алмашинувида ҳамкорлар бир-бирларига таъсир кўрсатишлари, хулқ-атворларини ўзгартиришлари мумкин;

— ахборот етказадиган (коммуникатор) ва ахборотни қабул қиладиган (реципиент) бир хил кодификация ёки декодификацияга эга бўлсагина коммуникатив таъсир ахборот алмашинуви натижаси сифатида амалга оширилиши мумкин. Оддий тилда айтадиган бўлсак, «бир тилда» суҳбатлашаётган инсонлар бир бирларини тушунишлари ва бир бирларига таъсир ўтказишлари мумкин.

3. Мулоқотнинг интерфаол томони. Фақат билим, ғоялар билан алмашинувни эмас, балки ўзаро таъсир, ундов, ҳаракатлар билан ҳам алмашинувни назарда тутди. Ўзаро ҳамкорлик кооперация ёки рақобатбардошлик, келишув ёки низо, мослашиш

ёки оппозиция, ассоциация ёки диссоциация тарзида намоён бўлиши мумкин.

4. Мулоқотнинг перцептив компоненти ҳамкорларнинг бир бирларини идрок қилиш, бир-бирини ўрганиш ва бир-бирига баҳо беришларида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда бу компонент суҳбатдошнинг ташқи кўринишини, хулқ-атворини, ҳаракатларини идрок қилиш билан боғлиқ. Мулоқотдаги ўзаро ижтимоий перцепция субъектив характерга эга бўлганлиги учун суҳбатдошнинг мақсадлари, мотивлари, муносабатларини тўғри тушунишга тўсиқлик қилиши мумкин.

Мулоқотда унинг коммуникатив компоненти етакчи ўринга эга. Шунинг учун унга алоҳида эътибор қаратамиз.

Коммуникация қуйидаги хусусиятларга эга:

- икки индивиднинг шахсий муносабатларида индивиднинг бири фаол субъектдир. Бунда уларнинг бир-бирлари билан ахборот алмашувлари ҳамкорликдаги фаолиятни такомиллаштиришга олиб келади;

- белгилар тизими орқали ҳамкорларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиш имконияти вужудга келади;

- коммуникатив тўсиқлар пайдо бўлиш имконияти. Бу ҳолатда мулоқот ва муносабатлар ўртасидаги алоқа аниқ ифода этади.

Ахборотнинг иккита тури мавжуд: **ундовчи ва таъкидловчи**. Биринчиси буйруқ, маслаҳат ёки илтимос шаклида ифодаланади. Ундовчи ахборот маълум бир ҳаракатга ундайди. Ундаш, ўз навбатида *фаоллаштириш* (маълум бир йўналишдаги ҳаракатга ундаш), *интердикция* (маълум бир фаолиятни ман этиш), *дестабилаштириш* (хулқ-атвор шакллари ёки фаолиятни бузиш).

Таъкидловчи ахборот маълумот шаклида акс этиб, хулқ-атворни ўзгаришни назарда тутмайди.

Жамиятда ахборотнинг тарқалиши «ишониш-ишонмаслик фильтри»дан ўтади. Бир хил ҳолларда ҳақиқий маълумот қабул қилинмаслиги, ёлғон маълумот эса қабул қилиниши мумкин. Бундан ташқари, ахборотни қабул қилишга ва фильтр кучини камайтиришга қаратилган воситалар мавжуд. Бу воситаларнинг мажмуи **фасцинация** деб номланади. Унга мисол сифатида нутқнинг мусиқий, фазовий ёки рангли ифода этилишини кўрсатишимиз мумкин.

Коммуникатив жараён модели бешта элементдан иборат:

**Коммуникатор – Ахборот (матн) – Канал – Аудитория
(реципиент) – Қайтувчан алоқа.**

Мулоқотда ахборот алмашинувининг асосий мақсади – ҳар хил ҳодиса ва муаммолар учун умумий маъно, нуқтаи назарни ишлаб чиқишдир. Мулоқотга қайтувчан алоқа механизми характерлидир. Шахслараро коммуникациядаги ахборот алмашинуви жараёнида реципиентдан коммуникаторга етказиладиган ахборотда реципиентнинг коммуникаторга бўлган муносабатлари ҳам акс этади.

Мулоқот жараёнида суҳбатдошлар ўртасида нафақат маълумот алмашиш, балки уни тўғри тушунилишини таъминлаш вазифаси ҳам мавжуд. Коммуникация жараёнига тўсиқликлар пайдо бўлиши мумкин. Коммуникатив тўсиқлик – маълумотни адекват етказиб бериш йилидаги психологик тўсиқликдир.

Инсонлар бир-бирларини тушунишларининг ўзига хослиги. Бир-бирини тушуниш – ижтимоий-психологик феномендир.

Инсонлар бир-бирларини тушунишлари учун махсус шароитлар яратилиши керак. Бир-бирини тушунишнинг энг муҳим шартларига қуйидагилар киради:

- суҳбатдошнинг тилини тушуниш;
- суҳбатдошда намоён бўлаётган хусусиятларни англаш;
- ўзаро муносабатнинг шахсга таъсирини аниқлаш;
- ўзаро келишувга келишиш ва белгиланган қоидаларга асосан унга риоя қилиш.

Амалиёт ва ҳаётда бир-бирини тушуниш шартларига риоя қилиш бир-бирини тушунишнинг энг муҳим мезонидир.

Инсонлар ўртасида бир-бирларини тушунмаслик сабаблари қуйидагилардир:

- инсонларнинг бир-бирларини идрок қилмасликлари ёки нотўғри идрок қилишлари;
- нутқ ва бошқа сигналларни идрок этиш ва етказишдаги фарқлар;
- қабул қилинаётган ва узатилаётган маълумотларни қайта ишлашга вақтнинг етишмаслиги;

- узатилаётган маълумотни тасодифан ёки атайлаб нотўғри талқин қилиш;
- хатони тузатиш ёки маълумотларни аниқлаштириш имкониятининг йўқлиги;
- аниқ вазифани бажариш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қоидаларини бузиш ва бошқ.

5.3. Ижтимоий назорат жараёнларининг ижтимоий-психологик характеристикаси

Ижтимоий назорат — жамиятнинг инсонлар қадриятлари, установкалари, идеаллари, хулқ-атвориға таъсиридир.

Ижтимоий назорат қуйидагиларда намоён бўлади:

— *ижтимоий кутишларда*. Улар атрофдагиларнинг маълум бир инсонларга нисбатан талабларини акс этади (атрофдагиларнинг кутишлари инсон ижтимоий статусига мос равишда бажариши керак бўлган вазифаларга боғлиқ).

— *ижтимоий нормаларда*. Улар инсонлар аниқ вазиятларда ўзларини тутишлари, гапиришлари, фикрлашлари, ҳис қилишларини белгилаб беради.

— *ижтимоий санкцияларда*. Бунда инсонларга таъсир этиш ижтимоий назорат воситаси сифатида ишлатилади, яъни индивид (инсонлар) хулқ-атворлари ижтимоий гуруҳ нормаларига мослаштирилади.

Ижтимоий назоратнинг махсус шакллари мавжуд. Уларга қонун, ахлоқ, виждон, анъаналар, урф-одатлар киради.

Қонун — юридик кучга эга бўлган ва давлат миқёсида инсонлар расмий муносабатларини белгилайдиган норматив актлар мажмуидир.

Ахлоқ (морал) — у ёки бу ижтимоий гуруҳ ёки жамоада яхшилик ва ёмонликни тушуниш билан боғлиқ бўлган тушунчалар мажмуидир. Ахлоқ социумдаги ноформал муносабатларни бошқаради.

Виждон — бу ахлоқий онг, ахлоқий сезиш ёки инсон томонидан яхшилик ва ёмонликни ҳис қилиш билан боғлиқ туйғудир.

Анъаналар ва урф-одатлар — мазкур жамоада тарқалган ва кўпчилик инсонлар учун одатга айланган хулқ-атвордир.

Ижтимоий назорат билан бир қаторда психология бошқариш муаммоларини ҳам ўрганади.

Бошқариш жараёнлари маълум бир натижаларга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги фаолият бор жойда вужудга келади. Самарали бошқарув ижтимоий жараёнларни ҳар томонлама ўрганишни, уларнинг субъектларга ва объектив шароитларга таъсирини ҳар томонлама илмий ўрганишни талаб этади.

Замонавий бошқариш давлат, ҳудуд, ижтимоий гуруҳ доирасидаги ижтимоий ҳаётнинг моддий ва маънавий соҳаларига гуманистик мақсадларда самарали таъсир этишга қаратилган.

Бунда алоҳида ўрин бошқаришнинг ижтимоий-психологик қонуниятларини ўрганиш ва улардан фойдаланишга қаратилган.

Бошқариш – гуруҳ, жамоа, унинг алоҳида аъзоларини такомиллаштириш ва ривожлантириш учун қўлланиладиган тадбирлар мажмуидир.

Бошқариш мақсади – керакли муаммони ҳал этиш имкониятини берадиган олдиндан белгиланган ва дастурлаштирилган тизимни амалга оширишдир.

Бошқариш вазифалари – бошқаришнинг асосий мақсадига кетма-кет олиб келадиган аниқ масалалардир.

Бошқариш доимий равишда маълум бир тизимларда амалга оширилади. Бошқаришнинг ижтимоий системаси – «субъект-субъект» («инсон-инсон») муносабатлари мавжуд бўлган системадир. У ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: бошқаришнинг субъекти ва объекти, бошқариш мақсади, бошқариш функцияларининг намоён бўлиши, тамойил ва қоидаларни.

Бошқариш субъекти – бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ва бошқариш фаолияти билан шуғулланадиган раҳбардир.

Бошқариш объектига алоҳида инсонлар ёки гуруҳлар киради.

Психология фани бошқариш тамойилларига алоҳида эътибор қаратади. Бошқариш тамойиллари қоида, норма, бошқариш установакаларини ўз ичига олади. Уларга қуйидагилар киради:

Ижтимоий йўналганлик тамойили. Бу тамойилга асосан бошқарув органлари бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида жамият, соҳа, аниқ ташкилотлар, ижтимоий-касбий гуруҳларнинг манфаатларини ҳисобга олишлари керак.

Қонунийлик тамойили. Бу тамойилга кўра бошқарув органлар ташкилотлари ва фаолияти қонун нормаларига мос равишда ташкил этилади, бошқарув актлари эса (буйруқлар, инструкциялар, фармойишлар) қонун талабларига бўйсунди.

Объективлик тамойили. Бу тамойил бошқариш субъекти ва объекти ҳамкорлигининг объектив қонуниятларини билиш ва уларни ҳисобга олишни назарда тутди.

Тизимлилик тамойили. Бу тамойил бошқарув субъекти объектга таъсир этиш йўллари, методлари, шакллари танлашда мазкур бошқарув тизим ташқарисида бўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

Мажмуавийлик тамойили. Бу тамойилга кўра ҳар қандай мураккаб бошқарув актида унинг барча аспектларини (технологик, иқтисодий, психологик, мафкуравий, ташкилий, сиёсий ва бошқ.) ҳисобга олиш керак.

Шунингдек, психология **бошқарув муносабатларига** катта эътибор қаратади. Бундай муносабатларда инсонлар бир-бирлари билан маълум бир алоқаларга киришиб, ўзларининг шахсий ҳамда индивидуал манфаатларини қондирадилар. Бундай муносабатларсиз жамиятнинг ҳам, шахснинг ҳам ҳар томонлама ривожланиши мумкин эмас.

5.4. Жамоада инсонлар хулқ-атворларига таъсир кўрсатиш моҳияти ва турлари

Ўзаро муносабат, мулоқот, ўзаро ҳамкорлик ва бошқариш жараёнида психологик таъсирнинг ўзига хос ўрни мавжуд. **Психологик таъсир** – бир инсоннинг (ёки инсонларнинг) ҳар хил шаклларда ва ҳар хил воситалар ёрдамида бошқа инсонга (ёки гуруҳга) йўналтирилган ва шахснинг (гуруҳнинг) психологик характеристикаларини (қарашлари, фикри, муносабатлари, қадриятлари, кайфияти, мотивлари, установкалари, хулқ-атворини) ўзгартиришга қаратилган ижтимоий-психологик фаоллигидир.

Психологик таъсирнинг бер нечта турлари мавжуд.

Ахборотли-психологик таъсир – сўз, ахборот орқали таъсир этишдир. Унинг мақсади инсонларда маълум бир мафкуравий (ижтимоий) ғоя, қараш, тасаввурларни шакллантиришдир.

Психоген таъсирнинг икки турини ажратиш мумкин:

– индивид миясига жисмоний таъсир кўрсатишдир. Унинг натижасида нормал психик фаолият бузилади (масалан, бош мия шикастланиши натижасида инсон хотирасини йўқотиши, рационал фикрлай олмаслиги мумкин; қаттиқ овоз, ёруғлик, харорат ва бошқ. омиллар ҳам физиологик реакциялар орқали инсон психикасининг салбий ўзгаришига олиб келиши мумкин);

– атрофдаги оламда рўй берган ҳодисаларининг таъсири. Масалан, зилзила оқибатида рўй берган фожиа оқибатида инсон депрессияга тушиб қолиши ва адекват фикр юрита олмаслиги мумкин.

Психоаналитик (психокоррекцион) таъсир – инсон онг остига терапевтик воситалар (гипноз ёки чуқур уйқу ҳолатида) орқали таъсир этишдир.

Нейролингвистик таъсир (нейролингвистик дастурлаштириш) – инсонлар онгига махсус лингвистик дастурларни киритиш орқали уларнинг мотивациясини ўзгартирадиган психологик таъсирдир. Ҳозирги кунда бу таъсир туридан тиббиёт ва педагогикада кенг фойдаланилади.

Психотрон (парапсихологик, экстрасенсор) таъсир – ҳиссий бўлмаган (англанмаган) идрок орқали ахборотни узатиш билан инсонларга таъсир этишдир.

Психотрон таъсир – инсонлар психикасига тиббий, кимёвий, биологик моддалар орқали таъсир этишдир.

Замонавий психологияда **психологик таъсирнинг ўзига хос методлари** мавжуд. Улар ичида қуйидаги методлар етакчи ўрин эгаллайди.

Ишонтириш – инсонлар онгига мантиқий асосланган таъсир методидир.

Уқтириш – шахс онгига танқидий идрок этилмайдиган ахборот орқали таъсир этиш методи.

Гипноз – уйқу жараёнида маълумотни онгсиз равишда идрок этиш методи.

Психологик таъсир намуна, рағбатлантириш, мажбурлаш шакллари орқали амалга оширилади:

Намуна – ижобий образлар тизими ёрдамида инсонлар онги ва хулқ-атворида таъсир этишдир. Бу образлар инсонга ижтимоий ривожланиши ва коммуникатив хулқ-атворининг шаклланишида ёрдам беради.



Разбатлантириш – инсонни ижобий, ижодий фаолиятга ундайди.

Мажбурлаш –психологик таъсир объектларига улар ҳохламаётган ишни бажартиришга қаратилган психологик таъсир шаклидир.

Назорат саволлари

1. Фаолият нима?
2. Инсон фаолиятида предметлилик ва субъектлилик деганда нимани тушунаси?
3. Фаолиятнинг қандай турлари мавжуд?
4. Мулоқот ҳам фаолият турига кирадими? Нима учун?
5. Шахс фаолияти қандай хусусиятларга эга?
6. Фаолият структураси нималардан иборат?
7. Интериоризация ва экстериоризация тушунчаларини мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.
8. Шахслараро ҳамкорлик нима? Гуруҳлараро ҳамкорлик нима?
9. Ҳамкорликдаги продуктив фаолият деганда нимани тушунаси?
10. Ижтимоий идрок феномени нима?
11. Стереотипизация, идентификация, эмпатия, аттракция, рефлексия ва каузал атрибуция тушунчаларига изоҳ беринг.
12. Мулоқот тушунчасининг мазмун-моҳиятини психологик нуқтаи назардан очиб беринг.
13. Мулоқот қандай функцияларни бажаради?
14. Мулоқот структурасига нималар кирди?
15. Коммуникатив жараён модели қандай элементлардан иборат?
16. Инсонлар бир-бирларини тушунишлари қандай амалга оширилади?
17. Ижтимоий назорат жараёнларига нималар кирди?
18. Бошқариш тамойилларини санаб беринг ва уларнинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.
19. Психологик таъсир нима?
20. Ҷамоада инсонлар хулқ-атворига таъсир кўрсатишнинг қандай турлари мавжуд?

ФАОЛИЯТ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА



ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ




ШАХС ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ


ШАХС ВА ҲАЙВОНЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ
--

Ҳайвонлар фаолияти	Инсон фаолияти
Инстинктив-биологик характерга эга	Билиш эҳтиёжи билан йўналтирилади, субъектив аҳамиятга эга (субъективлик)
Жамиятдан ташқарида, хамкорликсиз амалга оширилади	Ҳар қандай фаолият ижтимоий характерга эга бўлиб, хамкорликда бажарилади
Фақат бевосита кўриб турган нарсалар асосида фаолиятни бажаради	Инсон нарса ва ходисалар ўртасидаги муносабатларни тушунади, улар ўртасидаги алоқадорликларни ўрнатади
Ҳайвонлар фаолияти наслдан наслга ўтадиган ўзгармас хулқ-атворлар дастурларидир	Инсон фаолиятида мулоқотнинг ижтимоий воситалари (нутқ ва бошқа белгилар тизими) орқали тажрибалар бошқа одамларга етказилади ва ривожланади
Янги меҳнат куроллари яратилмайди	Инсон фаолиятида доимий равишда янги меҳнат куроллари яратилади

ФАОЛИЯТ СТРУКТУРАСИ




ЭҲТИЁЖЛАР СТРУКТУРАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



1. Аниқ мазмунли характерга эга
2. Эҳтиёжни хис қилишда эмоционал ҳолатнинг мавжудлиги
3. Эҳтиёжни қондиришга қаратилган ҳиссий-иродавий кучнинг мавжудлиги
4. Эҳтиёж қондирилгандан сўнг юқоридаги ҳолатларнинг сусайиши ёки бутунлай йоқолиши

МОТИВЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

ИНСОН ФАОЛИЯТИНИНГ МОТИВАЦИОН СФЕРАСИ




КЎНИКМА ВА МАЛАКА ТУШУНЧАЛАРИ



ОДАТНИНГ КЎНИКМА ВА МАЛАКАДАН ФАРҚИ

КЎНИКМА ВА МАЛАКА	ОДАТ
1. Фаолият муваффақиятини белгилайди 2. Инсон қобилияти билан боғлиқ 3. Вазиятга боғлиқ эмас 4. Салбий бўлмайди	1. Фаолият муваффақиятига таъсир этмайди 2. Инсон қобилияти билан боғлиқ эмас 3. Вазиятга боғлиқ 4. Ижобий ёки салбий бўлиши мумкин

ИНСОНЛАР ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИНГ ДИНАМИКАСИ



**Иқтисодий
Мафкуравий
Ҳуқуқий
Сиёсий
Ахлоқий
Диний
Эстетик**

ПСИХОЛОГИК

**Миллий
(миллатлараро)**

**Синфий
Конфессионал**


**Вертикал
муносабатлар**

**Горизонтал
муносабатлар**


МУНОСАБАТЛАР

**Расмий муносабатлар
Норасмий муносабатлар**


МУНОСАБАТЛАР МОҲИЯТИ



ИНСОН МУЛОҚОТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ




МУЛОҚОТ ТУРЛАРИ




МУЛОҚОТ ВОСИТАЛАРИ




ТАВСИФИ



ТУРЛАРИ



МУЛОҚОТНИНГ ПСИХОЛОГИК СТРУКТУРАСИ



ИККИНЧИ БЎЛИМ. ПЕДАГОГИКА

VI боб. ПЕДАГОГИКАНИНГ ФАН СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

6.1. Педагогика фанининг предмети, вазифалари ва методологик асослари

6.2. Педагогиканинг фан сифатидаги хусусиятлари

6.3. Педагогиканинг тарихий ривожланиши ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги

6.1. Педагогика фанининг предмети, вазифалари ва методологик асослари

Педагогика қадимдан болалар тарбияси ҳақидаги фан сифатида шаклланиб келган. Бу унинг номида ҳам акс этади. «Педагогика» сўзи юнон «пайдагогос» сўзидан келиб чиқиб «болани етаклаш» маъносини англатади.

Шундай қилиб, **педагогика** мақсадга қаратилган ва махсус ташкил этилган таълим тизими ёрдамида ўсиб келаётган авлодни ва катталарни ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятлари ҳақидаги фандир.

Тарбия, таълим ва маълумот педагогика фанининг асосий предмети ҳисобланади. Бундан ташқари, педагогика мустақил таълим, ўз-ўзини тарбиялаш, ривожланиш жараёнларини ҳамда инсонлар фаолияти ва ҳаёт шароитларига мос келадиган ақлий ва жисмоний фаоллигини такомиллаштириш каби масалаларни ўрганади.

Педагогиканинг асосий вазифалари: таълим ва тарбиянинг қонуниятлари, асосий тамойиллари, методлари ва шакллари аниқлаш, ўрганиш ва такомиллаштириш асосида юқори самара берадиган бир бутун педагогик жараённи ташкил этиш.

Педагогик қонуниятларни очиқ бериш, таълим ва тарбия тамойилларини асослаш, педагогик фаолиятнинг усул, шакл ва воситаларини таққослаш орқали педагогика инсонларга вужудга келадиган муаммоларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб беради.

Ҳозирги кунда педагогика фани ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш омилларини ҳамда халқимизнинг замонавий шароитдаги ҳаёти ва фаолияти хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим ва тарбиянинг янги моделларини ишлаб чиқишни давом эттирмоқда.

Педагогиканинг асосий методларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: педагогик тадқиқотда омилларни йиғиш ва фаразни текшириш методлари ҳамда педагогик натижаларни қайта ишлаш ва англаш методлари.

Биринчи гуруҳ методларига қуйидагилар киради:

- педагогик манба, ҳужжатларни (ҳар хил ҳужжат ва манбаларда педагогик ҳодиса ва жараёнларни ёритадиган манба ва ҳужжатлар) ўрганиш;
- педагогик ҳодисаларни (уларга аралашмаган ҳолда) ҳар хил шароитларда кузатиш;
- таълим ва тарбия жараёнида учрайдиган ҳодисаларни ўрганиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида тадқиқотчининг фаол иштирокини талаб этадиган эксперимент ўтказиш;
- инсонларнинг таълим ва тарбия натижалари бўйича олинган маълумотларни таҳлил қилиш;
- ёзма саволлардан иборат бўлган анкета сўровларини ўтказиш;
- тест методларидан фойдаланиш;
- биографик таснифномаларни ўрганиш ва улардаги маълумотлар билан таълим ва тарбия натижаларини таққослаш;
- тарбияланувчи, таълим олувчи билан суҳбат ўтказиш;
- фото-, кино-, теле- ва аудиал материаллар орқали педагогик фаолият кечиши ва натижаларини тўплаш;
- мустақил характеристикаларни умумлаштириш орқали таълим ва тарбия натижалари бўйича ҳар хил инсонлардан олинган маълумотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Иккинчи гуруҳ методларига қуйидагилар киради:

- назарий таҳлил: педагогика фани ишлаб чиққан назарий моделлар асосида тадқиқот натижаларини англаш;
- математик ва статистик методлар: педагогик тадқиқот натижаларини контент-таҳлил, фактор таҳлил, график тузиш ва бошқ. Методлар орқали қайта ишлаш.

6.2. Педагогиканинг фан сифатидаги хусусиятлари

Педагогика фан сифатида **биринчи навбатда** унинг структураси билан боғлиқ бўлган хусусиятларга эга. Педагогика структурасига қуйидагилар киради: педагогик амалиёт, педагогик назария ва педагогик ҳодиса ва жараёнларнинг таҳлилий даражалари, педагогика методлари.

Педагогик амалиёт ўқитувчи ва тарбиячиларнинг бевосита фаолиятини акс эттиради ҳамда педагогика объектлари ва субъектларга, шунингдек ўқув-тарбия жараёни самарадорлигига, фан назарияси ва методологиясига ўз талабларини қўяди.

Ўз навбатида **педагогик назария** педагогик амалиёт таҳлили асосида илмий фаразларни очишга ва уларни англашга, олинган илмий далилларни текширишга, белгиланган ҳолатларни шакллантиришга ва педагогика фанининг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилади.

Педагогика методлари, яъни педагогик ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш усуллари юқорида айтиб ўтилган натижаларга эришишга имконият яратади.

Педагогикада **таҳлил даражалари** педагогик ҳодиса ва жараёнларни ҳар томонлама ўрганишга ва тадқиқ қилишга ҳамда шу асосда уларнинг мазмуни ва ишлаш механизмлари ҳақида тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Педагогикада таҳлилнинг тўртта даражаси мавжуд:

1 даража – гносеологик даража педагогик ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилишга бўлган умумий илмий ёндошувларни тўғри шакллантиришга хизмат қилади;

2 даража – дунёқарашли даража бола ва катта шахсининг шаклланиши ва ривожланиши омиллари ҳамда ижтимоий ҳодисалар сифатида намоён бўладиган таълим, тарбия ва педагогик фаолият ҳақидаги ҳолатларни ўз ичига олади;

3 даража – илмий-мазмунли, педагогика фанининг қонун ва қонуниятларини, таълим ва тарбиянинг назарияси ва методикасини тўғри шакллантириш ва асослашга хизмат қилади.

4 даража – мантикий-гносеологик, педагогика предмети ва объектини тўғри тушунишни, фан категорияларини ривожлантиришни, педагогик назария ва амалиёт ўртасидаги муносабатларни аниқлашни, педагогика фанининг бошқа фанлар

билан алоқадорлигини ўрганишни, педагогика фанининг ривожланишида прогнозлар қилишни таъминлайди.

Педагогика фанининг **иккинчи хусусияти** шундан иборатки, педагогика аниқ инсонлар билан, шахслар билан ишлайди. Педагогик таъсирнинг самарадорлиги инсонларнинг ҳар хил хусусиятларини, ички ва ташқи омилларини ҳисобга олиш билан боғлиқ.

Инсон педагогиканинг объекти сифатида атрофдаги олам ва жамият таъсирида, ўз ривожланишининг бир бутунлиги ва даврийлиги натижасида шаклланади. Атрофдаги олам шахс шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Масалан, Узоқ Шимолда ўсиб, катта бўлган инсонлар ўз тартиб-интизоми, вақтнинг қадрига етиши, билимга қизиқиши билан фарқланадилар.

Жамият ҳам шахс шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Масалан, тоталитар жамиятда ўсган инсон демократик жамиятда ўсган инсондан ўз тарбияси ва ривожланиши билан фарқ қилади. Гуруҳ, микрогуруҳ, оила ҳам шахс шаклланишининг муҳим омиллари ҳисобланади, чунки айнан микромуҳитда инсоннинг энг муҳим ахлоқий ва психологик хусусиятлари шакллантирилади. Бу хусусиятларни бир томондан ҳисобга олиш керак, иккинчи томондан эса таълим ва тарбия жараёнида уларни йўқотишга ёки такомиллаштиришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шахснинг *бир бутунлиги* шахс ривожланиши жараёнида унга таъсир этадиган барча ташқи таъсир комплексига боғлиқ. Агар бир омилларнинг таъсири устун бўлиб, иккинчилари йўқ бўлса, инсон шахс сифатида тўлиқ шаклланмайди.

Шахс ривожланишининг даврийлиги инсон шахс сифатида ўзининг маълум бир ёш ва ижтимоий даврларида шаклланишини билдиради. Бу даврларнинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари мавжуд.

Педагогика шахснинг ички хусусиятларини ҳам ҳисобга олади. Уларга *инсоннинг анатомо-физиологик хусусиятлари, олий нерв фаолияти физиологиясининг хусусиятлари, интеграция ва компенсация* киради.

Инсон нафақат ташқи, балки ички (анатомо-физиологик тузилиши, олий нерв фаолияти физиологияси, интеграция ва компенсация жараёнларининг ўзига хослиги) шароитлар таъсирида ҳам шаклланади ва ривожланади.

Шахснинг анатомо-физиологик хусусиятлари – инсон танасининг анатомик ва физиологик тузилишига боғлиқ бўлиб, инсон психикаси ва хулқ-атвориغا катта таъсир кўрсатади. Масалан, кўз яхши кўрмаслиги ёки кулоқ яхши эшитмаслиги инсон хулқ-атвори ва фаолиятига таъсир этишини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнида бунга алоҳида қаратилиши лозим.

Шахснинг олий нерв фаолияти физиологиясининг хусусиятлари – нерв системаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятларининг турли таснифларда (барча нерв тизими ишлашининг ўзига хослиги, бош мия пўстлоғидаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларини, темперамент, эмоция ва ҳис-туйғу, хулқ-атворнинг намоён бўлиши) акс этилиши тушунилади.

Шахс ривожланишидаги **интеграция** деганда инсон организмнинг барча ички имкониятлари шахс шаклланишининг сифат кўрсаткичларига мўлжалланганлигини кўрсатади.

Шахс ривожланишидаги **компенсация**. Инсонда маълум бир генетик ёки психофизиологик камчиликлари бўлса ҳам, у шахс сифатида шаклланишида ўз иродаси билан индивидуал мукаммалikka эришиши мумкин.

Педагогика ҳар бир инсоннинг таълим ва тарбия жараёнида **фаол ҳаётий позиция** шакллантирилиши зарурлигини таъкидлайди. Фаол ҳаётий позиция ёшликдан шакллантирилиши зарур. У таълим ва тарбия жараёнида узоқ вақт давомида шакллантирилади.

Фаол ҳаётий позициянинг пойдеворини инсон дунёқараши, ахлоқий сифатлари, ижтимоий бурчга муносабати ташкил этади.

Фаол ҳаётий позициянинг асосий компонентларига қуйидагилар киради:

- **норматив-баҳоловчи компоненти** шахснинг ҳар томонлама ривожланган ва турғун бўлган билимлар ва муносабатларни ўз ичига олади;

- **мотивацион-ундовчи компонент** шахснинг ижтимоий ва шахсий эҳтиёжлари, установкалари, идеаллари ва ҳ.к. акс этади.

- **амалий-ҳаракатли компонент** инсоннинг жамият ривожига доимо хизмат қилишга тайёрлиги, ироданинг мустаҳкамлиги, юқори эмоционал турғунликни акс этади.

Фаол ҳаётий позициянинг акс этиш кўрсаткичлари қуйидагиларда акс этади:

– инсоннинг ҳаракат ва хулқ-атворида мақсадга қаратилганлик ва онглиликнинг мавжудлигида;

– ҳар хил фаолият турларида улар қандай шароитларда амалга оширилишидан қатъий назар масъулиятлилиқ ва фаоллиқда;

– инсоннинг жамият ҳаёти шароитларига ва фаолият талабларига мос келадиган фаолият натижалари ва ижтимоий фаоллигида;

– шахснинг реал ҳаракатлари, хулқ-атвори ва турмуш тарзи.

Фаол ҳаётий позиция ҳам педагогларда, ҳам таълим олувчиларда бўлиши керак. Унинг мавжудлиги таълим иштирокчиларнинг маъсулиятини янада оширади ҳамда таълим-тарбия самарадорлигини таъминлайди. Айниқса жамиятдаги давлат, иқтисодий ва сиёсий мураккаб ўзгаришлар жараёнида педагог ва таълим олувчиларнинг фаол ҳаётий позицияси муҳим аҳамиятга эга.

Педагогика фани таълим ва тарбия чуқур миллий мазмунга эга эканлиги, кўп қиррали анъаналарни, ўз миллат психологиясини акс этишини таъкидлайди.

Ҳар бир халқнинг идеал инсон образи бор. Бу идеал қандай бўлишидан қатъий назар узоқ тарих давомида шаклланиб келган одоб ахлоқ нормаларини, ўз халқининг донолиги акс этади.

Таълим ва тарбияни абстракт инсонга эмас, балки ўзига хос этнопсихологик хусусиятларга эга бўлган у ёки бу миллат вакилига берилади. Этнопсихологик хусусиятларга миллий онг, ҳис-туйғу, ирода хусусиятлари, мулоқот ва бошқа инсонлар билан бўлган муносабатларда миллий характерининг намоён бўлиши киради.

Миллий-психологик хусусиятлар таълим ва тарбия мазмунида акс этганлиги учун, таълим-тарбия жараёни маълум бир тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилиши керак:

– *педагогик таъсирларнинг этник детерминизми тамойилига* асосан таълим ва тарбия доимий равишда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланиш таъсирида шаклланган миллий-психологик хусусиятларини ҳисобга олиши керак;

– *миллий онг ва педагогик фаолият миллий ўзига хослигининг бирлиги тамойилига* асосан педагог фаолиятининг самарадорлиги тарбияланувчининг (этник жамоа вакиллариининг миллий онги таъсирида) шаклланган ахлоқий қадриятлари ва

дунёни идрок этиш хусусиятларини эътиборга олишга бевосита боғлиқ;

– *педагогик таъсирларга миллий мослашув имкониятларини ривожлантириши тамойили*. Бир томондан педагогик таъсирларнинг идрок этишдаги қийинчиликлар (агар тарбиячи бошқа миллат вакили бўлса), бошқа томондан эса шароитларга мослашиши мумкинлиги, чунки ҳам педагог, ҳам тарбияланувчи ўз муносабатлари ва мулоқотини вақт ўтиши билан такомиллаштиришлари мумкин.

Педагогиканинг **учинчи хусусияти** шундан иборатки, у инсонни таълим ва тарбия сифатида ёшликдан бошлаб ўрганади. Ёшликда шакллантирилган хусусиятлар кейинчалик ривожланади ва такомиллаштирилади.

Бола шахси ҳаётининг моддий асосини унинг организми ташкил этади. Шунинг учун педагогика бола ривожланишининг энг муҳим турларидан бири *умумжисмоний тарбияга* алоҳида эътибор қаратади.

Жисмоний тарбия билан *меҳнат тарбияси* чамбарчас боғлиқ. Меҳнат тарбиясига меҳнат қилиш, оғир ишлар билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни бартараф этиш каби одатларни шакллантириш киради. Бу одатлар аста-секин шахснинг меҳнатсеварлик сифатига айланади.

Инсон ривожланишининг энг муҳим ривожланиш тури *ақлий ривожланиши*дир. Бу жараён болада ҳар хил фикрлаш турларини (эмперик, назарий, тарихий, диалектик ва бошқ.) ривожлантиришга қаратилади.

Ақлий ривожланиш мазмунининг бир томони *маънавий ривожланиши*дир. Маънавий ривожланиш дунё бўйича маълум бир илмий билимлар ҳажмини, фалсафий фикр юритишни, борлиқни тўғри баҳолашни назарда тутди.

Ахлоқий ривожланиш асосий ахлоқий норма ва қоидаларни билиш, ахлоқий ҳис-туйғуларни бошдан кечириш билан боғлиқ.

Боланинг *эмоционал ривожланиши* унинг атрофдаги олам таъсирига ҳиссий жавоб беришида ҳамда ўзининг психик ҳолатларини бошқаришда намоён бўлади.

Эстетик ривожланиш ўз ичига санъат ва борлиқ, эстетик идеал ва бадиий дид, эстетик идрокка нисбатан ғоявий-эмоционал муносабатни қамраб олади.

Бола ривожланишининг барча турлари бир бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир бутун шахсни шакллантириш ва унинг индивидуал хусусиятларини бойитишни назарда тутди.

Ўз шаклланиши жараёнида бола икки даврни босиб ўтади:

1) биологик, туғилишидан олдин онасининг хомиладорлиги даврида;

2) ижтимоий, тахминан 17-18 йил давомида, таълим ва тарбиянинг ҳар хил ижтимоий шаклларида.

Ижтимоий ёшлик даврининг ҳар бир босқичида бола маълум бир психофизиологик ва маънавий етукликка эришиши зарур. Ёшлик даврида болага ҳаддан ташқари катта талаблар қўйиш унинг зўриқишига олиб келади, жисмоний ва психик касалликларга олиб келади.

6.3. Педагогиканинг тарихий ривожланиши ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Педагогика ўз ривожланишида учта асосий катта босқични босиб ўтди.

Биринчи босқич – эмперик босқичдир. Бу босқичда инсоният пайдо бўлишининг илк даврдан бошлаб турли вақтларда турлик халқларнинг тўпланган тажрибалари.

Ғарбда Оврупо таълим-тарбия тизими қадимги юнон фалсафаси асосида шаклланди. Унинг ёрқин намоёндаси Демокрит (милоддан аввалги 460-370 й.) ўз даври учун замонавий бўлган билимларни жамлаб, таълим ва тарбия масалаларини ҳам четда қолдирмади. Педагогика масаласини қадимги йирик юнон файласуфлари ҳам кўтарган: Сукрот (милоддан аввалги 469-399 й.), унинг ўқувчиси Платон (милоддан аввалги 427-347й.), Арасту (милоддан аввалги 384-322 й.). Уларнинг асарларида инсон тарбияси ва шахснинг шаклланиши билан боғлиқ масалалар ёритилган. Антик педагогик фикр ривожланишининг ўзига хос якуни сифатида рим файласуфи ва педагоги Квинтилианнинг «Ораторнинг таълими тўғрисида» асарини кўрсатиш мумкин. Бу асар Цицерон асарлари билан биргаликда узоқ вақтгача педагогика соҳасидаги муҳим манба ҳисобланган ва барча риторика мактабларида ўрганилган.

Бундан ташқари, афина ва спарта тарбияси мактаблари, юнон маданияти мактаблари, иезуит ва христиан-католик таълим мактаблари фаолият кўрсатган.

Шарқда хитой олимлари мактаб таълимида тўртта фанни ўргатишни амалга оширган: ахлоқ, тил, сиёсат ва адабиёт. Улар биринчи бўлиб комил инсон (келиб чиқишидан эмас, балки таълим ва тарбия натижасида) тарбияси концепциясини илгари суришган. Араб ва эран файласуфлари доимо таълим кадрини кўтаришга интилган ҳамда инсонларнинг ҳар томонланма жисмоний ва маънавий ривожланишини таъкидлашган, катталарга ҳурмат, адолат, меҳрибонлик, қўрқувсизлик каби сифатларни улуғлашган.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланишидаги иккинчи босқичи ўрта асрларга тўғри келади. Бунда диний тарбия асосий ўринни эгаллаган. Таълим антик давридан ривожланиб бораётган эркинлик ва илғорлик йўналишини йўқотди. Оврупода бундай ҳолат ўн тўққиз аср давом этди. Черков вакиллари ичида ҳам ўз даври учун маълумотли инсонлар бўлган. Масалан, Тертуллиан (160-222), Августин (354-430), теолог Фома Аквинский (1225-1274) ва бошқ. Улар ўз асарларида тарбия ва инсонларнинг маънавий маълумоти бўйича кўп асарлар яратган.

Бу даврда умумтаълим мактабини иезуитлар ва уларнинг асосчиси И. Лойола (1491-1556) ташкил этган. 1522 йилда И. Лойола «Маънавий машқлар» китобини яратган ва унда ҳали номаълум бўлган, янги мактаб фаолиятининг асослари ва тамойилларини ёритган. Иезуитларнинг ўқув дастурларида ўқув жараёнининг тўлиқ регламенти келтирилган: дарсда нима ҳақида ва қандай гапириш керак, у ёки бу саволларни қандай муҳокама қилиш керак, географияга ёки чет тилига қандай ўргатиш керак. И. Лойола таълимни мутлоқ бепул бўлишини истаган. Иезуитлар ўзлари билан босмаҳонада нашр этилган дастур ва дарсликларни олиб келиб, барча хоҳловчилар бориши мумкин бўлган мактаблар очган. Жамоа мактаби тарихида биринчи маротаба болаларни ҳар хил ижтимоий қатламлардан олишга ҳаракат қилган (мактаб синфи – минижамоа ғоясига риоя қилган ҳолда).

Уйғониш даври дунёга ёрқин педагог-гуманистларни келтирди. Улар ичида италиялик В. Фельтре (1378-1446), голландиялик Эразм Роттердамский (1469-1536), французлар Ф. Рабле (1494-1553) ва М. Монтель (1553-1592).

Илмий педагогика XVII аср бошида вужудга келган. Унинг асосчиси педагог-гуманист Я.А. Коменский (1552-1670) ҳисобланади. Унинг асосий асари «Буюк дидактика» 1657 йилда Амстердамда нашр этилган. Бу асар биринчи илмий-педагогик

асарлар қаторига киради. Бу асарда кўрсатилган ғоялар ҳозирги кунгача ўз долзарблиги ва илмий аҳамиятини йўқотмаган.

Я.А. Коменский томонидан таклиф этилган таълим тамойиллари, методлари, шакллари педагогик назариянинг олтин захирасига киритилган.

Педагогикада догматизм, схоластика ва вербализмга қарши курашни XVIII аср француз материалистлари ва мутафаккирлари Д. Дидро (1713-1784), К. Гельвеций (1715-1771), П. Гольбах (1723-1789) ва айниқса Ж.Ж. Руссо (1712-1778) олиб боришган.

Француз мутафаккирларининг демократик ғоялари буюк швейцар педагоги И. Песталоццининг (1746-1827) ижодини белгилади.

Педагогика фанининг учинчи босқичи XX асрга тўғри келади.

Ғарбда педагогик муаммоларнинг кескин тадқиқ этилиши АҚШда бошланган. Инсон тарбиясининг умумий қонуниятлари ва тамойиллари ишлаб чиқилди.

Америка педагогикасининг ёрқин намоёндалари сифатида Д.Дьюини (1859-1952) ишларини кўрсатиш мумкин. Унинг асарлари ғарб оламидаги педагогик фикр ривожига катта ҳисса қўшди. Шу билан бирга Э. Торндайк (1874-1949) ҳам таълим жараёнини тадқиқ қилган ва таълим технологиясининг дастлабки кўринишини яратган.

Ҳозирги кунда замонавий америкалик педагог Б. Спокнинг номи ҳаммага маълум. У қуйидаги савол билан оммага мурожаат қилди «Бола тарбиясида нима устун туриши керак – қаттиққўлликми ёки меҳрибонликми?» ва бутун дунё педагогларининг эътиборини ўзига тортди. Бу содда савол орқасида педагогика қандай бўлиши керак – авторитарми ёки гуманитарми деган ғоя ётибди. Бу саволларга жавоб ҳали аниқ эмас. Ўз қарашларини Б. Спок ўзининг «Бола ва унга қараш», «Она билан суҳбат» каби китобларида таклиф этади.

Педагогиканинг асосий тармоқларига қуйидагилар киради.

1. **Педагогика тарихи** – педагогик ғоялар ва қарашлар ривожининг турли тарихий босқичларини тадқиқ этадиган педагогика соҳаси.

2. **Умумий педагогика** – инсон таълим ва тарбиясининг умумий қонуниятларини ўрганадиган, барча тарбия муассасалари учун таълим-тарбия жараёнининг умумий асосларини ишлаб

чиқадиган педагогика соҳаси. Умумий педагогика катта тўрт бўлимдан иборат:

- 1) умумий асослари
- 2) дидактика (таълим назарияси)
- 3) тарбия назарияси
- 4) мактабшунослик

3. **Олий мактаб педагогикаси** – олий маълумотни олиш жараёнида инсонлар таълим, тарбия ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганадиган соҳа.

4. **Мактаб педагогикаси** - ўрта мактаб таълим жараёнида болалар таълим, тарбия ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганадиган соҳа.

5. **Коррекцион педагогика** – инсон шахси ва фаолиятини тўғри шакллантириш мақсадида таълим ва тарбиядаги нуқсонларни бартараф этиш билан шуғулланадиган соҳа.

6. **Касбий педагогика** – ҳар хил касб эгаларига таълим ва тарбия бериш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ўрганадиган соҳа.


7. **Педагогика методологияси ва назарияси** – педагогиканинг методологик ва назарий муаммоларини ишлаб чиқишга қаратилган соҳа.

Педагогиканинг ҳар хил соҳалари педагогик ҳодисаларнинг ўзига хослигини ҳамда бошқа ижтимоий феноменлари билан алоқадорлигини аниқлашга ёрдам беради. Охирги ўн йилда педагогиканинг барча соҳалари ўз фаолиятини хусусий технологияларни яратишга қаратилган.


Назорат саволлари

1. «Педагогика» сўзининг маъносини тушунтириб беринг.
2. Педагогиканинг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Педагогиканинг предмети нима?
4. Педагогиканинг асосий илмий-тадқиқот методларига нималар киради?
5. Педагогиканинг фан сифатидаги хусусиятларини очиб беринг.
6. Педагогика фанининг ривожланиш босқичлари ҳақида гапириб беринг.
7. Педагогиканинг асосий тармоқларига нималар киради?
8. Педагогика қандай фанлар билан боғлиқ? Мисоллар келтиринг.

**Педагогика тушунчасининг бир нечта маънолари
мавжуд**



**Педагогика – бу
фан**



**Педагогика – бу
санъат**



**Ўқув
материаллари,
методикалар,
тавсияларда ўз
аксини
топадиган
фаолият тизими**

Педагогик категориялар

**(педагогик категорияларда педагогиканинг предмети
кенгрок очиб берилади)**

**Педагогик
жараён**

Таълим

**Ўз-ўзини
тарбиялаш**


**Педагогик
тамойиллар**

Тарбия

**Таълим ва
тарбия
шакллари**

Маълумот

Умуман олганда кўпмаъноли педагогика тушунчасига қуйидагилар киради




Педагогика - бу энг аввало тарбия, таълим ва инсон маълумотлилигига оид илмий билимлар мажмуидир

**Фанлараро алоқадорлик уларни ривожлантиришдаги
муҳим манба ҳисобланиб, қуйидагиларда ўз аксини
топади**



Маълум бир
фанлар бошқа
фанларга
нисбатан
методологик ва
дунёқараш
функциясини
бажаради



Маълум бир
фанларнинг
мазмунини бошқа
фанларнинг
предметини
чуқурроқ
ўрганишга ёрдам
беради



Фанларнинг
ўзаро
алоқадорлиги
жараёнида бу
фанлар илмий
тадқиқот
методлари билан
бойитилади

**Педагогик муаммоларни ўрганиш фанлараро ёндошувни,
яъни бошқа фанлардаги инсон ва уни ўрганишга оид
материалларни талаб этади. Шунинг учун педагогика бир
ўзи мустақил равишда ривожлана олмайди. Педагогика
инсон ҳақида барча билимлар соҳалари билан кенг ва
пuxта алоқалар ўрнатган бўлиб, инсон ҳақидаги гуманитар
билимлар тизимида муҳим ўрин тутади**

VII бoб. ПЕДАГОГИК ҲОДИСА ВА ЖАРАЁНЛАРНИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

7.1. Таълим, тарбия ва маълумот ижтимоий ҳодисалар сифатида.

7.2. Педагогик жараён ва педагогик фаолият мазмуни ва моҳияти

7.1. Таълим, тарбия ва маълумот ижтимоий ҳодисалар сифатида

Педагогика мазмун-моҳиятини унинг асосий категориялари ташкил этади. Уларга таълим, тарбия ва маълумот жараёнлари киради.

Таълимнинг моҳияти ва вазифалари. Таълим ижтимоий онг, ишлаб чиқариш меҳнати маданияти, атрофдаги оламни ўзгартириш ва ҳимоялаш ҳақидаги билимларни авлоддан авлодга ўтказиш билан боғлиқ бўлган, мақсадга қаратилган, ташкил этилган ижтимоий ҳодисадир.

Таълим авлодлар узвийлигини, жамиятнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини ва шунга мос шахс ривожланиш даражасини таъминлайди. Бунда таълимнинг жамиятдаги объектив ўрни ва психологик маъноси ақс этади. Таълим жараёнида таълим мазмунини ўзлаштиришнинг асосий механизми таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ва мулоқотидир.

Таълим аниқ тарихий шароитларга боғлиқ. Ҳар хил даврлар унинг ташкил этилишида турлича из қолдирган.

Педагогикада таълим деганда махсус ташкил этилган, мақсадга қаратилган ҳамда бошқариладиган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёни тушунилади. Унинг мақсади – билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, дунёқарашни шакллантириш, таълим олувчиларнинг ақлий имкониятларни ривожлантириш, мустақил таълим олиш малакаларини мустаҳкамлашдир.

Таълим асосини билим, кўникма ва малакалар ташкил этади.

Таълим моҳияти унинг функцияларида акс этади.

Биринчи ўринда *таълимнинг инсонларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш функцияси* туради.

Иккинчи функция *инсон дунёқарашини шакллантириш*. Дунёқараш болалар ва катталарда аста-секин атрофдаги олам ҳақидаги билимлар бойитилиши билан шаклланади.

Юқоридаги функциялар билан бир қаторда *шахс ва мустақил фикрлашни ривожлантириш функциясига* боғлиқдир. Инсон ривожининг жисмоний, физиологик, психик таснифларининг микдорий ва сифат ўзгаришидир. Улар ичида ақлий ривожланиш муҳим аҳамиятга эга.

Таълимнинг *касбга йўналтирувчи функцияси* ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таълим оловчи ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб, бу фаолиятга қизиқиш билдиради.

Таълимнинг *узлуксиз таълимга тайёргарлик тамойили* амалий фаолиятга тайёрлайди, ўз устида ишлашга ундайди.

Таълимнинг *креативлик функцияси* шахсни узлуксиз равишда комилликка интилишга ундайди.

Тарбиянинг роли ва аҳамияти. Тарбия ижтимоий ҳодиса бўлиб, ўсиб келаётган авлодларнинг жамият, ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти ва инсонлар ўртасидаги муносабатларга киришув билан боғлиқ бўлган мураккаб ижтимоий-тарихий жараёндир. Тарбия ижтимоий тараққиёт ва авлодлар узвийлигини таъминлайди.

Тарбия бошқа ижтимоий ҳодисалар тизимида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг даражаси тарбия характери билан белгилайди: унинг йўналганлигини, мазмунини, шакли, методларини. Гуманистик ва демократик педагогика учун инсоннинг ўзи, уни ҳар томонлама ривожланиши мақсадга айланади.

Тарбия ва тил, маданият. Тил ва маданият педагогик жараёни, инсоният тажрибаси, тарбия нормаларини эгаллашни таъминлайди.

Тарбия ижтимоий онг шакллари (сиёсат, ахлоқ, ҳуқуқ, фан, санъат, дин) билан бевосита боғлиқ. Ижтимоий онг шакллари тарбия учун маънавий озуқавий муҳит ҳисобланади.

Педагогикада тарбия тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади.

Кенг маънодаги тарбия – инсонларнинг атрофдаги олам ва жамият ҳаётига қарашларини, илмий дунёқарашини, ахлоқий идеал, норма ва муносабатларини шакллантириш, юқори ахлоқий-сиёсий, психологик ва жисмоний сифатларини, шунингдек ижтимоий муҳит ва фаолият талабларига мос бўлган хулқ-атвор одатларини ривожлантириш жараёнидир.

Тор маънода тарбия – аниқ тарбиявий масалаларни ҳал этишга қаратилган тарбиявий иш жараёни ва натижасидир.

Бундан ташқари педагогика ўз-ўзини тарбиялашни ҳам ўрганади. Ўз-ўзини тарбиялаш деганда инсон ўзидаги ижобий сифатларини шакллантириши ва салбий сифатларини бартараф этиши билан боғлиқ бўлган фаол ва мақсадга қаратилган фаолияти тушунилади.

Ўз-ўзини тарбиялаш инсон шахсини комиллик сари етаклайдиган жараён эканлигини ҳаёт тажрибалари исботлайди.

Ўз-ўзини тарбиялаш компонентларига қуйидагилар киради:

– комилликка интилиш дастурининг асосини ташкил этадиган чуқур анланган мақсад ва вазифалар, инсон томонидан қабул қилинган ҳаётий идеаллар;

– чуқур анланган ва ўзи учун қабул қилинган фаолият ва шахсга қўйиладиган талаблар;

– ўз-ўзини тарбиялаш методикаси ва жараёни кечишининг ғоявий-сиёсий, касбий, психологик, педагогик, этик ва бошқа билимларга эга бўлиш, ўз-ўзини тарбиялаш билан ҳар қандай шароитларда шуғулланиш;

– ўз хулқ-атворини ҳамда умумий, ақлий, ғоявий-сиёсий ва касбий ривожланишини танқидий объектив баҳолаш;

– ўз иродавий хусусиятларини доимий равишда такомиллаштириб бориш, мураккаб вазият ва экстремал шароитларда ўз ҳис-туйғуларини бошқариш.

Ҳар қандай бошқа фаолият сингари ўз-ўзини тарбиялашнинг дастлабки компонентини эҳтиёжлар ва мотивлар ташкил этади. Улар ўз устида тизимли ва фаол ишлашнинг мураккаб ва чуқур анланган ундовчи кучларидир.

Ўз устида ишлашнинг мазмуни шахс шаклланишининг турли томонларини қамраб олади: ғоявий-сиёсий, касбий, ахлоқий, этик,

педагогик, эстетик, жисмоний ва бошқ. Уларнинг ҳар бири ўз устида ишлаш бўйича махсус амалий ишни талаб этади.

Маълумот таълим ва тарбия натижаси сифатида. Маълумот деганда, биринчидан, инсон томонидан маълум билим, кўникма ва малакалар тизимини ўзлаштириш жараёни, иккинчи томондан эса, инсон назарий ва амалий тайёргарлигида акс этадиган бу ўзлаштиришнинг натижаси тушунилади.

Маълумот инсонларда билим, кўникма ва малакаларга, ижтимоий ҳаётга бўлган муносабатларда акс этадиган таълим жараёнининг натижасидир. Шу билан бирга у шаклланган билимлар ва муносабатлар тизимини умр давомида янгилаш, ўзгартириш, ривожлантириш, замонавий фан ва техника талабларига мос равишда янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёни ҳамдир.

Маълумот фақат билимлар мажмуи эмас, у инсонни узлуксиз равишда билимлар тўплаши, уларни қайта ишлаши ва такомиллаштиришга тайёргарлигининг психологик асосидир. Маълумот олиш жараёнида инсон табиат, жамият, тафаккур, фаолият усуллари ҳақида билимларга эга бўлади. Бу билимлар инсонга бошқа инсонлар ўртасида маълум бир ўрнини топишга, касбий фаолиятининг мақсад ва вазифаларига эришишга, бошқа индивидлар билан мулоқотга киришишига ёрдам беради.

Маълумот инсонни ҳаёт ва касбий фаолият жараёнида вужудга келадиган барча муаммоларни бартараф этишга қаратилган ақлий ва амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Маълумот олиш жараёнида инсонда атрофдаги олам ва бошқа инсонларга бўлган ҳиссий-иродавий муносабатлар тажрибаси бойитилади. Бу бир томондан, инсонни такомиллашувига, психикаси ва ички дунёсини ривожлантиришга, иккинчи томондан эса ижтимоий муҳит билан ижобий муносабатларни ўрнатишга имконият яратади.

Ва ниҳоят, маълумот жараёнида инсон ижодий фаолият тажрибасини орттиради.

Маълумот шахсни ҳар томонлама ривожлантиради, яъни кенг ва турғун билим, кўникма ва малакаларни ўз фаолиятида самарали ишлата оладиган, жамият равнақи учун моддий ёки маънавий неъматлар яратадиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ривожланган, эстетик дид ҳамда ҳар томонлама моддий ва маънавий эҳтиёжларга эга бўлган инсонни шакллантиради.

Инсон мустақил равишда билимлар тизимида етмайдиган боғланишларни мантикий тафаккур ёрдамида тиклаши мумкин. Бунда маълумотлиликнинг асосий мезони – билимлар ва тафаккурнинг тизимлилиги намоён бўлади. Демак, «Барча ёдлаган билимлар унутилгандан сўнг қоладиган нарса маълумотдир» деган қадимий фикрда ҳақиқат бор.

Ўзбекистонда таълим тизими қуйидагилардан иборат: мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим,

7.2. Педагогик жараён ва педагогик фаолият мазмуни ва моҳияти

Белгиланган мақсадга эришиш учун таълим ва тарбия жараёнлари тўғри ташкил этилган бўлишлари керак. Бошқача қилиб айтганда, таълим ва тарбияга бошқариладиган жараён шаклини айланиши ва унда ўқитувчи ва таълим олувчилар фаолияти мужассам этиши керак. Бундай жараён ўқув-тарбиявий ёки педагогик деб номланади.

Педагогик жараён – зарур бўлган билимлар, амалий кўникма ва малакалар, шахс ва гуруҳнинг ахлоқий-сиёсий, психологик ва жисмоний сифатларини шакллантириш мақсадида инсонлар томонидан (таълим олувчи ва таълим олувчи, тарбиячи ва тарбияланувчи) ташкил этилган ва йўналтирилган фаолиятдир. Педагогик жараён бошқа ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ (иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, маданий ва бошқ.).

Педагогик жараённинг **биринчи компонентларига** унинг *субъектлари ва объектлари* (педагог ва таълим олувчи) киради. Улар «педагог-ўқувчи» динамик тизимини ташкил этади.

Педагогик жараённинг субъекти сифатида педагог махсус педагогик таълимга эга бўлади ва ўзини жамият олдида ўсиб келаётган авлодларни тайёрлашга масъул эканлигини ҳис этади. Педагог педагогик жараённинг объекти сифатида таълим, ўз-ўзини тарбиялаш, ўқувчилар билан мулоқот қилиш жараёнида тарбиявий таъсирларга дуч келади ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилади, ўз педагогик маданиятини шакллантиради.

Педагог (тарбиячи) маданияти – педагогнинг таълим ва тарбия олувчилар билан самарали ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни

муваффақиятли амалга ошириш қобилиятининг акс этиши. Педагог маданиятисиз педагогик амалиёт самарасиз кечади.

Педагог (тарбиячи) маданияти бир қатор функцияларни амалга оширади:

- а) билим, кўникма ва малакаларни бериш ва шу асосда дунёқарашни шакллантириш;
- б) ақлий қобилиятлар, психиканинг ҳиссий-иродавий ва амалий жиҳатларини ривожлантириш;
- в) таълим олувчилар томонидан жамиятда ахлоқий тамойил ва хулқ-атвор кўникмаларини онгли ўзлаштиришларини таъминлаш;
- г) борлиққа эстетик муносабатни шакллантириш;
- д) болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний куч ва қобилиятларини ривожлантириш.

Педагогик жараённинг **иккинчи компоненти** унинг *мазмунидир*. Педагогик жараён мазмуни ҳар томонлама танлаб олинади, педагогик таҳлил қилинади, умумлаштирилади, дунёқараш нуқтаи назаридан баҳоланади, тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларига мослаштирилади. Педагогик жараён мазмунига ижтимоий муносабатлар, мафкура, ишлаб чиқариш, меҳнат, фан ва маданият киради.

Педагогик жараённинг **учинчи компоненти**га *ташқилий-бошқарув мажмуа* киради. Унинг асосини таълим ва тарбия шакллари ва методлари ташкил этади.

Педагогик жараённинг **тўртинчи компоненти** – *педагогик ташхисдир*. Педагогик ташхис методларига билим, кўникма ва малакалар; таълим ва тарбия олувчиларнинг меҳнат ва ижтимоий фаолият натижаларини текшириш; экстремал шароитларда ўзини тутиш, қандай хулқ-атворни танлаш; мустақил ижодий иш натижаларини ўрганиш киради.

Педагогик жараённинг **бешинчи компоненти**ни педагогик жараённинг *самарадорлик мезонлари* ташкил этади. Унинг таркибига билим, кўникма ва малакалар, шахс характери ва сифатларининг эксперт баҳолашлари киради.

Педагогик жараённинг **олтинчи компоненти** – *ижтимоий муҳит ва табиат билан муносабатга киришишни* ташкил этишдир. Ижтимоий ҳаёт тарбиянинг энг муҳим омили ҳисобланади. Педагогик жараён махсус ташкил этилгана тизим бўлса ҳам, ҳаётдан

четда амалга оширилмайди. Унинг мақсади ижтимоий ҳаётий муҳитни педагогизациялашдир.

Педагогик муҳитни оила, ижтимоий ташкилотлар, меҳнат жамоалари, ноформал бирлашмалар ташкил этади. Педагогик муҳит тўғри ташкил этилиши учун уларнинг мақсадлари бир бирига мос келиши керак.

Педагогик (ўқув-тарбиявий) жараён маълум бир тамойилларга асосланади. Бу тамойиллар амалиётда синаб кўрилган қонуний алоқа ва таъсирлар асосида шаклланади.

Педагогик жараённинг асосий тамойилларини кўриб чиқамиз.

1. *Ўқув-тарбия жараёнининг жамият учун муҳим бўлган мақсадларга йўналтирилиши тамойили.* Бу тамойил ҳар бир таълим олувчини ҳар томонлама ривожлантиришни, баркамол шахс тарбиясини назарда тутди.

2. *Болалар фаолиятини ташкил этишга комплекс ёндошув тамойили.* Бу тамойил таълим олувчи ёшлар фаолиятини ўз дунёқараши, ҳуқ-атворнинг ижтимоий қадриятли мотивлари, таълим, меҳнат, табиат, ўз-ўзига ва бошқа инсонларга бўлган ахлоқий муносабатлари асосида ташкил этишга хизмат қилади.

3. *Таълим ва тарбия жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш тамойили.* Бу тамойил бир вақтнинг ўзида шахсни ҳам жамият талаблари, ҳамда шахснинг иқтидори, ўзига хос физиологик ва маънавий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тарбиялашни мақсадга мувофиқ деб топади.

4. *Ёшларга жамоада таълим ва тарбия бериш тамойили* оммавий, жамоа ёки гуруҳдаги ҳамда индивидуал фаолият шакллари кетма-кет қўллашни назарда тутди.

5. *Таълим олувчиларга талабчанлик ва ҳурматнинг бирлиги тамойили.* Бу тамойилга асосан таълим олувчиларни шахс сифатида ҳурмат қилиб, уларга тўғри (ҳар томонлама асосланган) талаблар қўйиш керак.

6. *Таълим ва тарбияда таълим олувчиларни бошқариш билан бирга уларнинг фикрларини, ижодий ёндошувини қўллаб-қувватлаш тамойили* шахс ижтимоий шаклланишининг мақсадга қаратилган педагогик жараёнга айлантиради.

7. *Шахснинг бутун ҳаёти, таълими ва тарбиясини эстетик жараёнга айлантириш тамойили* болага ижтимоий эстетик идеалларнинг ҳақиқий гўзаллигини англашга ёрдам беради.

8. *Таълим оловчилар фаолиятининг усул ва услубларини таълим ва тарбия мақсадларига мослаштириш* таъминли таълим ва тарбия мақсадларига мос келадиган янги новаторлик усулларининг кириб келишини таъминлайди.

9. *Ўқув-тарбия жараёнида таълим оловчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш* таъминли ҳар бир таълим оловчидаги такрорланмас фаол ва ижодий индивидуалликни шакллантиришга қаратилган.

10. *Таълим ва тарбияда кетма-кетлилик ва тизимлилик таъминли* педагогик жараёни тўғри ташкил этишга ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

11. *Тушунарлилик таъминли* таълим оловчилар билан амалга ошириладиган таълимий ва тарбиявий ишларни енгиллаштиради, уларни тушунарли бўлишини таъминлайди.

12. *Пухталилик таъминли* педагогик жараёни продуктив ва сифатли амалга оширишга ёрдам беради.

Педагогик жараён **педагогик фаолият** эвазига амалга оширилади. Педагогик фаолият ижтимоий фойдали фаолиятнинг бир тури бўлиб, катталар томонидан амалга оширилади ва ўсиб келаётган ёш авлодни жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, эстетик мақсадларига мос равишда ҳаётга тайёрлашни таъминлайди.

Педагогик фаолият субъектларига уни амалга ошираётган инсонлар киради. Уларга қуйидагилардир:

– *жамият*, яъни инсонларга педагогик таъсирни амалга оширишнинг ижтимоий муҳити (давлат, миллатлар, синфлар, диний конфессиялар);

– *гуруҳ*, яъни педагогик фаолият амалга ошириладиган муҳит;

– *педагог* – педагогик фаолиятни ташкил этадиган ва бошқарадиган шахс.

Педагогик фаолият функцияларини амалга оширишнинг асосий механизмларига қуйидагилар киради:

– *бошқариш*, яъни педагогик фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш;

– *тарбия*, яъни инсонларда атрофдаги олам борлиғига ва жамиятдаги ҳаётга бўлган турғун қарашларни шакллантириш;

– *таълим*, яъни замонавий ҳаёт ва фаолият талабларини ҳисобга олган ҳолда инсонларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

– *ривожлантириш*, яъни инсонларнинг фаолияти ва турмуш шароитларига мос келадиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

– *психологик тайёргарлик*, яъни қийинчиликларни бартараф этишга бўлган ички тайёргарликни шакллантириш.

Педагогик фаолият компонентлари сифатида унинг таркибий қисмларини кўрсатиш мумкин.

Лойиҳаловчи компонент инсонларда маълум бир сифатларни шакллантириш имконини берадиган педагогик фаолият мақсадлари ва вазифаларини белгилашни назарда тутди.

Ташкилий компонент педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш бўйича асосий йўналишларни қамраб олади.

Билиш компоненти педагогик фаолият объектлари ва субъектларининг максимал продуктив ақлий-билиш фаоллигини таъминлашга хизмат қилади.


Коммуникацион компонент, педагогик фаолият жараёнидаги объект ва субъектларнинг мулоқоти ва ўзаро ҳамкорлигини мукамал ташкил этишга қаратилган.

Тадқиқотчилик компоненти педагогик фаолият жараёнини ўрганиш ва такомиллаштиришни назарда тутди.


Назорат саволлари

1. Таълимнинг моҳияти ва вазифалари ҳақида фикр юритинг.
2. Педагогикада таълим деганда нима тушунилади?
3. Таълим асосини нималар ташкил этади?
4. Таълимнинг қандай функцияларини биласиз?
5. Тарбиянинг роли ва аҳамияти ҳақида фикр юритинг. Мисоллар келтиринг.
6. Тарбия ва тил, маданият ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?
7. Педагогикада тарбия тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Бу маъноларни очиб беринг.
8. Маълумот нима?
9. Педагогик жараён нима? У қандай хусусиятларга эга?
10. Педагогик жараён компонентларининг мазмун-моҳиятини очиб беринг.
11. Педагогик фаолият мазмуни ва моҳиятини очиб беринг.
12. Педагогик жараённинг асосий тамойилларини очиб беринг.
13. Педагогик жараён педагогик фаолият эвазига амалга оширилади деган фикрни мисоллар ёрдамида исботланг.


Педагогик жараён мазмуни қуйидагилардан иборат:




Педагогика фанининг асосий функциялари:



Педагогиканинг асосий хусусиятлари



Педагогиканинг асосий муаммолари



VIII бoб. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

8.1. Таълим жараёнининг мазмуни, ўқитиш қонуниятлари, таълим шартлари ва қоидалари.

8.2. Таълим методларининг тавсифи.

8.1. Таълим жараёнининг мазмуни, ўқитиш қонуниятлари, таълим шартлари ва қоидалари

Педагогиканинг муҳим таркибий қисмларидан бири дидактика ҳисобланади. Дидактика юнонча сўздан олинган бўлиб, ўргатувчи деган маънони англатади.

Дидактика болалар ва катталар таълимининг мазмуни ва вазифаларини очиқ беради, билимни ўзлаштириш, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнини тасвирлайди; таълимни ташкил этиш таълим шартлари, усуллари ва шакллари тавсифлайди.

Таълим назарияси сифатида дидактика барча ўқув предметларини ўқитиш асоси сифатида хизмат қилади ва бошқа хусусий услубий услубийлар (яъни аниқ предметларни ўқитиш услубийи) билан узвий алоқада. Дидактика таълимнинг умумий масалаларини ўрганиб, хусусий услубийларнинг умумназарий асоси сифатида намоён бўлади. Хусусий услубийлар эса алоҳида предметларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб, дидактикани аниқ маълумотлар билан бойитади.

Дидактиканинг вазифаси таълим жараёнини ўрганишдир.

Таълим – таълим берувчи ва таълим олувчининг билимларни ўзлаштириш бўйича икки томонлама хусусиятга эга бўлган ва мақсадга қаратилган жараёндир. Таълим берувчи педагогик таъсирнинг ҳар хил усуллари билан фойдаланиб, таълим олувчиларга билим беради, таълим олувчилар эса ўқитувчининг таъсири асосида билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Шундай қилиб, жараённинг икки томони ҳам бир бирига фаол муносабатни талаб этади.

Таълим жараёнининг мазмуни унинг асосий тавсифлари билан белгиланади:

- таълим тамойиллари билан;
- таълим усуллари билан;
- таълим шакллари билан;
- таълим воситалари билан.

Таълим тамойиллари таълим мазмуни, ташкил этилиши ва услубиётига қўйиладиган асосий талаблар тизимини ташкил этади.

Таълим усуллари таълим бурувчи ва таълим олувчининг ҳамкорликдаги фаолияти йўлларини, таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этилишини белгилайди.

Таълим шакллари – тарбиявий ва таълимий мулоқот, ўзаро ҳамкорлик, ўқитувчи ва таълим олувчи муносабатларининг ташкилий, мазмунли ва методик жиҳатларидаги кўринишидир.

Таълим воситаларига ўқув материални ўзлаштириш, таълим олувчиларни ривожлантириш ва тарбиялашга хизмат қиладиган ҳамда ўқув ахборот манбаи бўлган барча объектлар ва жараёнлар киради.

Таълим берувчи – педагогик таъсирнинг барча усуллари орқали таълим олувчилар психикасига таъсир этадиган, уни ривожлантирадиган, билим, кўникма ва малакаларни шакллантирадиган ўқитувчидир.

Таълим олувчилар – ўқув материални онгида акс этиб, ўқитувчининг таъсирига фаол жавоб қайтарадиган ва шу жараёнда маълум бир билим, кўникма ва малакага эга бўладиган болалар ва катталардир.

Таълим жараёнининг етакчи томони ўқитувчининг фаолияти бўлиб, **таълим бериш** деб юритилади. Ўз навбатида ўқувчининг замонавий дидактика нуқтаи назаридан билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёни **таълим олиш (ўқиш)** деб аталади.

Ўз моҳиятига кўра таълим жараёни маълум бир қонуниятларга бўйсунди ва улар асосида амалга оширилади.

Ўқитиш қонуниятларига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Дидактик (мазмунли-процессуал) қонуниятлар.

1. Ўқитиш натижалари (маълум чегараларда) ўқитишнинг давомийлигига тўғри пропорционал.

2. Берилган ҳажмдаги билим, кўникмаларни (маълум чегараларда) ўзлаштириш унумдорлиги ўрганилаётган

материалнинг миқдорига ёки талаб қилинаётган амаллар ҳажмига тескари пропорционал.

3. Берилган ҳажмдаги билимлар, кўникмалар ҳажмини (маълум чегараларда) ўзлаштириш унумдорлиги ўрганилаётган ўқув материалнинг, шаклланаётган ҳаракатларнинг қийинлиги ва мураккаблигига тескари пропорционалдир.

4. Ўқитиш натижалари таълим олувчиларни ўқитишнинг мақсадларини англашга тўғри пропорционал боғланган.

5. Ўқитиш натижалари (маълум чегараларда) ўзлаштирилаётган мазмуннинг ўқувчилар учун аҳамиятли эканлигига тўғри пропорционал.

6. Ўқитиш натижалари ўқитувчиларнинг ўқув фаолиятига киришишлари усулига боғлиқ (Л.В. Занков).

7. Ўқитиш натижалари қўлланилаётган методларга боғлиқ.

8. Ўқитиш натижалари қўлланилаётган воситаларга боғлиқ.

9. Берилган ҳажмдаги билимлар, кўникмаларни ўзлаштириш унумдорлиги ўқитувчи яратган ўқув вазиятига боғлиқ.

10. Ўқитиш натижалари ўқув материални ўзлаштирилиши лозим бўлган қисмларга бўлиш усулига боғлиқ.

11. Ўқитиш натижалари ўқитувчининг маҳоратига (малакаси, касб маҳоратига) тўғри пропорционал боғлиқликда бўлади.

12. «Қўл билан бажариш» йўли орқали ўрганиш «тинглаш» йўли орқали ўрганишдан 6-7 марта унумлироқдир.

Гносиологик қонуниятлар.

1. Ўқитиш натижалари ўқитувчиларнинг ўтиш кўникмаларига пропорционал.

2. Ўқитишнинг унумдорлиги ўқувчиларнинг ўқув (билимига оид) фаолияти ҳажмига тўғри пропорционал.

3. Билимларни, кўникмаларни ўзлаштириш унумдорлиги (маълум чегараларда) билим, кўникмаларнинг амалий қўлланилиши ҳажмига тўғри пропорционал.

4. Ўқитувчиларнинг ақлий ривожланиши ўзаро боғлиқ билимлар, кўникмалар ҳажмининг ўзлаштирилишига, ижодий фаолият тажрибасига тўғри пропорционал (И.Я.Лернер).

5. Ўқитиш натижалари ўқувчиларнинг уй вазифаларини бажаришнинг мунтазамлигига ва изчиллигига боғлиқ.

6. Билимлар, кўникмаларни ўзлаштириш унумдорлиги ўқишга бўлган эҳтиёжга тўғри пропорционал бўлади.

7. Ўқувчиларни ижодий тафаккури унумдорлиги ўқитишнинг кенгайтирилган қадамларидан фойдаланилганда яхшиланади, билимларни вербаль эслаб қолиш натижадорлиги эса материалнинг камайтирилган порцияларидан фойдаланилганда яхшиланади.

8. Ўзлаштиришнинг унумдорлиги ўқитишнинг муаммолилиги даражасига, ўқувчиларнинг кучи етадиган ва улар учун аҳамиятли бўлган ўқув муаммоларини ҳал қилишга киришишлари жадаллигига боғлиқ.

Психологик қонуниятлар.

1. Ўқитишнинг унумдорлиги (маълум чегараларда) таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятига қизиқишга тўғри пропорционал.

2. Ўқитишнинг унумдорлиги ўқувчиларнинг ўқишдаги имкониятларига тўғри пропорционал.

3. Ўқитишнинг унумдорлиги машқ қилиш тарзидаги машқларнинг миқдорига тўғри пропорционал.

4. Ўқитишнинг унумдорлиги (маълум чегараларда) машқ қилиш жадаллигига тўғри пропорционал.

5. Ўқитишнинг унумдорлиги (маълум чегараларда) ўқувчиларнинг билиш фаоллиги даражасига тўғри пропорционал.

6. Ўқитишнинг унумдорлиги ўқувчилар диққати даражасига ва барқарорлигига тўғри пропорционал.

7. Аниқ бир ўқув материални ўзлаштириш натижалари ўқувчиларнинг аниқ билимлар, кўникмаларни эгаллашга бўлган қобилиятларига, таълим олувчиларнинг шахсий мойиликларига боғлиқ.

8. Ўқитишнинг унумдорлиги таълим олувчиларнинг тафаккури даражаси, кучи, жадаллиги ва хусусиятларига боғлиқ.

9. Ўқитишнинг унумдорлиги (маълум чегараларда) хотиранинг ривожланганлик даражасига боғлиқ.

10. Ўқиганлик таълим олишга тўғри пропорционал.

11. Ўқитишнинг унумдорлиги (маълум чегараларда) таълим олувчиларнинг ишлаш қобилиятига тўғри пропорционал.

12. Ўсмирлик ёнида мактабда ўзлаштирувчанлик ёмонлашади: у 11-15 ёшда 6-10 ёшдагига ва 16-17 ёшдагига нисбатан ўртача 25% паст.

13. Йост қонуни. Бири иккинчисига нисбатан эски бўлган, бир кучга эга ассоциациядан кейинги такрорлашда эски ассоциация яхшироқ актуаллашади.

14. Йост қонуни. Бошқа тенг шароитларда ўзлаштириш мезонига эришиш учун материални тақсимланган ўргатиш методи билан ўрганишида диққатни тўплаб ўргатиш методига қараганда камроқ синов талаб этилади.

15. Ўрганилган материални хотирада сақлаб қолиш мустаҳкамлигига бу материални қайта эшиттирилишига боғлиқ. (Е.Р.Хилгорт).

16. Фаолиятнинг унумдорлиги кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасига боғлиқ.

17. Такрорлашлар сони ўқитишнинг унумдорлигига кучли таъсир қилади (Фен Кубе).

18. Ўрганилган ўқув материалнинг хотирада сақлаб қолиш фоизи шу материал ҳажмига тескари пропорционал (Т.Эйбингаузе).

19. Бошқа барча тенг шароитларда материални тақсимланган ҳолда ўрганиш самарадорлиги диққатни бир жойга тўплаб ўрганиш самарадорлигидан юқоридир. (И.Каин, Р.Уилли).

Кибернетик қонуниятлар

1. Ўқитишнинг самарадорлиги тескари алоқанинг частотасига (такрорийлигига) ва ҳажмига тескари пропорционал.

2. Билимларнинг сифати назорат қилиш самарадорлигига боғлиқ. Назорат қилиш такрорийлиги ўқитишнинг давомийлиги функциясидир:

$$P = \frac{N}{0,981 \cdot S \cdot a}$$

Бу ерда N – кузатилаётган баҳолашлар сони.

a – текширилган ўқувчилар сони, S – текширилган давр ичида ўқув режасига кўра дарслар сони (В.Г.Воробьев).

3. Ўқитиш сифати ўқув жараёнини бошқариш сифатига тўғри пропорционал.

4. Бошқариш самарадорлиги бошқарувчи ахборотнинг миқдори ва сифатига, бошқарувчи таъсирларни қабул қилувчи ва қайта ишловчи ўқувчиларнинг ҳолати ва имкониятларига тўғри пропорционал боғланишда бўлади.

5. Агар бажариш зарур бўлган ҳаракатлар модели – «ҳаракатлар дастури» ва унинг натижалари – «мақсад дастури» мияда фаолиятнинг ўзидан илгарилаб кетса, у ҳолда ўқитишнинг унумдорлиги ортади.

Ижтимоий қонуниятлар.

1. Индивиднинг ривожланиши унинг тўғри ёки билвосита муносабатда бўлган барча бошқа индивидларнинг ривожланишига боғлиқ.

2. Ўқишнинг унумдорлиги билишга оид алоқаларнинг ҳажмига ва жадаллигига боғлиқ.

3. Ўқитишнинг самарадорлиги «муҳитнинг заковати» даражасига, ўзаро ўқитишнинг жадаллигига боғлиқ.

4. Ўқитишнинг самарадорлиги мусобақа натижасида юзага келган билишга оид қизғинлик шароитида ортади.

5. Ўқувчининг синфдаги нуфузи (обрўси): а) унинг нуқтаи назарига; б) у бажараётган вазифага; в) академик ютуқлари ва муваффақиятларига; е) шахсий сифатларига боғлиқ.

6. Ўқитишнинг самарадорлиги ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабати сифатига боғлиқ.

7. Дидактогения (ўқитувчининг таълим олувчиларига қўпол муносабати) умуман синфнинг, алоҳида ҳар бир ўқувчининг ўқитиш самарадорлиги пасайишига олиб келади.

Ташкилий қонуниятлар.

1. Ўқитишнинг самарадорлиги ташкилий ишларга боғлиқ. Ўқувчиларда ўқишга эҳтиёжни ривожлантирадиган, билишга қизиқишини шакллантирадиган, қониқиш ҳиссини келтирадиган, билишга фаолликни рағбатлантирадиган қилиб ўқитишни ташкил этишгина яхши ҳисобланади.

2. Ўқитиш натижалари (маълум чегараларда) ўқувчиларнинг ўқиш меҳнатига, ўзининг ўқишдаги мажбуриятларига бўлган муносабатига тўғри пропорционал.

3. Ўқитиш натижалари (маълум чегараларда) ўқувчиларнинг ишчанлик қобилиятларига тўғри пропорционал.

4. Ўқитиш натижалари ўқитувчининг ишчанлик қобилиятига боғлиқ.

5. Синфнинг тўлдирилиши (а), битта ўқувчига ҳисобланган оқимнинг ўзлаштирилишини назорат қилишнинг ўртача ҳажми (И) ва синфнинг ўртача гуруҳий ўзлаштириш даражаси (с) ўртасида V_c V_b ,боғланиш мавжуд.

6. Ақлий чарчаш сезги аъзоларининг тормозланиб қолишга олиб келади: тўрт соатлик ўқув машғулотлари анализаторияларнинг сезгирлиги чегарасини 2 мартадан ортиқ пасайтиради. (Вагер, Блежек).

7. Болаларнинг ақлий ишчанлик қобилияти соғ-саломатлиги ҳолатига, ақлий фаолияти тартибдаги, жинсига, ёшига йил фаслига, ҳафта кунига, сутка вақтига боғлиқ (М.В.Андропова ва бошқ)

9. Ўқитишнинг унумдорлиги педагогик меҳнатни ташкил этиш даражасига боғлиқ.

Таълим қонуниятлари унинг тамойилларини аниқлайди. Тамойиллар таълим мазмуни, ташкил этилиши ва ўқитиш усулларига қўйиладиган талаблар тизимидан иборат.

Замонавий тадқиқотчиларнинг ишларида дидактик тамойиллар тизимини ишлаб чиқишга уринишлар жуда кўп. Асосий, умумэътироф этилган тамойиллар сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1. Онглилик ва фаоллик.
2. Кўрсатмалилик.
3. Изчиллик ва тартиблилик.
4. Мустаҳкамлик.
5. Илмийлик.
6. Осонлик.
7. Назариянинг амалиёт билан алоқаси.

Бу тамойиллар дидактик тамойиллар тизимини ташкил этади.

Онглилик ва фаоллик тамойили.

Мазкур тамойилнинг асосида фан белгилаб берган қонуний қоидалар ётади: инсон таълимининг ҳақиқий моҳиятини шахсий ақлий фаолиятини жадал зўриқтириш йўли билан эгалланган, чуқур ва мустақил англланган билимлар ташкил этади; ўқувчиларнинг билимларини онгли равишда ўзлаштириш бир қатор шароитларга ва омилларга боғлиқ: ўқитиш сабаблари, ўқувчиларнинг билимга

бўлган фаоллигининг даражаси ва характери; ўқув- тарбиявий жараёни ташкил этиш ва ўқувчиларнинг билим фаолиятини бошқариш, ўқитишда қўлланадиган услублар ва ўқитиш воситалари ва бошқалар; ўқувчининг шахсий билиш фаоллиги ўқитишнинг муҳим омили ҳисобланади ва ўқув материални ўзлаштириш суръатига, чуқурлигига ва мустаҳкамлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ўқитишнинг онглилиги ва фаоллиги тамойили амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш ўқитишнинг қуйидаги қоидаларига амал қилиш йўли билан амалга оширилади:

1. Бўлажак ишнинг мақсадлари ва вазифаларини аниқ тушуниш онгли ўқитишнинг зарур шартидир; уларни ўқувчиларга кўрсатинг, муҳимлигини ва аҳамиятини тушунтиринг, истиқболларини очиб кўрсатинг.

2. Шундай ўқитингки, ўқувчи нимани, нима учун ва қандай қилиш кераклигини тушунсин ва баъзида ўқув ҳаракатларини олдиндан уларни чуқур англаб олмасдан туриб, ҳеч қачон механик равишда бажармасин.

3. Ўқитаётганда билим фаолиятининг барча турлари ва шаклларидан фойдаланиш лозим, таҳлилни синтез билан, индукцияни дедукция билан, таққослашни қарши қўйиш билан, бирлаштириш, ўхшатишдан тез-тез фойдаланиш: ўқувчи қанчалик ёш бўлса, индукциядан шунчалик кўпроқ бошланг.

4. Ўқувчиларнинг ҳар бир сўз, тушунчанинг, жумланинг маъносини тушунишларини таъминланг, уларни ўқувчиларнинг билими ва тажрибасига таяниб очиб беринг, образли солиштиришлардан фойдаланинг. Муроса очиб берилишига кўзингиз етмаган тушунчаларни киритманг.

5. Ўқувчиларнинг ўзаро ўқиш кучидан фойдаланинг. Тўғри жавобни жамоа бўлиб излаш шакллари ривожлантириш учун тегишли шароитларни таъминланг. Ўқувчиларга баъзан ўртоғи айтган фикр ўқитувчининг тушунтиришидан кўра яхши ва осон идрок қилинади, шунинг учун сизнинг энг яхши ўқувчиларингиз ўртоқларига тушунтириш мумкин бўлган нарсаларни тушунтириб ўтирманг.

6. Фаолликни тарбиялашга вақтни ҳам, кучни ҳам аяманг.

7. Ўқувчиларга номаълум нарсаларни маълум нарсалар билан мантиқан боғланг, ўзлаштирилган ва ўзлаштириладиган билимлар

орасида мантикий боғланиш бўлмаган жойда онгли ўқитиш бўлмайди.

8. Асосийси сиз ўқитаётган фан эмас, балки сиз шакллантираётган шахс эканини унутманг. Ўқувчини шундай ўқитинг ва тарбиялангки, у ўқув фанига «қўшимча» бўлиб қолмай, аксинча уни фаол ўзлаштирувчи субъект бўлсин. Шунинг билан фаоллиги бўлган ўқитув ўз фаолияти билан шакллантиради.

9. Таълим олувчиларни шундай вазиятга қўйингки, у улардан кузатилаётган далиллар ва мавжуд билимлар орасидаги фарқни аниқлашни ҳамда изоҳлашни талаб этсин.

10. Агар ҳар бир қонуннинг қўлланилиши турли хиллиги етарлича аниқ бўлиши учун уни иложи борида кўп мисоллар билан таъминланса, ўқитиш янада муваффақиятлироқ бўлади.

11. Ўрганаётганлар орасидан асосийсини ва иккинчи даражалиларини топишга ва ажратишга ўргатинг, аввало асосийсининг тушунилишига ва ўзлаштирилишига эришинг. Иложи борида кўпроқ мисоллар киритинг, лекин улар асосий нарсаларнинг моҳиятини тўғри қўймасин.

12. Фақат обрўга таяниб ҳеч нарсани ўргатмаган маъқул, аммо сезги ва ақлга асосланган исботлар ёрдамида ҳамма нарсага ўргатиш керак.

13. Ўқувчиларга ўқув-билишга оид фаолиятнинг энг маҳсулдор услубларини аниқлашда ёрдамлашинг, уларни ўқитишга ўргатинг.

14. Ўқувчилар диққатини ўрганиш объектидан четга тортадиган ҳам ички (фикрнинг парижонлиги, дарсда бошқа ишлар билан машғул бўлиши ва ҳ.к.), ҳам ташқи (кеч қолиш, интизомни бузиш ва ҳ.к.) омилларни назорат қилинг, ўқув-тарбиявий жараёндан нима бўл таъсир кўрсатувчи сабабларни бартараф этинг.

15. Ўқувчиларни сабабли фикрлашга ўргатиш учун «нима учун» деган саволни иложи борида кўпроқ ишлатиш лозим: сабабли оқибатли алоқаларни тушуниш — ривожланувчи таълимнинг зарур шартидир.

16. На шубҳага, на унутиб юборишга ўрин қолдирмайдиган, ҳаммаси исботлар ва далиллар билан асосли ўқитиладиган жойда муваффақият бўлади.

17. Ёдингизда бўлсин, ҳақиқатан билагон киши – билганларини гапириб берувчи эмас, балки билганларини амалда қўлланадиган кишидир.

18. Ўз ўқувчиларингизнинг шахсий қизиқишларини мунтазам ўрганинг ва фойдаланинг, уларни шахсий ва жамоат *эҳтиёж-лантиришга* йўналтиринг.

19. Ўқитишда амалий вазиятлардан кенгроқ фойдаланинг, ўқувчилардан ҳаётда кузатилаётган далиллар ва уларнинг илмий изоҳи ўртасидаги фарқни мустақил кўра билишларини, тушунишларини ва англаб олишларини талаб қилинг.

20. Берган билимларингизни ишонтириш ва ҳаракат қилишга йўналтириш кучига эга бўладиган қилиб ўқитинг.

21. Ўқувчиларни мустақил ўйлашга ва ҳаракат қилишга ўргатинг. Айтиб турилишига, қайта айтишга ва нусха кўчиришга ўргатманг.

22. Ижодий тафаккурни муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиб ривожлантиринг, билишга оид масалаларни мантиқан фарқ қилувчи бир неча усулда ечинг, ижодий топшириқларни амалиётга кўпроқ киритинг.

23. Саволлар бериш ва жавобларни тинглаш маҳорати фаолликни рағбатлантиришнинг ва қўллаб қувватлашнинг муҳим шартларидан биридир. Савол қандай бўлса, жавоб ҳам шундай бўлади, ўқитувчи ўқувчини қандай тингласа – ўқувчи ҳам ўқитувчини шундай тинглайди.

Ўқитишнинг кўргазмалилик тамойили.

Бу қадим замонлардан бери фойдаланиб келинаётган энг машҳур ва интуитив тушунарли бўлган ўқитиш тамойилларидан биридир. Бу тамойил асосида қуйидаги қатъий қайд этилган илмий қонуниятлар ётади: инсоннинг сезги аъзолари бошқа таъсирлагичларга нисбатан турлича сезгирликка эга, кўпчилик кишиларда кўриш аъзолари энг катта сезгирликка эга; рецепторларда марказий асаб системасига борадиган алоқа каналларининг ўтказиш қобилияти турличадир; оптик алоқа каналиники – $1,6 \times 10^6$ бит/с; акустик - $0,32 \times 10^6$ бит/с; тактилники – $0,13 \times 10^6$ бит/с. Бу ҳол кўриш аъзолари эслатиш аъзоларига нисбатан мянга 5 марта кўпроқ ахборотни «ўтказишни» ва тантил аъзоларга нисбатан 13 марта кўп ахборотни, «ўтказишни» англатади; мянга кўриш органларидан

(оптик канал бўйлаб) келаётган ахборот кўп кодлашни талаб этмайди, у инсон хотирасида осон, тез ва мустаҳкам ўрганиб қолади.

Ўқитиш амалиёти кўргазмалилик тамойилининг қўлланилишини очиб берувчи жуда кўп миқдордаги қоидаларни ишлаб чиқди. Улардан айримларини эслатиб ўтамиз.

1. Буюмларнинг ўзини (суратини ёки моделини) кўрсатилганда шу буюмларни сўз билан оғзаки ёки ёзма равишда ифодаланишидан кўра яхши, осон ва тезроқ хотирада сақланиб қолишдан ўқитишда фойдаланинг.

2. Ёдингизда тутинг – бола шакллар, бўёқлар, товушлар, умуман сезгилари билан фикрлайди; бундан мавҳум тушунчалар ва сўзлар билан эмас, балки бола бевосита идрок қиладиган аниқ образлар асосида қуриладиган кўрсатмали ўқитишнинг зарурлиги келиб чиқади.

3. Ўқувчиларнинг олтин қоидаси: сезгилар орқали идрок қилиш учун тақдим этиладиган нарсаларнинг ҳаммаси, хусусан: кўринадигани – кўриб идрок қилиш учун, эшитиладигани – эшитилиб, ҳидларни - ҳидлаб, таомга оид нарсаларни – таом билан, сезиш мумкин бўлганларни сезиш йўли билан.

4. Кўрсатмаслиликни ҳеч қачон чекламанг – кўрсатмаслилик – ўқитишнинг мақсади эмас, балки ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш воситасидир.

5. Ўқитишда ва тарбиялашда шуни ёддан чиқармангки, тушунчалар ва мавҳум қоидалар улар аниқ далиллар, мисоллар ва образлар билан мустаҳкамланганда ўқувчилар онгига осонроқ етиб боради; уларни ечиб бериш учун кўрсатмалиликнинг турли хил кўринишларидан фойдаланиш зарур.

6. Кўрсатмалиликни фақат таъсирлаш учун эмас, балки муаммоли вазиятларни яратишда мустақил билим манбаи сифатида ҳам фойдаланиш керак. Замонавий кўрсатмалилик ўқувчиларнинг самарали изланувчи ва тадқиқ этувчи ишини ташкил этишга имкон беради.

7. Ўқитишда ва тарбиялашда кўрсатмали қўлланмалар ўрганилаётган буюмлар ва ҳодисалар тўғрисида энг аниқ ва тўғри тасаввурларнинг ҳосил бўлишига ёрдам беришини ёдингизда тутинг.

8. Ўқувчиларнинг кузатишлари улар қайси тартибда бўлишига қарамай сабаб ва оқибатга нисбатан тартибга солиниши ва жой-жойига қўйилишини назорат қилинг.

9. Кўрсатмали воситани қўлланиб, уни ўқувчилар билан аввал бутунча, кейин асосийси ва иккинчи даражалисини, кейин эса яна бутунча қараб чиқинг.

10. Кўрсатмалиликнинг ҳар хил турларидан фойдаланинг, лекин ҳаддан ортиқ миқдордаги кўрсатмали қўлланмаларга берилиб кетманг; бу ўқувчиларнинг диққатини тарқатади ва асосий нарсани идрок қилишни қийинлаштиради.

11. Кўрсатмалиликдан фойдаланинг, ўқувчиларнинг сезгига оид тажрибаларини фаоллаштиринг, аввал шаклланган тасаввурларга таяниш ўрганилаётган тушунчаларни аниқлаштиради ва намоён қилади.

12. Кўрсатмали қўлланмаларни ўқувчилар билан бирга ўзларингиз тайёрлашга ҳаракат қилинг; ўқувчиларнинг ўзлари тайёрлаган қўлланма энг яхши қўлланмадир.

13. Ўзингиз яхши билмаганларингизни ҳеч қачон кўрсатманг; кўрсатмалиликни қўлланишга иштиёқ билан тайёрланг.

14. Замонавий кўрсатмалилик воситаларини ўқув телевидениеси, видео ёзув, кодослайдлар, полиэкран проекцияси ва бошқаларни илмий асосланган ҳолда қўлланинг; ўқитишнинг техник воситаларини, улардан фойдаланиш методикасини мукамал эгалланг.

15. Кўрсатмали воситаларни қўлланиб, ўқувчиларда диққат, кузатувчанлик, идрок қилиш маданияти, конструктив ижод, билим олишга қизиқиш ҳиссини тарбияланг.

16. Кўрсатмалиликдан ҳаёт билан алоқанинг бир воситаси сифатида фойдаланинг.

17. Ўқитишнинг кабинет тизимида кўрсатмалиликдан фойдаланиш имкониятлари кенгайишини ёдда тутинг; бу ҳолат унга ўйлаб муносабатда бўлишини, диққат билан режалаштиришни ва синчиклаб меъёрлашни талаб этади.

18. Ўқувчиларнинг ёшига қараб предметли кўрсатмалилик символик кўрсатмалиликка борган сари ўз ўрнини бўшатиб бериш керак; бунда ўқитувчининг асосий ғамхўрлиги ҳодиса моҳиятини тушуниш ва уни яққол тасаввур қилишнинг тенглиги бўлиши керак.

19. Шунинчунини, кўрсатмалилик – кучли таъсир этувчи восита бўлиб, ундан эътиборсиз ва билмасдан фойдаланилганда у ўқувчиларни асосий масалани ҳал этишидан четга тортиб кетиши, мақсадни ёрқин восита билан алмаштириши мумкин.

20. Кўрсатмалиликка ҳаддан ортиқ берилиб кетилганда у билимларни чуқур эгаллаш йўлида тўсиқ, абстракт тафаккурнинг ривожига тормоз бўлиб, умумий ва ялпи қонуниятларнинг моҳиятини тушунишни қийинлаштиради.

Тизимлилик ва изчиллик тамойили.

Бу тамойил (тамойил) қонуний асослар вазифасини бажарувчи қуйидаги илмий қоидаларга таянади: инсоннинг миёсида ўзаро боғлиқ тушунчалар тизимини ифодаловчи ташқи дунёнинг аниқ манзараси акс этгандагина, инсон ҳақиқий ва таъсирчан билимга эга бўлади; илмий билимлар тизими шаклланишнинг универсал воситаси ва асосий усули маълум даражада ташкил этилган ўқитиш ҳисобланади; илмий билимлар тизими ўқув материалнинг ички мантиқи ва ўқувчиларнинг билишга оид имкониятлари билан белгиланадиган кетма-кетликда яратилади; алоҳида қоидалардан ташкил топган ўқитиш жараёни унда узилишлар, кетма-кетлигининг бузилишлари, бошқарув бўлмайдиган моментлар қанчалик кам бўлса, шунчалик муваффақиятли кечади ва шунчалик кўп натижа беради; агар малакалар мунтазам машқ қилиб турилмаса, у ҳолда улар йўқола боради; агар ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиб борилмаса, у ҳолда улар ўзларининг фикрлаш фаолиятларида доим қийинчилик сезадилар; агар ўқитишда тажрибага ва изчилликка амал қилинмаса, у ҳолда ўқувчиларнинг ривожланиш жараёни секинлашади.

Амалий фаолиятда ўқитишнинг тартиблилиги ва изчиллиги тамойили ўқитишнинг жуда кўп қоидаларига амал қилиш йўли билан амалга оширилади, улар орасида муҳимлари қуйидагилардир:

1. Ўқувчиларнинг билимлар тизимини ўзлаштиришларини таъминлаш учун схема, режалардан фойдаланинг. Ўқув материали мазмунини мантиқан тугалланган қисмларга (қадамларга) ажратинг, уларни кетма-кет амалга оширинг, бунга ўқувчиларни ҳам ўргатиб боринг.

2. Дарсда асосли очиб борилишига ва кўриб чиқилишига ишончингиз бўлмаган бирорта ҳам саволни қўйманг, бирорта ҳам бандни режага киритманг.

3. Тизимни мазмунида ҳам, ўқитиш усулларида ҳам қоида бузилишига йўл қўйманг, агар тизим бузилган бўлса, англашилмовчиликнинг олдини олиш учун дарҳол камчиликларни йўқотинг.

4. Ўқув предмети – фаннинг кичрайтирилган нусхасидир. Ўқувчиларга унинг тизимини кўрсатинг ўз предметингиз тўғрисидаги тушунчани фаннинг, реал борлиқнинг бир зарраси сифатида шакллантиринг. Мунтазам равишда фанлараро алоқалардан фойдаланинг.

5. Назарий билимлар шаклланишининг текширилган схемасидан фойдаланинг: а) объект ва фанни ўрнатинг (табиат ва илмий назариянинг); б) назариянинг асосларини баён қилинг; в) назариянинг қуролларини очиб беринг; г) назариядан келиб чиқадиган натижаларни изоҳланг; д) унинг қўлланиш чегараларини кўрсатинг.

6. Тарихий жиҳатдан ва мантиқан элементар ва содда бўлган нарсга кўпинча онгли ўзлаштириш учун энг қийин бўлишини ёдда тутинг; шунинг учун фан ва тарихий жараён мантиғини ўқувчилар онгига жуда синчковлик билан жорий қилинг.

7 Бошланғич ва ўрта, ўрта ва юқори синфлар орасида мазмунда ҳам, ўқитиш методикасида ҳам изчилликни таъминлаш лозим.

8. Ўқитиш методикасининг илғор ютуқларидан фойдаланинг; ўз ўқувчиларингиз билан билимларни ўзлаштириш жараёнини енгиллаштирувчи таянч конспектлар, ўқув материалининг тузилмавий-мантиқий схемаларини тузинг.

9. Ўқитишда системалиликни ва изчилликни таъминлаш учун аввал ўзлаштирилганларни тез-тез такрорланг ва такомиллаштиринг.

10. Қисқа ва умумлаштирувчи такрорлашларга фақат аввал ўрганилган материал одатда умумлаштирилаётганда ва унинг тугалланишида – дарс давомида кўриб чиқилган асосий муаммони мустаҳкамлаш учунгина эмас, балки айрим хусусий масалаларни баён қилгандан сўнг ҳам мурожаат қилиш керак.

11. Янги материални тушунтиришга ассоциатив алоқаларга осон, оддий, табиий киришиб кетадиганлардан ташқари ҳеч нарса қўшиш керак эмас. Дарс мавзусига сунъий равишда киритилган ғоялар (умумтаълим, ривожлантирувчи, тарбияловчи) унинг қийматини пасайтиради. Буни ҳисобга олиб, ўқитишнинг мазмуни ва ўқувчиларнинг имкониятларига мувофиқ энг муҳим ғояларни ўзлаштиришни ўқув-тарбиявий жараёни бутун даврига режалаштиринг.

12. Ўтилганларни такрорлашнинг ўзлаштирилиш даражасини текшириш учун фақат дарс бошида эмас ва олинган ахборотни мустақамлаш учун фақат дарснинг охирида эмас, балки дарс давомида ўқитишнинг ҳар бир мантиқан тугалланган қисми (бўлаги)нинг тугаши билан ҳам ўтказинг.

13. Фақат тил ўқитувчилари эмас, балки барча фанлар ўқитувчилари ҳамма дарсларда ўқувчиларнинг ўз фикрларини ифодалашлари усуллари ва шаклини кузатиб боришлари керак.

14. Ўз ўқувчиларингизни мустақил меҳнатга доимо ва чидам билан ўргатиб бординг, уни аста-секин мураккаблаштиринг ва борган сари қийинроқ масалаларни мустақил ечиш учун имконият яратинг.

15. Ўқувчиларга уларни ўқитиш истиқболларини тез-тез кўрсатиб туриш лозим.

16. Сизги тажриба таянч билимларнинг долзарблигидан меъёридан ортиқ фойдаланманг, уларни янгиликни киритиш учун етарли бўладиган миқдорда эслаш лозим, ҳар кимга маълум бўлган, тугуруқсиз билимлар, нарсалардан муаммо ясаманг.

17. Тизимни тушуниш мантиқни талаб этишни, уни шакллантириш эса – шунингдек ҳис ва ҳаяжонни талаб этишини унутманг. Ғайрат билан, кўтаринки руҳда ўқитинг, ҳаётдан, адабиётдаги ёрқин мисоллардан фойдаланинг; тушунчалар изоҳлайди, образлар жалб этади, рағбатлантиришлар ҳаракатга ундайди.

18. Бўлим, курс охирида албатта умумлаштириш ва тартибга солиш (асослаш) дарсларини ўтказинг.

19. Ўқувчиларнинг оғзаки жавобларида ва ёзма ишларида йўл қўйилган хатоларни доимо, қатъий ва хушмуомалалик билан тузатинг, ўқувчиларни шахсий хатоларини мунтазам таҳлил қилишларига ўргатиб бординг.

20. Чегара ўқувчиларнинг фаолиятини сунъий услублар билан уйғотиш, янги фаолиятга қизиқтириш билан суъиистеъмол қилмаслик лозим. Ўқувчиларнинг ақлий фаоллигининг жисмоний меъёрига амал қилинг, унинг кўтарилиши ва пасайишини назарда тутинг ва режалаштиринг.

21. Чуқур ҳақиқатлар юзаки ўзлаштирилса, сийқаси чиққан иборага айланади. Фикр, ахлоқ, сезги мавжуд бўлган ўқув-тарбиявий жараён сифатли бўлади.

22. Табиий ўқитиш жараёнида ўқувчилар бир неча машғулот мобайнида ўзлаштириши мумкин бўлганларни ҳаддан зиёд «уддабурон» воситалар ёрдамида бир дарсда эришишга интиланг.

23. Ўқувчилардан ҳар бир бўлим ва бутун дастур бўйича билим кўникма, малакалар тизимини ўзлаштиришларини талаб этинг.

24. Шаклланган билимлар тизими – уларнинг ёддан чиқишининг олдини олувчи муҳим восита эканини ёдингизда тутинг. Хотирадан кўтарилган билимлар тизимда тез тикланади, у бўлмаса катта қийинчилик билан тикланади.

25. Я.А.Коменскийнинг насиҳатини унутманг: ҳамма нарса узвий кетма-кетликда шундай олиб борилиши керакки, бугунгиларнинг ҳаммаси кечагиларни мустаҳкамлаши ва эртангилари учун йўл очиб бориши керак.

26. Кузатувчан бўлинг, ўз ўқувчиларингизни ҳодисаларда, буюмларда, инсоний муносабатларда доим мунтазам ва мақсадга йўналтирилган ҳолда кузатишга ҳамда кўришга ўргатинг.

Мустаҳкамлик тамойили.

Унда эмпирик ва назарий қонуниятлар мустаҳкамланган: таълим мазмунини ўзлаштириш ва ўқувчиларнинг билимига оид кучларини ривожлантириш – ўқитиш жараёнининг иккита ўзаро боғлиқ томонлари; ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш мустаҳкамлиги бу материалнинг мазмуни ва тузилиши объектив омилларгагина эмас, балки ўқувчиларнинг мазкур ўқув материалига, ўқитишга ўқитувчига нисбатан субъектив муносабатига ҳам боғлиқ; ўқувчилар ўзлаштирадиган билимларнинг мустаҳкамлиги ўқитишнинг ташкил этилиши, ўқитишнинг турли хил турлари ва методларидан фойланиш билан белгиланиб, ўқитиш вақтига ҳам боғлиқ бўлади; ўқувчиларнинг хотираси танловчанлик

хусусиятига эга: у ёки бу ўқув материали улар учун қанчалик муҳим ва қизиқарли бўлса, бу материал хотирада шунчалик кучли мустаҳкамланиб қолади ва сақланади.

Билимларни мустаҳкам ўзлаштириш жараёни жуда мураккабдир. Кейинги пайтда уни ўрганиш янги натижалар берди. Бир қатор тадқиқотларда, масалан, кўпчилик ҳолларда беихтиёр эслаб қолиш ихтиёрий эслаб қолишдан анча унумлироқ бўлишини кўрсатди. Бу ўқитиш амалиётига маълум бир ўзгаришлар киритади, чунки одатда (албатта асосли равишда), ўқитиш ихтиёрий хотирлашга асосланиши керак деб ҳисобланар ва шунга мувофиқ ўқитишнинг амалий қоидалари ифодаланган эди.

1. Замонавий ўқитишда тафаккур хотирадан устун туради. Ўқувчиларнинг кучини тежаш керак, уларнинг кучини қиммати кам бўлган билимларни эслаб қолишга сарфламаслик лозим, тафаккурга зарар келтириши ҳисобига хотиранинг ортиқча юкланишига йўл қўймаслик керак.

2. Хотирада нотўғри идрок қилинган ёки ўқувчи тушунмаган нарсаларнинг сақланиб қолишига тўсқинлик қилинг. Ўқувчи онгли ўзлаштирилган, яхши идрок қилинганларни эслаб қолиши керак.

3. Ўқувчиларни ёрдамчи материалларни ёд олишдан озод қилиш учун уларни турли хил маълумотнома луғатлардан (орфографик, изоҳли, техник, географик ва ҳ.к.), қомуслардан ва ҳ.к.лардан фойдаланишга ўргатинг.

4. Эсда сақлаб қолиниши талаб этилган материал қисқа қаторларга киритилиши керак: биз ўз хотирамизда сақлаб юрадиган нарсалар катта ўлчамларга эга бўлмаслиги зарур. Хотирада сақлаш керак бўлган қаторлардан ўқувчи ўзи осонгина қўшиб қўйиши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини олиб ташланг.

5. Ўрганилганларни ёддан чиқариш ўқитишдан кейин дарҳол жуда жадал равишда кечишини ёдда тутинг, шунинг учун такрорлашлар вақти ва миқдори ёддан кўтарилишининг психологик хусусиятлари билан мувофиқлаштирилиши керак.

6. Ўқувчиларнинг беихтиёр ёдга олишларини жадаллаштириб, тўғридан-тўғри топшириқлар ёки кўрсатмалар берманг: яхшиси ўқувчиларни қизиқтириб қўйинг, вақт-вақти билан пайдо бўлган қизиқишни «қизитиб» туринг.

7. Такрорлашлар сони ёддан чиқариш эгри чизигининг юришига мос келиши керак. Такрорлашларнинг энг катта сони

ўқувчилар янги материал билан танишишларидан кейиноқ, яъни ахборотни максимал йўқотиш пайтида талаб этилади, шундан сўнг такрорлашларнинг бу миқдори аста-секин камайтирилиши, лекин тўлиқ йўқ қилинмаслиги керак.

8. Ўқувчилар диққатини чалғитувчи ички омилларни (паришонхотирлик, чет фаолият билан машғул бўлиш ва ҳ.к.) ва ташқи омилларни (кечикишлар, интизомни бузишлар ва ҳ.к.). ҳар бир ўқувчини унинг имкониятларига мос ҳолда, лекин иш билан бирга тўлиқ куч билан ишлашга ўргатинг. Дангасаликка қарши курашинг, фаолиятнинг энг маъқул суръат-ритмини танланг.

9. Янгиликни ўрганишга киришишдан аввал икки муҳим сифатни: янгиликка қизиқишни ва унга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиринг.

10. Ўқув материални узайиш мантиқини кузатиб боринг. Ўзаро мантиқан боғланган билимлар ва эътиқод тарқоқ маълумотлардан кўра мустаҳкамроқ ўзлаштирилади.

11. Ўқитиш суръатлари пасайганлиги аниқланиши билан дарҳол унинг сабабини аниқлаш зарур. Энг кўп тарқалган сабаблар: ўқув жараёнига қизиқишнинг пасайиши ва чарчаганлик, уларни тиклаш йўллари изланг. Ўқитишни сунъий равишда жадаллаштирманг.

12. Ўқувчиларнинг ихтиёрий эътиборини суистеъмол қилманг, заруриятсиз уни ортиқча юклантирманг, бевосита топшириқлар ва кўрсатмалар беришга берилиб кетманг. Ўқувчиларни сўзларингизга қулоқ солишларига ўргатинг. Улар учун энг муҳим бўлган нарсалар тўғрисида ўзингизни босиб гапиринг. Дарсларда қизиқарли «чекинишлар», «уй тайёрланмалари», экспериментдан фойдаланинг. Ўлчовни билинг. Навбатдаги «панд-насихат» ўрнига – афсона, масал, ҳазил – ўқувчилар сизни тушунишади.

13. Фанда аниқланган далилга таянинг: билимларни мустаҳкамлашнинг муҳим шакли уларнинг ўқувчилар томонидан мустақил такрорлаш ҳисобланади. Шунинг учун ўзаро ўқитиш жараёнларидан кенг фойдаланинг, оқилона йўналтиринг. Ўқитувчи узоқ вақт давомида шакллантира олмаган сифатлар кўпинча ўзаро ўқитиш йўли билан осон ва тез шаклланади.

14. Ўқувчиларнинг хотирасини ривожлантиринг: уларни хотирада сақлаб қолишни осонлаштирувчи турли хил мнемотехник усуллардан фойдаланишга ўргатинг.

15. Ўқув материалга табақалаштирилган ёндошувдан фойдаланинг, ҳар бир ўқувчининг ўрганилаётганларнинг ҳаммасини эмас, балки асосийсини онгли, чуқур ва мустаҳкам ўзлаштирилиши тўғрисида доимо ғамхўрлик қилинг.

16. Ижобий сабаб (асос) ва рағбатларнинг мавжудлигини олдиндан таъминламай туриб, янгисини ўрганишга киришманг. Ёдингизда бўлсин: бола қалбига зўрма-зўраки киритилган билим мустаҳкам бўлмайди.

17. Ўқитиш мантиқини кузатинг, чунки ўзаро мантиқан боғланган билимларнинг мустаҳкамлиги тарқоқ, бир-бири билан кам боғланган билимларни ўзлаштириш мустаҳкамлигидан юқори бўлади.

18. Ўрганилганларни такрорлашни ва мустаҳкамлашни шундай ўтказингки, бунда ўқувчиларнинг фақат хотирасигина эмас, балки тафаккури ҳам, сезгиси ҳам фаоллашсин. Билимларни англаш ва мустаҳкамлаш устида ишлаб, умумлаштиришларни, ёрқин тасвирларни аниқлаштирувчи янги мисоллар киритиб, уларнинг ҳажмини кенгайтиринг.

19. Ўрганилганларни такрорлашни ўрганиш схемаси бўйича ўтказиш керак эмас: ўқувчиларга материални турли томондан, ҳар хил кўриш бурчагида қараб чиқиш имконини беринг.

20. Мустаҳкам ўзлаштириш учун ёрқин жўшқин баён қилишдан, кўрсатмали қўлланмалардан, техник воситалардан, дидактик ўйинлардан, ўқув мунозараларидан, муаммоли – излаш ўқитишидан фойдаланинг.

21. Янги материални ўрганиш вақтида уни доимо аввал ўтилганлар билан боғланг, эскини янгидан такрорланг.

22. Мантиқий тузилма шаклида эгалланган ахборотни эслаб қолиш мустаҳкамлилиги тарқоқ билимларнинг мустаҳкамлигидан юқори бўлгани учун мантиқий яхлит тузилмаларда тақдим этилган билимларни мустаҳкамлаш лозим.

23. Ўқувчиларга осон ва бир хил турдаги ишларни берманг: улар кам ривожлантиради ва тез чарчатади. Машқларни шундай танглангки, улар маънога эга бўлсин. Агар машқларни бажариш, масалаларни ечиш фаол фикрлашни, оқилона ечишни излашни, натижаларни шартдаги берилганлар билан таққослашни талаб қилса, улар самара беради.

24. Машқни беришдан аввал нима қилиш ва қандай иш тутиш кераклигини, иш натижаларига қандай талаблар қўйилишини аниқ кўрсатинг: синов машқларини ўтказинг.

25. Машқ қилиш пайтида ўқувчиларнинг чарчаб қолишини олдини олинг ва уларни ўта чарчашгача олиб борманг.

26. Замонавий илмий асосланган назорат қилиш турлари, воситаларини қўлланг, ўқувчиларнинг ривожланишидаги силжишларни аниқлаш ва ўлчашнинг диагностик усулларида фойдаланинг: фақат шу йўл билан ўқитишнинг самарадорлигини аниқлаш, унинг натижадорлигига мақсадга йўналтирилган ҳолда эришиш мумкин.

27. Ўқувчиларнинг меҳнатини баҳолаш билан боғлиқ омилларни назорат қилманг: ҳар қандай фаолиятга онгли ва маъсулиятли муносабатни изчил шакллантиринг, ўқувчиларни ўз меҳнати жараёнини ва натижаларини назорат қилишга ўргатинг.

28. Билимларни мустаҳкамлашнинг муҳим шакли уларнинг ўқувчилар томонидан мустақил такрорланиши ҳисобланади, бунда ташкиллаштиринг ва рағбатлантиринг. Ўқувчиларга машғулотларни ўтказиб юборишларига, дарсдан бош тортишларига ёки уларда бекор ўтиришларига йўл қўйманг – бу билимларнинг, кўникмаларнинг шубҳасиз пасайишига олиб келади.

Қулайлик (мақбуллик) тамойили.

Ўқитишнинг қулайлик тамойили, бир томондан, ўқитишнинг кўп асрлик амалиётида ишлаб чиқилган талаблардан, иккинчи томондан, ўқувчиларнинг ёши ривожланиши қонуниятларидан, ўқувчиларнинг ривожланиш даражасига мувофиқ дидактик жараённинг ташкил этилиши ва амалга оширилишидан келиб чиқади.

Қулайлик тамойилининг асосида тезаурус қонуни ётади: инсон учун унинг тезаурусига мос келадиган нарсаларгина унинг учун қулай ҳисобланади. Лотинча *tesaurus* сўзи «бойлик»ни англатади. Кўчма маънода бу инсон тўплаган билимлар, кўникмалар, тафаккур усуллари ҳажми деган маънони англатади.

Ўқитишнинг мақбуллиги ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари билан белгиланади ва уларнинг шахсий хусусиятларига боғлиқ ўқитишнинг қулайлиги ўқув жараёнини ташкил этишига, ўқитувчининг қўлланилаётган ўқитиш методларига боғлиқ ва

ўқитиш жараёнларининг кечиш шароитларига боғлиқ: ўқитишнинг қулайлиги унинг тарихидан аввалги даврига боғлиқ; ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражаси ва уларда мавжуд бўлган тасаввурлар ва тушунчалар захираси қанчалик юқори бўлса, улар янги билимларни ўрганишда шунчалик муваффақиятлироқ олдинга силжишади; ўқитиш қийинчилигини аста-секин орттириб бориш ва уларни енгишга ўргата бориш ўқувчиларнинг ривожланишига ва уларнинг ахлоқий сифатларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади; қийинликнинг энг мақбул даражасидаги ўқитиш ўқитиш суръатига ва самарадорлигига, билимларнинг сифатига ижобий таъсир қилади.

Қулайлик тамойилини амалий жиҳатдан амалга оширишга тааллуқли, Я.А.Коменский томонидан ифодаланган машҳур классик қоидалар маълум: енгилдан оғирга қараб, маълумдан номаълумга, оддийдан мураккабга. Замонавий ўқитишнинг назарияси ва амалиёти қулай ўқитиш қоидаларини амалга ошириш учун мажбурий бўлган рўйхатини кенгайтиради.

1. Я.А.Коменскийнинг насихатларини ёддан чиқарманг: - ўрганилиши керак бўлган нарсалар ёш босқичларига мутаносиб равишда шундай тақсимланиши керакки, бунда ҳар бир ёшда идрок қилиш учун қулай бўладиганнигина ўрганиш назарда тутилади.

2. Шунинг ҳам ёдда тутиш керак, ўқувчиларнинг ақли бирор буюмни ўрганишга тайёрланган бўлиши керак.

3. Ўқитаётиб, ўқувчиларнинг тайёрланганлиги даражасидан ва ривожланганлигидан келиб чиқиб, уларнинг имкониятларига таянган ҳолда ўқитинг. Ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибасини, уларнинг қизиқишларини, ривожланиш хусусиятларини ўрганинг ва ҳисобга олинг.

4. Ўқитаётиб, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини шундай ҳисобга олингки, бунда ўқитишнинг мазмуни ва усуллари уларнинг ривожланишидан бироз илгарилаб кетсин.

5. Ўқитиш жараёнида ҳар бир ўқувчининг шахсий билим даражасини албатта ҳисобга олинг, билим даражаси бир хил ўқувчиларни табақалаштирилган кичик гуруҳларга бирлаштиринг.

6. Ўқитиш жараёнини мақбул суръатда олиб бориш керак, лекин бунда кучларни тўхтатиб қолмаслик ва ўртача ҳамда бўш ўқувчиларда ҳаракат тезлигини ошириш керак.

7. Ўқитиш маълум даражада зўриқишни талаб этади. Зўриқиш бўлмаса, ўқувчилар бор кучлари билан ишлашдан совиб қоладилар. Ўқувчиларнинг ўзлари белгилаб берган ўқитиш суръатлари, одатда уларнинг имкони ва кучи етадиган даражадан пастдир. Аниқ шароитларга мувофиқ қулай суръатни ўрнатинг, зарур бўлганда уларни ўзгартиринг.

8. Педагогика ва психологиянинг энг янги ютуқларидан фойдаланинг: аниқ билимлар, кўникмаларни кичик қадамлар ёрдамида шакллантиринг, умумлаштиришни – катталаштирилган қадам билан шакллантиринг.

9. Қулайлик учун ўхшашликдан, таққослашдан, солиштиришдан, фойдаланинг; ўқувчилар фикрига туртки беринг, уларга ҳатто энг мураккаб билимлар ҳам тушуниш учун қулай эканини кўрсатинг.

10. Янги ва мураккаб материални ўрганишда кучли ўқувчиларни жалб этинг, мустаҳкамлашда эса ўртача ва бўш ўқувчиларни жалб қилинг.

11. Тушунчаларни қарама-қаршилари билан ёки уларга зидлари билан таққослаб, уларни ўқувчиларнинг ўзлаштиришини енгиллаштиринг.

12. Ҳар бир янги тушунчани киритиш қўйилган билишга оид масаладан мантиқан келиб чиқибгина қолмай, балки ўқитишнинг аввалги бутун кечиш билан тайёрланиши керак.

13. Ўқувчилар тушуниш ва ўзлаштириш учун жуда қийин бўлганлари бу жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари, табиатнинг асосий қонунлари ҳисобланади. Барча ўқув фанлари ўқитувчилари методологик билимларнинг шаклланиш жараёнига қўлидан келган ҳиссасини қўшишлари керак: бунинг учун умумий ва ҳамма учун умумий қонуниятларнинг кўп қиррали намоён бўлишини ўзининг ўқув фанидан мисоллар билан тасвирланг.

14. Шошманг! Ўқитиш жараёнини заруриятсиз забт этманг, тез муваффақият қозонишга интирманг: қулайлик тўсиғини пасайтиришнинг имкониятлари чексиз эмас.

15. Ўқувчи фикрини нотўғри деб қабул қилманг, уни англашнинг бошланиши деб билинг.

16. Қулайлик ишонтириш, жўшқинлик каби ўқитувчининг баён қилиши ва нутқининг аниқлигига, боғлиқ тушунчаларни аниқ ва бир қийматли қилиб ифодаланг, бир хилликдан қочинг, образли

қилиб ўқитинг, ёрқин далиллардан, ҳаётдан, адабиётдан мисоллар келтиринг.

17. Монологларнинг давомийлигини орттирманг: нимани тушунтириш кераклигини, ўқувчилар мустақил нимани тушунишларини нозик сезинг, ўқувчиларнинг ўзлари осон ўзлаштириб оладиганларини тушунтириб ўтирманг.

18. Ўқитишнинг биринчи босқичида ўқувчилар асосийсини ўзлаштиришлари учун билимлар ҳажмининг бир қисмини, фақат асосийсини ўрганинг, кейин мустаҳкамлашда ўргатганларни аниқлаштирувчи янги мисоллар, далилларни киритинг.

19. Қулайлик тамойилини амалга ошириб, асосий эътиборни ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқаришга қаратинг: ёмон ўқитувчи ҳақиқат хабар қилиб, уни тушуниш учун қийин қилиб қолдиради, яхши ўқитувчи эса уни топишга ўргатиб, уни топиш жараёнини осон қилади.

20. Қулайлик ўқитишнинг енгиллигини англамайди ва ўқитувчининг вазифаси умуман ўқувчиларнинг билимларини мустақил эгаллаш, англаш ва ўзлаштириш бўйича меҳнатини чексиз енгиллаштиришдан иборат эмас: ёрдам бериш, йўналтириш, тушунарсизни тушунарли очиб бериш, мустақил таҳлил қилиш учун калаванинг бир учини бериб қўйиш, кўнглини кўтариш – ана шулар қулай ўқитишнинг кундалик вазифаларидир.

21. Қулайлик ишчанлик билан боғлиқ: ишчанликни ривожлантириб ва машқ қилдириб, ўқувчиларни борган сари узоқ ва жадал фикрлаш фаолиятини амалга оширишларига ўргатинг.

Илмийлик тамойили.

Ўқитишнинг илмийлик тамойили, маълумки, ўқувчиларга уларнинг ўқитишнинг ҳар бир қадамида ўзлаштириш учун ҳақиқий, фан томонидан мустаҳкам аниқланган билимлар таклиф этилишини ва бунда ўз хусусиятига кўра ўрганилаётган фан услубларига яқинлашадиган ўқитиш методларидан фойдаланишини талаб этади. Илмийлик тамойили асосида қонуний асос вазифасини бажарувчи бир қатор қоидалар ётади: дунёни ўрганиб билиш мумкин ва амалда текширилган инсоният билимлари дунёнинг ривожланишининг объектив аниқ манзарасини беради: фан инсон ҳаётида борган сари муҳим ўринни эгалламоқда, шунинг учун мактаб таълими илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган, ўсиб

келаётган авлодни объектив борлиқ тўғрисидаги билимлар тизими билан куроллантиришга қаратилган, ўқитишнинг илмийлиги аввало мактаб таълимининг мазмуни билан, уни шакллантириш қонун қоидаларига қатъий амал қилиш билан таъминланади; ўқитишнинг илмийлиги ўқитувчиларнинг қабул қилинган мазмунни амалга оширишларига боғлиқ; ўқитишнинг илмийлиги, эгалланган билимларнинг таъсирчанлиги ўқув режалари ва дастурларнинг ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт даражасига мувофиқлигига, эгалланган билимларнинг амалиёт билан мустаҳкамланганлигига, фанлараро алоқага боғлиқ.

Мазкур тамойилни амалга ошириш қоидалари:

1. Илмийлик тамойилини амалга ошириб, педагогика, психология методика, педагогик тажрибанинг энг янги ютуқлари асосида ўқитинг. Амалиётга педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш тавсияларини қатъий жорий қилинг.

2. Дидактика ва ўқитиш психологиясининг энг янги натижаларини ҳисобга олиб, фақат индуктив эмас, балки дедуктив ўқитиш мантикидан оқилона фойдаланинг.

3. Ўқув фанини ўрганишнинг биринчи қадамлариданок янги илмий тушунчаларга келтириш учун ишончли асосни таъминловчи ўқув предметининг мантиғини очиб беринг.

4. Ўқувчиларда ўрганилаётган фанлар, ҳодисаларга дидактик ёндашувни тарбияланг, илмий дидактик идрок элементларини шакллантиринг.

5. Киритилган ҳар бир янги илмий тушунчани мунтазам такрорланг, қўлланманинг ва ўқув курсининг бутун давомида фойдаланинг, чунки машқ қилиб турилмайдиган нарса, тез ёддан кўтарилади.

6. Фан қонунларини ўрганишни ўрганилаётган ҳодисаларнинг ривожланиш жараённинг энг муҳим томонларини ҳисобга олиб амалга оширинг: ташқи шароитларга, ўрни ва вақтга боғлиқлик, ҳодиса ўзгаришининг аниқ шакли, эскининг янги билан кураши, мазмуни ва шакли.

7. Ўқитиш услубларида илмий билиш услубларини акс эттиринг, ўқувчиларни ўқитишда излаш, ижодий ишга жалб қилиб, тафаккурини ривожлантиринг.

8. Ўз ўқувчиларингизни фан, техника, маданиятдаги янги ютуқлар тўғрисида мунтазам хабардор қилиб туринг: янги

ютуқларни ўқувчиларда шаклланаётган билимлар тизими билан боғланг.

9. Янги ғоялар билан танишишни, янгини идрок этишни битта алоҳида тадбирга келтирманг: ҳар бир ҳодисани янги алоқаларда ва муносабатларда қараб чиқинг.

10. Ўқувчиларни буюк олимларнинг биографиялари билан , уларнинг фан ривожланишига қўшган ҳиссалари билан таништириш имкониятини қўлдан бой берманг.

11. Ўқувчилар олдида илмий билишнинг услублари ва мураккаблиklarини очиб беринг, натижаларнинг услубларга боғлиқлигини кўрсатинг.

12. Энг янги илмий атамалардан фойдаланинг, эскириб қолган атамаларни ишлатманг, ўз фанингиз бўйича энг охириги илмий ютуқлардан хабардор бўлинг.

13. Илмий билимнинг генезисини, ҳақиқатнинг эмбриологиясини очиб беринг, ўқитишда тарихийликнинг талабларини амалга оширинг.

14. Илмий ахборот оқимининг борган сари ортиб бораётганлиги муносабати билан фаннинг асосий муаммоларига асосий эътиборни қаратинг, ўқувчилар олдида илмий ютуқларнинг асосий ғояларини очиб беринг, уларни илмий ахборотни кузатиб боришига ўргатинг, илмий-техник, ижтимоий муаммоларнинг жамoa бўлиб муҳокамасини рағбатлантиринг.

15. Юқори синфларда баҳоси илмий муаммоларни четлаб ўтманг, уларнинг мазмунини ва ҳал қилишнинг истиқболли йўллариини тушунарли шаклда очиб беринг, агар шароит имкон берса мунозара ташкил этинг.

16. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик ишларини рағбатлантиринг. Уларни экспериментал ва тажриба иши техникаси, ихтирочилик масалаларини ечиш алгоритмлари, биринчи манбалар ва маълумотнома материалларига ишлов бериш, архив ҳужжатлари билан таништириш имконини топинг.

17. Ўқувчилар янги тушунчалар ва атамаларни илмий назариялар, қонунлар билан бирликда ўзлаштиришларига эришинг.

18. Ўқувчига кашф этиш қувончини ҳис этишга, муваффақият ҳиссини билишга оид зўриқишдан қониқиш ҳиссини бошидан кечиришга имкон беринг.

19. Фан ва техникадаги янги ютуқларни ёритиб, ўқитиш технологиясини такомиллаштириш тўғрисида сўзлаб беришни унутманг, ўқишдаги меҳнатнинг мураккаблигини ва унинг самарадорлигини ўқитиш сирларини ўрганиш ва янги воситаларни жорий қилиш йўли билан очиб беринг; ўқув меҳнатини илмий ташкил этиш ғоясини қатъий ташвиқот қилинг.

20. Носоғлом тасаввурлар сабаби бўлиши мумкин бўлган бир хил қийматли бўлмаган биринчи босқич ва иккинчи босқич мактабида ўқитувчи айтганларини ўқувчилар томонидан ихтиёрий, бузиб талқин этилишига йўл қўймаслик керак. Бу, албатта, болалар фантазиясини, фикрлар ўткирлигини ривожлантирмаслик керак дегани эмас. Аммо жиддий нарсалар жиддий ва бир қийматли қабул қилиниши керак.

Назариянинг амалиёт билан алоқаси тамойили.

Кўрилаётган тамойил қонуний асослар вазифасини бажарувчи кўпгина фалсафий, педагогик ва психологик қоидаларга таянади: ўқитишнинг самарадорлиги ва сифати амалиёт билан текширилади, тасдиқланади ва йўналтирилади; амалиёт – ҳақиқат мезони, билиш фаолияти манбаи ва ўқитиш натижаларининг қўлланиш соҳаси; тўғри йўлга қўйилган тарбия ҳаётнинг ўзидан, амалиётдан келиб чиқади, у билан узвий боғланган, ўсиб келаётган авлодни фаол ўзгартирувчи фаолиятга тайёрлайди; шахсни шакллантириш самарадорлиги унинг меҳнат фаолиятига киришиб кетишига боғлиқ ва меҳнат фаолиятининг мазмуни, турлари, шакллари ва йўналтирилганлигига боғлиқ; ўқитишнинг ҳаёт билан, назариянинг амалиёт билан алоқасининг самарадорлиги таълимнинг мазмунига, ўқув-тарбиявий жараённинг ташкил этилишига, ўқитишнинг қўлланилаётган шакл ва методларига, меҳнатга ва политехник тайёргарликка ажратиладиган вақтга, шунингдек ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ; ўқувчиларнинг назариянинг амалиёт билан алоқаси амалга ошириладиган меҳнат ва унумли фаолияти тизими қанчалик мукамал бўлса, уларни тайёрлаш сифати шунчалик юқори бўлади; ўқувчиларнинг унумли меҳнати ва касбга йўналтириш қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, уларнинг замонавий ишлаб чиқариш шароитларига мослашиши шунчалик муваффақиятли кечади; мактабдаги дарсларда политехнизм даражаси қанча юқори бўлса, ўқувчиларнинг билими шунчалик

таъсирчан бўлади; ўқувчилар эгаллаган билимлар ўзининг асосий моментларида ҳаёт билан қанчалик кўп ўзаро таъсирлашса, амалиётда қўлланса, атрофдаги жараёнлар ва ҳодисаларни шакллантириш учун фойдаланилса, ўқитишнинг онглилиги ва унга қизиқиш шу даражада юқори бўлади.

Ўқитишнинг ҳаёт билан алоқаси тамойилини амалий жиҳатдан амалга ошириш ўзига назарий хулосаларни ва энг яхши мактаб жамоаларининг тажрибасини сингдирган бир қатор қоидаларга ижодий амал қилишга асосланган.

1. Ўрганиладиган илмий билимларнинг зарурлигини ижтимоий-тарихий амалиёт билан исботланг. Шундай ўқитингки, натижада ўқувчи ўқишни унинг учун ҳаётий зарурият эканини ҳам тушунсин, ҳам сезсин.

2. Ўқитишда ҳаётдан билимларга ёки билимлардан ҳаётга қараб боринг «билимлар – ҳаёт» алоқаси зарур.

3. Назариянинг амалиёт билан диалектик алоқасини доимий равишда, чуқур ва ишончли очиб беринг. Фан амалий эҳтиёжлар таъсирида ривожланишини кўрсатинг, аниқ мисоллар келтиринг, ўқувчиларга инсониятнинг меҳнатини енгиллаштириш учун кураши, бу жараёнда илмий билимларнинг роли саҳифаларини очиб беринг.

4. Ўқувчиларга янги замонавий технологиялар, илғор меҳнат услублари, янги ишлаб чиқариш муносабатлари тўғрисида гапириб беринг.

5. Ўқувчиларни ўз билимларини амалда текширишга ва қўллашга қатъиян ўргата боринг. Атроф борлиқни билимлар манбаи сифатида ҳам, уларни амалий қўллаш соҳаси сифатида ҳам фойдаланинг.

6. Ўқувчи ўз ишининг ҳаётий аҳамиятини билмайдиган битта ҳам дарс, битта ҳам машғулот бўлмаслиги керак.

7. Мактабни ишлаб чиқариш билан алоқасидан ҳар томонлама фойдаланинг. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқарувчилар билан мулоқоти ўқув тарбиявий ишни давом эттиришга эришинг: бунинг учун «ўқув фани – ишлаб чиқариш» алоқасини моҳирлик билан йўналтириб боринг ва назорат қилинг.

8. Ўз ўқувчиларингиз билан ишлаб чиқариш ютуқлари асосида масала ва машқлар тузинг ва ечинг, уларни таҳлил қилишга ва текширишга ишлаб чиқарувчиларни жалб этинг.

9. Ўқитишни ўз шахрингиз, қишлоғингиз, вилоят, республика, мамлакат халқ хўжалиги ривожини истиқболлари билан боғлаб олиб боринг. Истиқболли ишланмаларга асосланиб касбга йўналтиришни амалга оширинг.

10. Муаммоли изланувчан ва тадқиқотли топшириқлар назариянинг амалиёт билан алоқасининг энг яхши воситаси уларни турли кўринишларда фойдаланинг.

11. Ўқувчиларда меҳнатга халқ хўжалиги мулкига онгли ва ижобий муносабатни тарбияланг, бундай муносабатнинг шахсий намунасини кўрсатинг.

12. Ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали ва ишлаб чиқариш меҳнати шундай ташкил этилганки, у мустақил кузатишлар ва фикрлашлар билан бирга олиб борилсин, саволлар уйғотсин, кўпроқ билиш эҳтиёжини, тушунарсиз ҳодисаларни аниқлашга интилишини рағбатлантирсин.

13. Ўқитишда ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнати материаллари ва намуналаридан, тажрибали фаолиятидан, меҳнат ва дам олиш лагерлари ишидан фойдаланинг ва ҳ.к.

14. Ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнат ўқув ва тарбиявий мақсадларга бўйсундирилиши кераклигини унутманг.

15. Меҳнатни илмий ташкил этишни ўқув жараёнига жорий қилинг. Ўқувчиларга илмий ташкил этилган меҳнатнинг назарияси ва амалиётини ўзлаштиришда ёрдам беринг, уларни энг маҳсулдор ва тежамли услубларни қўлланишга, ўз фаолиятини таҳлил қилишга, дастурлашга ва истиқболини белгилашга ўргатинг.

16. Ўқувчиларнинг бир тур фаолиятидаги ютуқларни ривожлантиринг, мустаҳкамланг ва фаолиятнинг бошқа турларига ўтказинг, айрим муваффақиятдан доимий ютуқларга эришиш орқали.

17. Ўқувчиларда ўз натижаларини доимий яхшилашга интилишни тарбияланг мусобақалар ўтказишни ривожлантиринг.

18. Ўқув тарбиявий жараёнда ақлий фаолиятни амалий фаолият билан бирлаштириш лозим, бу жараёнда 80-85% билим ўзлаштирилади. Ўқувчиларни рационализаторлик ҳаракати билан таништиришга имконият топинг. Уларнинг бирор нарсани такомиллаштириш, яхшилаш, ўзлаштиришга уринишларини рағбатлантиринг агар шароит имкон берса, ёш ихтирочилар танловини ўтказинг, мактабда ўқувчилар тақлиф этган жуда бўлмаса битта

ғояни албатта жорий қилинг, шу мисол асосида бошқаларни тарбияланг.

19. Ўқувчиларни аввал ўзи ёқтирган фан, техника, саноат соҳасида билим эгаллашда мустақил ишлашга унданг; ўқитишнинг ҳаёт билан алоқасини ўзини ўзи ўқитиш учун рағбат сифатида фойдаланинг.

20. Агар ўз фанингиз бўйича синфдан ташқари ишни ўқувчилар учун қизиқарли бўлган амалий масалаларнинг ечилиши билан қанчалик яқин боғласангиз, уни шунчалик жозибадор қиласиз.

21. Ўқувчининг бир турдаги фаолиятдаги ютуқларини ривожлантиринг, мустақамланг ва бошқа фаолият турларига кўчиринг: онда–сонда бўладиган муваффақиятдан доимий ютуқлар томон.

22. Жиддий танқид, ўз олдингизда объективлик (ҳақ–қонийлик), ўзига талабчанлик, ўз ишларини танқидий таҳлил қилиш – ўзини мукаммаллаштириш йўлидир. Ўқитувчи: «Бугун бутун гуруҳ ёмон ишлади» деганда «Мен ҳам» деб кўшиб қўйиш керак.

8.2. Таълим методларининг тавсифи

Ҳозирги кунга келиб, кўплаб таълим методлари ишлаб чиқилган. Асосий таълим методларига қуйидагилар киради: *ўқув материални оғзаки баён этиш, ўқув материални муҳокама қилиш, намойиш методи, машқ методи, ўқувчилар мустақил ишлари.*

1. Ўқув материални оғзаки баён этиш – бу метод таълим олувчиларга бир томонлама, монологик таъсир этиш орқали билим беришга қаратилган. Оғзаки баён этиш методининг қуйидаги турлари мавжуд: ҳикоя, тушунтириш, инструктаж бериш.

Ҳикоя – педагог ёки ўқувчи томонидан ўқув материални оғзаки баён этиш усулидир. Бу усулда асосий эътибор аниқ далилларга, уларнинг алоқадорлиги ва бир-бирига таъсирига қаратилади ҳамда таълим олувчиларнинг эшитиш орқали идрок ва тасаввур этишларини таъминлайди. Ҳикоя жараёнида таълим олувчиларда нафақат даллилар ўзлаштирилади, балки материални кетма-кет баён этиш кўникмалари ҳам шакллантирилади.

Ҳикоянинг етакчи функцияси – таълим бериш ҳисобланади, ёрдамчи функцияларга ривожлантириш, тарбиялаш, ундаш, назорат-коррекция функциялари киради.

Ҳикоя методининг самарадорлиги ўқувчиларни қизиқтира олишга, уларнинг эътиборини қаратишга боғлиқ. Ҳикоя идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, ҳаёл, эмоционал кечинмалар каби психик жараёнларни фаоллаштиради. Ҳикоя ҳар қандай ёшдаги таълим олувчиларни ўқитишда қўлланилиши мумкин, лекин бу усулнинг максимал самарадорлиги кичик ёшдаги ўқувчиларни ўқитишда кузатилади.

Тушунтириш – ўрганилаётган ҳодиса ёки жараённинг моҳиятини очиқ бериш, унинг бошқа ҳодиса ва жараёнлар билан боғлиқлигини кўрсатиш учун қўлланиладиган оғзаки усулдир. Унинг функцияси усуллар, қонун, қонуният ва борлиқнинг илмий моҳиятини исботлашдан иборат. Тушунтириш жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий ва диалектик тафаккурлари шакллантирилади, улар ўз фикрларини баён этишга ва исботлашга ўрганадилар.

Тушунтириш натижаси ўқувчининг ҳодиса моҳиятини чуқур ва аниқ тушунишида намоён бўлади. Тушунтириш усулининг тарбиявий жиҳати шундаки, бу усул таълим олувчиларда ҳақиқатни билишга интилиш уйғотади, ўқув материалидаги асосий нарсаларни иккинчи даражали нарсалардан ажрата олиш кўникмасини шакллантиради. Тушунтириш усулидан ҳар қандай ёшдаги ўқувчиларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Айниқса, ўрта махсус касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасаларида ўқув материалининг мураккаблашиб бориши ҳамда таълим олувчиларнинг ақлий ривожланишини ҳисобга олиб, тушунтириш усулидан кенг фойдаланилади.

Инструктаж бериш – машғулот жараёнида талабалар фаолиятини ташкил этишда ва ўқув мақсадларини аниқлаштиришда қўлланиладиган усулдир. Бу усул таълим олувчилар ўқув фаолиятини маълум бир йўналишга қаратиш учун ишлатилади.

2. Материални муҳокама қилиш – бу таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини фаоллаштирувчи усулдир. Унинг қуйидаги турлари мавжуд: суҳбат, баҳс-мунозара усуллари ва бошқалар.

Сухбат – ўқув материалини муҳокама қилишнинг энг асосий усулидир. Бу усул таълим оловчилардан маълум бир эмперик билимларни талаб этади. Бу билимлар масалани муҳокама қилиш, умумлаштириш, хулоса чиқариш ва ҳақиқатга интилишга ёрдам беради. Сухбат усули ҳар томонлама мукамал ва самарадор ҳисобланади.

Сухбат жараёнида таълим оловчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, ақлий изланишга ундаш, қарама-қаршиликларни бартараф этиш, мустақил равишда хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқувчиларнинг шахсий билим ва тажрибаларидан фойдаланилади. Бу сухбатнинг педагогик функцияси ҳисобланади.

Сухбат саволларнинг аниқ қўйилишини талаб этади. Сухбат жараёнида муаммоли таълим беришни ҳам амалга ошириш мумкин.

Сухбат таълим оловчиларда аниқ ва тез фикрлашга, ўз фикрларини қисқа ва эркин баён этишга, саволлар беришга ўргатади, анализ ва умумлаштириш каби ақлий операцияларни шакллантиради. Бунда сухбатнинг ривожлантирувчи функцияси намоён бўлади.

Сухбатнинг тарбияловчи функцияси шундан иборатки, бу усул таълим оловчиларда мустақилликни шакллантиради, ўз-ўзига ишонч ҳиссини уйғотади.

Баҳс-мунозара усулини қўллаш жараёнида ўқув материали гуруҳда муҳокама қилинади ва барча гуруҳ аъзолари бу жараёнда иштирок этадилар. Баҳс-мунозара усулини кичик гуруҳларда ташкил этиш яхши самара беради. Баҳс-мунозарада муҳокама қилинадиган мавзу талабаларга ўқитувчи томонидан 1 ёки 2 ҳафта олдин берилиши лозим. Мавзу билан бирга уни ўрганиш учун адабиётлар рўйхати ҳам келтирилиши керак. Баҳс-мунозара усулини қўллашдан олдин ўқитувчи машғулотнинг кириш, асосий ва якуний қисмларини режалаштириши, қўшимча саволлар, кўргазмали қуролларни тайёрлаши лозим. Баҳс-мунозара жараёнини ижодий билиш жараёнига айлантириш ўқитувчи олдида турган энг мураккаб вазифадир.

3. Намойиш усули таълим оловчиларга реал ҳаёт, табиат ҳодисалари, илмий ва ишлаб чиқариш жараёнлари, ускуна ва аппаратларнинг ишлашини бир бутун ва майда деталларда

кўрсатиб бериш, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда ишлатилади.

Бу методнинг мақсади таълим олувчиларда предмет ёки ҳодисанинг кўргазмали образини яратиш, унинг моҳияти ва мазмуни ҳақида тасаввур ҳосил қилишдан иборатдир. Бу усул ўрганилаётган ҳодисалар динамикасини очиб беришда қўлланилади. Шунингдек, намоёиш методи предметнинг ташқи кўриниши ва ички тузилиши билан таништиришда, ўрганилаётган предметга ўхшаш предметлар қаторидаги ўрнини кўрсатишда ҳам ишлатилади.

Намоёиш этиш усули ўқувчилар томонидан борлиқдаги ҳодисаларни уларнинг динамикаси, вақт ва фазода идрок этишлари ва англашини таъминлайди. Намоёиш усули ёрдамида таълим олувчининг дунёқарашини кенгайтириш, билим олиш жараёнини психологик жиҳатдан енгиллаштириш, барча психик жараёнларни фаоллаштириш мумкин. Намоёиш усулининг тарбиявий аҳамияти таълим олувчига эмоционал таъсир этишидадир.

4. Машқ усули – зарур бўлган кўникма ва малакаларни ақлий ва амалий ҳаракатларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш мақсадида ишлатилади. Бу усул кўп маротаба ва онгли равишда такрорлашни талаб этади.

Тизимли машқлар – самарадор ва продуктив меҳнатнинг текширилган ва ишончли методидир. Унинг афзаллик томони шундан иборатки, бу усул кўникма ва малакаларни самарали ривожлантиришга хизмат қилади. Машқ усулининг мазмун-моҳияти билимларнинг бир қисмини кўникма ва малакага айлантириш, амалий ҳаракатларни бажаришга тайёрлаш, ҳар хил шароиларда репродуктив ва продуктив фаолиятни амалга оширишга ўргатишдан иборат.

Машқларни бажаришдан олдин таълим олувчилар назарий материални ҳамда ўқитувчининг кўрсатмаларини пухта ўзлаштиришлари керак.

Машқ усули таълим олувчиларни ақлий ва жисмоний соҳалардаги амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Бу усулнинг ривожлантирувчи аҳамияти ижодий имкониятларга йўл очиб беришда ва таълим олувчиларнинг ҳар хил қобилиятларини ривожлантиришда намоён бўлади.

Машқларни доимий равишда бажариш ўқувчиларнинг иродасини тарбиялайди.

5. Талабаларнинг мустақил ишлари – ўқитишнинг энг асосий усулларида бўлиб, таълим олувчиларнинг индивидуал фаоллигини талаб этади.

Буюк немис педагоги А.Дистервегнинг фикрича «Ривожланиш ва таълим ҳеч бир кимсага берилиши ёки айтилиши мумкин эмас. Унга ҳар бир киши шахсий фаолияти, кучи, қуввати билан эришмоғи даркор. Ташқаридан у фақат қўзғатишни олиши мумкин...».

Мустақил иш педагогнинг бевосита раҳбарлигисиз, аммо унинг топшириқлари ва назорати остида амалга ошириладиган шахсий ёки жамоавий ўқув фаолиятидир.

Ташкил этиш шаклларига кўра мустақил иш фронтал (ўқувчилар айнан битта топшириқни бажаришади, масалан, иншо ёзишади, гуруҳли – ўқув топшириқларини бажариш учун таълим олувчилар гуруҳларга (3-6 кишидан) бўлинишади), жуфт (микроскоп остида кузатишлар олиб боришда, лингафон кабинетдаги машғулотларда), индивидуал (ҳар бир таълим олувчи алоҳида топшириқни бажаради, берилган мавзуга оид реферат ёзади) шаклларда олиб борилиши мумкин. Мустақил иш аудиторияда (лабораторияда, синфда, устахонада ва ҳ.к.), ҳар хил тадбирларда (тажриба участкасида, табиат бурчагида, экскурсия жараёнида ва ҳ.к.), уйда ўтказилиши мумкин.

Мустақил ишнинг энг кўп тарқалган анъанавий турларига дарслик, маълумотнома адабиётлар ёки биринчи манбалар билан ишлаш, масалалар ечиш, машқлар бажариш, иншолар, баёнлар, кузатишлар, лаборатория машғулотлари, тажриба ишлари, яшаш, моделлаштириш ва бошқалар кирadi.

Бугунги кунда талабалар мустақил таълимнинг самарадорлигини ошириш учун иккита ноанъанавий технологиядан: кейс-стади ҳамда лойиҳа технологиясидан фойдаланилмоқда. Бу технологияларга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Кейс технологияси илк маротаба Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди.

Кейс-стадининг икки классик мактаби - Гарвард (Америкада) ва Манчестер (Европада) мактаблари мавжуд. Гарвард мактаби доирасида мазкур услуб ягона тўғри ечимни излашни ўргатиш

усули ҳисобланиб, иккинчи мактаб кейсда баён қилинган муаммоли вазият ечимининг кўп вариантлилигини таклиф қилади. Америка кейслари ўнлаб саҳифали матнни ва кўплаб чизмаларни ўз ичига олади. Европа кейслари ҳажми бирмунча камроқ.

Чет эллардаги бизнес-мактабларда одатий вазиятларни ўрганишга ўқув вақтининг ўртача 25 %дан 90 %гача бўлган қисми ажратилади. Масалан, Чикаго университети бизнес-мактабида ўқув вақтининг 25 % кейслар улушига, Колумбия университетида – 30 %, Уортонда эса – 40 % тўғри келади. Машғулотларни ушбу услуб бўйича ўтказишга ажратиладиган соатлар сони бўйича унинг «илк ихтирочиси» – Гарвард етакчилиқ қилади. Оддий талаба HBSда ўқиш вақтида 700 тагача кейсларни кўриб чиқади ва бунинг учун ўқув вақтининг 90 % гача қисмини сарфлайди.¹

Кейс технологиясида талаба асосан индивидуал равишда ишлайди, муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилади.

Лойиҳа технологиясида эса муаммо бир талабага эмас, балки бир гуруҳ талабаларга берилади. Лойиҳа технологиясини амалга ошириш жараёнида талабалар жамоа бўлиб, мустақил ишларни амалга оширади.

Лойиҳа технологиясининг якунида маълум бир маҳсулот (қўлланма, кўрсатмалар, слайдлар тўплами, лойиҳа, чизмалар ва бошқ.) ишлаб чиқилади.

Ҳар бир лойиҳанинг педагогик аннотацияси бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни: ўқув предмети, ўқув мавзуси, қатнашчилар, таълимнинг мақсади, режалаштириладиган ўқув натижалари, талабалар лойиҳани муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган олдинги билим ва кўникмалар рўйхати, лойиҳанинг турланиш белгиларига кўра тавсифномаси, лойиҳани бажариш тартиби, лойиҳанинг баҳоланиши, лойиҳавий таълимни ташкил этиш босқичлари, таълим моделининг қисқача тавсифномасини қамраб олади.

Шундай қилиб, кейс ва лойиҳа технологияларининг афзаллик томонларидан бири шуки, бу технологиялар талабаларга келажакдаги касбларида учрайдиган масала ва муаммоларни

¹ Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс-стади «Иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологияси»: Илмий-услубий қўлланма («Замонавий таълим технологиялари» туркуми). – Т.: ТДИУ, 2009. – 150 бет.

олдиндан таҳлил қилишга ва ўрганишга ҳамда жамоада ишлашга ёрдам беради.

Назорат саволлари

1. Дидактика сўзининг маъносини тушунтиринг.
2. Дидактиканинг энг асосий вазифаси нимадан иборат?
3. Таълим деганда нимани тушуниш керак?
4. Таълим жараёнининг мазмуни нималар билан белгиланади?
5. Таълим тамойиллари деганда нимани тушунаси?
6. Таълим усуллари деганда нимани тушунаси?
7. Таълим шакллари деганда нимани тушунаси?
8. Таълим воситалари деганда нимани тушунаси?
9. Ўқитиш қонуниятлари деганда нимани тушунаси?
10. Ўқитишнинг қандай қонуниятларини биласиз?
11. Ўқитишнинг қандай тамойилларини биласиз? Уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.
12. Ўқитиш қоидаси деганда нимани тушунаси?
13. Кўргазмалилик тамойилини амалга ошириш учун қандай қоидаларга риоя қилишимиз лозим?
14. Таълимнинг қандай усулларини (методларини) биласиз?
15. Талабаларнинг мустақил ишларини амалга ошириш учун қандай усуллардан фойдаланиш афзал деб ўйлайсиз? Нима учун?

Дидактика (юнонча didaktikos – ўргатувчи, таълимга тааллуқли деган маънони англатади) – таълим назарияси, таълим жараёни ва таълим жараёнининг таркибий қисмларини ўрганувчи педагогика соҳасидир.



Дидактиканинг асосий вазифалари

Таълим назарияси ва амалиётининг асосий ривожланиш тенденцияларини белгилаб берадиган алоқадорликлар, муносабатлар ва қонуниятларни аниқлаш

Таълим мазмуни, технологиялари, шакл ва методларини аниқлаш

Таълимнинг мавжуд бўлган воситаларини баҳолаш ва келажакда қўлланилиши мумкин бўлган ўқитиш воситаларига бўлган талабларни ишлаб чиқиш


Дидактикада таълимнинг мураккаб ижтимоий ва педагогик жараён сифатида қуйидаги функциялари ўрганилади

Таълимий (таълим олувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш; атрофдаги олам, ўрганилаётган ўқув предмети ҳақида тўғри тушунчаларни шакллантириш; дунёқарашни шакллантириш; тафаккурни ривожлантириш, ўқув ва касбий масалаларни ҳал этишдаги мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш)


Тарбиявий (шахс сифатларини, жамоанинг психологик муҳитини шакллантириш)

Ривожлантирувчи (муаммоларни ҳал этишда ва қарорларни қабул қилишда ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш; ақлий, жисмоний ва бошқа қобилиятларни такомиллаштириш)

Психологик тайёргарлик (таълим олувчиларда муваффақиятга эришиш мотивациясини шакллантириш, самарали мулоқот юритиш кўникмаларини ривожлантириш)



Таълимнинг асосий воситалари



Таълим шакллари таълим
олувчиларнинг сони, ҳамда
машғулоти
ўтказилиш жойига қараб
қуйидагиларга бўлинади


Индивидуал

Индивидуал-гуруҳий

Жамоавий

Синфдаги (аудиториядаги)

Синфдан (аудиториядан) ташқари





Педагог фаолияти

- Таълим мақсадлари ва вазифаларини тушунтириш.
- Таълим олувчиларни янги билимлар (ҳодисалар, предметлар ва қонуниятлар) билан таништириш.
- Билимларни ўзлаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнини бошқариш.
- Илмий қонуниятлар ва қонунларни билиш жараёнини бошқариш.
- Назариядан амалиётга ўтиш жараёнини бошқариш.
- Таълим олувчиларнинг мустақил ишларини, ижодий фаолиятини ташкил этиш.
- Таълим олувчиларнинг билимларини, ривожланишини назорат қилиш ва баҳолаш

Таълим олувчи фаолияти

- Таълим мақсадларини англашдаги шахсий фаолияти.
- Янги билим, кўникма ва малакаларни идрок этиш.
- Таҳлил, синтез қилиш, таққослаш, солиштириш, тизимга келтириш.
- Қонуниятлар ва қонунларни билиш.
- Кўникма ва малакаларни эгаллаш, уларни тизимга келтириш.
- Вужудга келаётган муаммоларни мустақил ҳал этиш бўйича амалий ишларни бажариш.
- Ўз-ўзини назорат қилиш, ўз ютуқларини ташхис қилиш

IX боб. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- 9.1. Тарбия жараёнининг моҳияти, мазмуни ва турлари.
- 9.2. Тарбия усуллариининг умумий характеристикаси.
- 9.3. Тарбия қоидалари.
- 9.4. Тарбия усуллари.

9.1. Тарбия жараёнининг моҳияти, мазмуни ва турлари

Тарбия доимий категориядир. Инсон ўзини шахс сифатида тан олганидан бошлаб, уни шахс сифатида ривожлантириш ва тарбиялаш зарурияти пайдо бўлди. Тарбия жамият борлиги ва узлуксизлигини таъминлаш учун зарурдир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тарбия тушунчасини кенг ва тор маъноларда ишлатиш мумкин.

Тор маънодаги тарбия – инсонларда маълум бир ижтимоий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлар ва ривожланган қарашларни шакллантиришга қаратилган тарбиявий фаолиятдир.

Кенг маънодаги тарбия деганда инсонни жамиятда ҳар томонлама ривожланиши учун шароитлар (моддий, маънавий, ташкилий) яратиш бўйича амалга ошириладиган ишлар тушунилади.

Тарбия доим маълум бир мақсадларга қаратилади. Бугунги кунда бу мақсадларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

1. *Шахснинг атрофдаги оламга ва ўз-ўзига бўлган муносабатларини шакллантириш.* Бундай тарбия натижасида инсон атрофдаги олам, жамият ва бошқа инсонлар билан ўз муносабатларининг характерини тасаввур қилади, ўзининг индивидуал, ақлий-билиш, ҳиссий-иродавий, коммуникатив хусусиятлари ва ҳулқ-атворини тўғри англайди, жамиятда ўз ўрнини билади.

2. *Ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни тарбиялаш* ўзида маънавий бойлик, поклик ва жисмоний баркамолликни намоён этадиган, ўз ахлоқий ва психологик

сифатларини рационал намоён этадиган, ҳар хил қийинчиликлар ва муаммоларни енга оладиган инсонни тарбиялашни назарда тутди.

3. *Ижтимоий билимга эга бўлган шахсни тарбиялаш.* Тарбиянинг бу мақсади шахснинг ўз муносабатлари характерини тўғри тушунишга, бошқа инсонлар билан бўлган алоқаларини адекват баҳолашга ҳамда бошқалар билан низосиз муносабатлар тузишга, жамоада тушунмовчиликка йўл қўймасликка қаратилган.

4. *Инсонни маданият орқали тарбиялаш,* яъни шахснинг эстетик ва маънавий баркамоллигини шакллантириш, ижодий индивидуаллигини ривожлантириш.

Тарбия таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлса ҳам, таълим жараёнидан ўз хусусиятлари, аниқ вазифалари, ўзига хос функциялари, мазмуни, шакллари ва таъсир этиш усуллари билан фарқ қилади.

Тарбия функциялари тарбия жараёни мазмунининг йўналганлигини таъминлайди. Уларга қуйидагилар киради:

- ўз-ўзини тарбиялашга ундаш;
- профилактик;
- шакллантирувчи, ривожлантирувчи;
- аниқ масалаларни ечишга бор кучни жамлаш;
- қайта тарбиялаш.

Тарбия мазмуни унинг мақсади, вазифалари ва мотивларидан келиб чиққан ҳолда тарбия жараёнида тарбия берувчи ва тарбияланувчининг бутун ҳаракатларини ва ўзаро таъсирини ўз ичига олади. Тарбия таълим каби икки томонлама хусусиятга эга бўлган жараёндир. Бу жараён тарбия берувчи ва тарбияланувчиларнинг ўзаро фаол ҳамкорлигида амалга оширилади. Бунда тарбия берувчи тарбия жараёнининг ташкил этувчиси ва раҳбари сифатида намоён бўлади, жараённинг ўзи эса қуйидаги қисмлардан иборат бўлган модел сифатида акс этади.

1. Тарбия берувчининг таъсири тарбия мақсади ва вазифаларига эришиш учун зарур бўлган ҳаракатлар мажмуи сифатида.

2. Тарбия таъсири объекти бўлган ва тарбияловчининг тарбиявий таъсири натижасида маълум бир ўзгаришларни акс этадиган тарбияланувчи шахс.

3. Тарбияланувчининг тарбия берувчига муносабати, яъни тарбиявий таъсирларига реакцияси.

4. Шахсда шакллантирилаётган сифатлар.
5. Мотив, яъни тарбия жараёнида шаклланган ундовчи кучлар.
6. Ҳулқ-атвор, яъни тарбия жараёни ва натижасида шахс томонидан амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларнинг ўзига хослиги.

Тарбия маълум бир умумий ҳолатларга асосланиб, бир қатор тамойиллар тизими орқали амалга оширилади:

- индивидуал ва табақалаштирилган ёндошув;
- гуруҳда ва гуруҳ орқали тарбиялаш;
- фаолият жараёнида тарбиялаш;
- тарбияловчиларга нисбатан талабчан бўлиш ва шу билан бирга уларни ҳурмат қилиш;
- шахс ва гуруҳдаги ижобийликка асосланиш;
- тарбияда бирлик ва узлуксизликка риоя қилиш.

Ушбу тамойилларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Тарбияда индивидуал ва табақалаштирилган ёндошув қуйидагиларни назарда тутди:

- тарбияланувчилар индивидуал-психологик хусусиятларини чуқур ва ҳар томонлама билиш ва ҳисобга олиш;
- тарбияланувчилар шахсий характеристикаларига мос равишда тарбия мақсадларини ишлаб чиқиш;
- тарбиявий иш натижаларини доимий равишда таҳлил қилиш;
- ҳар бир тарбияланувчининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тарбия методикасига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш.

Гуруҳда ва гуруҳ орқали тарбиялаш тамойили қуйидагиларни назарда тутди:

- барча тарбияланувчилар фикр ва ҳаракатларини умумлаштирадиган ва гуруҳ ривожланишини таъминлайдиган ғоялар ишлаб чиқиш;
- тарбияланувчиларда ўз жамоасига ғурур туйғусини шакллантириш, шахсий манфаатларни гуруҳ манфаатларига боғлаш;
- салбий ҳодисалар билан курашишга оид билдирилган гуруҳ фикрини қўллаб-қувватлаш.

9.2. Тарбия усулларининг умумий характериастикаси.

Тарбия назарияси — педагогика фанининг бир қисми бўлиб, тарбиявий жараённинг мазмуни, усули ва ташкил этилиши масалаларини ўрганади, ҳаётга янгича сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан ёндашиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараёни ҳам қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақилликка эришуви таълим ва тарбиянинг миллий шакллариининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб берди. Тарбия назарияси Марказий Осиё файласуфларининг ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, эстетика, физиология, психология фанлари маълумотларидан фойдаланади. Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси, мактабшунослик билан узвий боғлангандир.

Тарбия жараёнининг моҳияти шу жараён учун характерли бўлган ва муайян қонуниятларда намоён бўладиган ички алоқа ва муносабатларни акс эттиради.

Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий таъсир кўрсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган, бир-бири билан ҳамкорликда қиладиган муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни оила, давлат олдидаги масъулиятини англаб етадиган ҳар томонлама етук шахсни шакллантирувчи, интеллектуал ва илмий кучларни тараққий эттиришдек юксак маданиятларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясида таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш, интеллектуал ва маънавий кучларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга моликлиги қайд этиб ўтилди. Бугунги кунда шунчаки билим эгаси бўлган инсонни эмас, балки ижодкор, ўз истеъдоди билан ажралиб турувчи ишбилармон инсонни тарбиялаш замон тақозосидир.

Тарбия жараёнида кишининг турли қобилиятлари ривожланади, ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик ҳислатлари шаклла-

нади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч-қувватлари мустаҳкамланади.

Бола катталарнинг тажрибаларини сусти ҳолда эмас, балки фаол равишда ўзлаштиради: бу ўзлаштиришда унинг онгли ҳаракати, тиришқоқлиги катта аҳамиятга эга бўлади. Тарбияланувчилар муайян даражада фаол фаолият кўрсатмасалар тажриба ва билимни ўзлаштириш олмайдилар. Боланинг ёши улғайгани сари бу фаоллик тобора кўпроқ мустақил хусусиятларга эга бўлиб боради; тарбияланувчилар ўзларида дунёқарашни таркиб топтиришга, ўз-ўзини такомиллаштириш, табиат, жамият ва турмушда учрайдиган ҳодисаларни тушунишга ҳамда идрок этилган нарсаларга танқидий муносабатда бўлишга кўника берадилар.

Ҳамма даврларнинг илғор кишилари тарбияга юқори баҳо берганлар. Халқ донишмандлари ва мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Завқий, Фурқат, Аваз Ўтар, ҳамза, Абдулла Авлоний инсон камолотини илм-фан ва тарбияда деб билдилар.

9.3. Тарбия қоидалари

Тарбия қоидаи — педагог таълим ва тарбия жараёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланадиган бошланғич ҳолат, раҳбарлик асосидир. Тарбия қоидалари ўқитувчи, тарбиячиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалар ҳисобланади, янги кишини шакллантириш вазифалари билан белгиланади. Тарбия қоидалари Шарқ ва Марказий Осиё файласуф — донишмандларининг фикрлари ва миллий педагогика эришган ютуқларга асосланади. Тарбия қоидалари мустақил характерга эга бўлиб, тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини акс эттиради. Тарбиявий жараёнда бу қоидаларга риоя қилиш унинг самарасини оширади, яхши натижаларга олиб келади.

Тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши, усуллари ва уларга қўйиладиган талаблар шу қоидаларда ўз ифодасини топади.

Тарбиянинг моҳияти, мазмуни, қоидалари мамлакатимизда янгича иқтисодий муносабат шароитларининг ўзгарганлиги сабабли кенгайиб бормоқда.

Тарбиявий жараёни яхшилаш, уни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун деярли барча қоидаларни,

усулларни, ғояларни қайтадан кўриб чиқишимиз, бола шахсига эътиборни қаратишимиз, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланишимиз зарур. Тарбия қоидаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги, тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик қоидаси, тарбияни ҳаёт билан, меҳнат билан боғлиқлиги қоидаси, тарбияда миллий-маданий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги қоидаси, тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш қоидаси, изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ва узлуксизлиги қоидаси ва бошқалар.

Тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги қоидаси. Тарбиядан кўзланган асосий мақсад, ҳар томонлама маънавий ривожланган ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Шунга кўра тарбиявий фаолиятнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва усуллари шу мақсадга эришишни кўзда тутди.

Умумий таълим мактабининг асосий вазифаси — шахснинг ақлий, ахлоқий, ҳис-туйғули ва жисмоний ривожланиши, қобилиятларини ҳар томонлама камол топтириш, имкони борича қулай шароитлар яратишдан иборатдир. Шунингдек, ўқувчиларда миллий ғурур ва миллий ахлоқ-одобни шакллантиришни кўзда тутди.

Тарбиявий иш маълум мақсадни кўзловчи ва узлуксиз давом этадиган жараёндир. Кўпинча бир неча мақсад ва вазифа бирданига бажарилади, бу эса ўқувчилар жамоасининг ақлий ва ахлоқий ўсишини таъминлайди.

Мақсадга интилиш ва мақсад бир хил нарса эмас. Яхши бир мақсад изҳор қилинган бўлса-да, аммо бу мақсадни амалга ошириш учун ҳеч қандай иш қилинмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун мақсадни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш лозим.

Шахснинг шаклланиш манфаатлари ҳар бир педагогик тадбирни тарбиянинг умумий мақсадлари билан боғлашни, уни режали тарзда ва қатъий суръатда амалга оширишга ҳаракат қилишни талаб этади.

Маълумки, Ўзбекистон ўтиш жараёнини бошдан кечирмоқда. ҳозирги шароитда ёшларни жамиятимиз ғояларининг кучига ишонтириш, янги жамиятни барпо этишда ўз ҳиссаларини қўшишга ижтимоий-фойдали меҳнатда бевосита иштирок этишга рағбатлантириш жуда муҳимдир.

Тарбиянинг маълум мақсадга киритилганлик қондаси болалар жамоасининг ривожланиш истиқболларини кўра билишга ёрдам беради. Ҳар бир тарбиявий тадбир олдиндан пухта ўйланган, муайян мақсадни амалга оширишга бўйсундирилган бўлса, унинг ғоявий-сиёсий даражасини кўтаради, танланган усул ва воситалар мақсадга мувофиқ келади, уларнинг тарбиявий таъсири юқори бўлади.

Тарбияда инсонпарварлик ва демократия қондаси. Тарбияда инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир тарбияланувчининг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳисобга олиш лозим.

Тарбияни демократиялаш — тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни жалб этиш, унинг ривожланишига жамоат омилини киритиш демакдир.

Ўқитувчи ўқувчига, аввалгидек, тарбия объекти эмас, худди ўзи каби субъект деб қараши даркор.

Тарбияда изчиллик, тизимлилик — тарбиявий таъсирларнинг уйғунлиги ва узлуксизлиги қондаси. Тарбияга яхлит тизимли ёндашиш тарбиянинг педагогик ҳаракатнинг пировард натижасига йўналтирилганлик даражасини белгилаб беради. Бунда педагогик мақсад ва вазифалар, унинг мазмуни тарбиявий жараённинг барча қатнашчилари томонидан тан олинishi шарт.

Шунга аҳамият бериш лозимки, амалда тарбиявий жараён умумнинг иши ва узлуксиз бўлсин, барча ёшдаги болаларни камраб олсин, тарбиянинг барча томонлари ҳамоҳанг бўлсин, турли ижтимоий, жамоат ва давлат институтлари ва муассасаларини шахс камолотини шакллантириш борасидаги ҳаракатлари мужассамлашсин.

Тарбия ишида изчиллик жуда муҳимдир. Тарбиячи аввалига болалардан бирор нарсани талаб қилиб, сўнгра ўзининг бу талабини унутиб қўйса ёки ўзи бу талабга ҳилоф иш тутса, бу ҳол тарбияга жуда ёмон таъсир қилади. Ўқитувчи субутли; ўз лафзига собит бўлмоғи керак. Масалан: «Эртага кундаликларингизни текшираман», «Оёқ кийимларингизни мойланганлигини кўраман» деб ваъда бердингизми, ижросини унутманг. Педагог бирор тарбиявий тадбир уюштиришни болаларга ваъдасини эсдан

чиқариб қўйса, ўқувчилар бундай ўқитувчига ишонмай қўядилар. ҳар бир педагогнинг иши билан сўзи бир бўлиши лозим.

Болаларга бирданига жуда кўп талаб ва қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас. Болаларга тарбия ва таълим беришда узлуксизлик ва тизимлиликка риоя қилиш керак.

Ҳамма тарбиячилар ўқувчига бўлган муносабатларида бир-бирларига зид ҳаракатда бўлмасликлари, бир хил ягона талаб қўйишлари лозим. Тарбиявий ишда бундай изчиликка риоя этиш жуда ҳам муҳимдир.

Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатишда изчилликка риоя қилиш, муомалани аввалгича давом эттириш ва бир хил талаб қўйиш муваффақият қозонишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Афсуски, амалда баъзан оила мактабнинг талабларини қўллаб-қувватламайдигина эмас, балки ўқувчига тескари таъсир кўрсатади. Ўқитувчилар орасида ҳам талабларнинг бир хиллиги ҳамиша таъминланавермайди. Тарбия узок муддатли, мураккаб жараён бўлиб, унда ота-она, ўқитувчи, жамоатчилик ва бошқалар қатнашадилар. Шу сабабли уларнинг ишида изчиллик ва давомийлик бўлишига риоя этиш, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини, тарбия усуллари ва шакллари ўз вақтида аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Бу қоида тарбия ишида тарбияни амалга оширадиган барча бўғинларнинг (оила ва мактаб, ўқувчилар ва ёшлар ташкилотлари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари ва ишлаб чиқариш жамоаларининг, кенг жамоатчилиكنинг) ҳамжиҳат ва бамаслаҳат иш кўришини кўзда тутди. Чунки тарбиявий таъсирдаги тизимлилик фақат ёшларни эмас, балки аҳолининг барча қатламини қамраб олиши керак. Аҳоли қатламларини тарбия тизимига жалб қилишдаги ранг-баранг шакл ва усуллари ижтимоий-иқтисодий ҳам педагогик жиҳатдан, нафақат туб аҳоли, балки Республикада истиқомат қилаётган бошқа миллатлар ва элатларнинг этнопедагогикаси позицияси жиҳатдан ҳам таъминланиши керак.

9.4. Тарбия усуллари

Бола ўқишни, тарбия олишни истайди, улғайиб жамият ҳаётида фаол иштирок этишни хоҳлайди. Педагог уни қай усулда, қандай муносабатлар шароитида, қандай педагогик жараёнда тарбиялаши лозимлигини билиши керак. Шу билан бирга бола

ўзини ўзгартиришда фаол иштирокчи эканлигини ҳам унутмаётганлиги лозим. Ўқувчилар яқин кишиларининг (ота-онаси, ўқитувчилари, тарбиячиларининг) муносабатларини яхши билса, бу унга ишда ёрдам берса, шундагина бола педагогик таъсир ўтказишга очик ва мойил бўлади. Ўқитувчи — дўст, мураббий, йўл бошловчи бўлгандагина ўқувчилар ўзларининг ички оламларини очиб кўрсатадилар.

Юқорида айтганимиздек тарбия — тарбиячи ва тарбияланувчи фаолиятларини ўз ичига олган икки ёқлама жараён. Тарбиячилар — билим ва тарбияга эга бўлган кишилар, тарбияланувчилар — билим ва тажриба ўрганувчи ёшлардир. Аммо тарбияланувчилар муайян даражада фаол фаолият кўрсатмасалар, тажриба ва билим ўргана олмайдилар.

Демак, тарбия усули — тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият ва ўзаро таъсир кўрсатиш усуллари дир. Илмий адабиётларда тарбия усуллари тарбия методлари деб ҳам юритилади.

«Метод» сўзи грекчадан олинган бўлиб, йўл, усул маъносини билдиради.

Таълим усуллари сингари тарбия усуллари ҳам алоҳида қисмларга бўлинади. Масалан: ўқитувчи синфда биринчи марта синф хонасини тозалаш учун шанбалик уюштирмоқда. Болаларга иш бўлиб беришдан аввал у латтани қандай қилиб хўллаш, парталарни ва полни артиш ҳақида гапириб, кўрсатиб беради. Ўқитувчининг сўзи, бу ерда услуб ҳисобланади. Усул ва услуб бир-бири билан ўзаро боғланган ҳолда педагогик жараён моҳиятига кўра бир-бирига ўтиб туриши мумкин.

Ўқитувчиларнинг жамоа ва индивидуал фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш учун тарбия шакллари дан фойдаланилади. Масалан: синф мажлиси, йиғилишлар, эрталабки линейка, клуб ишлари ва бошқалар.

Тарбия воситалари бирон-бир тарбиявий масалани мақсадга мувофиқ йўл билан ҳал қилишни ташкил этиш учун ишлатилади (кўрсатмали қўлланмалар, китоблар, радио, телевидение). Бундан ташқари ўқувчилар жалб қилинган фаолият турлари — кинофильмлар, санъат асарлари, ўқувчининг жонли сўзи, болалар ўйини, спорт, бадий ҳаваскорлик тўғараклари ва бошқа фаолият турлари тарбия воситалари бўлиши мумкин. Тарбия воситалари тарбиявий мақсадларни амалга ошириш учун ўқитувчи

тарбиячининг тарбия тизимига киритилиши лозим. Масалан, мактаб кутубхонаси тарбия воситаси бўлиши учун ўқитувчи ва кутубхоначи ёзувчилар билан учрашув, ўқилган китобларни муҳокамасини уюштиришлари лозим. Тарбия натижаси тарбиявий жараёнинг усуллари, услуби, воситалари ва шаклларида моҳирона фойдаланишга боғлиқ.

Тарбиячилар таъсир этишнинг бола шахсиятига мос усулини, энг мақбул усулни танлаб олишлари, унинг шахсини ўзгартириш учун керакли шароит яратишлари даркор.

Тарбия усуллари ҳар бир болага, ҳар қайси болалар жамоасига алоҳида муносабатда бўлишни назарда тутди.

Шундай қилиб, тарбия жараёнида ўқитувчи яқка ўқувчи ёки синф жамоаси манфаати йўлида бирон-бир тарбиявий масалани ҳал қилиш учун ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини, тарбияланганлик даражаларини, педагогик вазият характерини ҳисобга олган ҳолда таъсир этиш шакллари мажмуасига тарбия усули дейилади.

Тарбия ғоятда мураккаб жараён бўлиб, ҳар даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўзида акс эттиради. Унинг усуллари, восита ва омиллари асрлар давомида шаклланиб такомиллашади, ўзини оқлаган урф-одатлар анъанага айланади. Бинобарин, тарбияда ҳар бир халқнинг ўз удуми, усули тарихан шаклланган ва тажрибада синалган дунёқараши тарбия воситалари бўлади, шунинг учун тарбия миллий ва тарихий заминдан узилмаслиги керак.

Халқ педагогикасида тарбия усуллари ҳақида. Халқ педагогикаси ўзбекона ахлоқ, одоб ва тарбиянинг барча қирраларини ўзида мужассамлаштирган. Халқ педагогикасида турли хил тарбия усуллари ва воситаларидан фойдаланилади, бу усул, воситалар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, кўп томонлари билан илмий педагогикадан устунлик қилади. Чунки усуллар илмий педагогиканинг шаклланишида ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Халқ педагогикасида қўлланилган жуда хилма-хил тарбия усулларини қуйидаги тарзда умумлаштириш мумкин.

1. Тушунтириш (ўргатиш, одатлантириш, машқ қилдириш).
2. Намуна (маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшиликлар ҳақида сўзлаш, ўрнак бўлиш).
3. Насиҳат бериш, ўғит (ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, ёлвориш, тилак-истак билдириш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо

қилиш, оқ йўл тилаш ва ҳоказолар).

4. Қоралаш ва жазо (таъқиқлаш, таъна, гина, танбеҳ бериш, мажбур қилиш, қойиш, айблаш, уялтириш, кўрқитиш, нафратланиш, онт-қасам ичириш, уриш, калтаклаш ва ҳоказолар). Агар синчиклаб қаралса, юқорида келтирилган тўрт хил усул умум бир яхлитликни ифодалайди. Олдин болага умумий манзара тушунтирилади. Болалар нарса ва ҳодисаларга тушунмаганларида тарбиячи намуна воситасини ўтайди, яъни ёшларнинг мустақил кузатувчанлигига эътибор берилади. Унда ҳам тушунмаганлар катталарнинг насиҳати, ўғити орқали нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига етадиган бўлишади. Борди-ю бунда ҳам болалар тушунишмаса ёки тушунишни исташмаса, унда қоралаш ва жазо усулларида фойдаланишга тўғри келган. Лекин бу сўнгги чора эканлигини халқ яхши тушунган. Ҳозирги замон илмий педагогикаси қоралаш ва жазони сўнгги чора, аниқроғи кам самара берадиган чора эканлигини исботлаган.

Халқ педагогикасининг нодир намуналари, тарбия усуллари ва тарбиявий таъсирлар муайян воситалар орқали амалга оширилган. Меҳмон кутиш, меҳмонга бориш, турли меҳнат жараёнлари, ҳашарлар, турли гурунглари (чойхона, тўй маросимлари) сайиллар, турли нишонлашлар (туғилган кунни нишонлаш, қизлар базми, йигитлар базми), мусобақалар, турли маросим ва бошқалар ўзига хос тарбия воситаси вазифасини бажарган.

Ўқувчи ёшларни тарбиялашда миллий анъаналар, умуминсоний қадриятлар асос қилиб олиниши керак. Булар ўз навбатида, янгича тарбиянинг ўзгача мувофиқ услуб ва шакллари тақозо этади.

Инсон қалбига бугун экилган яхшилик уруғи орадан ўн йиллар ўтгач униб чиқади, буни илмий асослаб олдиндан кўра билиш керак.

Тарбия усуллари ўрганиш, таҳлил қилиш, бу усуллардан педагогик жараёнда фойдаланиш, кўникма ва малакаларни эгаллашни осонлаштириш учун уларни шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиб оламиз: ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар; фаолият жараёнида ижтимоий хулқ ва тажрибаларни шакллантириш усуллари; ўз-ўзини тарбиялаш усуллари ҳамда рағбатлантириш усуллари ва жазолаш усуллари.

Ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар. Бу гуруҳга ўқувчиларда илмий дунёқараш, эътиқодни, маънавий ва сиёсий

ғояларни шакллантириш мақсадида уларни онги, ҳислари ва иродасига таъсир кўрсатиш усуллари киради.

Бу гуруҳ усулларининг моҳияти шундаки, улар орқали жамият ўқувчилар онгига қандай талаблар қўяётгани етказилади. Ёшларнинг дунёқарашларини шакллантириш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишларига кўмаклашиш учун ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар ишлатилади.

Ўқувчиларда сиёсий онглилик ва ижтимоий фаоллик, яъни давлатни ички ва халқаро сиёсати қоидаларини тушуниш ва идрок қилишни тарбиялаш лозим. Тушунтириш — бу ижтимоий онгни шакллантиришда энг кўп ишлатиладиган усулдир. Тушунтиришнинг вазифаси ўқувчиларни юксак маданиятли, миллий ғурурли қилиб тарбиялашда ёрдам беришдан иборат.

Тушунтиришда ўқувчиларга мамлакатимиз фуқаросининг ўз давлатига нисбатан ҳуқуқлар ва бурчлар билан боғланганлиги борасида маълумотлар берилади. Бунда давлат байроғи, герби, мадҳияси, конституциясига садоқат руҳида тарбия беришнинг аҳамияти катта. Шу сабабли ўқувчиларга байроқ, герб, мадҳия, конституция моҳияти тушунтирилади.

Суҳбат ва ҳикоя. Ўқувчи шахсини ғоявий ва ахлоқий шакллантиришда ўқитувчининг жонли сўзи энг таъсирли усул ҳисобланади. Суҳбат учун мавзу танлашда унинг мазкур синф учун долзарблиги, болаларда ахлоқий ишонч уйғотишнинг суҳбат мазмунига бўлган муносабатларини ва суҳбатдан кутилаётган натижани ҳисобга олиш лозим.

Суҳбат турли мавзуларда уюштирилиши мумкин: этик мавзулар (кишиларнинг жамиятдаги ахлоқ мезонлари, ўзини тутиш қоидалари), эстетик мавзуларда (табиат гўзаллиги, шахслараро муносабатлар, инсон гўзаллиги), сиёсий мавзуларда (давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, дунё воқеалари), таълим ва билишга оид мавзуларда (қоинот, ҳайвонот дунёси).

Суҳбат давомида ўқувчиларнинг дилидагини айтиш жасоратини уйғотиш, ўқувчиларни фикрлашга мажбур қилувчи саволлар бериш жуда муҳимдир. Бу борада баҳс-мунозараларнинг аҳамияти катта.

Ҳикоя. Ўқувчилар одатда ҳаётдан ва бадий адабиётдан олинган аниқ мисоллар билан тўлиқ ҳикояларни қизиқиб тинглайдилар. Уларга ахлоқ мезонлари, тарих қоидалари, Ватанимизнинг табиий бойликлари, ажойиб, меҳнаткаш кишилари, тарих,

адабиёт, санъат ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин. Бадиий адабиёт, радио, телевидение, газета ва журналлардаги мақолалар ҳам қимматли материал бўлади. Сухбат ҳам, ҳикоя ҳам ўқувчиларнинг ёшига мос мавзуларда, улар тушунадиган сўзлар орқали ўзбек тилида ўтказилиши керак. Энг яхшиси, сухбат ва ҳикоя мавзусини ўқувчиларнинг ўзлари танласин, бунда сухбатнинг завқи — шундан таъминланади, ўқувчилар мавзуга бефарқ қарамайдилар.

Намуна. Ўқувчилар ўз атрофларидаги кишиларда ҳамма яхши ахлоқий сифатларни кўришлари ва намуна олишлари ниҳоятда муҳимдир.

Ўқитувчининг шахсан ўзи намуна бўлиши, айниқса ёшларга катта таъсир кўрсатади. Улар ўқитувчининг дарсда ва ҳаётда ўзини қандай тутишини, атрофдаги кишилар билан қандай муомала қилишини, ўз вазифаларини қандай бажаришини кузатиб юрадилар.

Ўқувчилар ўзларига яқин кишиларнинг хулқ-атвориغا тақлид қиладилар. Хулқ-атворлар болаларда яхши сифатларнинг, баъзан эса ёмон сифатларнинг ҳам таркиб топишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ва ота-оналар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларини тута билишлари керак. Улар қаерда бўлишмасин, атрофларида болалар борлигини ҳис этишлари лозим. Катталарнинг сўзи билан юриш-туриш ва хатти-ҳаракатларида тафовут бўлмаслиги керак.

Илғор кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятдан олинган ёрқин маълумотлар, адабий асарлардаги, кинофильмлардаги ва спектакллардаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракатидаги яхши намуналар болаларнинг онгига кучли таъсир қилади.

Шунингдек, намунадан халқ педагогикасида ҳам кенг фойдаланилган. Ота-боболаримиз ўз фарзандларини ҳамиша яхшилардан, донолардан, улуғ кишилардан ибрат олишга даъват қилиб келганлар. Масалан: «Қуш уясида кўрганини қилади». Жуда оддий жўнгина хулоса. Шу оддий ибора остида қанча фикрлар жамланиб ётганлигини ҳамиша ҳам фаҳмига боравермаймиз. Бу билан халқ, уйингда тартибли бўл, акс ҳолда боланг кўчада тартибсиз бўлади. Бола олдида бировларнинг ғийбатини қилма, боланг ғийбатчи бўлади, демоқчи.

Бунга ўхшаш фикрларни кўплаб келтириш мумкин.

Фаолият жараёнида ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантириш усуллари. Бола ривожланишининг, ўзлигини белгилашининг асосий омили — бу фаолиятдир. Фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш қондаси мактаб ҳаётининг ҳамма жабҳаларида таълим-тарбия жараёнларига сингиб кетади.

Фаолият ўқувчиларни билимларни мустақил эгаллашга ундайди, уларни қайси ихтисосга мойилликларини аниқлашга, ижодий фаолият тажрибасини, ҳиссий қадрият муносабатларини ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Ўқувчиларни биринчи синфдан бошлаб имконият даражасидаги фойдали меҳнат билан шуғулланишларига эришиш лозим. Бундай меҳнат кўпчилик, жамоа бўлиб бажарилганида яхши натижа беради.

Машқ ва ўргатиш усуллари. Машқ болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ равишда ва ҳар томонлама ташкил қилиш, уларни ахлоқ мезонлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантиришдир. Одатлар болаликда таркиб топади ва кейин мустаҳкамланиб боради.

Ўқитувчилар, ота-оналар болаларда ижобий одатлар шаклланишини кузатиб боришлари керак. Ўқувчилар одатларни яқинларидан мерос қилиб олмайди, балки улар билан мунтазам мулоқотлари туфайли тақлид қилиш, тарбия орқали ҳосил қилади. Охир-оқибатда одат эҳтиёжга айланади.

Машқ муайян хатти-ҳаракатларни кўп маротаба такрорлашни ўз ичига олади. Машқ ва одатлантириш ўқувчи учун онгли, ижодий жараёндир. Машқ натижасида кўникма, одат, янги билимлар ҳосил қилинади, ўқувчининг ақлий қобилияти ривожланади, ахлоқий тажрибаси кенгаяди. Одатсиз тарбия — пойдеворсиз бинога ўхшайди, одат эса мунтазам машқ орқали мустаҳкамланади.

Ўргатиш — ижтимоий хулқ-атворнинг одатий шаклига айлантириш мақсадида тарбияланувчиларнинг бажаришлари учун режали ва изчил тарзда ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлардир.

Ўргатиш бир неча изчил ҳаракатлар йиғиндисидир. Ўқитувчи бу ҳаракатларни кўрсатиб бериши, тушунтириши, кузатиши лозим.

Тарбия амалиётида машқ қилишнинг турли хиллари мавжуд: фаолиятда машқ қилиш; кун тартиби машқлари, махсус машқлар.

Фаолиятда машқ қилиш меҳнат, ижтимоий фаолият, жамоадаги фаолият ва ўзаро муносабат одатларини тарбиялашга қара-

тилгандир. Кун тартиби машқлари мактабда, оилада ўрнатиладиган кун тартибига амал қилиш, шу билан боғлиқ ўз истак ва ҳаракатларни бошқариш, иш ва бўш вақтдан тўғри фойдаланиш одатига ўргатади. Махсус машқлар маданий хулқ, малака ва кўникмаларни ҳосил қилади ва мустаҳкамлайди.

Топшириқ. Ўқувчиларнинг меҳнат топшириқларини жамоа бўлиб бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқувчилар ўз кучларини умум ишига сарфлашга, жамоа учун масъулиятни ҳис этишга ўрганадилар. Меҳнат қилиш болани характерини шакллантиради, мустаҳкамлайди.

Педагогик талаб. Педагогик талаб тарбиянинг энг муҳим усулларида биридир. Талаб — бу ўқувчининг турли вазифаларни бажариши; ижтимоий хулқ-атвор мезонларини ифодалаши; у ёки бу фаолиятда қатнашиб бажарилиши зарур бўлган аниқ бир вазифа сифатида намоён бўлиши; турли кўрсатма сифатида намоён бўлиши, у ёки бу ҳаракатда рағбатлантирувчи ёки уни тўхтатувчи бўлиши; оқилона ҳаракатларга ундовчи бўлиши мумкин.

Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари. Ўқувчида ўз-ўзини тарбиялашга, яъни ўз устида онгли, батартиб ишлашга эҳтиёж пайдо бўлгандагина тарбия жараёнини самарали деб ҳисобласа бўлади. Ўқувчиларни, айниқса, ўрта ва катта ёшдагиларни ўз билим ва малакаларини мустақил оширишларига йўллаш керак.

Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчиларнинг ўзини-ўзи идора қилиш органлари фаолиятида қатнашишлари, уларнинг ижтимоий фаоллик мавқеини шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир. Ўқувчилар ўқишда, тарбияда, дам олишда ўз-ўзини тарбиялаш усулларида фойдаланадилар, ўз-ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди.

Мактабда ўқувчиларнинг мустақил фаолияти, иши педагогик жамоа бу ишга маънавий тайёр бўлсагина, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро чуқур ҳурмат, хайрихоҳлик, ишонч бўлган шароитдагина ташкил топиши мумкин. Барча ўзини ўзи идора қилиш ташкилотлари ўз фаолияти юзасидан вақти-вақтида ҳисобот бериб туриши, сўз билан иш бирлиги сақланиши, ҳар ким ҳуқуқлари ва вазифаларини бажаришда ижтимоий рағбатлантирилиши эътиборда бўлиши керак.

Ўз-ўзини тарбиялаш сифатлари бола бунга тайёр бўлганда, у ўзини шахс деб англай бошлагач, амалий ишларда мустақиллик

кўрсата бошлаган вақтда пайдо бўлади. Ўз-ўзини тарбиялашда (ахлоқий, жисмоний, ҳиссий-иродавий ва интеллектуал) маслаҳат ва кўрсатмалар берилиши лозим. Бунда ўқувчиларни ўзларига, хатти-ҳаракатларига танқидий руҳда муносабатда бўлишга ўргатиш жуда муҳимдир. Ўқувчилар муайян вақтга белгиланган вазифаларни бажариш учун мажбурият оладилар ва уларни кун тартибига ёзиб қўядилар.

Шундан кейин вақт-вақти билан ўзлари ва ота-оналари олдида олган мажбуриятларини бажарилиши ҳақида ҳисобот берадилар. Бу эса уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришга, масъулиятларини ҳис этишларига ёрдам беради.

Ўз-ўзини таҳлил қилиш. Ўз шахсини, фазилатларини таҳлил қилишга, хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлашга ўргатади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун ўқувчи ўзининг юриш-туриши, интизоми, ижобий одатларининг ортиб бориши ва, аксинча, салбий одатларининг камайиб бориши ҳақида мунтазам равишда кундалигига ёзиб боради.

Ўз-ўзини баҳолаш. Ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиш зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин ўқувчини бунга етарли тайёрлаш мумкин. Шу боис ўқувчи иродали бўлиши, ўз бурчини тушуниши, таҳсил ва тарбия олиш учун сабаблар, мотивлар асос бўлиши, яъни таҳсил ва тарбияланишни хоҳлаши, ўзини ўртоқларининг, яқин кншилариининг кўзи билан кўриш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши лозим.

Ўз-ўзини баҳолаш ўқувчи учун ўзининг имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзидан қониқиш ҳосил қилишда ёрдам беради.

Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари. Ўқувчи болаларнинг ҳар бири ўсиб, улғайиб, камол топиб бораётганидан хурсанд бўлаётганини сезиши керак. Фақат шундагина бола ўзининг олға силжиб бораётгани кўра билади, ўз кучига ишонади. Уни ҳурмат қилишади, унга ишонишади, унга кулоқ солишади, у жамоага керак, у ўқитувчисини қизиқтиради. Бунга эришиш учун рағбатлантириш усулидан фойдаланиш лозим. Чунки рағбатлантириш болага ишонишга, унда бўлган ижобий қобилият ва фазилатларнинг кучини эътироф этишга асосланган. Рағбатлантириш ўқувчининг кўнглини кўтаради, қувонч келтиради, ўқувчини янада яхшироқ бўлишга интилишга ёрдам беради. Мактаблар тажрибасида рағбатлантиришнинг қуйидаги турлари қўлланади:

1. Ўқувчининг кучи етадиган, масъулиятли топшириқ бериш орқали болага ишонч билдириш; бунда ўқувчи ўз кадр-қиммати билан фахрланади.

2. Мақташ (ота-оналар, болалар жамоаси олдида).

3. Эсдалик совғаси бериш (китоб, ручка, ўқув асбоби ва бошқалар).

4. Мақтов ёрлиғи бериш.

5. Стипендия билан тақдирлаш.

6. Ҳурмат тахтасига фотосуратини қўйиш.

7. Қўллаб-қувватлаш.

8. Масъулият ва жамоанинг миннатдорчилиги.

9. Сафда биринчи ўринда туриш.

10. Мусобақаларда байроқ кўтариш.

11. Газетада, радиода эълон ва ҳ. к.

Ҳар қандай рағбатлантириш педагогик талабларни ҳисобга олган ҳолда қўлланиши лозим. Яъни, рағбатлантириш ҳақиқий хизматга мувофиқ бўлиши, кетма-кет бўлмаслиги, ҳаддан ошириб мақташ, бошқа ўқувчиларга таққослаб уларни камситишга йўл қўймаслик, рағбатлантиришга бўлган талабчанликни бўшаштирмаслик ва ҳоказо.

Жазолаш — бу тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо беришдир.

Жазо ҳам ўқувчининг ва бутун синф манфаати учун қўлланадиган охирги тарбия усули. Жазо чораларини қўллашда жисмоний жазо, уриш, калтаклаш мумкин эмас, болани кўрқитиш, ғазаблантириш ҳам яхши натижа бермайди, ўқувчи кўрққанидан ёлғон гапиришга ўрганади, иккиюзламачи бўлиб қолади. Мактабларда қўллаш мумкин бўлган жазо чораларига қуйидагилар киради:

Танбех бериш — энг енгил жазо чорасидир. Ўқитувчи болага юзма-юз туриб танбех беради, буни кундалигига ёзиб қўйиш мумкин.

Огоҳлантириш — номаъқул хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун қўлланилади.

Ҳайфсан бериш — агар танбех ва огоҳлантириш кутилган натижани бермаса, ўқувчи белгиланган интизомни бузаверса, ўқувчининг айби қай даражада ва унинг интизомини қандай шароитда бузганини эътиборга олиб унга ҳайфсан эълон қилиш мумкин.

Уялтириш. Одамнинг энг нозик сезгиларидан бири уят, ор-номус, шарм-хаёдир. Одатда, одамда иззат-нафс, одамийлик қанча кучли бўлса, аввало ўз-ўзини ҳурмат қилса, унда ор-номус, уят шунчалик кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу ҳисларни эҳтиёткорлик билан ўстириш лозим, лекин ҳадеб уялтиравериш ва қизартиравериш ярамайди, Бундан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага умид қилиш мумкин.

Жазо яхши ўйлаб қўлланиши лозим, қизиқ устида тинимсиз жазолаш ҳам мумкин эмас. Жазолар якка характерли, яъни битта бўлсин, ўқувчиларнинг айбига мос, мувофиқ бўлсин, тез-тез қўлланилмасин, жазоланувчи онгида жазони ҳаққоний эканлиги аниқ бўлсин ва улар ўз айбларини сезсинлар. Жамоада муҳокама қилиш ва жамоа томондан қўллаб-қувватланган жазо берилса, унинг таъсир кучи яна ошади. Барча ҳолларда ҳам жазо тарбияланувчининг жисмоний ва руҳий азоб-уқубатларга солмаслиги, уни таҳқирламаслиги, шаънини букмаслиги керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида таърифлаб берилган тарбиянинг умумий усуллари ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш соҳаларининг ҳаммасини қамрай олмайди.

Педагогика фани ва амалиёти ҳар доим ривожланиб боради, шунинг учун тарбия жараёни ҳам такомиллашиб бораверади.

Тарбиянинг муваффақиятли қўлланишига, бу восита мазкур синф жамоасининг тарбия тизимидан қанчалик ўрин олганига, қўлланилаётган тарбия воситалари ва усуллари қўйилган тарбия вазифалари ва мақсадларига қанчалик жавоб беришига боғлиқдир.

Назорат саволлари

1. Тарбия жараёни деганда нимани тушунасиш?
2. Тарбия жараёни таълим жараёнидан қандай фарқ қилади?
3. Тарбия тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб беринг.
4. Тарбия мазмуни ўз ичига нималарни қамраб олади?
5. Тарбиядаги ёндошувлар ҳақида фикр юритинг.
6. Тарбия назарияси деганда нимани тушунасиш?
7. Тарбия қоидалари деганда нимани тушунасиш?
8. Тарбиянинг қандай қоидаларини биласиз?
9. Тарбиянинг қандай усуллари мавжуд?
10. Халқ педагогикасида тарбия усуллари ҳақида қандай фикрлар мавжуд?
11. Фаолият жараёнида ижтимоий ҳулқ тажрибаларини шакллантиришнинг қандай усуллари биласиз?
12. Тарбияда рағбатлантириш ва жазолаш усуллари ҳақида фикр юритинг.

Тарбия структураси

Тарбия мақсади

Тарбия субъектлари ва объектлари

Уларнинг алоқадорлиги

Қонуниятлар

Мазмун

Тамойиллар



Шакллар


Методлар (усуллар)

Тарбия воситалари ва услублари

Тарбия натижаларини баҳолаш ва ўз-
ўзини баҳолаш

**Тарбия мақсади тарбия жараёнида энг муҳим элемент
ҳисобланади ва қуйидагиларни белгилайди**





Индивидуал тарбия усуллари

ишонтириш

машқ

илтимос

Тарбияловчи вазиятлар
яратиш

Ишонч
билдириш

Ҳиссий
таъсир

танқид

намуна

Мувафакқиятга эришиш
вазиятини яратиш

талаб

мусобақа

Жамоа усуллари

мажбурлаш

Мусобақа

Шахсни
фаоллаштириш
га хизмат
қилади

Жамоани
бирлаштиради

Юқори натижаларга
эришишни
таъминлайди

Жамоа фикри (тарбия
усули сифатида)
жамоани тарбияланувчи
хулқ-атвориға нисбатан
маълум бир муносабат
билдиришға ундайди ва
тарбияланувчи хулқ-
атворини ижобий
томонға ўзгартиришға
ёрдам беради

**Муваффақиятга
эришиш вазиятларини
яратиш** –
тарбияланувчини фао-
лият самарадорлигини
оширадиган,
тарбияланувчининг ўз-
ўзига берган баҳосини
кўтарадиган, ўз
имкониятларига ишонч
ҳиссини
шакллантирадиган
вазиятлар яратишдир

Х боб. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

- 10.1. Мустақил Ўзбекистонда таълим ва тарбия.
- 10.2. Кадрлар тайёрлаш миллий модели.
- 10.3. Таълимда узвийлик ва узлуксизлик тамойили.

10.1. Мустақил Ўзбекистонда таълим ва тарбия

«Фақатгина чинакам маърифатли одам, деб ёзади Ислон Каримов, - инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзликни англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўни эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин»².

Маълумки, мустақиллик баркамол инсон учун бебаҳо кадр-қимматимизни тиклаш, ўзлигини чуқурроқ англаш, унутилаётган маънавий-ахлоқий қадриятларимизни ҳаётга татбиқ этиш, шу юртнинг фуқароси эканлигидан фахрланиш, она тилининг соҳиби бўлиш каби бахтни ато этди. Мустақилликнинг мақсади, моҳияти ва вазифаларини ёшлар онгига сингдириш, комил инсонларни вояга етказишни талаб қилади.

Шунинг учун ҳам мустақиллик шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари каби таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ишлаб чиқиши бунинг исботидир.

Ислохотлар фақат ислохотлар учун ўтказилмаётгани табиий. Унинг асосий мақсадини эса Президентимиз айтганларидек лўнда қилиб ифода этиш мумкин: «бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак»³

Сўзимизнинг исботи сифатида ҳаттоки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг таълим олишларига алоҳида аҳамият берган. Унинг IX боб 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул таълим олиш давлат

² И. Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 5 бет.

³ Ўша китоб, 9 бет

томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир» — дейилган.

Ўзбекистон ёшларининг таълим олиш эркинлиги улардан келажакда илм ва маънавият муаммоларини ҳал қила оладиган илм соҳибларини етиштиришга хизмат қилади.

Республикамызда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг иккинчи таҳрири билан бирга Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳам биргаликда қабул қилиниши бежиз эмас.

Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос йўлини, яъни ўзбек моделини рўёбга чиқаришни асосий механизми бўлиб хизмат қилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўзининг илмий асосланганлиги, ноёблиги ва эртанги кунга — ХХІ асрга мўлжалланганлиги билан ҳаётимизда ўз ўрнини топди ва дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ғояси, мақсади, фикрлар қамрови теранлиги билан катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Мазкур дастур, уни рўёбга чиқариш омиллари жамиятда замонавий таълимнинг юксак кадриятларини англаб етиш ҳиссини юзага келтиради. Бу кадриятлар баркамол шахсни шакллантиришга, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ўз ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг талабларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиклол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Таълим тизимининг мақсади жамиятнинг ақлий куч-қудрати, илмий-ижодий имкониятларини оила, жамият ва давлат олдидаги ўз бурчини англаб етадиган ҳар томонлама баркамол шахсни етиштиришдир.

10.2. Кадрлар тайёрлаш миллий модели

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурият сезила бошлади. Бусиз жамиятимизнинг бирон-бир соҳасини ўзгартиришга киришиб бўлмас эди. Ислохотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

Президентимиз И. Каримов 1998 йил «Тафаккур» журналининг бош муҳарририга берган интервьюда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонуни амалга ошган тақдирдагина таълимнинг янги модели яратилиши мумкинлигини алоҳида уқтиради. Улар:

Биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимизда мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожияларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.

Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали аввало ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навнихол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Бу ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

Учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин ШАХСнинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади.

Тўртинчидан, таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шарот яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади ва ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодни аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахти-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен «портлаш эффекти» деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман.

Бешинчидан, биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умумбашарий қонуниятлари, инсониятнинг кўп йиллик ҳаётида синовлардан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар худди шу йўлни тақозо этади.

Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онги, тафаккури ҳар хил «изм»лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1. **Шахс**-кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

2. **Давлат ва жамият**-таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

3. **Узлуксиз таълим**-малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

4. **Фан**-юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

5. **Ишлаб чиқариш**-кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси ҳисобланади.

10.3. Таълимда узлуксизлик ва узвийлик тамойили

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг таълим тизими ҳам ўзига хос ривожланиш йўлига ўтди. Бу ўзига хослик бой миллий тарих, маданият, тил, юксак маънавий-ахлоқий мазмунга эга бўлган миллий кадриятлар, урф-одатлар асосида ҳамда дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг илғор жиҳатларига таянган ҳолда таълим тизимининг миллий моделини яратишдан иборатдир.

Республика Президенти И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қайд этиб ўтганидек: «...ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти

билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир»⁴.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлашнинг биринчи шarti – ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни тарбиялаш саналади. Мустақиллик йилларида ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таълим тизими ислоҳ қилиниб, ўзига хос узлуксиз таълим тизими яратилди. Мазкур тизимнинг асоси «...Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади»⁵.

Демак, узлуксиз таълим малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, Давлат таълим стандартлари, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Маълумки, Давлат таълим стандартларида узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир мустақил таълим тури бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлик ва узвийлик тамойилига асосан боғланиши кўзда тутилган. Шу ўринда ҳар бир таълим тури ва босқичи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, олдингисидан кейингисига ўтишда таълим жараёни самарали кечиши учун ўқитувчи ва ўқувчидан алоҳида тайёргарликларни талаб этиши аниқ. Бундай муаммолар асосан таълим турлари ўртасидаги таълим мазмуни ва жараёнини ташкил этишдаги узлуксизлик ва узвийлик масаласини ҳал этишда мавжуддир.

Ҳар бир таълим тури узлуксиз таълим тизимида ва шахснинг шаклланишида муҳим ўрин тутиб, ўқувчиларни ижтимоий ҳаёт ҳамда меҳнат фаолиятига тайёрлайди, шунингдек, навбатдаги таълим босқичида билим олишини давом эттириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришни таъминлайди.

⁴ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 5.

⁵ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 43.

Узлуксиз таълимнинг марказий ғояси — инсонни шахс сифатида унинг бутун ҳаёти давомида субъектив фаолияти ва муносабати ривожланиши ҳисобланади.

Узлуксиз таълим тамойилининг моҳияти — инсоннинг меҳнат ҳамда ижтимоий фаолиятга таянч тайёргарлиги ва унинг келгусидаги ривожини янада бир бутун таълим жараёнига сингдирилишида ўз аксини топади. Узлуксиз таълимга ўтилиши таълим соҳасидаги ривожланиш тенденциясини ифодалайди.

Педагогикада таълимнинг ижтимоий самарали назарий моделини тавсифлаш жараёнида узлуксизлик тамойили билан бир қаторда яна беш тамойил мавжуд. Булар интилувчанлик, режаланганлик, интегративлик, узвийлик ва мустақил таълимни ўз ичига олади.

Интилувчанлик тамойили таълим жараёнининг юксалиб боровчанлик табиатини назарда тутиб, инсоннинг бир ижтимоий фуқаролик ва касбий етуқлик босқичидан бошқасига, ундан ҳам юқорисига кетма-кет ўтишини таъминлашни назарда тутди. Бунда ўрганилаётган назарий билимлар, амалий кўникма ва малакаларнинг мураккаблиги кетма-кет ошиб боради деб фараз қилинади.

Узлуксиз таълимнинг иккинчи **режаланганлик тамойили** интилувчанликдаги ҳаракатни қатъий равишда назарий асослашни назарда тутди. Бу тамойилга амал қилиш аниқ башорат қилишни таъминлайди ва тасодиқийлик, тартибсизлик каби элементларни чиқариб ташлашга имконият туғдиради.

Таълим жараёнининг **интегративлик тамойили** таълим босқичларидаги умумий ва хусусий таълим-тарбия масалаларини оптимал тақсимлашни назарда тутди.

Узлуксизлик, интилувчанлик, режаланганлик ва интегративлик тамойиллари бажарилишининг етарли шарти **узвийлик тамойили** ҳисобланади. Узвийлик тамойили олдинги босқичларда эришилган билимлар натижаларидан кейинги босқичларда максимал фойдаланишни билдиради.

Манбаларда «узвийлик» тушунчасига турлича таъриф берилган. Узвийлик — таълим-тарбия жараёнини муайян кетма-кетлик асосида ташкил этилишини ифодаловчи муҳим сифат бўлиб, у маълум босқичда аввалги босқич ўқув фаолияти мазмунини ташкил этувчи билим, кўникма ва малакаларнинг мустаҳкамланиши, кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишини таъминлайди.

Узвийлик мураккаб ҳодиса бўлиб, фалсафий, педагогик ва психологик жиҳатларга эга. Жумладан, фалсафий жиҳатдан «узвийлик» категорияси «ривожланиш» категорияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг моҳияти «ҳаракат» категорияси билан солиштиришда аён бўлади. Узвийлик ривожланаётган барча ҳодиса, жараёнларга тааллуқли бўлган умумий ва муҳим алоқаларни акс эттиради ҳамда янгидан эскининг мавжудлигини аниқлайди.

Ривожланиш нуқтаи назаридан узвийлик ҳам сифат ўзгаришлари жараёни, ҳам янги сифатни ҳосил қилиш мақсадида бир даражадан иккинчи даражага ўтиш тарзида талқин этилади. Узвийлик олдинги босқичларда қўлга киритилган натижаларнинг ривожланишини назарда тутди. Маълумки, эски билан янги билим орасидаги узвий алоқалар диалектиканинг инкор этиш қонунидир. Унга кўра янги эскини бутунлай инкор этмасдан, унинг муҳим қисмларини ўз ичига қамраб олади, шунингдек, уни қўллаш соҳаларини аниқлайди ва эскини мумтоз ёки анъанавийга айлантиради.

Психологияда узвийлик мураккаб психологик ривожланиш қонуниятлари, ёш билан боғлиқ ўзгаришларни ўрганиш; билимларни босқичма-босқич ўзлаштириш; фаолиятнинг етакчи турлари ўзгариши доирасида кўриб чиқилади.

Педагогик жиҳатдан узвийлик қуйидагича изоҳланади:

1. Дидактик таълим (ўқув жараёнининг мазмуни, ташкилий шакл ва усуллари билан белгилаб берувчи асосий қоида сифатида).
2. Шароит (таълим жараёнини самарали ташкил этишга кўмаклашувчи ҳолатлар сифатида).
3. Ҳаракатга келтирувчи куч (таълим жараёнини амалга оширишга ёрдам берувчи омил).
4. Таълим, ривожланиш ва тарбия жараёнида мажбурий бажарилиши керак бўлган талаб сифатида.

Таълимда узвийлик икки хил турда қўлланилади. Биринчидан, таълим турлари (бўғинлари) орасидаги узвийлик. Бунда таълимнинг кейинги тури мазмуни аввалгисини қисман такрорлаб, мазмун жиҳатидан узвий боғланган ҳолда унинг кейинги таълим турларида давом этади. Иккинчидан, ўқув фанлари орасидаги узвийлик. Бу одатда фанларaro ёки предметларaro боғланиш орқали амалга оширилади.

Узвийлик тушунчаси узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир турида ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабларни характерлайди.

Узвийлик ўқув материалининг муайян кетма-кетликда, тизимли жойлаштирилиши, билимларни ўзлаштиришда мавжуд билимларга таяниш, ўқув материалининг маълум даражада навбатдаги босқичларда қўлланилиши, ўқув-тарбия жараёни босқичларининг давомийлигини англатади. Мазкур ҳодиса ўқув предмети материалларини жойлаштириш ҳамда ушбу предмет (фан) асосларини ўзлаштириш фаолияти турларининг самарали танланишига ёрдам беради. Бу жараёнда қуйидаги икки омил: *муайян фаннинг мазмуни, мантиқи* (ўқув предметида узвийликнинг мавжудлигини аниқловчи жиҳатлар - ўқув предмети мазмунини ташкил қилувчи тушунча, қонун ва далиллар, ўзаро органик боғланувчи аввал ва кейин ўзлаштирилган муайян соҳа билимлари моҳиятини маълум кетма-кетлик асосида аста-секин очиб берилишини таъминловчи ҳаракатлар) ҳамда *билимларини ўзлаштириш жараёнининг қонуниятлари* (дидактик жиҳатдан қайта ишланмаган муайян соҳа билимларининг ўқув предметига тўғридан-тўғри сингдирилишига йўл қўймайдиган ҳаракат, амал)ни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга.


Узвийлик таълим муассасаларининг ўқув режаларига хос бўлиб, ҳар бир таълим турида ўқувчиларнинг муайян даражада билим олишлари ва таълимнинг давомийлигини таъминлайди.

Узлуксиз таълимнинг бешинчи ***мустақил таълим тамойили*** таълим босқичлари ўртасидаги бўғин бўлиб, таълим жараёнида юз берадиган муқаррар «узилиш»ларни тўлдирувчи вазифани ўтайди.


Назорат саволлари

1. Мустақил Ўзбекистонда таълим ва тарбия жараёнлари қандай амалга оширилмоқда? Мисоллар келтиринг.
2. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳақида гапириб беринг.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий модели қандай компонентлардан иборат?
4. Республикамизда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг иккинчи таҳрири билан бирга Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳам биргаликда қабул қилиниши бежиз эмаслигини мисоллар ёрдамида исботланг.
5. Таълимда узлуксизлик ва узвийлик тамойилининг мазмун-моҳиятини очиб беринг.
6. Узлуксиз таълим тамойилларининг мазмун-моҳиятини очиб беринг.


Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик чизмаси



«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг моҳияти ва таркибий СТРУКТУРАСИ



ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ СТРУКТУРАСИ



Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., 2008.
2. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: - Т.: Шарқ, 1997.
3. Иванов П., Зуфарова М. Умумий психология. Дарслик. – Т., 2008
4. Боймуродов Н. Амалий психология. – Т., 2008.
5. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Маърузалар матни. – Т, 2005.
6. Каримова В.М. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.: Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 2002. – 205
7. Антипова И. и др. Психология. Учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по пед. специальностям. – М., 2005 – 591 с
8. Немов Р.С. Психология. В 3-х кн. – М., 2005.
9. Общая психология и психология личности / под ред. А.А. Реана. – М., 2009. – 639 с.
10. Ғозиев Э.Г. Психология (Ёш даврлари психологияси). - Т.:Ўқитувчи, 1995.
11. Андреева Г.А. Социальная психология. – Москва: издательство Мир, 1992
12. Каримова В.М. Тарғиботнинг психологик услублари. – Т.: Маънавият, 2000 – 16 б.
13. Абдуллаева Р.М., Рахмонов А. Шахсининг касбий фаолияти учун зарур бўлган психологик хусусиятларни аниқлаш усуллари. – Т, 2001
14. Нишонова З. Психологик хизмат. – Т., 2007.
15. Нишонова З. Экспериментал психология. – Т., 2007.
16. Абдуллаева Ш. ва бошқ. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2004.
17. Абдуллаева Ш., Холмаматова Л.А. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: ТАҚИ, 2005.
18. Очилов М. Олий мактаб педагогикаси. – Т., 2008.
19. Миркомиллов М. Педагогика назарияси. – Т., 2008.
20. Аскарлова О.М. Педагогика. – Т., 2008.
21. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс в 2-х кн. – М.: Владос, 1999.

22. Бордовская Н., Реан А. Педагогика. Учебное пособие: – Спб.: Питер, 2009– 304 с.
23. Пидкасистый П. Педагогика. Учебное пособие. – М., 2008 – 430 с.
24. www.psychology.all.ru

МУНДАРИЖА

Сўз боши

БИРИНЧИ БЎЛИМ. ПСИХОЛОГИЯ

I БОБ. Психологиянинг фан сифатидаги хусусиятлари

- 1.1. Психология фанининг объекти, предмети ва вазифалари.....
- 1.2. Психология фани ўрганаётган феноменларнинг мазмун-моҳияти.....
- 1.3. Психологиянинг илмий-тадқиқот методлари.....
- 1.4. Психологиянинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.....
- 1.5. Психология фанининг ривожланиши.....
- Назорат саволлари.....**

II БОБ. Психологиянинг асосий йўналишлари

- 2.1. Психологияда бихевиоризм тушунчаси.....
- 2.2. Психоанализ.....
- 2.3. Гештальтпсихология.....
- 2.4. Гуманистик психология.....
- 2.5. Когнитив психология ва бошқа йўналишлар.....
- Назорат саволлари.....**

III БОБ. Шахснинг психологик характеристикаси

- 3.1. Психологияда шахс тушунчаси.....
- 3.2. Шахс ҳақидаги назариялар.....
- 3.3. Шахс структураси.....
- 3.4. Шахс ижтимоийлашуви жараёнининг ўзига хос хусусиятлари.....
- Назорат саволлари.....**

IV БОБ. Гуруҳ (жамоа) психологияси. Гуруҳнинг ижтимоий-психологик характеристикаси

- 4.1. Катта ижтимоий гуруҳларда содир бўладиган психологик ҳодисалар.....
- 4.2. Кичик ижтимоий гуруҳларда содир бўладиган психологик ҳодисалар.....
- Назорат саволлари.....**

V БОБ. Жамоада инсонларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари ва хулқ-атвори

- 5.1. Инсонлар фаолиятининг мазмун-моҳияти, структураси ва ўзига хос хусиятлари.....
- 5.2. Инсонларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бир бирларини идрок этиши, ўзаро муносабатлари ва мулоқоти.....
- 5.3. Ижтимоий назорат жараёнларининг ижтимоий-психологик характеристикаси.....
- 5.4. Жамоада инсонлар муносабатлари ва хулқ-атворларига таъсир кўрсатиш.....
- Назорат саволлари.....**

ИККИНЧИ БЎЛИМ. ПЕДАГОГИКА

VI БОБ. Педагогиканинг фан сифатидаги хусусиятлари

- 6.1. Педагогика фанининг предмети, вазифалари ва методологик асослари.....
- 6.2. Педагогиканинг фан сифатидаги хусусиятлари.....
- 6.3. Педагогиканинг тарихий ривожланиши ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги.....
- Назорат саволлари.....**

VII БОБ. Педагогик ҳодиса ва жараёнларнинг умумий характеристикаси

- 7.1. Таълим, тарбия ва маълумот ижтимоий ҳодисалар сифатида.....
- 7.2. Педагогик жараён ва педагогик фаолият мазмуни ва моҳияти.....
- Назорат саволлари.....**

VIII БОБ. Таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятлари

- 8.1. Таълим жараёнининг мазмуни, ўқитиш қонуниятлари, таълимлари ва қоидалари.....
- 8.2. Таълим методларининг тавсифи.....
- Назорат саволлари.....**

IX БОБ. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари

- 9.1. Тарбия жараёнининг моҳияти, мазмуни ва турлари.....
- 9.2. Тарбия усулларининг умумий характериастикаси.....
- 9.3. Тарбия қоидалари.....

9.4. Тарбия усуллари.....	
Назорат саволлари.....	

**Х БОБ. Мустақил Ўзбекистонда узлуксиз таълим
жараёнининг мазмун-моҳияти**

10.1. Мустақил Ўзбекистонда таълим ва тарбия.....	
10.2. Кадрлар тайёрлаш миллий модели.....	
10.3. Таълимда узвийлик ва узлуксизлик тамойили.....	
Назорат саволлари.....	
Фойдаланилган адабиётлар.....	

АЛИЕВ ИСЛАМБЕК ТУРСИНБАЕВИЧ

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2012

Муҳаррир: Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов
Мусаввир: Ҳ.Ғуломов
Мусахҳиҳа: М.Ҳайитова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Нашр.лиц. АIN№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 14.05.2012 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 25,0. Нашр босма табағи 24,5
Тиражи Буюртма №**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» da chop etildi.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**



Педагогика фанлари номзоди Алиев Исламбек Турсинбаевич 1973 йили Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида хизматчи оиласида таваллуд топган.

И.Алиев 1998 йил Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини математика ва информатика факультетини ва 2004 йил Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг кундузги бўлим аспирантурасини тугатган. Ҳозирги кунда Тошкент архитектура қурилиш институтининг «Касбий педагогика» кафедрасида доцент лавозимида фаолият юритмоқда.

Муаллифнинг шу кунга қадар педагогика, психология, математикани ўқитиш методикаси ва касб таълими услубиётига оид 30 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалари ҳамда ўқув қўлланмалари республика ва хорижий давлатларда нашр қилинган.

Муаллиф 2009 йили Грециянинг «Антик дунё» халқаро академиясининг доктори унвонига сазовор бўлган.

Ушбу ўқув қўлланма ҳам муаллифнинг олий ўқув юртларида магистрларга дарс бериш жараёнида тўпланган кўп йиллик тажрибаси асосида ёзилган.